ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА

SamISI

“ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ”

халқаро илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(III-қисм)

(2021 йил 19-20 феврал)

Самарқанд - 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Г.Р.ДЕРЖАВИН НОМИДАГИ ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби”

«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»

халқаро илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(III қисм)

(2021 йил 19-20 февраль)

САМАРҚАНД – 2021

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА

“ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ”

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
международной научно-практической конференции

(часть 3)

(19-20 февраля 2021 г.)

ТАМБОВ – 2021

Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (III қисм). 2021 йил 19-20 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2021. – 256 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Нашр учун масъуллар:
М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Т.С.Шарипов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш истиқболларига оид масалалар ёритилган. Унда инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг назарий ва методологик муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг стратегик йўналишлари, аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва турмуш даражасини ошириш масалалари, туризм соҳаси самарадорлигини ошириш механизмлари, ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда менежмент, маркетинг ҳамда инвестицияларнинг ўрни, молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика фанларини такомиллаштириш масалалари, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021

I ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”

B.B.Bozorov – SamDU, Inson resurslarini boshqarish fakulteti dotsenti,
J.K.Boymurodov – SamDU assistenti

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA AGRAR SOHANI RIVOJLANTIRISH

Annotasiya: maqolada Raqamli iqtisodiyot sharoitida agrar sohada qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarishni rivojlantirish holati ko‘rib chiqilgan

Kalitli so‘zlar: Jamg‘arma, tabiiy-resurslar, tashkiliy-huquqiy asoslar, boshqaruv tizimi, innovatsion texnologiyalar, investetsiya

Аннотация: В статье рассматривается состояние развития сельскохозяйсственного производства в аграрном секторе в условиях цифровой экономики.

Ключевые слова: Фонд, природные ресурсы, низационно-правовые основы, система управления, инновационные технологии,вложение

Abstract: The article considers the state of development of agricultural production in the agricultural sector in the digital economy

Keywords: Fund, natural resources, organizational-legal framework,management system, innovative technologies, investment

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yilda mamlakatimizni rivojlantirishning eng muhim ustuvor vazifalari to‘g‘risida Oliy majlisga Murojatnomasida aytib o‘tilganidek; ”Qishloq xo‘jaligi sohasini boshqarish tizimini isloh qilish,yer va suv resuruslaridan oqilona foydalanish borasidagi ilg‘or texnologiyalarni joriy etish,oziq-ovqat xafsizligini ta’minlash eng muhim vazifalarimizdir”

2020-yil 30-dekabrdagi murojatnomasida “Qishloq xo‘jaligida bilim innovatsiyalar markazlari tashkil etilib, ularda “yagona darcha” tamoyili asosida 100 dan ortiq agro xizmatlar ko‘rsatish yo‘lga qo‘yiladi.Bu markazlar orqali yerning sifatini yaxshilash,kasalliklarga qarshi kurashish urug‘chiliklarni tanlash bilan bog‘liq muhim xizmatlar ko‘rsatiladi.

Qishloq xo‘jaligi, nafaqat iste’mol bozorini oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta’minlash,balki mamlakatimiz iqtisodiyotida o‘ziga xos salmoqli o‘rin tutadi.Shu bois mustaqillikning dastlabki yillaridan mamlakatimizda qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarish hajmini oshirishga katta e’tibor qaratib kelinmoqda.Jumladan,ekin maydonlari tarkibini optimallashtirish,zamonaviy texnologiyalarni ishlab chiqarishga jalb qilish,urug‘chilik va seleksiya ishlarini tubdan yaxshilash masalalariga yo‘naltirilgan keng qamrovli ishlar amalga oshirilmoqda.Bugungi kuning asosiy talabi qishloq xo‘jaligi mahsulotlari

hajmini ekin maydonlarini kengaytirish evaziga emas,balki ekinlar hosildorligi va chorva mollari mahsuldorligini ko‘paytirishdan iboratdir.

Mamlakatimiz iqtisodiy mustaqilligini ta’minlashda qishloq xo‘jaligi sohasidagi tashqi iqtisodiy faoliyat doirasida amalga oshirilayotgan ishlarning ko‘lami e’tiborga loyiqdir. Bugungi kuning talabi chet elga xom-ashyo emas, balki tayyor mahsulotlarni eksport qilishga qaratilgandir. Raqamlarga murojat etadigan bo‘lsak,2018-yilda mamlakatimiz qishloq xo‘jaligida yetishtirilgan jami 1230,6 ming mahsulotlarni 874,5 mln AQSh dollari miqdorida eksport qilindi.2018 yilda mamlakatimiz qishloq xo‘jaligida etishtirilgan jami 1230,6 ming tonnadan ziyod mahsulotlardan 874,5 mln. AQSh dollari miqdorida eqsport qilindi.2018 yilda meva-sabzavod mahsulotlarining eksporti hajmida 670,1 ming tonnadan ziyod sabzavotlar, 307,6 ming tonna meva va rezavorlar eksport qilingan bo‘lib, bu o‘tgan yilning mos davriga nisbatan jumladan uzum, poliz, dukkakli ekinlar, shuningdek, quritilgan sabzavot va mevalarning ulushi ortib bormoqda. Bu borada fermer xo‘jaliklarining o‘rni salmoqlidir .

Biz tahlil qilish jarayonida Samarqand viloyati aholini qishloq xo‘jaligi mahsulotlariga ehtiyojini qondirish maqsadida ishlab chiqarilgan mahsulotlar hajmi 2019-yil qishloq,o‘rmon va baliq xo‘jaliklari tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulotlar (ko‘rsatilgan xizmatlar) umumiy hajmi 30298.6 mlrd.so‘mni yoki 2018 yilning shu davriga nisbatan 102.2 foizni tashkil etadi

Mamlakatimiz Prezidenti Sh.Mirziyoyev takidlaganlaridek,” Qishloq xo‘jaligini isloh qilish va oziq-ovqat xavfsizligini taminlash masalalari, hech shubhasiz biz uchun eng muhim vazifalardan biri bo‘lib qoladi.Eng avalo, agrasanoat kompleksi va uning lokomotivi, yani harakatga keltiruvchi kuchi bo‘lgan ko‘p tarmoqli fermer xo‘jaliklariga izchil rivojlantirishga katta etibor qaratiladi”. Albatta, o‘z navbatida qishloq xo‘jaligi sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar negizida fermer xo‘jaliklari etishtirilayotgan mahsulot-lar eksporti, aholi bandligini taminlashdagi ishtirokini etirof etish lozimdir.

Yuqorida takidlab o‘tganimizdek, qishloq xo‘jaligi sohasi nafaqat aholini oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta’minlash, balki sanoat ishlab chiqarishning xom-ashyoga bo‘lgan talabni qondirishda ham muhim o‘rin tutadi. Shunday ekan, mazkur tarmoqni rivojlantirish uchun to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy hamda mahaliy investisiyalarni jalb qilishga qanday e’tibor berilayapti, degan savol barchamizni birdek qiziqtirishi tabiiy.

O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi huzurida qishloq xo‘jaligini rivojlantirish va oziq- ovqat ta’minoti jamg‘armasi faoliyat yurita boshladi. Oziq-ovqat muammosini hal etish faqat oziq- ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishni kengaytirish bilan emas , balki tabiiy resurslardan maqbul foydalanish, ekalogik muammolarni ham e’tiborga olish muhim hisoblanadi. O‘zbekistonda atrof-muhitni himoya qilish borasida ko‘p ish qilinmoqda. Ekologiya sohasida O‘zbekistonda hal etilishi lozim bo‘lgan milliy vazifalar va davlat dasturlari atrof muhiti hozirgi va kelajak avlod uchun muhofaza qilishga yo‘naltirilishini taminlash va tabiiy zaxiralarni asrab- avaylash jarayonini kuchaytirish, toza suvdan va sanitariya xizmatlaridan bahramand

bo‘ladigan shahar va qishloq aholisining ulushini ko‘paytirishdan iborat. Milliy chora -tadbirlar bilan birgalikda mamlakatimiz iqlimining o‘zgarishi, biologik rang-baranglik, atrof muhitni himoya qilish va yerlarning unumdorligi pasayishi bilan bog‘liq juda ko‘p xalqaro ekalogik loyihalarda ishtirok etmoqda va mamlakat doirasida ham keng ko‘lamli ishlarni amalga oshirib kelmoqda .

Oxirgi yillari mamlakatimizda qishloq va suv xo‘jaligini rivojlantirish uchun zarur iqtisodiy va tashkiliy-huquqiy asoslar yaratish bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar olib borilmoqda. 2017-2021yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustivor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasiga muvofiq O‘zbekiston Prezidentining 2018 yil fevraldagi “Qishloq va suv xo‘jaligi davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish bo‘yicha tashkiliy chora tadbirlar to‘g‘risida” gi PF-5330-son farmoniga muofiq O‘zbekiston Respuplikasi Qishloq va suv xo‘jaligi vazirligi negzida Qishloq xo‘jaligi vazirligi va Suv xo‘jaligi vazirligi tashkil etildi. Tarkibiy o‘zgarishlarni amalga oshirish va bozor munosabatlari mexanizmlari joriy qilishda fermer xo‘jaliklari uchun qo‘shimcha shart-sharoitlar yaratishga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Ma’lumki, “Qishloq va suv xo‘jaligi davlat boshqaruvi tizimining tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasining Prezidentining 2018-yil 17-aprel’ PF-5418 sonli farmonida qishloq va suv xo‘jaligi boshqaruvi sohasida uzoq vaqt davomida hal etilmasdan kelayotgan tizimli muammolarning mavjudligi va ularni hal etish masalalari ko‘rsatib o‘tilgan. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “ O‘zbekiston Respublikasi Suv xo‘jaligi vazirligi faolyaatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2018-yil 17-apreldagi PQ-3672-son qarori ijrosini ta’minlash maqsadida suv xo‘jaligi tizimiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya va innovatsion texnologiyalarni joriy etish bo‘yicha kompleks chora tadbirlar qabul qilindi.

2018-yil 31-oktyabrda qishloq xo‘jaligini kompleks rivojlantirish sohaga innovatsion texnologiyalarni keng joriy etish,mahsulotlar eksportini oshirish masalalariga bag‘ishlangan yig‘ilishda qishloq xo‘jaligida innovatsion texnologiyalar ilmiy ishlanmalar,ayniqsa,tomchilatib sug‘orish texnalogiyasini keng joriy qilish, 2019-2021-yillarda paxta to‘qimachilik klasterlari va fermerlar paxta maydonida tomchilatib sug‘orish texnologiyasini joriy qilish xo‘jaligi tarmoqlariga investisiyalarini,ayniqsa to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investisiyalarini jalb qilish zarurligi takidlandi.

O‘zbekiston Respublikasi oziq-ovqat xafsizligini ta’minlash sohasida davlat organlari,xo‘jalik boshqaruvi organlari va boshqa tashkilotlar faoliyatini muofiqlashtirish va takomillashtirish borasida; raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish orqali iqtisodiyot tarmoqlari eksport salohiyatini oshirish va xorijiy investisiyalar va beg‘araz texnik ko‘mak mablag‘larini (grantlar) jalb qilish ;qishloq xujaligi mahsulotlarni chuqur qayta ishlash , mamlakatni oziq-ovqat mahsulotlari narxlarining barqaror darajasini saqlab qolishga yo‘naltirilgan kompleks maqsadli, tarmoq va hududiy dasturlarini ishlab chiqish ta’kidlab o‘tilgan.

Mamlakatimizda so‘nggi yillarda tashqi iqtisodiy faoliyati tarkibini tahlili

shuni ko‘rsatadiki, respublika eksportida asosiy salmog‘i xom- ashyo va materiallar, jumladan, energiya resurslari, qora va rangli metallar, paxta tolasi, mineral o‘g‘itlar tashkil etadi. Import tarkibida esa, oziq-ovqat va ularning ishlab chiqarish uchun zarur bo‘lgan xom- ashyolar salmoqli o‘rinni egallaydi.Agrar soxada olib borilgan islohatlarda mamlakatimizda 2019-yilda qo‘yilgan ustivor vazifalarini bajarishda “Qishloq xo‘jaligi sohasini boshqarish tizimini isloh qilish, yer va suv resurslaridan oqilona foydalanish borasidagi ilg‘or texnologiyalarini qo‘llash. Qishloq xo‘jaligida keyingi yillarda klaster usulida paxta yetishtirishni kamida 52 foizga yetkazish uchun 48 ta paxta to‘qimachiligi klasterini tashkil etish to‘g‘risida qaror qabul qilindi. Shu bilan birga g‘alla va meva-sabzavot klasterlari faoliyatini har tomonlama rivojlantirish kerakligiga alohida e’tibor qaratilib o‘tildi”.

Respublika tarkibida xom-ashyolar, import tarkibida esa oziq -ovqat maxsulotlari katta salmoqni egallab kelmoqda. Respublikaning iqtisodiy mustaqilligini to‘la ta’minlashni bu tarkibdagi tashki iqtisodiy faoliyat doirasida amalga oshirish juda murakkab ish xisoblanadi. Respublikaning barcha imkoniyatlari chet elga xom-ashyo emas, balki tayyor maxsulotlarni eksport qilishga zamin yaratadi. Shuning uchun ham bugungi kunda qayta ishlovchi sanoat barpo etilmoqda va rivojlantirilmoqda. Bu, albatta, o‘z navbatida, yirik miqdordagi investisiyalarni talab etmoqda .

Shu jumladan dehqonchilik va chorvachilik,ovchilik va bu sohalarda (ko‘rsatilgan xizmatlar) hajmi 29392,0 mlrd so‘mni (113,8 foiz) o‘rmonchilik xo‘jaliklarida 832.4 mlrd.so‘mni (101.9 foiz), baliqchilik xo‘jaliklarida 74,2 mlrd.so‘mni(167.2 foiz) tashkil qildi.

Shuni aytish mumkinki keyingi yillarda hukumatimiz tomonidan qishloq xo‘jaligi sohasida chiqarilayotgan qarorlar xorijiy investisiyalarni ro‘yxatdan o‘tkazishni yengillashtirishga qaratilmoqda.

Н.Б.Улуғмурадова – СамДУ катта ўқитувчиси, PhD,
Ш.С.Болтаев – СамДУ, 1-курс магистранти,
Ф.Р.Супонов – СамДУ, 2-курс магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АГРОР СОҲА РОЛИНИ ОШИРИШ

Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида таъминлашда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолати ўрганилган.

Калит сўзлар: ислоҳатлар, тамойиллар, жадаллаштириш, умумий ҳажми ишчиларни ёллаш.

Аннотация: в статье исследуется состояние сельскохозяйственного производства в условиях цифровая экономики.

Ключевые слова: реформы, принципы, ускорение, развертывание всего объема работников.

Abstract: In this article examines the state of agricultural production in the digital economy.

Keywords: reforms, principles, acceleration, deployment of the entire workforce

Агрор сохада иқтисодий ислоҳатларни янада чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бозор тамойиллари шаклланмоқда, қишлоқ хўжалигида ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, бошқариш тизимида бозор механизмининг шаклланиши, экинлар структурасининг бозор талабларига мос холда жойлаштириш механизмини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етказиб берувчи, хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар билан муносабатларни ўзаро шартномавий муносабатлар асосида шакллантириш жараёнлари тобора такомиллашмоқда.

Дунё аҳолисининг ўсиб бориш тендицияси кўзатилаётган бир пайтида, уларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро ташкилотлар (ФАО бутун жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва б) шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳатлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Келгусида бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш аҳолининг барча қатламларини шартли, арзон ва етарли даражада озиқ-овқат товарлари билан таъминлашга олиб келади.

Бу борада мамлакатимиз миқёсида ўтган йиллар мобайнида паст рентабелли ва истиқболсиз деб топилган ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнига фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки қишлоқ хўжалигининг энг муҳим вазифаларидан бири мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қайта ишлаш саноат корхоналарининг хомашёга бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Бу вазифани амалга ошириш қишлоқ хўжалигида фан техника тараққиётини жадаллаштириш, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, мулкчилик ва хўжалик юритишининг турли шаклларини ривожлантириш, чекланган ресурслар шароитида моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ҳамда истеъмол қилиш жараёнини мукаммал йўлга қўйиш орқали таъминланади.

Қишлоқ хўжалиги тармоғи мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлик, кимё саноат каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ишлар натижасида 2020 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси асосида дасстурда 370047 та иш ўрнида 388531 та ёки 105,0 ижараси бажарилди.


Мустақиллик йилларида Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-

йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳатлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак мамалакатимизда 2010 йилда хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 30866,7 млрд сўмни ва 2019 йилнинг шу даврига 216283.1 млрд. сўмни, йил январ-сентябр ойларида 173987,5 млрд.сўмни ташкил этди.

Бу кўрсаткич 2020 йилнинг январ-сентябр ойига келиб дехқрнчилик маҳсулотлари 104,3 фоиз, чорвачилик эса 102,3 фоизни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 18119,0 млрд. сўмни (2010 йил январ-декабрига нисбатан 105,9 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 12737,7 млрд. сўм (2010 йил январ-декабрига нисбатан 106,9 фоиз) ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 58,7 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари 41,3 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 28379,5 млрд. сўмни 2019 йилнинг январ декабрига нисбатан 103,0 фоизни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида.

Маълумки, жамият ишлаб чиқариш кучлари асосини малакали ишчи кучи ташкил этади. Малакали ишчи кучи аҳамияти мураккаб техникалар ишлаб чиқаришга жорий этилаётган ҳозирги даврда янада ортиб бормоқда. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнига нафақат компьютер технологияларижорий этилиши, балки, мураккаб, юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаларини ҳам тракторчилар эмас, операторлар бошқараётганлиги ишчи кучи сифатини оширишга бўлган эҳтиёжни кучайтирмоқда.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъекти сифатида фермер хўжаликлари ривожланиб бораётганлиги, кимга иш бериш ва қандай мутахассисни ёллаш масаласини фермернинг ўзи ҳал этаётганлиги эркин қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланишида асосий нуқта бўлиб хизмат қилади. Рақобатли меҳнат бозорида иш ўринлари учун кураш ишчидан ўз устида ишлашни, малакасини ошириб боришни, меҳнат интизомига риоя этишни заруратга айлантиради. Бу борада мавжуд қонунларнинг фермер хўжаликларига ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланишга рухсат бериши катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунда фермер хўжалиги раҳбари (иш берувчи) ёлланма ишчига меҳнат қонунлари асосида кафолатланган иш ҳақи тўлаши билан биргаликда, унинг ижтимоий муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шароити яратишга маъсул ҳисобланади.

Аксарият ҳолларда фермер хўжаликларида Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат Кодекси” талаблари асосида ишловчилар (аъзолар ва шунингдек, ёлланма ишчилар) билан меҳнат шартномалари тўлиқ тузилмасидан юритилиши;

- фермер хўжаликларда ишловчиларга меҳнат дафтарчалари тегишли тарзда расмийлаштирилмаслиги;

- ёлланма ишчиларни тегишли тарзда расмийлаштирган ҳолда (бўйруқлар асосида) ишга қабул қилинмасдан ишлатиш;

- фермер хўжаликларда ишловчиларга иш ҳақлари белгиланган тарзда хўжалик бухгалтерияси орқали ҳисобланмасдан нақд пул билан берилиши, фермер учун ва шунингдек, ёлланма ишчилар учун қулай бўлсада, хўжаликда ишловчиларнинг ижтимоий ҳимояси, пенсия жамғармаларига бадал ўтказиш масалалари ҳал этилмасдан қолиши бу хўжаликларда ишловчилар учун салбий оқибатларга олиб келади.

Бундай вазиятларнинг пайдо бўлишида кўп ҳолларда нафақат ёлланма ишчиларнинг “Меҳнат Кодекси” талабларини билмаслиги, балки фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳам ушбу масалага лоқайдлиги натижаси сифатида қараш мумкин.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этишда бизнинг фикримизча, қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- фермер хўжаликлари раҳбарларининг доимий равишда жойларда ташкил этилган ҳудудий семинарлар орқали мунтазам ўқишини ташкил этиш;

- ўқув семинарлар якунлари бўйича сертификатлар, гувоҳномалар

берилишини ташкил этиш ва ушбу гувоҳномалар мавжудлигини жойлардаги меҳнат бўлимлари томонидан ташкил этилиши;

- хорижий мамлакатларга фермер хўжаликлари раҳбарларини амалиёт ўташ ва тажрибалар ўрганиш орқали жўнатишда манфаатдор ташкилотлар ва хорижий жамғармалар маблағларини жалб этиш.

Қишлоқ хўжалиги мутахассислари, тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг билимини ва касбий малакасини ошириш асосан касб-ҳунар коллежлари, бизнес мактаблари, ҳалқаро грантлар ва хўжалик ҳисобида фаолият юритаётган "Фермерларни ўқитиш ва малакасини ошириш марказларида амалга оширилиши мунтазам йўлга қўйилиши лозим. Айниқса, истиқболда фермер хўжаликлари учун меҳнат муҳофазаси инженерлари, ижтимоий муҳофаза йўналиши мутахассислари, ҳуқуқшунослар, агромаркетинг, маҳсулот сифати бўйича йўналишларда мутахассислар тайёрлаш, малакасини ошириш, мунтазам ўқитиш ишларини йўлга қўйиш меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда муҳим йўналиш ҳисобланади.

S.I.Xudoyberdiyev – SamISI, "Oliy matematika" kafedrasi assistenti

FIRMALARNING ISHLAB CHIQARISH FAOLIYATINI OPTIMALLASHTIRISH MODELI

Annotatsiya: Ushbu maqolada firmalarning ishlab chiqarish faoliyatini optimallashtirishga doir masalani matematik modeli tuzilib va tahlil etildi. Firmalardan foydani maksimallashtirish mezoni va Kun-Takker usulini qo'llab ishlab chiqarish faoliyati optimallashtirildi.

Kalit so'zlar: matematik usullar, maqsad funksiya, ishlab chiqarish firmasi, ishlab chiqarish resurslari, izokosta, izokvanta, harajatlar, daromadlar, foydani maksimallashtirish va harajatlarni minimallashtirish, neoklassik funksiya, optimal nuqta, elastiklik koeffitsiyenti.

Аннотация: В статье разрабатывается и анализируется математическая модель задачи оптимизации производственной деятельности фирм. Критерии производства были оптимизированы с использованием критериев максимизации прибыли фирм и метода Кун-Таккера.

Ключевые слова: математические методы, целевая функция, производственная фирма, производственные ресурсы, изокост, изокант, стоимость, выручка, классификация, неоклассическая классификация.

Abstract: The article develops and analyzes a mathematical model of the problem of optimizing the production activities of firms. Production criteria were optimized using firm profit maximization criteria and the Kuhn-Tucker method.

Keywords: mathematical methods, objective function, manufacturing firm, production resources, isocost, isocant, cost, revenue, classification, neoclassical classification.

Matematik usullarni keng qo'llash iqtisodiy tahlilni takomillashtirishning muhim yo'nalishi bo'lib firma, korxona va uning bo'limlarini tahlil qilish

samarasini oshiradi. Bu esa tahlil muddatini qisqartirish, barcha omillarni hisobga olish, xatosiz hisob-kitoblar yuritish imkonini yaratadi. Bundan tashqari bu usullar asosida bir necha mezonlar bo‘yicha optimal yechimlar topish mumkin.

Ishlab chiqarish firmasi bir xil yoki doimiy strukturadagi bir necha xil mahsulot ishlab chiqarmokda deb qaraymiz. Unda firmaning tovar mahsuloti X deb belgilaymiz.

Mahsulot ishlab chiqarish uchun firma jonli mehnat L (yillik ishchilar soni) vositalari K (asosiy ishlab chiqarish fondlari) va buyumlashgan mehnat va mehnat buyumlari M (ishlatiladigan yillik yoqilg‘i, xom-ashyo, materiallar, jixozlar).

Har bir agregatlashgan resurs turlari bir necha xillarga ajraladi. Vektor-ustun $x=(x_1,...,x_n)$ bilan resurslar sarfini belgilaymiz. Unda firmaning texnologiyasi resurslar sarfi va mahsulot miqdorining bog‘liqligini ifodalovchi ishlab chiqarish funksiyasi bilan tasvirlanadi:

$$X = F(x) \tag{1}$$

$F(x)$ ikki marta differensialini topish mumkin bo‘lgan uzluksiz, neoklassik funksiya deb qabul qilinadi va uning ikkinchi hosilasi matritsasi manfiy.

Agar mahsulot bahosi r va j resurs birligining bahosi -w=1,...n, bo‘lsa harajatlar vektori quyidagicha yoziladi va foyda topiladi.

$$P(x) = p\,F(x) - wx \tag{2}$$

bunda: $w = (w_1, w_2, ..., w_n)$ - resurslar bahosi vektor-qatori.

Resurslar bahosi tabiiy va aniq mazmunga ega agar x_j-muayyan malakadagi ishchilarning o‘rtacha yillik soni, va w_j-bir kishiga to‘g‘ri keladigan yillik ish xaqi; agar x_j -sotib olingan materiallar, unda w_j - ushbu materialning sotib olish bahosi. Agar x_j -ishlab chiqarish fondlari, unda w_j - fondlarning yillik ijara summasi yoki fondlarni ta’mirlash harajati.

Bunda $R=pX=pF(x)$- firmaning yillik mahsuloti yoki yillik daromadi $C=wx$- ishlab chiqarish harajatlari yoki resurslarning yillik sarfi.

Jalb etiladigan resurslar hajmiga boshqa omillar ta’sir etmasa, foydani maksimallashtirish quyidagicha yoziladi:

$$\max_{\{x\geq 0\}}[pF(x) - wx] \tag{3}$$

Bu chiziqsiz masala bo‘lib n-manfiy bo‘lmagan yechimlarga ega: $x\geq 0$, masalani yechish uchun Kun-Takker sharti qo‘llaniladi:

$$\begin{aligned} &\frac{\partial n}{\partial x} = p\frac{\partial F}{\partial x} - w \leq 0 \\ &\frac{\partial n}{\partial x}x = \left(p\frac{\partial F}{\partial x} - w\right)\cdot x = 0 \end{aligned} \tag{4}$$

Agar optimal yechimda resurslar ishlatilsa $x^*>0$, unda (4) shart quyidagicha yoziladi:

$$p\frac{\partial F(x^*)}{\partial x} = w \tag{5}$$

yoki $$p\frac{\partial F(x^*)}{\partial x_j} = w_j, \qquad j = 1,2,...,n$$

optimal nuqtada resurs birligiga to‘g‘ri keladigan so‘nggi mahsulot bahoga teng bo‘ladi.

Ishlab chiqarish harajatlari o‘zgarmagan holda mahsulot miqdorini maksimallashtirish quyidagicha yoziladi:

$$\max F(x) \qquad wx \le C, \qquad x \ge 0 \tag{6}$$

Bu masala chiziqsiz dasturlashning bir chiziqli chekligi bor o‘zgaruvchilar masalasidir. Nazariyaga amal qilgan holda Lagranjning funksiyasini tuzamiz:

$$L(x,\lambda) = F(x) + \lambda(C - wx)$$

Keyinchalik o‘zgaruvchilar manfiy bo‘lmagan holda maksimal qiymatni topamiz. Buning uchun Kun-Takker shartini bajaramiz.

$$\begin{gathered} \frac{\partial F}{\partial x} - \lambda w \le 0 \\ \left\{\frac{\partial F}{\partial x} - \lambda w\right\} \cdot x = 0, \quad x \ge 0 \end{gathered} \tag{7}$$

Ko‘rinishicha (7) shart (4) shart bilan mos keladi. Agar $\lambda = 1/p$

Bir xil mahsulot ishlab chiqaruvchi firmaning Kobb-Duglas funksiyasi. Fondlarni ijarasi va ish haqi uchun 150 ming so‘m ajratilgan bo‘lsa mahsulot miqdorini maksimallashtiring (fondlar birligi ijarasi w_K =5000 ish xaqi w_K =10000)

$$X = F(K,L) = 3 \cdot K^{2/3} \cdot L^{1/3}$$

Optimal nuqtada fond va ish kuchining so‘nggi almashinuv chegarasini toping.

Ma’lumki $F(0, L)=F(K, 0)$, demak optimal yechimda $K^*>0$, $L^*>0$ Shuning uchun (7) shart quyidagicha bo‘ladi:

$$\frac{\partial F}{\partial K} = \lambda w_K, \qquad \frac{\partial F}{\partial L} = \lambda w_L \tag{8}$$

yoki bizning misolimizda

$$\frac{2}{3} \cdot \frac{F(K^*,L^*)}{K^*} = \lambda w_K, \quad \frac{1}{3} \cdot \frac{F(K^*,L^*)}{L^*} = \lambda w_L$$


Birinchi tenglamani ikkinchiga bo‘lib, topamiz:

$$\frac{2L^*}{K^*} = \frac{w_K}{w_L}$$

Uni quyidagi shartga quyib $w_K K^* + w_L L^* = 150$, topamiz:

$$K^* = \frac{2}{3} \cdot \frac{150}{w_K} = 20, \qquad L^* = 5$$

Yechimni geometrik tarzda ifodalash mumkin. 1-chizmada izokosta chizig‘i (S=50,100,150 lar uchun doimiy harajatlar chizig‘i) va izokvantalar (doimiy X=25,2; 37,8 yalpi mahsulotlar chizig‘i).



1-chizma.

Izokostalar quyidagi tenglama bilan yoziladi:

$$5K+10L=C=const$$

Izokvantalar quyidagi tenglamalar bilan izohlanadi:

$$3K^{2/3}L^{1/3}=X=const$$

Optimal nuqtada K*=20, L*=5 izokvanta X*=37.8 va izokosta S=150, ularning gradiyentlari $\left(\frac{\partial F}{\partial K},\frac{\partial F}{\partial L}\right)$, (w_K, w_L) kollinearlar.

Optimal nuqtada fond va mehnat almashuvi

$$S_K=\frac{\partial F/\partial L}{\partial F/\partial K}=\frac{1-L\cdot K^*}{\alpha\cdot L^*}=\frac{1}{2}\cdot\frac{20}{5}=2$$

demak bir ishchi ikki birlik fondlar bilan almashtirilishi mumkin. Firmaning foydasini maksimallashtirish masalasi yechib resurslar talabini x*>0 topamiz. Bunga mos keladigan harajatlar *C*=wx**. Endi harajatlar o‘zgarmagan holda mahsulot ishlab chiqarishni topamiz. Yuqoridagi neoklassik ishlab chiqarish funksiyasida optimal yechim *x*>0, yagona yechimdir.

Demak

$$\frac{\partial F(x^*)}{\partial x}=\frac{1}{p}w,\qquad wx^*=C^*,\qquad n(x^*)\geq n(\bar{x}^*)$$

yoki

$$\frac{\partial F(\bar{x}^*)}{\partial x}=\lambda w,\qquad w\bar{x}^*=C^*,\qquad F(\bar{x}^*)\geq F(x^*)$$

Agar foyda maksimumi masalasi yagona yechimga ega ekan *x*>0, va bunga mos ravishda harajatlar berilgan *C*=wx**, taqdirdagi mahsulot miqdorini maksimallashtirish masalasi to'g'ri keladi.

Ushbu maqolada firmaning ishlab chiqarish faoliyatini optimallashtirish modeli tuzildi va ishlab chiqarish funksiyasining optimal yechimi topildi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Кремер Н.Ш. Эконометрика: Учебник. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002.
2. Монахов А.В. Математические методы анализа экономики. Учебное пособие. Санкт-Петербург, 2002.
3. Экономико-математические методы и прикладные модели. Учебное пособие. / Под ред. В. В. Федосеева.. -М.: ЮНИТИ, 2002.

II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
З. А.Орзуқулова – СамДУ таянч докторанти

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИНИНГ МОХИЯТИ, АҲАМИЯТИ ВА УЛАРНИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРАТЛАРИ

Аннотация: мақолада транспорт - логистика хизматларининг мохияти аҳамияти очиб берилган, шунингдек ушбу хизматларнинг республикамизда ривожлантириш заруратлари асослаб берилган.

Калит сўзлар: транспорт-логистика хизматлари, логистика марказлари, транспорт инфратузилмаси

Аннотация: В статье раскрыть сущность и значение транспортно-логистических услуг, а также обоснована необходимость развития этих услуг в нашей республике.

Ключевые слова: транспортно-логистические услуги, логистические центры, транспортная инфраструктура.

Abstract: The article explains the importance of transport and logistics services, as well as the need for the development of these services in the country.

Keywords: transport and logistics services, logistics centers, transport infrastructure.

Фан техника тараққиёти самараси ўлароқ бутун дунёда хизматлар бозорининг тўхтовсиз кенгайиб бораётганини кўришимиз мумкин. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг етакчи бўғин бўлиб хизмат қилиши бу соҳа ривожига улкан эътибор қаратиш зарурлигини англатади. Бундай хизматлар орасида айнан транспорт-логистика хизматларини ривожлантириш зарурияти ниҳояда катта. Мазкур фикрнинг асосли эканлиги бевосита бутун дунё ахлини ларзага солган пандемия давридаги ҳолатда хам ўз исботини топди.

Кучли карантин чоралари хукм сурган даврда истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш, аҳолининг турли қатламларига моддий кўмак бериш умуман олганда ишлаб чиқариш, айрибошлаш ва тақсимот жараёнлари айнан, айтиш жоизки, фақат транспорт-логистика хизматлари орқали амалга оширилди. Бу, ўз навбатида, мамлакатда маълум бир меҳнатга лайоқатли аҳолини иш билан таъминлашга ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга мазкур соҳада оқсаётган нуқталаримизни ҳам очиб берди.

Транспорт-логистика хизматлари узоқ тарихга эга бўлиб, Рим империяси даврида мавжуд бўлган логистика тизимининг моҳияти йиллар

давомида ўзгаришларга учраб, бугунги кунда қуйидагича тарифга эга бўлди: **Транспорт-логистика хизматлари** деганда юкларни (йўловчиларни) ташиш, уларни юклаш-тушириш, ҳужжатларни расмийлаштириш, оптимал маршрутни белгилаш, қулай транспорт турини танлаш, истъемолчиларни маслаҳат ва тавсиялар билан қўллаб-қувватлаб туриш каби хизматлар мажмуаси тушунилади[1]. Бу Рим империясида мавжуд бўлган худудлар бўйлаб озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини яратиш ва тақсимлаш деб қаралган тушунчага нисбатан анча кенг қамровга эга.

Иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш,тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол жараёнларининг ҳар бири алоҳида қаралганда ҳам ўзаро боғлиқликда қаралганида ҳам етказиб бериш, сақлаш билан боғлиқ жараёнларсиз амалга оширилмаслигини кўриш мумкин. Шундай экан, транспорт-логистика хизматлари ҳар қандай иқтисодий тизимда мавжуд бўлишини табиий деб ҳисоблаш мумкин. Албатта, бу хизматлар хар бир иқтисодий тизимда турли даражада ривожланган бўлади ҳамда ўз афзалликлари ва камчиликларига эга бўлади.

Транспорт-логистика хизматларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва зарурияти сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- транспорт-логистика хизматлари бозори инфраструктураси яратилиши ва ривожланиши натижасида худудларнинг ижтмиоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ошади. Логистик марказлар, юкларни сақлаш учун омборлар, автотураргоҳлар кабиларнинг қурилиши худуд қиёфасини ижобий ўзгартиради;
- мазкур худудларда янги иш ўринлари яратилади. Марказларда ва омборларда юкларни тушуриш-ортиш, сақлаш, транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш соҳаларида иш ўринлари яратилади, мавжудлари кенгайтирилади;
- оптимал транспорт турини танлаш, мултимодал транспортдан самарали фойдаланиш, худуднинг географик жойлашувини инобатга олиш кабилар билан боғлиқ алоҳида билим ва малака талаб этадиган юқори мутахассислар тайерлаш учун ОТМ ларига буюртмалар бериш орқали ижтмоий соҳага хам таъсир кўрсатади;
- транспорт тизимидаги оғриқли нуқта бўлиб турган узоқ манзилларни боғловчи автомагистраллар, кўприклар, темирйўллар қабиларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига яхшилаш имкониятини яратади.
- сиёсий жиҳатдан қўшни ва қўшни бўлмаган давлатлар билан узоқ муддатли хамкорлик алоқаларини мустахкамлашга хизмат қилади.

Транспорт-логистика хизматлари соҳасини ривожлантириш учун хар бир тараққий этган мамлакатда бўлгани каби бизнинг республикамизда ҳам қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу энг аввало мазкур соҳа истиқболини таъминлаш учун қонуний асосни яратилишида кўзга ташланади.

[1] https://www.rusmarine.ru/

Ташқи савдо транспорт йўлакларини янада диверсификациялаш учун қўшимча қулай шарт-шароитларни яратиш, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини ошириш, шунингдек, маҳаллий транспорт-логистика компанияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ташқи ва ички бозорлардаги рақобатдошлигини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.12.2017 йилда “2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3422-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази фаолиятини ташкил этилиши ва унинг вазифалари белгилаб берилиши кабилар шулар жумласидандир.

Тарихан Буюк Ипак йўли чоррахасидан жойлашган мамлакатимиз бугунги кунда хам ўзининг кўлай географик жойлашуви ва бой минерал хом ашёлари билан бугунги кунда хам дунё мамлакатлари эътиборини ўзига жалб этмоқда. Марказий Осиёда қоқ марказида жойлашганлигини устунлик сифатида қарасак, энг арзон транспорт тури ҳисобланган денгиз транспортидан фойдаланиш учун икки мамлакат худудидан ўтишга мажбурлигини камчилик деб қараш мумкин. Мавжуд имкониятдан самарали фойдаланиш орқали бу камчиликни бартараф этиш мумкин.

Хозирга қадар мамлакатимизда мазкур соҳа ривожига қаратилган қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

- автомобилларда халқаро юк ташишни амалга ошираётган миллий автотранспорт корхоналари ва транспорт-логистика компанияларини ривожлантириш мақсадида уларга 2022 йилнинг 1 январига қадар бир қатор солиқ имтиёзлари тақдим этилган;
- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, транспорт-логистика хизматлари кўрсатишга мўлжалланган, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган омборхона ускуналари, юк ортиш-тушириш техникаси, агрегатлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа товарлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинган;
- халқаро йўналишларда юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган автотранспорт корхоналарига шаҳарлараро йўналишларда юк ташишни амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

Яратилган имкониятлар ва берилаётган имтиёзлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Аммо бу соҳада мавжуд муаммоларнинг тўла бартараф этилганлигини англатмайди. Транспорт-логистика хизматларини ривожлантириш зарурияти ҳамон долзарб масала ҳисобланади.

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти эксперти Васила Ярашова томонидан олиб борилган Ўзбекистонда транспорт сектори ривожланиши динамикаси бўйича тадқиқот натижаларига кўра, 2020 йилда мамлакат ЯИМнинг, экспорт ва импортнинг барқарор ўсишига, қарамасдан транспорт секторига киритилган инвестицияларнинг

ЯИМдаги улуши камайган. Бу эса у навбатида транспорт соҳаси ривожига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди[1].

Мамлакатимизда транспорт –логистика хизматларини ривожлантириш зарурияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

- айни пайтда республикамизнинг 10 минтақасида ташкил этилган 14 та эркин иқтисодий зоналарда юзага келадиган божхона, транспорт – экспедиторлик, омборхона ва информацион логистика соҳасида тўлиқ комплекс хизматларини кўрсатишга оид юзага келаётган талабларга нисбатан мутаносиб равишда транспорт-логистика марказлари (таклиф) ташкил этилмаган;
- транспорт-логистикаси соҳасида “аниқ вақт” ва “эшикдан эшиккача” принцип асосида ишловчи, божхона, транспорт – экспедиторлик, омборхона ва информацион логистика соҳасида тўлиқ комплекс хизматларини кўрсатиш имкониятларига эга транспорт-логистика марказларини ташкил этишнинг аниқ ҳуқуқий механизми ва фаолиятни тўғридан тўғри тартибга солувчи қонун ёки қонуности ҳужжатларнинг ягона баъзаси шакллантирилмаган;
- транспорт-логистика соҳасида халқаро ва маҳаллий логистика корхоналари халқаро ташкилотлар билан чуқур интеграциялашмаган;
- ривожланган мамлакатлар тажрибасини кўллашдаги тўсиқлар ва бошқалар;

Юқорида айтиб ўтилган фикрларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётида транспорт-логистика хизматларининг ўрни катта ва истиқболи иқтисодиётимизни янги марралар сари етаклашга қодир. Бунинг учун транспорт-логистика хизматлари бозорини янада кенгайтириш, инфратстуктурани яратиш ва жаҳон стандартлари даражассига олиб чиқиш, “эшикдан-эшиккача” шиорини амалда тўла бажарилишини таъминлаш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.12.2017 йилдаги ПҚ-3422-сонли қарори,
2. Ярашова В. Транспортная логистика Узбекистана в макроэкономическом и транзитном аспектах. Экономическое обозрение №10 (250) 2020
3. https://samarqand.adliya.uz/
4. https://lex.uz/docs/4194107
5. https://www.rusmarine.ru/

[1] Ярашова В. Транспортная логистика Узбекистана в макроэкономическом и транзитном аспектах. Экономическое обозрение №10 (250) 2020

Тангриберган Досчанов – УрДУ, Иқтисодиёт кафедраси профессори,
С.О.Чўпонов – УрДУ, иқтисодиёт кафедраси таянч докторанти

ДАСТУРЛАШ ХИЗМАТЛАРИ САВДОСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРАВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада хизматларнинг халқаро савдосини ривожлантиришда дастурлаш хизматларининг ўрни ва ушбу хизматлар савдосини ошириш, бу орқали аҳоли бандлигига эришиш ҳамда иқтисодий фаровонликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалалар сўровнома материаллари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўлар: Хизматлар халқаро савдоси, компьтер хизматлари, дастурлаш хизматлари, интеллектуал мулк, хизматлар экспорти.

Аннотация. В данной статье анализируется роль программных услуг в развитии международной торговли услугами и вопросы, связанные с увеличением продаж этих услуг и тем самым достижения занятости населения и обеспечения экономического процветания на основе материалов опроса.

Ключевые слова: Международная торговля услугами, компьютерные услуги, услуги программирования, интеллектуальная собственность, экспорт услуг.

Abstract. This article analyzes the role of software services in the development of international trade in services and issues related to increasing sales of these services and thereby achieving employment and economic prosperity based on survey materials.

Key words: International trade in services, computer services, software services, intellectual property, export of services.

Бугунги кучли рақобатга асосланган хизмат кўрсатиш, истеъмолчи дидининг юқорилиги ва энг замонавий хизматларга бўлган талабнинг ошиб бораётганлиги ҳар бир соҳада бўлгани каби хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам инновацион ёндашув ва рақамли иқтисодиётга асосланган тизимга эътиборни кучайтирмоқда. Мамлакатимизда аҳоли фаравонлигини, бандлиги, яшаш сифати ва турмуш даражасини оширишдаги аҳамияти янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштириш, унинг кўламини кенгайтириш, иқтисодиётимизнинг ҳар бир жабҳасини ривожлантириш бўйича катта ҳажмда ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий-ижтимоий ишлар олиб борилмоқда. Шу жумладан, иқтисодиётимизнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлган хизматлар соҳасини ривожлантириш, унинг самарали олиб борилишини таъминлаш ва натижада хизматлар савдосини нафақат ички бозорда балки ҳозирги кунда жаҳон бозорида таборо катта улушга эга бўлиб бораётган халқаро хизматлар савдосини йўлга қўйиш орқали ташқи бозорларга чиқиш бўйича ҳам бир қанча ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий-ижтимоий механизм шакллантирилмоқда.

Хусусан, охирги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида халқаро бозорларда катта улушга эга бўлган транспорт,

туризм, телекоммуникация, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа бир қанча хизмат турларини ривожлантириш билан бирга йилдан-йилга талаб кескин ошиб бораётган компьютер хизматлари таркибидаги дастурлаш хизматларини кўрсатишга бўлган эътибор кучаймоқда. Дастурлаш хизматлари кўрсатишни ривожлантириш ва бу орқали деярли ҳар бир соҳага кириб борган рақамли иқтисодиётга асосланган дастур маҳсулотларига бўлган ички талабни таъминлашда ва аҳоли бандлигини оширишда, ҳамда мамлакатимизга валюта оқимини оширишда жуда катта таъсирга эга бўлган ташқи бозор хизматлар савдосини йўлга қўйиш иқтисодиётимиз ривожида муҳим омил ҳисобланади.


Дастурлаш хизматлари компьютер хизматларидан бири бўлиб-бу солиққа тортиладиган иқтисодий субъектларининг компьютер ускуналари ёки тизимларини сотиш, ижарага бериш ёки улардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш учун тақдим этилган компьютер аппарати конфигурацияларини аниқлаш ва техник қайта ишлаш хусусиятларини баҳолаш, компьютер дастурлаш ва компьютер дастурчилари ва операторларини ўқитишдан иборат хизматларни кўрсатиш тушунилади.

Рақамли иқтисодиётга асосланган ривожланган иқтисодиётда барча соҳаларнинг тизимли фаолият юритишида, юқори даромадга эришилишида юқори малакали дастурчилар ва улар яратган дастур маҳсулотлари жуда катта аҳамиятга эга. Шу билан биргаликда, дастур маҳсулотларини яратишда ва амалиётга татбиқ қилишда дастурлаш хизматларининг кўрсатилиши, билимли ёшларнинг ушбу соҳага кенг жалб қилиниши орқали юқори интеллектуал бандликнинг ошиши, ташқи бозорларга маҳсулотларни таклиф қилиш орқали валюта тушуми ва албатта аҳоли фаравонлиги ошишида сезиларли иқтисодий аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматларининг ривожланган мамлакатлар, хусусан Европа иттифоқига аъзо мамлакатлар иқтисодиёти экспорти такибида ушбу хизмат турининг улуши йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Охирги 10 йилликда ушбу хизматнинг энг юқори ўсиш суръатига ёки йиллик ўртача 3,2 фоизга етганлигини ёки 2010 йилдаги 63,8 млрд евродан 2018 йилга келиб 133,2 млрд еврога ошганлигини, яъни 2 баробардан ортиқ ўсганлигини қуйидаги жадвал маълумотларидан кузатиш мумкин. Кейинги энг катта ўсиш 2,1 фоиз билан интеллектуал мулкдан фойдаланганлик тўловлари учун қайд этилган, ундан кейин саёҳат хизматлари 1,0 фоиз ва техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш хизматлари 0,9 фоизни ташкил қилган. Ва аксинча, шу давр оралиғида Европа Иттифоқининг экспорт таркибида транспорт хизматларининг жамига нисбатан улуши 4,0 фоизга камайган бўлишига қарамай, ҳамон энг етакчи хизмат турларидан бири бўлиб келмоқда.

Нафақат Европа иттифоқига аъзо мамлакатлар, балки дунёнинг бошқа ривожланган ва кўпгина ривожланаётган мамлакатларида ҳам хизматларнинг анъанавий шаклларига қараганда замонавий рақамли

Европа иттифоқининг 2010 ва 2018 йиллар давомида хизматлар экспорти таркиби миқдори ўзгариши ва унинг ўсиш суръатлари[1](фоизда)



иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган интеллектуал салоҳиятга таянадиган хизмат турларининг ривожланиб бораётганлигини статистик таҳлиллар орқали хулоса қилиш мумкин.

2020 йил якунлари бўйича, Ўзбекистон Республикаси умумий хизматлар экспорти таркибида телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари экспорти ҳажми 8,3 % улушга, транспорт хизматлари-71,0% ва сафарлар-12,8%(пандемия таъсирида 2019 йилдаги-39,7% дан кескин тушиш кузатилган) хизматларидан кейин учинчи ўринда бўлиб олдинги йилларга нисбатан умумий хизматлардаги улуши ортган.[2]

Биз бевосита Хоразм вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда, хизматлар халқаро савдоси ва бунда дастурлаш хизматларининг ўрни, аҳамияти ва келажакда янада ошириш имкониятларини ўрганиш мақсадида соҳада фаолият олиб бораётган корхона, ташкилотлар мутахассислари орасида ўтказилган социологик сўровномалар ва унинг айрим таҳлилини келтирамиз.

Фаолиятини бошлаганига 42,1% респондентларнинг 1 йил ва 36,8 % респондентларнинг 3 йил ҳам бўлмаган жами 38 та респондентлардан 40,7% респондент ўзлари яратган дастур маҳсулотларининг аллақачон ҳорижга экспортини йўлга қўйишга эришганликлари ва ҳали бундайлар

[1] Eurostat(online data code: bop_itc6_det)
[2] Stat.uz

камчилик бўлсада, йилига 50 минг долларгача ва ҳатто битта мутахассис ундан ҳам ортиқ даромад олаётганликлари бу йўналишлардаги ишлар тўғри йўлга қўйилаётганлигини билдиради. Шунингдек ушбу хизмат турининг келажакда ўта истиқболли эканлиги, ривожлантириш имкониятларини юқори баҳолаган ҳолда, ҳозирги даврда унча шаклланмаган инфратузилма, кадрлар малакасининг, таълим сифатининг юқори эмаслиги, молиявий кўмакнинг етарли эмаслиги ва бошқа шу каби тўсиқлар сўровномада санаб ўтилган. Яна, мамлакатимиз томонидан соҳани ривожлантириш мақсадида олиб бораётган ислоҳотларидан, Республиканинг ҳар бир ҳудудларида IT паркларининг ташкил қилиниши, "Бир миллион ўзбек дастурчилари" лойиҳаси ва бошқа ташаббусларнинг аҳамиятини кўпчилик сўровнома иштирокчилари юқори ва жуда юқори эканлигини баҳолаганлар.

Мамлакатимизда кейинги йилларда кўрилган чора-тадбирлар ва уларни амалага оширишдаги омилларнинг анкета-сўровлар натижалари айрим мавжуд муаммоларга қўшимча бўлган дунё иқтисодиётига катта талофат етказаётган пандемия шароитида дастурлаш ва шу каби инновацион хизмат турларининг ривожлантирилиши юртимиз ва унинг минтақалари иқтисодиётларида жуда ҳам катта иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлади.

B.U.Bozorov – SamDU dotsenti
R.B.Baxriddinov – SamDU, 2-kurs magistranti

AHOLI BANDLIGI VA TURMUSH DARAJASINI OSHIRISHNING NAZARIY ASOSLARI

Annotatsiya: Maqolada aholi turmush darajasining oshirishda ishsizlikni kamaytirish, mehnat resurslaridan oqilona foydalanish masalalari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Turmush darajasi, resurslar, bandlik siyosati, mehnat bozori, ishsizlik xizmat organlari.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы снижения безработицы и рационального использования трудовых ресурсов в повышении уровня жизни.

Ключевые слова: Уровень жизни, ресурсы, политика занятости, рынок труда, органы службы занятости.

Abstract: The article discusses the issues of reducing unemployment and the rational use of labor resources in improving the standard of living.

Key words: Living standards, resources, employment policy, labor market, employment agencies.

Hududlarda aholini ish bilan ta’minlashda yangi ish o‘rinlarini yaratish muhim ahamiyatga egadir. Hozirgi iqtisodiyot olib borilayotgan islohatlarda aholini ish bilan ta’minlash imkoniyatlarini yaratish uchun sanoat korxonalarida ish o‘rinlarini ko‘paytirish muhim ahamiyatga egadir. Bugungi kunda mehnat taqsimoti va kooperasiyasining har qanday shakllarida ijrochilarning samarali,

yuqori unum bilan ishlashining zarur sharti ish o‘rinlarini tashkil etish va ularga xizmat ko‘rsatishdir. Ish o‘rni qanday ishlab chiqarish va mehnat jarayonining birinchi bo‘g‘ini bo‘lib, aynan ish o‘rnida ishlab chiqarish jarayoni uchta elementining hammasi: mehnat ashyolari, mehnat vositalari va ishchi kuchi, ya’ni ijrochi hodimning jonli mehnati yagona bo‘lib birlashadi, bu hamkorlik natijasida esa yangi iste’mol qiymatlari, mehnat mahsulotlari yaratiladi. SHuning uchun ham ish o‘rinlarini tashkil etishga katta e’tibor beriladi.

Bugungi kunda mehnatga layoqatli aholi sonining salmog‘i oshib borish qo‘shimcha ish o‘rinlarini yaratish, aholi ish bilan bandligini ta’minlash va uni oshirishning o‘ziga xos yangi shakllarini topishni taqoza etadi.

Mamlakat aholisining faol qismi mehnat qilishga, mahsulot ishlab chiqarishga, xizmat ko‘rsatishga o‘z kuchini bilim va malakasini sarflaydi. Aholining faol qismi mehnatga layoqatlilik davri inson yoshining belgilangan darajasigacha bo‘lgan davrini, mehnatga yaroqlilik esa aqliy va jismoniy qobiliyatining etarlilik darajasini belgilaydi.

Ish o‘rni – ishlab chiqarish makonining bir qismi bo‘lib, unda barcha asosiy va yordamchi texnologiya uskunalari, moslamalar, asboblar, ish mebellari va maxsus qurilmalar joylashgan bo‘ladi va ular muayyan turdagi ishlarni bajarish uchun muljallangan bo‘ladi. Ish o‘rni ichida ish zonasi ajratiladi, bu uch ulchovli makon bo‘lib, uning doirasida hodimning barcha asosiy mehnat harakatlari amalga oshiriladi.

Bizga ma’lumki ish bilan bandlik siyosati mamlakat rivojlanishi ijtimoiy-iqtisodiy siyosatining tarkibiy qismi sifatida mehnat potensialidan samarali foydalanish va uning rivojlanishi bo‘yicha ish bilan bandlik muammolarini echishga yo‘naltirilgan iqtisodiyotning o‘tish davriga muvofiq, ish bilan bandlik siyosati ish kuchini tarmoqlar va ish bilan bandlik ko‘rinishi bo‘yicha qayta taqsimlashda ijtimoiy jihatdan muvofiq ish bilan bandlik darajasini ta’minlashga yo‘naltirilishi zarur.

Hozirgi paytda mehnat bozorini tartibga solish siyosati quyidagi maqsadlarga erishishni nazarda tutadi:

– ishchi kuchiga talab va taklif o‘rtasida muvozanatga erishish;

– ishsizlarni mehnatga yo‘naltirishni rag‘batlantirish;

– ish bilan band bo‘lmagan fuqarolarning ish izlashda kasbiy harakatchanligini oshirish; ish izlayotgan har bir kishini ish bilan ta’minlamoq.

Mamlakat miqyosida ish bilan bandlik siyosati doirasida ish bilan bandlikka ko‘maklashish ikki yo‘nalishda, ya’ni passiv va faol ish bilan bandlik siyosati ko‘rinishlarida amalga oshiriladi.

Aholini ish bilan bandlikning passiv siyosati davlat ish bilan bandlik xizmati orqali ishsizlarga nafaqalar to‘lash, ishsizlarni kasblarga qayta o‘qitish va jamoat ishlarini tashkil etish kabi faoliyatlarni o‘z ichiga oladi. Ish bilan bandlik siyosatining bu varianti davlatning amalga oshiradigan joriy xarajatlari nuqtai-nazaridan bir muncha tejamlidir. Biroq, ish bilan bandlikning passiv siyosati iqtisodiyotning yuksalishi davrida mehnat bozorining yuqori egiluvchanligi va ishchi kuchining kasbiy harakatchanligi, iqtisodiyotning

istiqbolli mustaqil ish izlash uchun bir muncha keng shart-sharoitlari mavjud bo‘lgandagina o‘zini oqlashi mumkin. Qolgan holatlarda passiv siyosat ishsizlik uzoq muddat davom etishini qisqartirish, ish bilan band bo‘lmagan aholini ish bilan bandligini rag‘batlantirishni kuchaytirish omili bo‘lib hisoblanadi.

Inson resurslaridan oqilona foydalnish doimiy aholi sonining o‘sish bilan bog‘liqdir statistik ma’lumotlrag ko‘ra doimiy aholi soni 2010 yilda 28562,4 ming kishi bu ko‘rsatkich 2020 yil xolatiga ko‘ra 34036,8 ming kishini tashkil etib, mehnatga layoqatli yoshdagi aholi soni o‘rtacha 14,4 foiz o‘sishga erishildi. 2020 yilda doimiy aholi sonining 30,8%i mehnatga layoqatli yoshdan kichikdir, 58,7 foizi esa mehnatga layoqatli ishchilardir. Mehnatga layoqatli yoshdan kattalar esa 10,5 foizi to‘g‘ri kelmoqda.

Mintaqalardagi mehnat bozorida ishsizlik bo‘yicha nafaqalarning miqdorini va ularni to‘lash shartlarini belgilashda bozor iqtisodiyotining rivojlangan mamlakatlarida ikki xil yondashish vujudga kelgan. Birinchisi, o‘zining ixtiyorisiz ishdan bo‘shatilgan xodimning turmush darajasini keskin tushib ketishiga yo‘l qo‘ymaslikdan iborat. Bu holda ishsizlik bo‘yicha nafaqalar oldingi ish haqlarini hisobga olish bilan hisoblab chiqiladi. Ikkinchi yondashish, har xil sabablar bilan umuman ishlamayotganlar yoki ishga yollanishda jiddiy qiyinchiliklarni boshidan kechirayotganlarda yashash uchun boshqa vositalar mavjudligini tekshirish bilan yoki tekshirmasdan yashash minimumini ta’minlashdan iboratdir.

Ishsiz deb e’tirof etilganlarga moddiy yordam ko‘rsatishda sug‘urtalash tizimlari asosiy tizimlardan biri hisoblanadi. Ular bozor iqtisodiyotiga ega mamlakatlarning mutloq ko‘pchiligida mavjud. O‘zbekiston Respublikasining “Aholi ish bilan ta’minlash to‘g‘risidagi” Qonun bilan ish haqining eng kam miqdori darajasidagi yoki ishlashning keyingi yillarida olingan o‘rtacha ish haqiga foizli nisbatda nafaqa to‘lash ko‘zda tutilgan.

Ishsizlik bo‘yicha nafaqalarni to‘lash, moddiy yoki boshqa yordamni ko‘rsatish uchun ko‘pgina rivojlangan mamlakatlarda sug‘urta fondlari tashkil qilinadi. O‘zbekistonda bu –respublika aholini ish bilan ta’minlash Davlat jamg‘armasidir. Bu jamg‘arma asosan korxonalar va xodimlarning o‘zlari hamda yuridik shaxslarni tashkil qilmagan tadbirkorlarning badallari hisobiga shakllantiriladi.

Davlat ish bilan bandlik siyosatini ancha samarali va maqbul yo‘nalishi – faol ish bilan bandlik siyosati bo‘lib, ishchi kuchiga talabni oshirish maqsadida davlat ish bilan bandlik jamg‘armasi mablag‘lari hisobiga ish joylarini yaratish, korxonalarga qo‘shimcha ish joylarini yaratish maqsadida kreditlar berish yo‘li bilan iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashdan iborat.

Ishchi kuchiga talabning taqchilligi sharoitida mehnat bozori holatining tahlili shuni ko‘rsatdiki, ish bilan bandlik xizmati fuqarolarni aniq ishlarga tayyorlashi zarur.

Xududlarda aholini ish bilan ta’minlash davlat siyosati mehnat bozori konyukturasi va uning rivojlanish istiqbollaridan kelib chiqqan holda umumdavlat va hududiy ish bilan bandlik dasturlarini ishlab chiqish va realizatsiyasini amalga oshirishda namoyon bo‘ladi.

SHuni alohida aytish joizki, mamlakatimiz xududlarida aholi bandlik darajasi 2010 yilda Respublikada-66,9%ni, 2020 yilning boshida 68,2 % Samarqand viloyatida-64,7%dan 66,8%ga, ishsizlik darajasi 2010 yilda 5,4%dan 2020 yil boshida 9,2%ga o‘sgan.

Ushbu sohada Respublikamizda amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida mehnat bozorida samarali davlat siyosatini yuritilishida xo‘jalik yuritishning yangi shakllarini rivojlantirish muhim ahamiyatga ega. Xo‘jalik yuritishni yangi shakllarini vujudga kelishi iqtisodiyotni diversifikatsiyalash va rivojlanayotgan tarmoqlarni modernizatsiyalash jarayonlari bilan muvofiqlikda amalga oshirilmoqda.

Mehnat bozoridagi faol dasturlar iqtisodiy islohotlarni amalga oshirayotgan, zamonaviy iqtisodiyot sohalari va tarmoqlarini modernizatsiyalash hamda ishchi kuchining yuksak kasbiy, tarmoq va mintaqaviy harakatchanligi zarur bo‘gan, inson kapitali rivojlanayotgan sharoitlarda ish bilan bandlik siyosatining eng maqbul turlaridan biri hisoblanadi.

Bizga ma’lumki mamlakatimizda boshqa davlatlardagidek mehnat bozoridagi faol dasturlar ham sust turlarni (jamoat ishlari dasturlari, ish haqiga subsidiyalar ajratish), shuningdek faol turlarni ham (yangi ish joylarini yaratish, kabga tayyorlash va qayta tayyorlash, ishchi kuchini mehnat resurslari etishmaydigan mintaqagalarga kuchib borishi uchun subsidiyalar berish va hokazolar) o‘z ichiga oladi.

О.Б.Буранов – к.э.н., доцент СамГАСИ,
Ш.Б.Абдусаматов – магистрант СамГАСИ

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВОМ В ПРОЦЕССЕ СТРОИТЕЛЬСТВА

Аннотация. В статье также обсуждается роль управленческих функций при использовании инноваций для повышения конкурентоспособности малого и среднего бизнеса в процессе строительства.

Разработаны пути совершенствования механизмов стимулирования инновационного развития предпринимательства в строительстве.

Ключевые слова: инновация, предпринимательства, конкуренции, кластеры, стратегического планирования.

Аннотация. Маколада курилиш жараёнида кичик ва урта бизнес тамонидан ракобатбардошликни ошириш учун инновациялардан фойдаланишда бошкариш хусусиятларининг урни шунингдек, инновацион ривожланишни рагбатлантириш механизмларини такомиллаштириш йуллари ишлаб чикилган.

Калит сўзлар: инновация, тадбиркорлик, рақобат, стратегик режалаштириш.

Abstract. The article also discusses the role of management functions in the use of innovations to improve the competitiveness of small and medium-sized businesses in the construction process.

Keywords: innovation, entrepreneurship, competition, clusters, strategic planning.

Одна из особенностей ведения бизнеса в процессе строительства - достижение эффективности за счет использования инновационных мероприятии и внедрение кластеров строительства.

Средние и малые предприятия играют важную роль в задачах стимулирования рыночной конкуренции, увеличения числа рабочих мест, улучшения качества жизни населения, содействия развития технологических инноваций, стимулирования развития национальной экономики и поддержания социальной стабильности в государстве.

Важную роль в развитии управления малым бизнесом может сыграть и стратегическое управление, определяющее основные направления развития малого предприятия в строительстве. Все более широкое распространение стратегического планирования сегодня уже не вызывает удивления и объясняется тем, что сама по себе задача выработки стратегии и построения планов предприятия на основе такой стратегии является новой практикой для малого бизнеса в строительства.

Принятый Указ Президента Республики Узбекистан от 27 ноября 2020 года № УП-6119 «Об утверждении стратегии модернизации, ускоренного и инновационного развития строительной отрасли республики Узбекистан на 2021-2025 годы» направлен на создание еще более благоприятных экономических и правовых условий и стимулов для кардинального повышения роли и места частной собственности в инновационный деятельности строительного комплекса и разработано «дорожная карта».

Мы приведем из них некоторые мероприятие:

- на основе зарубежного опыта разработка методологии кластерного сотрудничества в зависимости от потребности регионов республики (производственно - строительные, инвестиционно - строительные и проектно - строительные кластеры);
- введение системы кластерного обмена опытом и обучения мастеров и узко квалифицированных специалистов по отдельным направлениям строительно-монтажных процессов;
- проведение широкого освещения в местных и международных средствах массовой информации положений концепций и презентаций развития селитебных территорий в городах республики;
- разработка плана - графика выставления на аукцион и реализация земельных участков для строительства многоквартирных жилых домов и др[1].

Инновационный характер современного предпринимательства обуславливается и растущим потребительским спросом, переходом к экономике знаний, расширением взаимодействия рыночных агентов, формированием глобальных сетевых структур. Малые и средние

[1] Указ Президента Республики Узбекистан от 27.11.2020 г. N УП-6119 "Об утверждении Стратегии модернизации, ускоренного и инновационного развития строительной отрасли Республики Узбекистан на 2021-2025 годы". Тошкент. "Народное слово", 28 ноября 2020 г.

предприятия благодаря этим процессам получают новые возможности конкурировать с крупным бизнесом в строительстве.

Доля негосударственного сектора в общем объеме строительных работ в 2019 году составила 29,1 (%) процента, в 2020 году - 24,5 (%) процента. По сравнению с 2019 годом он снизился на 4,6%, но в 2019 году освоено 1317,6млрд сумов, а в 2020 году 1389,6 млрд сумов, увеличившись на 5,1% процента.

Государственными организациями выполнено строительных работ на 321,8 млрд. сумов, что на 180,8 (%) процента больше, чем в 2019 году, а их доля в общем объеме строительных работ составила 5,7%.

Негосударственными организациями выполнено строительных работ на 5344,1 млрд. сумов, что на 107,4 (%) процентов больше, чем в 2019 году, а их доля в общем объеме строительных работ составила 94,3 (%).

Несмотря на высокие результаты, полученные малым и средним бизнесом Республике, в настоящее время предприятия сталкиваются с разными проблемами. В результате вышесказанного среди малого бизнеса очень часто возникают кризисные ситуации, нередко приводящие к банкротству. В таких условиях использование инноваций становится одним из наиболее эффективных вариантов вывода на конкурентоспособные позиции малых и средних предприятии Республике.

Для достижение поставленной цели надо будет решить следующие задачи:

- установить роль и место малого бизнеса в инновационной деятельности в строительстве;
- исследовать формы участия малых и средних предприятий в инновационной деятельности в строительстве;

Производимые в предпринимательском секторе товары и услуг в развитых государствах составляют существенную долю экспорта и валового национального продукта, именно здесь сосредоточено большое число рабочих мест. То есть малый бизнес сегодня можно назвать ключевым элементом устойчивого политического и финансово-экономического развития, локомотивом экономического роста как национальных, так и региональных экономик

Процессы глобализации, усиление конкуренции в условиях сокращения жизненного цикла продукции и индивидуализации потребительского спроса, интенсивное развитие высоких технологий на современном этапе углубляют взаимосвязи предпринимательства и инноваций.

Решения проблемы повышения эффективности предпринимательства, в том числе и малого, необходимы:

- широкомасштабное внедрение инноваций во всех аспектах производства и управления;
- модернизация методов хозяйствования;
- одновременное наращивание субъектов малого бизнеса собственного инновационного потенциала.

Инновационно - ориентированное малое предпринимательство выполняет ряд следующих важных функций развития:

- сохранение и повышение конкурентоспособности производимой продукции на внутренних и внешних товарных рынках;
- оптимизацию структуры малого бизнеса;
- привлечение инвестиционных ресурсов, прежде всего, для финансирования наукоемких видов продукции;
- повышение уровня экономического развития предприятий;
- повышение уровня деловой активности;
- совершенствование институциональной среды и т.д.

Современное предпринимательство должно быть инновационным, что обусловлено переходом к экономике знаний, возрастающим потребительским спросом, формированием международных сетевых структур, расширением взаимодействия экономических агентов. Субъекты малого бизнеса благодаря данным процессам могут получать новые возможности для конкуренции с крупным бизнесом.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 27.11.2020 г. N УП-6119 "Об утверждении Стратегии модернизации, ускоренного и инновационного развития строительной отрасли Республики Узбекистан на 2021-2025 годы". Тошкент. "Народное слово", 28 ноября 2020 г.

2. А.Ю.Макушина. “Роль малого бизнеса и частного предпринимательства в инновационном развитии Республики Узбекистан”// «Экономика и финансы». № 3. 2019.

3. Инновации в инвестиционно-строительной сфере: учебное пособие для академического бакалавриата / А.Н. Асаул, М.А. Асаул, Д.А. Заварин, Е.И. Рыбнов; под ред. А.Н. Асаула. – М.:Издательство Юрайт, 2017.–205 с.

4. Третьяк В. П. Кластеры предприятий.–М.: «Август Борг», 2006.С.22.

5. Шеменева О.В., Харитонова Т.В. Организация предпринимательской деятельности: Учебное пособие. – ИТК Дашков и К, 2014. – 294 с

B.U.Bozorov – SamDU dotsenti ,
J.B.Aminov – SamDU 2-kurs magistranti

INNOVATSION VA RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA AHOLI ISH BILAN BANDLIGINI TA’MINLASH YO‘LLARI

Annotatsiya: Maqolada aholini ish bilan bandligini ta’minlashda yangi ish o‘rinlarini tashkil etish va ishga joylashtirish muammolari yaratilgan.

Kalit so‘zlar. Bandlik, ish kuchi, faol aholi islohatlar, dasturlar.

Аннотация: В статье рассматривается влияние прироста населения на развитие человеческого капитала и рациональное использование трудовых ресурсов.

Ключевые слова: Политика занятости человеческих ресурсов, рынок труда, службы занятости.

Abstract The article examines the impact of population growth on the development of human capital and the rational use of labor resources.

Key words: Employment policy of human resources, labor market, employment services.

O‘zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini hozirgi 2017-2021 yillarga muljallangan harakatlar strategiyasi davrida mehnat bozoridagi siyosat davlat tomonidan tartibga solish usullari va shakllari hamda xo‘jalik yuritishni yangi shakllarini rivojlantirish asosida amalga oshirilmoqda. Davlat ish bilan bandlik xizmati mehnat bozoridagi davlat siyosatini amalga oshirishning tarkibiy qismi bo‘lib, uni amalga oshirishning asosiy yo‘nalishlari va vazifalarini belgilab beradi. Davlat ish bilan bandlik xizmati mehnat bozorida ijobiy ijtimoiy va iqtisodiy samaraga erishishga yo‘naltirilgan. Bu bir tomondan, ko‘p sonli ishga joylashtirilganlar normativ bo‘yicha ish bilan bandlik Davlat jamg‘armasiga ajratmalar ajratilishi uchun shart-sharoit yaratadi, ikkinchi tomondan esa ishsizlik nafaqasi oluvchilar soni kamayadi va faol yo‘nalishlar uchun sharoit yaratiladi. Bu esa o‘z navbatida, ularning ishga joylashishi uchun sifat ko‘rsatkichlarini oshiradi.

Aholi bandligini ta’minlashda, ishchi kuchidan samarali foydalanish buyicha O‘zbekiston Respublikasining “Aholini ish bilan ta’minlash to‘g‘risida”gi qonun, Prezident farmonlari, qarorlari Vazirlar Mahkamasining qarorlari va bir qator me’yoriy-huquqiy hujjatlar qabul qilinib, bu sohada ijobiy o‘zgarishlar yuz bermoqda. Lekin shunga qaramasdan mintaqa darajalarida mehnat resurslarini foydali mehnatga jalb etish, yangi ish joylarini barpo qilish, ishchi kuchidan samarali foydalanish borasida bir qator ilmiy va amaliy muammolari hamon dolzarbligicha qolmoqda.

Ish bilan bandlik deganda avvalo, iqtisodiy faol aholining qonun hujjatlariga muvofiq, daromad keltiradigan faoliyatga ega bo‘lishi tushuniladi. O‘zbekiston Respublikasining “Aholini ish bilan ta’minlash to‘g‘risida”gi qonunining 2-moddasiga asosan ish bilan ta’minlash-fuqarolarning qonun hujjatlariga zid kelmaydigan, o‘z shaxsiy va ijtimoiy ehtiyojlarini qondirish bilan bog‘liq bo‘lgan, ularga ish haqi (mehnat daromad) keltiradigan faoliyatidir.

“Ish o‘rinlarini tashkil etish va ishga joylashtirishga muhtojlar 2020 yilda 1335,3 ming kishini tashkil etmoqda. Ishga joylashganlar soni 388531 kishini tashkil etadi.

Dastlabki ma’lumotlarga ko‘ra, respublikamizda doimiy aholi soni 2020 yil 1 aprel holatiga ko‘ra 34036,8 ming kishini tashkil etdi va 2020 yilda 131,6 ming kishiga yoki 0,4 foizga oshdi. SHu jumladan, shahar aholisi soni 17183,7 ming kishini, qishloq aholisi 16853,1 ming kishini tashkil etadi, ya’ni jami aholi soniga nisbatan shahar aholisi 50,5 foizni, qishloq aholisi 49,5 foizni tashkiil etadi.

Samarqand viloyati dastur asosida 39952 ta o‘ringa 45114 ta yoki 12,9 foiz o‘sishga erishilib yangi ish o‘rinlari yaratilgandir.

Mamlakatimizda iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish bilan bog‘liq ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning hozirgi sharoitida ustvor vazifa sifatida iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitlariga muvofiq keladigan aholini ish bilan bandlik siyosatining maqsad va vazifalarini ishlab chiqish hamda amalga oshirishdir. Aholini ish bilan bandligi zamonaviy hayot sifatini ta’minlash, inson kapitali rivojlanishiga shart-sharoitlar yaratish va mehnat taqsimotini nisbatan yuqori darajaga o‘tishini ta’minlash bilan bog‘liq bo‘lgan mehnat faoliyatining turli ko‘rinishlarini va yo‘nalishlarini o‘z ichiga oladi. Aholini oqilona ish bilan bandligini ta’minlamasdan turib ijtimoiy barqarorlikni ta’minlash, iqtisodiy islohotlar yo‘lidan yanada ilgarilab borish va zamonaviy mehnat bozorini ta’minlash mumkin emas. Bunda milliy iqtisodiyotimizning o‘ziga xos tomonlarini hisobga olgan holda, ish bilan bandlikning faol yo‘nalishlarini rag‘batlantirish asosida maqsadli dasturlarni ishlab chiqish muhim ahamiyatga ega, bu esa ish bilan bandlik siyosati inqirozga qarshi dastur bilan, ko‘p ukladli iqtisodiyotni takror hosil bo‘lish jarayonini jadallashtirish, iqtisodiyotdagi tarkibiy o‘zgarishlarni isloh qilish bilan hamda mehnat resurslarini rivojlantiishning umumiy strategiyasi bilan chambarchas bog‘liq bo‘lishi lozimligini ifodalaydi.

Xududlarda aholini ish bilan ta’minlash davlat siyosati mehnat bozori konyukturasi va uning rivojlanish istiqbollaridan kelib chiqqan holda umumdavlat va hududiy ish bilan bandlik dasturlarini ishlab chiqish va realizatsiyasini amalga oshirishda namoyon bo‘ladi.

Ushbu sohada Respublikamizda amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida
mehnat bozorida samarali davlat siyosatini yuritilishida xo‘jalik yuritishning yangi shakllarini rivojlantirish muhim ahamiyatga ega. Xo‘jalik yuritishni yangi shakllarini vujudga kelishi iqtisodiyotni diversifikatsiyalash va rivojlanayotgan tarmoqlarni modernizatsiyalash jarayonlari bilan muvofiqlikda amalga oshirilmoqda.

Mustaqil ish bilan bandlikni o‘sishi uchun zarur sharoitlar ko‘proq darajada erkin bozor iqtisodiyotini samarali o‘sishi sharoitlariga mos keladi. Amalda mustaqil ish bilan bandlikni mavjud bo‘lishining o‘zi xususiy sektorga bog‘liq, shuning uchun xususiy sektorni o‘sishiga ko‘maklashuvchi siyosiy va iqtisodiy sharoitlar, mustaqil ish bilan bandlikni rivojlanishiga ham yordam beradi.

Iqtisodiy islohotlarning ikkinchi bosqichi vazifalaridan biri aholini kichik va xususiy biznesga ko‘proq jalb etish, mamlakatda tadbirkorlar va mulkdorlar qatlamini shakllantirish hamda shu orqali aholining ish bilan bandligini ta’minlashga erishishdan iborat bo‘ldi. Aholini ish bilan bandlikni ta’minlash maqsadida mehnat bozorini rivojlantirishda quyidagi vazifalarni amalga oshirish ko‘zda tutiladi; ishchi kuchiga talabni oshishi va uning taklifini kamayishiga yo‘naltirilgan tadbirlarni amalga oshirishni ko‘paytirish; ish bilan bandlik xizmati va uning infratuzilmasida qudratli va tez rivojlanuvchi tizimni yaratish; aholining oqilona ish bilan bandligini shakllantirish; ishsizlikni yo‘l

qo‘yiladigan darajasigacha qisqartirish; ish bilan band bo‘lmagan mahalliy xodimlarning malakasi, raqobatbardoshligi, ijtimoiy himoyasi va eksportini oshirish, mehnat bozorida ish bilan bandlik va ishsizlikni tartibga solishning samarali tashkiliy-iqtisodiy va huquqiy mexanizmlarini yaratish va h.k.

Ish bilan bandlik xizmatining yillar davomida rivojlanishi davrida qonunlar, talablar hamda ijtim oiy-iqtisodiy holatlar o‘zgarmoqda, shunga mos ravishda faoliyat yo‘nalishlari o‘zgarishiga batafsil va aniq tuzatishlar kiritilmoqda. Biroq davlat ish bilan bandlik xizmati organlarining tashkiliy tuzilmasi shakllanib borishi va rivojlanishi ko‘p yillar davomida deyarli o‘zgarishsiz qolmoqda.

Buguni kunda O‘zekiston Respublikasida aholi bandligining holatini tahlil qilish, korxonalarda yangi ish o‘rinlarini yaratish holptini urganishda kuzatish usullari (anketa orqali kuzatish, monografik kuzatish)ni qo‘llash asosida ishchi kuchidan foydalanish holatini tahlil etish prognozlash, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining aholini ish bilan band qilishning asosiy omili sifatida baholash kabi masalalarni o‘rganish muhim xisoblanadi.

Ш.Ж.Маматкулова – СамИСИ доценти, и.ф.н**.,**
Э.Рахматуллаев – СамИСИ магистранти

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Аннотация: ушбу мақолада аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, тадбиркорлик, маркетинг, рақобат, инновация

Аннотация: В этой статье освещается роль малого бизнеса и частного предпринимательства в обеспечении занятости.

Ключевые слова: малый бизнес, предпринимательство, маркетинг, конкуренция, инновация.

Abstract: This article highlights the role of small business and private entrepreneurship in providing employment.

Key words: small business, entrepreneurship, marketing, competition, innovation

Республика миллий иқтисодиётини шакллантириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва белгиланган устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш натижасида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини вужудга келтириш ва ниҳоят макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси катта. Кичик бизнеснинг йилдан-йилга мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни, салмоғи ошиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётининг асосий

қисмини ташкил қилиш билан бирга жуда катта ижтимоий аҳамиятга эгалиги туфайли ушбу соҳасини ривожлантириш объектив заруратга айланди. Чунки янги иш ўринларининг ҳам асосий қисми шу соҳада яратилмоқда.

Тадбиркорлик деганда моддий ва пул маблағларини фойда топиш йўлида сарфлаб, бозорга керакли товарлар ва хизматларни етказиб бериб, кишиларга наф келтирувчи, уларнинг ҳожатини чиқарувчи иқтисодий фаолият тушунилади. Тадбиркорлар бозорга товарлар ва хизматларни мунтазам етказиб беради, бозордаги талабни тўйдиради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мустақиллик йилларида турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, табиий, маданий жараёнларнинг ўзаро боғлиқликда ривожланишининг ҳосиласи бўлиб, пировард натижада, мамлакат аҳолиси турмуш даражаси ва сифатининг яхшиланиб боришида, иқтисодий ўсиш суръатларида ўз ифодасини топди. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг асосини ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш, иш жойлари яратиб, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик даражасини ошириш, уларнинг ҳақиқий даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашда бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар, қулайликлар яратиб келинмоқда. Мазкур соҳа аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадини шакллантиришда, ички бозорни импорт ўрнини босувчи юқори сифатли ва ҳамда уни экспорт қилишда етакчи кучга айланиб бормоқда. Маълумки, ҳар бир тадбиркор кўр-кўрона иш бошламайди ва фақат таваккал қилиб ҳаракат қилмайди, шу билан бирга ҳеч сабабсиз ўз соҳа ва тармоғини танламайди. Албатта, бунда истеъмолчи талаби туртки бўлади. Айтганимиздек, тадбиркорнинг манфаати истеъмолчи манфаатисиз амалга ошмайди. Демак, унинг даромад олиши, уларнинг даражаси товарларга бўлган талаб билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги нутқида “Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилади, яъни 105 та лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади, 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар соддалаштирилади. Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларимиз оёққа туриб олишлари учун уларга кўмак беришни давом эттирамиз ”. Умуман, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 2021йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунингдек, Давлат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтирилади.[1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.30.12.2020

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг устивор йўналиши деб қаралади. Шу муносабат билан эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш учун янги иш жойларини яратишни таъминлашга давлатимиз Президенти катта эътибор бермоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунга кўра, Ҳаракатлар стратегиясида хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади”деган тамойилни амалга ошириш борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган.

Бозор фаолиятининг услубияти сифатида маркетинг тадбиркорлик соҳасида кенг қўлланилмоқда. Маркетинг иши бозорни ўрганиш, нархларни шакллантириш, бозор талабига монанд равишда товарларни ишлаб чиқариш, уларни вақтида бозорга етказиш, реклама ўтказиш ва харидорларга хизмат кўрсатишни ўз ичига олади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти маркетинг таҳлилининг натижаларига таянади, чунки бу нимани ва қандай турларда ва миқдорда ишлаб чиқариш, кимга ва қандай нархда қачон сотиш, бозорга қандай жойлашиб олиш мумкин деган саволларга жавоб беради. Маркетинг савдо-сотиқни ташкил этишгина эмас, шу билан бирга бозор талабини ишлаб чиқаришга етказиш, шунга қараб ишлаб чиқаришни созлаш ва бозор талабини қондиришни ҳам билдиради. Маркетинг фақат бозордаги талаб-эҳтиёжни қондириш воситасигина бўлмай, балки ишлаб чиқариш самарасининг ҳам юқори бўлишига қаратилади. Бу эса ўз навбатида иш ўринларини сақлаб қолишига туртки бўлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири ҳар тарафлама етук, малакали кадрларни тайёрлашдан иборат. Хусусий корхона раҳбарларининг имиджи, билимдонлиги бозор муносабатларини чуқурлаштириш, истеъмолчи талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўстиришда асосий роль ўйнайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари маркетингдан фойдаланишда йирик корхоналарга нисбатан қуйидаги устунликларга эга:

-маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш ва бошқариш-

даги оддийлик, мижозлар, истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиш;

- маркетинг тадбирларини ўтказиш ва қисқа фурсатда маркетинг қарорлари қабул қилиниши;

-ишчи ва хизматчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, имконияти кенглиги, инновациянинг кенглиги, инновациянинг татбиқ қилиниши ва ишлаб чиқаришга қўйилиши.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан таъминлаш ва мавжуд механизмларни самарадорлигини ошириш ва молиялаштиришнинг янги манбаларини ҳаракатга келтириш негизида қулай инвестиция муҳитини яратиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш;
- соҳани янада тезроқ ривожланишига таъсир этувчи тўсиқлар, божхонадаги айрим қийинчиликларни бартараф этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташқи иқтисодий фаолият механизмларини такомиллаштириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожлантириш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар, соҳанинг иқтисодий ривожланиши, аҳолини иш билан бандлилигига ва даромадларининг ўсишига хизмат қилади.

Б.К.Абдусаматов – СамДАҚИ доценти, иқтисод фанлари номзоди

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ РОЛИ

Аннотация. Мақолада бугунги кунда табиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инновацион жараёнларнинг роли ва уларнинг бир –бирига боғлиқлик хусусиятлари, асосан қурилиш ишлаб чиқаришда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: инновация, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, инновацион тадбирлар, қурилиш индустрияси.

Аннотации. В статье представлена роль инновационных процессов в развитии предпринимательской деятельности и их взаимосвязанные особенности, проблемы развития предпринимательской деятельности в строительной отрасли, а также предложения и комментарии по их решению.

Ключевые слова: инновации, малый бизнес, частное предпринимательство, инновационная деятельность, строительная отрасль.

Abstract. The article presents the role of innovative processes in the development of entrepreneurial activity today and their interrelated features, especially the problems in the development of entrepreneurial activity in the construction industry and suggestions and comments on their solutions.

Keywords: innovation, small business, private entrepreneurship, innovative activities, construction industry.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусий мулк муҳофазаси ва кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инвестиция муҳити ва ишбилармонлик ҳолатини яхшилашга қаратилган чора - тадбирлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари устуворлигини, хусусан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувлардан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлаб берадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 33114 тадбиркорлик субъекти фаолият олиб бормоқда, шундан:

- 2342 кичик корхоналар;
- 30772 микрофирмалардир.

2020 йилда Самарқанд вилоятида мулкчилик шакли бўйича қурилиш соҳасида рўйхатдан ўтган жами корхона ва ташкилотлар сони 3,2 мингта, фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони эса 3,1 мингтани ташкил этиб, ўтган 2019 йилнинг мос даврига ниасбатан 355 тага кўпайган.

Қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили бу бино ва иншоатлар қурилишида қурилиш ишлари ҳажмининг ўтган йилга нисбатан 20,6 (%) фоизга (жами қурилишдаги улуши эса 73,6 (%) фоизга ошганлигининг ҳисобидандир.

Курилиш фаолиятини ривожлантиришда инновацион тадбирлардан фойдаланиб унда қуйидаги масалаларни ечиш мумкин:

- механат унумдорлигини бошқаришга тизимли ёндашиш;
- курилишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш;
- курилиш жараёнида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ундан фойдаланаётган сарояларни қаерларга сарфланиши мумкинлигини олдиндан билиш;
- курилиш жараёнида тадбиркорлик фаолиятини самарали бошқариш учун молиявий дастак самарасидан фойдаланишда аниқ йўналишларни танлаб, тадбиркорлик фаолиятида энг зарур бўлган фойда ва зарар динамикаларини аниқлаб уни тартибга солиш.

Инновация нима ўзи? Тадбиркорликга қанақа алоқаси борлигига бир тўхталиб ўтсак.

“Инновация” термини лотин тилидаги **“novatio”** сўзидан олинган бўлиб, “янги киритилган тартиб қоида”, “янгилик”, “ўзгариш” деган маънони англатиб, қурилиш жараёнида эса янги қурилиш материалларини яратиб, ундан самарали фойдаланаётганликни тушуниш мумкин.

Келингчи инновация билан тадбиркор ўртасидаги боғлиқликларга бир назар солайлик (1-жадвал).

1- жадвал

Инновация ва тадбиркор ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятлари[1]

т/р	Инновация ва тадбиркор ўртасидаги муносабатлар	Изланишлар (йил)
1	Тадбиркор бирон янги ишни ташкил қилиш учун “таваккал қиладиган шахс” сифатида	1921 йил Ф. Найт
2	Тадбиркор тармоқни ривожлантирувчи қурилиш маҳсулотларининг янги турларини, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги услубларини, бозорга жойлашиши йўлларини иқтисоднинг ўсишини таъминловчи сифатида.	1934 йил Й. Шумпетер
3	Тадбиркор “имкониятлар идентификатори”, “тадқиқотчи” вазифасини бажарувчи сифатида, унинг фаолиятидаги янги имкониятларни излаш билан боғлиқ бўлган талабга жавоб беришни таъминлайди. Ушбу ҳолат “статистик кўриишни” англатади.	1973 йил И. Кирцнер
4	Тадбиркор “ресурсларни қайта тақсимловчи” вазифаларни бажарувчи сифатида, уларни юқори унумдорлиги билан ажралиб турадиган тармоқларга жойлаштиради.	1985 йил П. Друкер
5	Кичик бизнес қачонкиюқори технологияларга асосланиб маҳсулотларни тарқатиш (таъминот) каналлари орқали катта корхоналар билан фарқли ўлароқ ишлайдиган бўлса, тадбиркор “инқилобий новатор” роли сифатида.	20202 йил У.Баумоль

Бошқача қилиб айтганда, тадбиркор – бу янги янги қурилиш маҳсулот турларини, қурилишнинг янги бозорларини аниқлаш ва янги маҳсулотларни бозорларга чиқариш орқали ўз фаолиятини кенгайтиб, қўшимча қиймат яратиш учун интилаётган шахс.

Шу билан бирга, тадбиркорнинг ўзи инновацион омилларнинг турли ёндошувларига асосланган бошқарув тизими вазифасини бажаради ва тадбирорлик фаолияти ички иқтисодий ўсишнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади.

Шуни ҳам айтиш мумкинки, инновацион ривожланиш бу - янгиликга асосланган ривожланишдир[2].

Демак, инновацион жараёнларнинг ривожланиши учун тадбиркорлик

[1] Ли Баоцзянь.“Роль малого бизнеса в развитии инновационного процесса КНР.Москва 2015.с163.

[2]Шаренков С.Б., Черкасов М.Н. Формирование процессных инновационных проектов предприятиями РФ // Экономика и современный менеджмент: теория и практика . 2014. №34. С.201-205.

фаолияти албатта ўз ўрнини топган бўлиши зарурдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда қурилишда тадбиркорликни янада ривожлантиришда, қурилишга хусусий секторни кўпроқ жалб этиш ва қурилиш индустриясига инновацион тадбирларни яратилишидан тортиб, уни молиялаштириш жараёнларигача бўлган муҳитини яратиш стратегик долзарб масала ҳисобланади. Агарки илмий мақолада юритилган фикрлар эътиборга олинса:

-қурилишда тадбиркорлик фаолияти билан инвестиция жараёнларининг боғлиқлигини аниқланади;

-Республиканинг минтақаларида инвестиция ресурсларидан фойдаланишда унга таъсир кўрсатувчи омилларга баҳо беришга услубий ёндашилади;

- қурилишда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг доимий ҳолатини таҳлил қилишнинг имконияти мавжуд бўлади;

-қурилишда индустриясида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инвестиция жараёнларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконияти пайдо бўлади;

-қурилиш индустриясида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда берилаётган сармояларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражасини баҳолаш мумкин бўлади;

-қурилиш индустриясида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инновацион тадқиқотлардан фойдаланишда зарур бўлган маблағлар миқдорини башорат қилиш имкониятига эга бўлади;

-инновацион тадбирларни қўллаш орқали қурилиш индустриясида тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириб, жаҳон бозорларида тадбиркорлар ўз жойлари ва мижозларга эга бўлиши мумкин;

-инновацион тадбирларни қўллаш орқали қурилиш индустриясида тадбиркорлик фаолиятида рақобат муҳити яратилиб, мижозларга сифатли маҳсулотлар етказиб беришнинг бренди яратилади деган фикрдамиз.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида ”ги Фармони, 3.2 банди//lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва ипотека бозорини ривожлантириш масалалари”га бағишланган йиғилиши.Тошкент. 2019 й.
3. Simon Kuznets, «Modern economic growth: Findings and reflections», Nobel lecture delivered in Stockholm, Sweden, December 1971 and published in the American Economic Review 63 (September 1973).
4. Кузнец С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышлений. Нобелевская лекция // Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России; под ред. Ю.В. Яковца. СПб.:Гуманистка, 2003.
5. Ли Баоцзянь. “Роль малого бизнеса в развитии инновационного процесса КНР”. Москва 2015.163с.

Д.А. Шолдаров– ТМИ доценти, PchD,
Г.Ш.Нурмухамедова – ТМИ магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШДА ИНСОН ОМИЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада мамлакатимиз аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш борасида олиб бориш масалари ўрганилган ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бўйича илмий хулоса ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: аҳоли, турмуш даражаси, фаровонлик, аҳоли даромадлари, эҳтиёж, иш ҳақи, пенсия, товар, озиқ-овқат, истеъмол харажатлари.

Аннотация: В этой статье рассмотрены реформы направленные повышение благосостоянии и вопросы занятости населения страны, а также разработаны научные выводы и рекомендации для дальнейшего повышения уровня жизни населения и пути обеспечения их занятости.

Ключевые слова: население, уровень жизни, благосотояние, доходы населения, потребность, заработная плата, пенсия, продовольствие, расходы на потреблен .

Abstract: This article analyzes reforms in the standard of living and welfare of the country's population, and develops scientific conclusions and recommendations for further improving the living standards and welfare of the population.

Key words: population, standard of living, well-being, income of the population, need, wages, pension, food, consumption expensesue.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис қонунчилик палатасига Мурожаатномасида, шунингдек парламентнинг мамлакат ижтимоий иқтисодий тараққиётини ривожлантиришга йўналтирилган мажлисларидаги маърузаларида қайд этилишича, давлатимиз иқтисодий сиёсатида нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби танқидий қайта кўриб чиқилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислоҳотларнинг бош мақсади этиб белгиланди. Иқтисодчилар таҳлилига кўра, бугунги кунда юртимизда камбағалларнинг улуши аҳолининг 15 фоизини ташкил этади. Бундай ҳисоблашнинг ҳам ўзига яраша мезонлари бор.

Шу ўринда, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлиги аҳоли даромадлари, соғлиқни сақлаш, саводхонлик даражаси, маданий ҳаёти, бўш вақтнинг мавжудлиги, атроф муҳит каби бир қатор факторларга боғлиқ бўлиши билан бирга, аҳоли турмуш даражаси давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатида самарадорликни баҳолашнинг энг муҳим мезони ҳисобланиб, уни ошириб бориш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш чораларини малга ошириб бориш ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсадидир.

Иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасини, айниқса унинг замонавий тармоқларини жадал ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд

бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омилига айлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли фармони 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим роль ўйнади. Ҳаракатлар стратегиясининг "Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш-нинг устувор йўналишлари"да хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривож-лантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш энг муҳим вазифалар сифатида белгиланган. Сўнгги йилларда аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган "Ҳар бир оила – тадбиркор", "Ёшлар келажагимиз" ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 23 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб олишга эришилди. Мазкур дастурлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандлигини ошириш учун туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, орттирилган тажриба ҳамда халқаро амалиёт комплекс ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи кредит олиш имкония-тидан иборат бўлган яхлит тизимни шакллантиришни тақозо этмоқда.

Ҳозирги вақтда хизматлар ишлаб чиқариш истеъмолчиларнинг даромадлари даражаси, дидларига қараб табақаланиб бормоқда. Ҳажмларнинг ўсиши билан бирга, бозор хизматларининг таркибий нисбатлари ҳам ўзгариб бормоқда. Хизматлар умумий ҳажмида янги бозор хизматларининг улуши кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2010-2020 йилларда транспорт хизматларининг улуши 36,2 фоиздан 28,2 фоизга, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 8,0 фоиздан 6,8 фоизга камайган. Савдо хизматларининг улуши эса 25,4 фоиздан 29,6 фоизга, молиявий хизматлар улуши 10,2 фоиздан 10,7 фоизга, таълим хизматлари 2,9 фоиздан 3,5 фоизга, яшаш ва умумий овқатланиш хизматлари 1,1 фоиздан 3,3 фоизга, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар эса 3,1 фоиздан 3,7 фоизга кўпайди.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотлардаги меҳнат ресурсларининг қолган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига қараганда бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар соҳадаги ходимларнинг муомала санъати, билим даражасининг юқорилиги, касбий тайёргарлиги, мижозлар билан ишлаш маданияти ва бошқалар ҳисобланади. Мазкур соҳада хизматларни амалга ошириш жараёнида ходим конкрет буюмларнинг жуда нозик хусусиятлари билан тўқнашади ҳамда ижтимоий алоқалар, инсонларнинг руҳияти, онги билан бевосита муносабатда бўлади. Қишлоқларда хизматларнинг истиқболли савдо-сотиқ, тиббий ва даволаш, спорт-соғломлаштириш, консальтинг, лизинг ва баҳолаш турлари нисбатан секин ривожланаётганлиги мазкур

соҳани ривожлантириш ва такомиллаштириш учун қуйидаги қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- меҳнат бозорининг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, бандлик ва меҳнат муносабатлари тузилмаларининг ёрдами билан меҳнатга лаёқатли вақтинча иш бидан банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш,
- аҳолида тадбиркорлик соҳасида зарурий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқитиш тизимини жорий этиш, мазкур жараёнга халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва нодавлат таълим ташкилотларини кенг жалб қилиш;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган микрокредитлаш тизимини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга оид ижтимоий дастурларни иқтисодиётда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан уйғун ва мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш
- хизмат кўрсатиш инфратузилмасини кенг ривожлантириш ҳисобига аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга эришиш.

Хулоса сифатида эътироф этиш лозимки, мамлакатда хизмат турларининг икки томонлама табиатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хизматлар ҳам худди моддий товарлар сингари нафлилик ва қиймат хусусиятига эга бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринлари ташкил этиш, инвестиция, солиқ, пул-кредит ва илмийтехникавий сиёсатни такомиллаштириш, бозор хизматларининг тармоқ тузилмасида инновацион таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу хизматлар кўрсатиш аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширилишини таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан хизматлар ишлаб чиқаришнинг кенгайиши мазкур соҳанинг жадал ривожланишини таъминламоқда. Имтиёзли кредитларнинг мақсадли йўналтирилиши фақатгина шаҳар жойларида эмас, балки қишлоқ ҳудудларида ҳам кичик тадбиркорликнинг бозор хизматлари ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг ошиб бориши, ишга жойлашишга кўмаклашиш бўйича хизматлар кўрсатиш бозорида замонавий инфратузилма ва рақобат муҳитини яратишда, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан оширишда амалий аҳамият касб этмоқда.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2017-2020 йилларга мўлжалланган дастур”га асосланиб, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш бўйича қуйидаги асосий йўналишларни тавсия қилиш мумкин:

• хизмат кўрсатиш соҳаларида алоҳида якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида меъёрий-

ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини яратиш лозим;

• янги турдаги ишбилармонлик (касбий) хизматлари кўчмас мулк билан савдо қилиш, вақтинчалик эркин пулларни жойлаштириш, ахборот, маркетинг ва реклама хизматлари, бухгалтерия баланси ва ҳисоботларини тузиш, электрон котиба;

• болаларни тарбия қилиш, ўқитиш бўйича хизматлар, хусусий боғча ва мактаблар, оилавий болалар боғчалари, оилавий кутубхоналар ва бошқа хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш;

• ҳайвонларга қараш бўйича хизматлар – ҳайвонларни боқиш;

• туристик фирмалари, ахборот коммуникацион технология воситаларини тузатиш таянч пунктлари, ижтимоий психологик марказлар, турли таълим ва касбга ўқитиш қисқа курслари каби хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. http:// www.Lex.uz. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил 3/2018 (№ 00035) www.iqtisodiyot.uz 7

2. Петти В., Смит А., Рикардо В., Кейнс ДЖ., Кейнс М., Фримен М. Классика экономической мысли. М.: ЭКСМО-ПРЕСС. 2000. –С.115.

3. Абдураҳмонов Қ.Х., Зокирова Н.К. Меҳнат бозори назариясига янгича ёндашувлар. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. Т.: № 1, 2011 йил.- 1 Б.

4. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55- сонли Қарори.

5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. -7 б. http:// www. Lex.uz. 9. http:// www. stat. uz.

И.Х.Шукуров – СамИСИ доценти, т.ф.н.,
У.А.Абдурайимов – СамИСИ ассистенти,
З.М.Базаров – СамИСИ ассистенти

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мазкур мақолада пандемия даврида умумий овқатланиш корхоналари фаолиятининг таҳлили ўрганилган, шунингдек овқатланиш корхоналарида пандемия даврида санитария ва гигиена қоидалари асосида фаолият юритишлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Пандемия, карантин, дизинфекция, шахсий гигиена, ресторан, умумий овқатланиш корхоналари.

Аннотация: В статье рассматривается анализ деятельности предприятий общественного питания в период пандемии, а также информация о работе этих предприятий общественного питания в соответствии с правилами санитарии и гигиены в период пандемии.

Ключевые слова: пандемия, карантин, дезинфекция, личная гигиена, рестораны, предприятия общественного питания.

Abstract: This article examines the analysis of the activities of public catering establishments during the pandemic period, as well as information on the operation of these catering establishments in accordance with the rules of sanitation and hygiene during the pandemic.

Keywords: Pandemic, quarantine, disinfection, personal hygiene, restaurants, catering establishments.

Бугунги кунда сайёрамиз аҳолисини соғлигини таъминлаш глобал муаммога айланиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби дунёда COVID-19 коронавирус инфекциясининг аҳоли орасида кун сайн кенг тарқалаётганлигидир.

Шу сабабли ҳам жаҳон мамлакатларининг ҳар бири бу масалага алоҳида эътибор билан ёндашишлари талаб этилади. Бизнинг мамлакатимизда эса пандемия даврида карантин қоидаларига амал қилиш энг зарурий масалалардан бири сифатида қаралиб, тегишли ишлар амалга оширилмоқда, ҳатто халқаро ҳамжамиятнинг ҳам эътиборини қаратмоқда.

Пандемия сабаб ўрнатилган карантин чекловлари биринчи бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасига жиддий таъсир кўрсатди. Мамлакатимизда карантин эълон қилингандан сўнг пандемияга қарши курашиш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва дори-дармонлар билан таъминлаш, иқтисодий секторни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қулай шарт-шароит ва имтиёзлар яратиб бериш каби масалалар ўз аксини топган 20 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Коронавирус пандемиясининг сальбий таьсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-6029 сонли фармони.

Таъкидлаш жоизки мамлакатимизда карантин қоидаларининг киритилиши умумий овқатланиш корхоналари фаолиятига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатди.

Бу долзарб муаммонинг ечимида аҳоли орасида шахсий гигиенага риоя қилиш ва ижтимоий масофани сақлаш муҳум аҳамият касб этади. Айниқса, умумий овқатланиш корхоналарида кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, уларда озиқ-овқат хомашёларини сақлаш, қайта ишлаш, ташиш ва истеъмолчиларга етказиб беришда шунингдек истеъмолини ташкил этишда санитария ва гигиена меьёр ва қоидаларига амал қилган ҳолда фаолият юритишлари талаб этилади.

Пандемия даврида умумий овқатланиш корхоналарининг фаолияти бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Масалан, бу борада илмий-тадқиқат ишларини олиб борган Россиялик олим «Тиббиёт етакчиси» тиббий маркази бош шифокори Евгений Тимаков ва бошқаларни айтиш мумкин.

Юқорида қайд қилганимиздек бугунги куннинг муҳим муаммоларидан бири умумий овқатланиш корхоналарида санитария ва гигиена қоидаларига амал қилиш, шунингдек кишилар орасида ижтимоий масофани сақлаш ва шахсий гигиенага риоя қилиш ҳисобланади. Шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида умумий овқатланиш корхоналарини яхши шамоллатилиши орқали касалликни кенг тарқлишини олдини олишимиз мумкин.

Республикамизда COVID-19 пандемияси бошланганидан то бугунги кунга қадар умумий овқатланиш корхоналри фаолиятини 3 босқичга бўлишимиз мумкин яъни:

1-босқич. Коронавируснинг кириб келиши ва кенг тарқалишини олдини олиш мақсадида Республика махсус комессиясининг қарорига асосан 2020 йил 19 мартдан бошлаб мамлакатимиз ҳудудидаги 13 858 та умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини вақтинча тўхтатилди.

Жумладан, Тошкент шаҳридаги мавжуд 2644 та, Самарқанд вилоятида 2081 та ва Бухоро вилоятида 1187 та умумий овқатланиш объекти фаолияти вақтинча тўхтатилди. Бу республика бўйича энг йирик кўрсаткичлар.

Бу борада энг паст кўрсаткич Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоятларига тўғри келди. Сирдарёда 387 та, Навоийда 465 та ҳамда Жиззахда 467 та умумий овқатланиш объекти фаолияти вақтинчалик тўхтатилди.

2-босқич. Тайёр таомларни етказиб бериш (доставка) ва сотиш хизмати йўлга қўйилиб, умумий овқатланиш корхонаси сифатида рўйхатдан ўтган кўпчилик тадбиркорлик субъектлари мазкур хизматдан фойдаланишни бошлади.

3-босқич. Бу босқичда эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, амал қилинадиган бир қатор талаблар белгиланди яъни қуйидаги тартиб ва қоидаларга амал қилган ҳолда умумий овқатланиш корхоналари фаолияти тикланишига рухсат берилди:

- банкетлар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказишга йўл қўймаслик;
- фаолиятини 8:00 дан 23:00 га қадар ташкил этиш;
- столлар оралиғидаги 2 метрдан кам бўлмаган ижтимоий масофани таъминлаш;
- бир стол атрофида 4 кишидан кўп бўлмаган (10 кишидан кўп бўлмаган бир оила аъзолари бундан мустасно) мижозларни жойлаштириш;
- ходимларнинг тиббий ниқоб ва тиббий қўлқопда бўлиши;
- ҳар бир мижоздан кейин стол ва бошқа жиҳозларнинг юза қисмини дезинфексион воситалар билан тозалаш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, пандемия шароитида умумий овқатланиш масканлари аввалгидек бемалол ишлай олмайди. Эндиликда умумий овқатланиш корхоналарининг барча турлари ўз фаолиятини 3-босқичда келтирилганидек олиб боришлари ҳамда санитария ва гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда ўз фаолиятини дамом эттириши талаб этилади.

Бугунги пандемия шароитида хурандалар исталган жойга бориб овқатланиш хизматидан фойдалангандан кўра ишончли, санитария ва гигиена шу жумладан карантин қоидаларига амал қилган ҳолда фаолият

юритаётган умумий овқатланиш корхоналарига бориб овқатланишни афзал кўришади. Шулар асосида қўйидаги таклифларни берамиз:

1) умумий овқатланиш корхоналарининг санитария ҳолати талаб доирасида бўлиши яъни бунда корхона ҳудуди, унинг цехлари, омборхоналари, инвентарлар, идиш-товоқлар ҳамда унинг микроиқлим шароити хуранданинг кўнглини ҳижил қилмайдиган ҳолатда бўлиши тавсия этилади;

2) умумий овқатланиш корхоналари доимий мижозлари учун акциялар ташкил этиш яъни бунда бир ойда (26 иш куни) давомида ушбу овқатланиш корхонасига хуранда сифатида ташриф буюрганда унга бир марта ўзи истаган таомини бепул корхона ҳисобидан тақдим этиш хизматини йўлга қўйиш тавсия этилади;

3) умумий овқатланиш корхоналари айрим турдаги мижозлар учун чегирмалар жорий этиш яъни бунда бир мижоз ўзи билан ушбу овқатланиш корхоансига уч ва ундан кўп хўрандаларни тез-тез олиб келганда айнан ушбу мижозга чегирма бериш яъни маълум миқдорда у истеъмол қилган таомнинг нархидан кам миқдорда ҳақ тўлашни йўлга қўйиш тавсия этилади;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемиясининг сальбий таьсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-6029 сонли фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 27 июлда қабул қилинган ПҚ-4790 сонли қарори.

3. И.Х.Шукуров, Ш.Максумов, З.М.Базаров. Санитария ва гигиена. Ўқув қўлланма. Самарқанд. 2021 й.

4. www.stat.uz

О.М.Пардаев –ЎзР Молия вазирлиги бўлим бошлиғи, мустақил изланувчи

АҲОЛИНИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни такомиллаштиришнинг концептуал йўналишлари қараб чиқилган. Бунда асосий эътибор сув таъминотини яхшилаш ва сифатини оширишга қаратилган Президентимиз ва ҳукуматимизнинг қарор ва фармонлари, уларнинг асосий йўналишлари қаратилган.

Калит сўзлар: ичимлик суви, сув таъминоти, ичимлик суви хизматлари, сув манбалари, сув истеъмоли, сув танқислиги.

Аннотация: В статье рассмотрены концептуальные направления улучшения качества питьевого водоснабжения населения. Основное внимание уделяется структурным изменениям, вводимым в отрасли на основании постановлений и

распоряжений Президента и Правительства, направленных на улучшение качества услуг водоснабжения по основным направлениям.

Ключевые слова: питьевая вода, водоснабжение, услуги питьевого водоснабжения, водные ресурсы, водопотребление, дефицит воды.

Abstract: The article considers the conceptual directions of improving the provision of drinking water for the population. The main focus is on the structural changes and main directions of the sector which is based on the decisions and decrees of the President and the Government, aimed at improving water supply and its quality.

Key words:drinking water, water supply, drinking water services, water sources, water consumption, deficiency of water.

Мамлакатимизда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш борасида каттагина ишлар амалга оширилди. Ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича ғоят муҳим дастурлар ва лойиҳаларни изчиллик билан рўёбга чиқариш шаҳар ва туманларда, шу жумладан, қишлоқ жойларда сув таъминоти ҳолатини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Аҳолининг фаровон турмуш даражаси сифатли ичимлик суви таъминотига кўп жиҳатдан бевосита боғлиқ. Шу муносабат билан, аҳолини сифатли ичимлик суви таъминоти билан қамраб олиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида” ги қарори, 2019 йил 26 ноябрдаги ПФ-5883 – сонли “Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ваунинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони, 2019 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4536 – сонли “Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори, 2020 йил 26 сентябрдаги ПФ-6074 – сонли “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони шулар жумласидандир.

Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши бежиз эмас албатта. Буларни инобатга олиб, сувдан фойдаланиш, шу жумладан сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сувдан оқилона фойдаланиш, унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ичимлик суви истеъмолини ҳисобга олишнинг замонавий инновацион тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кўрилаётган чора-тадбирларнинг бир йўналиши сув таъминотини сифатли ва тизимли равишда йўлга қўйиш, сув чиқариш соҳасига хусусий секторни жалб қилиш бўйича фаол ишлар олиб борилиши билан боғликдир. Шу йўл билан сувдан фойдаланишни самарали тартибга

солишни таъминлаш учун сув ресурсларини бошқариш бўйича янги тузилмалар ҳам яратилди.

Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги ПФ-5883 – сонли Фармони ва ПҚ-4536 – сонли қарорига мувофиқ, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув объектларини давлат томонидан тартибга солиш, бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида ҳудудий ичимлик суви таъминоти корхоналарини бирлаштирган ҳолда «Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти ташкил этилди, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига ўтказилди. Натижада, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ушбу соҳадаги назорат функциялари кенгайтирилиб, унга хос бўлмаган хўжалик фаолияти билан боғлиқ вазифалар «Ўзсувтаъминот» АЖ га юклатилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳозирги пайтда глобал иқлим ўзгариши туфайли республикамизда қуруқ фаслларнинг давомийлиги ошиб бормоқда, тоғларда қор захиралари майдони камаймоқда, камсувликнинг такрорланиши барча ҳудудларимизда тобора кўпаймоқда, бу эса ўз навбатида сув танқислиги келиб чиқиш хавфининг ошишига олиб келади. Аммо иккинчи томондан, йилдан-йилга сон жиҳатидан ўсиб бораётган аҳолини сувсиз қолдириб ҳам бўлмайди.

Ана шундай шароитда мамлакатимизда сув балансини бошқаришда ваколатли давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, сув ресурслари сифати ва хавфсизлиги мониторингини амалга оширишнинг самарали тизими яратиш мақсадида, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ягона сув балансини шакллантириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг хавфсиз ва сифатли сув ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, сув балансини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларини ўз вақтида бажаришга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бугунги кунда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари сув таъминоти ташкилотларининг молиявий ҳолатини қатъий назорат қилиш, уларнинг молиявий оқимлари устидан мониторинг олиб борилишини таъминлаш, кредитларга хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча маблағларни ундириш чораларини кўриш ва маблағлар етмаган ҳолларда, асосий қарз ва фоиз тўловларининг қопланмаган қисмини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадлари ҳисобидан молиялаштириш топшириғи берилган.

Бундан ташқари, Республика аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари бўйича жалб қилинган хорижий молия институтлари ва ташкилотлари займ ва кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатилиши таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 ноябрдаги 997-Ф-сонли фармойиши қабул қилинган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Фармойишнинг 2-бандида, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий сув таъминоти корхоналари билан биргаликда бир қанча вазифалар белгиланган.

Биринчидан, сув таъминоти корхоналарининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, жалб қилинган хорижий молия институтлари ва ташкилотларининг займ ва кредит маблағларининг асосий қарзларини ва фоизларини қайтарилиш улуши бўйича ҳисоб-китобларни тайёрлаш лозимлиги таъкидланган.

Иккинчидан, сув таъминоти корхоналарининг молиявий фаолиятидан келиб чиқиб, жалб қилинган хорижий молия институтлари ва ташкилотларининг займва кредит маблағларининг асосий қарзларини ва фоизларини қайтариш бўйича бюджет улуши ва корхоналар улуши тўғрисида бюджет сўровномаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Рақобат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига тақдим қилиш топшириғи берилди.

Мамлакатимиз аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳалар бўйича хорижий молия институтлари ва ташкилотларидан жалб қилинган займ ва кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатилиши таҳлиллари ҳам амалга оширилди. Таҳлил натижаларибўйича қуйидагилар аниқланди.

Биринчидан, 2019йил1ноябр ҳолатига Республика сув таъминоти корхоналарини ривожлантириш лойиҳалари бўйича хорижий молия институтларива ташкилотларидан жалб қилинган займ ва кредит маблағлари бўйича қуйидаги ҳолат юз берган. Хусусан, муддати ўтган кредитор қарздорлик миқдори жами **55,2млрд.сўмни** ташкил этаган. 2020 йилнинг ноябр-декабр ойларида сув таъминоти корхоналари томонидан **2162,9мингАҚШдолл.** миқдоридаги тўловларнинг амалга оширилишини кутилмоқда.

Иккинчидан, сув таъминоти корхоналари фаолиятининг аналитик таҳлиллари қуйидаги омиллар таъсирида корхоналар даромадларнинг пасайиб кетганлиги ҳамда кредитор қарздорликларининг кескин ошиб кетаётганлигини кўрсатмоқда Хусусан, истеъмолчиларнинг тўлиқ хатловдан (инвентаризациядан) ўтказилмаганлиги ҳамда “Биллинг” дастурлари асосида **ишончли абонентлар базасининг тўлақонли шакллантирилмаганлиги** сабабли, сув таъминоти корхоналари томонидан марказлашган ичимлик сув таъминотибилан қамраб олинган аҳолининг атиги 67 %қисми абонентлар базасига киритилган.

Қ.Б.Дилмонов – Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИНГ АҲОЛИ ЯШАШ СИФАТИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: Ушбу мақола хизмат кўрсатиш соҳасида ўзини ўзи банд қилишнинг аҳоли яшаш сифати ва турмуш даражасига таъсирига бағишланган. Мақолада кишиларнинг ўзини ўзи банд қилган шахслар саналиши, уларга имтиёзлар берилганлиги, ўзини ўзи банд қилиш тажрибасининг бандликни таъминлашга ҳисса қўшиши назарда тутилган.

Калит сўзлар: бандлик, аҳоли яшаш сифати, турмуш даражаси, ўзини ўзи банд қилиш.

Аннотация: В статье рассматривается влияние самозанятости в сфере услуг на качество жизни и уровень жизни населения. В статье говорится, что люди считаются самозанятыми, им предоставляются льготы и что практика самозанятости способствует занятости.

Ключевые слова: занятость, качество жизни, уровень жизни, самозанятость.

Abstract: The article examines the impact of self-employment in the service sector on the quality of life and the standard of living of the population. The article states that people are considered self-employed, they are given benefits, and that the practice of self-employment promotes employment.


Keywords: employment, quality of life, standard of living, self-employment.

Бугун жаҳонда тобора чуқурлашиб бораётган коронавирус пандемияси оқибатида кўплаб мамлакатларда ишсизлик даражаси кескин ошиб, ижтимоий-иқтисодий муаммолар борган сари жиддий тус олмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2020 йил COVID-19 пандемияси бошланганлигини хабар бериши билан, у тезда мисли кўрилмаган глобал иқтисодий ва меҳнат бозори инқирозини юзага келтирди, бу иш билан бандликда катта йўқотишларга олиб келди. Вирус бутун дунёга тарқалиши билан унинг иқтисодиётга салбий таъсири ҳам паралел равишда ошди. Бунинг натижасида йирик корхоналар, ташкилотлар ва ҳаттоки мавсумий иш жойлари ёпилиши билан, бир неча ҳафта ёки ойлар давомида даромадларининг тўлиқ ёки бир қисми йўқотилди. Ушбу ҳолатларнинг кўлами дунё бўйлаб иш вақтининг 12,1 фоиз йўқотилиши яъни, 345 миллион доимий иш жойига тенг эканлиги тахмин қилинмоқда. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига кўра 2019 йилнинг тўртинчи чорагига нисбатан 2020 йил учинчи чорагида глобал меҳнат даромадлари 10,7 фоизга пасайиши оқибатида 3,5 трлн АҚШ долларига тенг маблағнинг йўқотилишига олиб келди. Айниқса, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган 76 фоиз норасмий ишчиларнинг яъни, 1,6 миллиарди жабр кўришига олиб келди[1].

Дарҳақиқат, республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий хусусиятдан келиб чиқиб аҳолининг иш билан бандлиги масаласи доимо ўз

[1] World Health Organization (WHO) Coronavirus Disease (COVID-19) Dashboard, https://covid19.who.int/

долзарблигини йўқотмайди ва у ҳар доим давлат раҳбариятининг диққат марказидадир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда тасдиқлаган ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармон асосида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси келгуси беш йилликда ижтимоий-иқтисодиёт ҳуқуқий-сиёсий тараққиётимизни белгилаб берадиган ҳужжат ҳисобланади. Унинг "Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари" деб номланган 4-қисми 4.1 бандида яқин беш йилда аҳолини иш билан бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, бунинг учун эса: "... янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблиги ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш" амалга оширилиши муҳим ҳисобланган устувор йўналиш сифатида белгиланган бўлиб, бундай мақсадларга эришиш учун "...меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш"[1] каби вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади.



1-расм. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат бозорида иш билан банд аҳоли[2]

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

[2] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Юртдошларимиз орасида бирор корхона, идора ёки ташкилотда ўзига қулай иш тополмаслиги натижасида меҳнат шартномаси, доимий иш ҳақига эга бўлмаган, бироқ турли мавсумий меҳнат билан банд бўлган ёки оиласида томорқа билан шуғулланиб, даромад топадиганлар кўпчиликни ташкил этади. Аммо шу кунга қадар уларнинг фаолияти ҳеч қаерда қайд этилмасди. Бу эса пенсия ёшига етганда нафақа тайинлаш учун талаб қилинадиган меҳнат стажи йўқлиги муаммосини келтириб чиқаради.

Айни ҳолат 2020 йилги Давлат дастурида ҳам алоҳида қайд этилиб, ўзини ўзи банд қилган фуқароларга қатор енгилликлар яратиш лозимлиги белгиланди. Хўш, кимлар ўзини ўзи банд қилган шахслар саналади? Уларга қандай имтиёзлар берилган? Бу тажриба ҳақиқатда бандликни таъминлашга ҳисса қўшяптими?

Айниқса, сўнгги вақтларда «ўзини ўзи банд қилиш» атамаси тез-тез тилга олинмоқда. Хўш, аслида улар ким? Ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар — меҳнат даромади олишга йўналтирилган жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган ва ўз фаолиятида ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайдиган жисмоний шахслар меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар ҳисобланади.

Умуман олганда, бугунгача ҳам халқимиз бундай фаолият турлари билан шуғулланиб келган. Ҳунармандчилик, устачилик, заргарлик, новвойлик, дурадгорлик, сартарошлик каби касб эгалари шулар жумласидан. Энди эса бундай фаолиятга ҳуқуқий баҳо берилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги «Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида»ги қарори билан «Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, 2019 йил 1 сентябрдан бундай шахсларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилди. Меҳнат гувоҳномаси ариза берувчининг хоҳишига кўра, 1 ойдан 12 ойгача муддатга, меҳнат органлари томонидан фуқароларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар берилади. Гувоҳномада кўрсатилган давр пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун фуқароларнинг меҳнат стажига киритилади. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган фуқароларга банклардан Бандликка кўмаклашиш жамғармалари ҳисобига имтиёзли микрокредитлар ажратилади. Энг аҳамиятлиси, ўзини ўзи банд қилаётган, қўлида касб-ҳунари бор одамларга муносиб шароит яратиш мақсадида улар даромад солиғидан озод қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакат аҳолисининг иш билан таъминланганлиги кишилар даромадларни ташкил қилишда асосий омил ҳисобланади. Айниқса, мамлакатимизда 2020- йилнинг январ-декабр ойларида аҳолининг умумий даромадлари ҳажмини сезиларли даражада ўсиши асосан умумий даромадлар таркибида 69,3 % улушга эга бўлган

меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар (ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар) ва 25,5 % ни ташкил этувчи трансфертлардан олинган даромадларнинг сезиларли ўзгариши ҳисобига юзага келган. Меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг номинал ўсиш суръати 2019- йилнинг мос даврига нисбатан 115,1 % ни ташкил этди ҳамда аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг 10,5 % га ўсишини таъминлади. Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар ёлланма ишчиларнинг даромадлари ҳамда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлардан ташкил топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
2. World Health Organization (WHO) Coronavirus Disease (COVID-19) Dashboard, https://covid19.who.int/
3. Елисеева Т.А. Молодой спещ1алист на рывке труда науч.-лракг. конф. Кемерово, 18-21 октября 2005г. - Кемерово, 2005 .-С. 27 - 29.
4. Мяленко В.И. Востребованность и профессиональная адаптация вьшускника на рьшке труда региона / В. И. Мяленко, Т. А. Елисеева // Вестник РАЕН (ЗСО). - 2005. - № 8.

М.Б. Каланова– СамИСИ стажёр-тадқиқотчиси

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР СИФАТИ

Аннотация. Ушбу мақолада ресторанларда овқатлантириш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида қилинадиган ишлар ҳақида ёритилган. Бугунги пандимия шароитида гигиена талабларига риоя қилиш қанчалик долзарблиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: умумий овқатланиш корхонаси, ресторан, хизмат кўрсатиш, мижоз, официант, идиш-товоқ, анжом.

Аннотация. В этой статье рассказывается о проделанной работе по повышению качества и эффективности организации питания в ресторанах. Предоставляется информация о безотлагательности соблюдения гигиенических требований в сегодняшней пандемической среде.

Ключевые слова: организация общественного питание, ресторан, услуга обслужавание, клиент, официант, посуда, инвентар.

Abstract. In this article describes the work done to improve the quality and efficiency of catering in restaurants. Provides information on the urgency of hygiene compliance in today's pandemic environment.

Keywords: catering, restaurant, service, customer, waiter, dishes, utensils.

Мамлакатда яшаётган фуқаролар учун ҳам туристлар учун ҳам овқатланиш инсоннинг кундалик ҳаётидан ажралмас жараён ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб умумий овқатланиш корхоналаридан, таомларнинг ва хизматларнинг қимматлилигига қарамасдан, овқатланишни ресторанларда ташкил қилиш тобора кучайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолатнинг асосий сабаби овқатларнинг сифатлилиги ва ресторанларнинг шинамлилиги ҳисобланади. Бундан ташқари мижозларга кўрсатиладиган хизматларнинг сифатлилиги билан ҳам алохида ўринга эга.

Меҳмондўстликнинг этик пойдеворини меҳмонларни мансабига, жинсига ва ёшига қараб овқатланиш столи атрофида ўтирғизиш, стол атрофида ўзини тутиш, таомни бевосита истеъмол қилиш, таом истеъмол қилиш анжомларидан ва салфеткалардан фойдаланиш ҳамда меҳмонларга хизмат кўрсатиш қоидалари ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси ва чет мамлакатлар ҳалқлари тажрибасида қабул қилинган қоидаларга кўра меҳмондўстлик асосан ресторанларда (овқатланиш соҳасининг бошқа корхоналарида ҳам) ва уй шароитларида ташкил қилинади.

Ўзбекистонда меҳмондўстлик қилишда ҳам миллий анъаналар билан бойитилган европача этикет қоидаларига риоя қилиниши лозим.

Айниқса хозирги пандимия шароитида умумий овқатланиш корхоналарида қатъий гегиена қоидаларига риоя қилишлари муҳим вазифалардан биридир.

Умумий овқатланиш корхонасида маданий кўрсаткичлар ва баҳога эга:

- хизмат қилувчи ходимларнинг мижозлар билан ўзаро муносабатлари, уларнинг хизмат қилиш техникаси;

- хизмат қилувчи ходимларнинг ташқи кўриниши ва шахсий гигиенаси, кийим шакли, пояфзал белгиланган талабга жавоб бериши, ҳар бир ходимнинг шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши;

- умумий овқатланиш биносининг ичи, ошхона идиш-товоқлари, жиҳозлари, махсус кийимлар, сочиқ ва бошқаларнинг санитария ҳолати;

- ресторан, кафе ошхонасининг идиш-товоқлар, анжомлар, буюм, мебел билан тўла таъминланганлиги;

-таом, ичимликлар, овқат маҳсулотлари ассортиментига риоя қилиш;

-мижозларга тез хизмат қилиш;

-музика хизматининг сифати;

-қўшимча хизматларнинг мавжудлиги.[1]

Хизмат қилиш маданиятининг баҳоси беш баллик шкала билан белгиланади.

Назорат қилувчи органлар текширув натижалари ва мижозлар фикрлари ҳисобга олинади.

Бу ҳақда республикага хос тартиб-қоидага риоя қилинади.

Ресторанларда хизмат даражаси қуйидагича амалга оширилади:

- официантлар буюртирилган таомга хос вино тавсия этишни билиши;

- ходимларнинг мутахассислик даражаси юқори бўлиши;

- официантларнинг овқат, вино ва ичимликлар соҳасида чуқур билимга эга бўлиши;

- ҳамма ресторан ходимлари мижозларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши;

- официант ва вино сотувчиларнинг мижозларга яхши маҳсулот тавсия этишлари;

- мижозлар билан низоли масалаларда тортишмасдан ён бериш.

Маълумки, меҳмондўстликка келган кишилар ўз жойларини олдиндан безатилган зиёфат столлари атрофида эгаллайди. Безатилган зиёфат столи деганда устига дастурхон тўшалган, зарурий барча идиш–товоқлар, ичимлик ичиш идишлари, овқатланиш анжомлари, зираворлар, салфеткалар, гуллар ва антисептик воситалар қўйилган стол тушунилади.

Ресторанларда зиёфат столларини махсус билимга эга бўлган ва дизайн талабларидан хабардор мутахассис ходимлар безатишади. Лекин меҳмондўстлик доимо ресторанларда ташкил қилинмайди, у офисларда, уйда ва сайр қилиб далага чиқган жойларда ҳам ташкил қилиниши мумкин. Офисларда, далага сайр қилиш жойларида ва уй шароитида аксарият ҳолларда меҳмон кутадиган тадбиркорлар столни ўзлари безатишга тўғри келиб қолади. Шу сабабли ҳам ҳар бир тадбиркор зиёфат столини безатишдан хабардор бўлиши шарт ҳисобланади.[2]

Зиёфат столи устига тўшаладиган дастурхон, қўйиладиган идиш–товоқлар, ичимлик ичадиган идишлари, овқатланиш буюмлари ва хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган барча анжомлар тоза ювилган бўлиши ва санитария талабларига тўлиқ жавоб бериши шарт.

Агар хорижий туристларга бир неча кун хизмат қилиш керак бўлган тақдирда ресторанда алоҳида махсус жой ажратилади. Бир неча мамлакатлардан келган хорижий туристлар ресторанниng битта залида ўтирадиган бўлса, ўша мамлакатнинг байроқчаси столга қўйилади.

Ҳар бир овқатланиш корхоналарида юқорида таъкидлаганимиздек, хизмат сифати бу асосан таомнинг сифатли бўлишидадир. Шунинг учун таомларни меҳмонларга етказиб беришда, ресторандаги ошпазлар ва хизмат кўрсатувчи официантларга боғлиқ ҳисобланади. Чунки, қоидаларга риоя этган ҳолда тўғри кўрсатиладиган хизматлар ва таомларнинг маззалилиги, ёқимлилиги, кўриниши мижознинг хурсандчилиги ва кафияти кўтаришда хизмат қилади. Бугунги давр талаби мижознинг барча хоҳиш истакларини максимал даражада бажаришдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Асланова Д., Худайшукуров Т., Мўминов Н. Дунё халқлари овқатланишининг ўзига хос хусусиятлари. Дарслик. Тошкент, Иқтисодиёт-молия, 2016 йил.
2. Беринин Лини. Новая энциклопедия этикета: Деловой этикет двадсат первого века / Пер. с англ. Ю.О.Анхиной. – М.: РИПОЛ классик, 2014
3. Романович Ж.А., Калачев С.Л. Сервисная деятелност. Учебник. – М. Издателско торг. корпоратсия “Дашков и К”, 2017, - 268 с.

Б.Кулиев – СамИСИ 2-босқич магистранти,
И.Х.Шукуров– СамИСИ, “Сервис” кафедраси мудири,
У.Т.Мукимова – СамИСИ “Сервис” кафедраси ассистенти

ОЗИҚА ТОЛАЛАРИНИНГ ОВҚАТЛАНИШДАГИ ЎРНИ ВА УЛАР БИЛАН БОЙИТИЛАДИГАН РАЦИОНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада озиқа толаларининг овқатланишдаги ўрни, инсон организмидаги хусусиятлари, касалликнинг оқибатлари ва уни бартараф этиш йўллари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек аҳолининг камҳаракат қатлами бўлган ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар учун озиқа толалари билан бойитилган рационларни такомиллаштириш тўғрисида тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: озиқа толалари, ҳазм бўлмайдиган углеводлар, лигнин, целлюлоза, пектин моддалар, ёпишқоқ моддалар, гемицеллюлоза, клетчатка, балласт моддалар, бойитилган рацион

Аннотация: В статье представлена информация о роли пищевых волокон в питании, их свойствах в организме человека, а также последствиях болезни и способах их преодоления. Также были даны рекомендации по улучшению рациона, обогащенного пищевыми волокнами, для людей занимающиеся умственным трудом, которые являются менее активным слоем населения. **Ключевые слова:** пищевые волокна, не перевариваемые углеводы, лигнин, целлюлоза, пектин, адгезивы, гемицеллюлоза, клетчатка, балластные вещества, обогащенный рацион.

Abstract: This article provides information on the role of dietary fiber in nutrition, its characteristics in the human body, the consequences of the disease and ways to overcome it. Recommendations have also been made to improve diets enriched with dietary fiber for the mentally active, who are the least active segment of the population.

Key words: dietary fiber, indigestible carbohydrates, lignin, cellulose, pectin, adhesives, hemicellulose, fiber, ballast substances, fortified diet.

Маълумки, инсон овқатининг таркибида асосий (оқсиллар, ёғлар, углеводлар) ва қўшимча (витаминлар ва минерал моддалар) озиқа моддалари бўлиб, улар биринчи навбатда тирикликни таъминлаш учун пластик (қурилиш) материал бўлиб хизмат қилади, яъни улар ҳисобидан янги тўқима ва ҳужайралар ҳосил бўлади. Мавжуд ҳужайра ва тўқималар маълум бир вақт ўтиши билан янгиланиб боради. Иккинчидан озиқа моддалар, хусусан ёғлар, углеводлар, оқсиллар организмда бажариладиган барча ақлий ва жисмоний фаолият учун ҳамда бир бутун организмнинг тириклигини сақлаш учун (қон айланиши, нафас олиш, жигар, буйрак, ошқозон каби тизимларнинг фаолияти ва бошқалар) тегишли қувват, яъни энергия бериб туради. Биз юқорида қайд қилган қўшимча озиқа моддалари эса биологик фаол моддалар ҳисобланиб, уларнинг асосий вазифаси вужудда моддалар ва энергия алмашинуви жараёнларининг меъёрида боришини таъминлашдан иборат. Уларнинг кўпчилиги яна бевосита ҳужайра ва тўқималар таркибига ҳам киради. Масалан, калий буйрак ҳужайралари таркибига, натрий, калий, калций ва фосфор кабилар мускул тўқимасининг таркибига, темир эса қондаги гемоглобин таркибига киради.

Айрим витаминлар ва минерал моддалар инсон организмидаги ферментлар, гормонлар ва ҳужайраларо суюқликлар таркибига кириб, уларнинг фаоллигини таъминлайди.


Овқат билан қабул қилинадиган озиқа моддаларнинг аксарият қисми полимер ҳолида бўлиб, улар ошқозон-ичак йўлида парчаланади, кейин оддий молекулалар ҳолигача келади ва қонга сўрилади. Бунга яққол мисол қилиб крахмалнинг ичакларда глюкозагача парчаланишини олиш мумкин.

$$(C_6H_{10}O_5)_n \longrightarrow (C_6H_{10}O_5)_m \cdots\longrightarrow C_{12}H_{22}O_{11} \longrightarrow C_6H_{12}O_6$$

Крахмал Декстрин Малтоза Глюкоза

Худди шунингдек, оқсиллар ва ҳайвон ёки ўсимлик ёғлари ҳам ўзларининг бирламчи мономерларигача парчаланиши орқали шундай йўлни босиб ўтади.

Айтиш жоизки, озиқа моддалардан айримлари инсон ошқозон-ичак тизимида махсус ферментларнинг бўлмаганлиги боис парчаланмайди ва ичаклардаги мавжуд микроорганизмлар иштирокида қисман парчаланади. Бундай озиқа моддаларга кўпинча ўсимлик маҳсулотлари билан қабул қилинадиган целлюлоза ёки клетчатка, лигнин, пектин ва ўсимлик елимлари (камеди) киради. Улар умумий ном билан озиқа толалари дейилади (1-расм).



1-расм. Озиқа толаларининг таркиби

Озиқа толаларининг ҳазм бўлиши фақат ҳайвонлар организмида мавжуд бўлган целлюлаза ферменти иштирокида содир бўлади. Инсонда эса бундай фермент синтезланмайди ва шунинг учун истеъмол қилинган

таомнинг озиқа толаларидан иборат бўлган қисми органиизмда парчаланмайди. Шу боис, озиқа толалари инсон организмида ҳазм бўлмайдиган модда ҳисобланиб, уларни **“балласт моддалар”** деб ҳам аташади. Лекин, айтилган балласт моддалар ҳазм бўлмасада, организмда муҳим физиологик функцияларни бажаради (ошқозон-ичак тизимининг ҳаракатини яхшилайди, ошқозон-ичакларда ҳосил бўлган қатор заҳарли моддаларни ўзига шимиб, танадан олиб чиқиб кетади, вужудни витаминлар билан таъминлайди ва бошқалар). Шунинг учун кундалик истеъмол таомларида энергия берувчи ва пластик материал бўлиб хизмат қиладиган озиқа моддалари билан бир қаторда, организмда ҳазм бўлмайдиган, лекин организм учун жуда зарур бўлган озиқа толалари бўлиши шарт.

Шунинг учун, Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида яшайдиган аҳоли турли гуруҳларининг амалдаги овқатланишини ўрганишда уларнинг кунлик истеъмол таомлари таркибидаги озиқа толаларининг миқдорини аниқлаш ратционал овқатланишни ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Озиқ толалари ҳақидаги дастлабки тушунчалар Гиппократ асарларида қайд этилган бўлиб, эрамиздан аввалги 430 йилларда у буғдой кепагининг ични бўшаштирадиган ёки ични сурадиган хусусиятлари ҳақида ёзиб қолдирган.

Шунингдек, рус академиги А.М.Уголев томонидан адекват овқатланиш назариясининг яратилиши ва унга кўра озиқа толалари соғлом одамнинг кунлик овқатини асосий таркибий қисмини ташкил этиши ҳақидаги тушунчалар бугунги кунда ҳеч биримизга шубҳа уйғотмайди. Бундай мураккаб полисахаридларнинг роли, уларнинг ҳазм аъзолари тизимини меъёрий фаолият кўрсатишидаги ўрни, йўғон ичак микрофлорасининг мақсадга мувофиқ равишда ишлаши, заҳарли ва консероген моддаларнинг зарарсизлантирилиши, углеводлар ва липидлар алмашинувига ижобий таъсир кўрсатиши ҳамда турли хасталикларни олдини олишдаги аҳамияти тиббий-физиологик нуқтаи назардан асослаб берилди. Шунга мувофиқ ҳолда кишиларнинг кунлик истеъмол таомлари таркибида ўртача 25-30 г озиқа толаларининг бўлиши меъёр сифатида қабул қилинган.

Шундай қилиб, озиқа толалари юқори молекулали органик моддалар бўлиб, улар инсон организмда ҳазм ферментлари таъсирида парчаланмайди. Лекин кунлик истеъмол таомлари билан доимий равишда қабул қилиб турилиши лозим. Чунки улар организмда озуқавий қийматга эга бўлмасада, ошқозон-ичакларнинг ҳаракат функциясини яхшилайди, ҳазм жараёнини меъёрлаштиради, заҳарли ва зарарли моддаларни ўзига шимиб олиб, организмдан чиқиб кетишини таъминлайди, ич қотишини бартараф қилади. Шу билан бир қаторда қонда холестерин миқдорининг кўпайиб кетиши, қандли диабет, саратон ва бошқа давр хасталикларининг олдини олишда алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Республикамиз аҳолиси ўртасида, айниқса ақлий мехнат билан шуғулланувчи қатлами орасида юрак қон томири билан боғлиқ касалликлар, қандли диабет ва қабзият (ич қотиш) каби касалликлар, бирмунча кўпайганлигини кўриш мумкин.

Ваҳоланки юқоридаги таҳминлардан келиб чиқиб, ағоли гурухининг ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар қатлами рационини озиқа толалари билан бойитилган таомлар билан тўйинтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу боис, уларнинг овқатланиш рационини қуйидаги озиқа толали таомлар билан бойитишни тавсия этамиз.

Овқатланиш рационига:

- Жайдари донлардан (кепакли) тайёрланган нон ва нон маҳсулотларини киритиш;
- Сабзавотли, айниқса озиқа толаларига бой бўлган сабзи, карам, лавлвги каби маҳсулотлардан тайёрланган салатлар ва уларнинг шарбатларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш;
- Мевали ва мева-резаворли шарбатларни киритиш;
- Овқатланиш рационининг асосий таркибий қисми бўлган сардаклар (соус) таркибидаги уннинг бир қисми яъни 30%ини озиқа толали кукунлар (қуритилган сабзи, карам ёки лавлагидан) билан тайёрланган унлар алмаштириш орқали тайёрланган таомларни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.
- Хулоса қилиб айтганда, ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар рационини озиқа толалари билан бойитилиши уларнинг соғлом турмуш тарзини таъминлашга қаратилган бир қадам бўлади.

Б.С. Болтаев– СамДУ ассистенти
М.Ш. Хушмуродова– СамДУ 2-курс магистранти
Ш.А. Арипова– СамДУ 1-курс магистранти

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида аёлларнинг иш билан бандлиги бўйича ёндашувлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: оилавий бизнес, иқтисодиётда банд бўлган хотин-қизлар, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аёллар, аёллар саводхонлигини ошириш.

Аннотация: в статье исследуются подходы женщин к трудоустройству в малом бизнесе и частном предпринимательстве.

Ключевые слова: семейный бизнес, занятые женщины в экономике, занятые женщины в сельском хозяйстве, повысить грамотность женщин.

Abstract: In this article examines women's approaches to employment in small business and private entrepreneurship.

Key words: family business, women employed in the economy, women employed in agriculture, increase women's literacy.

Бугунги кунда Президентимиз Ш.Мирзиёев рахбарлигида аёллар учун доимий иш жойларини яратиш ва шу билан бир қаторда, оилавий бизнес, касаначилик, ҳунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишлари бўйича кечиктириб булмайдиган чоратадбирларни кўриш вазифалари белгиланди ва амалга оширишга киришилди. Дархақиқат, ўзбек аёллари жамиятнинг тараққиёти сари ўзгараётган мухитда фаол иштирок этмоқдалар. Бу борада хам бугунги кунга кадар "...принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш буйича катъий қадамлар қуйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор".

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсидаги аҳолининг иқтисодий фаоллигини гендер ёндашувлари асосида таҳлил этадиган бўлсак, аёлларнинг меҳнатда бандлиги тобора ортаётганлигини алоҳида қайд этиш керак. Айниқса, Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодий фаоллигида аёлларнинг салмоғи бошқа давлатларга нисбатан анча юқорироқдир (1-жадвал).

Маълумотларидан кўриниб турибдики, агар дунё буйича аёлларнинг иқтисодий фаоллиги энг паст кўрсаткичларда намоён бўлаётган бўлса, Ўзбекистонда аёлларнинг иқтисодий фаоллиги кўрсаткичи, ривожланган ёки ўтиш давридаги мамлакатлардаги ҳолатдан юкоридир.

Ҳозирги даврга келиб, ер юзидаги аёлларнинг 0,4%и Ўзбекистонда яшайди. Мамлакатимиз аҳолисининг 15377,8 нафардан зиёдини аёллар ташкил этиб, бу жами аҳолининг 50,2%ни қамраб олади. Бошқача статистика буйича айтадиган бўлсак, мамлакатимизда 15-65 ёшгача бўлганларнинг 50,3%ни аёллар ташкил этади. Шундай экан, аёллар жамиятимизнинг ривожланишида салмоқли ўринни эгаллаб келмокдалар. Аниқроғи, аёллар ўз меҳнати билан бозор субъектлари таркибида иштирок этиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшиб бормокдалар. Масалан, "...охирги йилларда аёлларнинг ижро ҳокимияти органларидаги иштироки 5 баробарга ўсиб, 3,4 фоиздан 16 фоизга чиқди".

1-жадвал

Аҳолининг иқтисодий фаоллиги ҳақида маълумот (фоизларда)

Ҳудуд микёси	Аёллар	Эркаклар
Дунё буйича	53,1	80,3
Ривожланган мамлакатларда	50,4	67,5
Ўтиш давридаги мамлакатларда	51,0	70,5
Ўзбекистонда	68,9	72,7

Фикримизча, бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида аёлларнинг меҳнатда бандлиги мавжуд. Айниқса, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аёллар 27,8%ни ташкил этмокда. Таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам жами аёлларнинг 19,9% меҳнатда банддирлар. Шунингдек, савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов ва таъминот тармоқларида - 13,1%, соғлиқни сақлаш, жисмония тарбия ва ижтимоий таъминотда - 12,6%, саноатда - 10,9% аёлларимиз меҳнат қилишмокда.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, юкорида номлари келтирилган тармокларда аёлларнинг бандлиги жамланганда 84,3%ни ташкил этган булса, иқтисодиётнинг колган барча тармокларда аёлларнинг бандлиги 15,7% атрофидадир.

Шундай экан, аёлларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик соҳасидаги интилишлари, миллий анъаналаримизни тиклашга ва урфодатларимизни кенг тарғиб этилишига катта таъсир кўрсатмокда. Масалан, бугунги кунда айниқса, миллий каштачиликнинг "ироқи", "попоп", "йўрма", "тўлдирма" турларидаги маҳсулотлари, шунингдек, табиий бўёқларда тўқиладиган "араби", "гажари", "жунхурс" каби гиламлари нафақат юртимизнинг аҳолиси, балки хорижий меҳмонларга ҳам манзур бўлиб келмоқда.

Дадил айта оламизки, хозирга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар меҳнатининг ролини ошириш ва уни амалда кенг қўллашнинг ҳуқуқий жихатлари бўйича орттирилган ижобий тажриба мавжуд, аммо аёлларнинг меҳнат фаолиятларини янада яхшилаш мақсадида амалга ошириладиган вазифалар кўламини кучайтириш, қолаверса, энг муҳими уни ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш зарур.

Бироқ Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида мавжуд айрим камчилик ва муаммолар аёллар меҳнатидан фойдаланишдаги жараёнларда тўсиқ бўлаётган асосий сабаблардандир. Шунинг учун Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг "танқидий таҳлил, қатъий интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси булиши керак" деган ўгитларига хамоханг фикр билдирар эканмиз, олдимизда қуйидагича муҳим вазифаларни ҳал этишимиз лозим

Биринчи вазифа - биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустахкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, ахиллик ва узаро ҳурмат мухитини яратиш, маънавиймаърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур.

Иккинчи вазифа - аёллар ўртасида жиноятчилик, оилаларда ажралишлар кўпайгани, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушиши каби халқимизга хос бўлмаган аччиқ ва нохуш масалаларга жиддий эътибор бериб, уларни бартараф этиш чораларини кўришимиз зарур.

Учинчи вазифа - аёлларни уларга муносиб меҳнат билан бандлигини таъминлаш масаласи бўлиб, аёллар учун доимий иш жойлари яратиш мақсадида оилавий бизнес, касаначилик, ҳунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишларини жадаллаштиришимиз керак.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, аёлларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш уларнинг меҳнатидан фойдаланишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини замонавий андозаларда жорий этиш;
- тадбиркорлик соҳасида аёллар саводхонлигини ошириш, малака даражасини яхшилаш мақсадида турли курсларни (имтиёзли) ташкил этиш ва ўқув марказлари фаолиятини кенгайтириш;
- меҳнатда банд булган аёлларни қўллаб-қувватлашда имтиёзли ёндашувларни қўллаш.

Аёлларни бизнес билан шуғулланишига ундовчи асосий сабаб моддий рағбатдир, ўзини рўёбга чиқариш ва касбга қизиқиш иккинчи ўринда туради. Бу қандайдир, аёллар кўпчилигининг тадбиркорлик фаоллиги мажбурликдан гувохлик беради.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг оқила, ораста, ишбилармон ва тадбиркор аёллари хар бир соха ривожига муносиб хиссаларини қўшиб борсалар, мамлакатимиз иқтисодиёти янада ривожланиб, юқори самараларга эришиб бориши муқаррар.

S.Raximova – basic doctoral student of UrSU

ORGANIZATIONAL AND LEGAL FORMS OF THE MARKET OF MEDICAL SERVICES IN UZBEKISTAN

Abstract. In this article, share of paid medical services market of our Republic is analyzed in span of years. And also, supporting of private sector of healthcare sphere and given opportunities are shown.

Keywords: medical service, quality of medical service, healthcare, private sector, medical necessity.

Annotatsiya. Ushbu maqolada respublikamizda tibbiy xizmatlar bozorining rivojlanishining tashkiliy – iqtisodiy shakllari muallif tomonidan chuqur o‘rganilgan. Shuningdek sog‘liqni saqlash sohasida xususiy sektorni qo‘llab-quvvatlash va ularga berilgan imkoniyatlar yoritilgan.

Kalit so‘zlar: tibbiy xizmat, tibbiy xizmat sifati , sog‘liqni saqlash, xususiy sektor, tibbiy ehtiyoj.

Аннотация. В данной статье автор глубоко исследует организационно-экономические формы развития рынка медицинских услуг в стране. А также просвечена поддержка частного сектора и предоставленные условия в сфере здравоохранения.

Ключевые слова: медицинские услуги, качество медицинских услуг, здравоохранение, частный сектор, медицинская нужда.

At present, our country is developing new strategic economic and social reforms based on its market economy. The main purpose of our country is to improve the living standarts of the people, to increase their active participation in the economy, to ensure the quality and effectiveness of life for many years. In recent years the market of goods with the development of the commodity market in our country has also defined its direction. Taking into account the fact that anyone who is actively engaged in the economy has direct access to health services, Uzbekistan is paying a great attention to creating a market for quality

medical services. The development of the market for medical services and the emergence of supply and demand in the market of services are dependent on the economic development of the country.

If there is an increase in the economy of the country, the greater amount of funding for health care, the greater quality and the size of the service. Developed legislation in Uzbekistan, which has been advancing rapidly in recent years, focuses on:

- increase the effectiveness of medical services;
- determine of additional funds for financing;
- ensure rational use of resources and provide large-scale health care services;
- identify and protecting the law, duties and responsibilities of healthcare providers and their users;
- ensure access to comfortable and quality health services;
- attract new medical technology in medical sphere;
- satisfy the medical needs of the public;
- providing medical services nationwide[1].

The level of economic development in the country is determined not only by the provision of medical services (how and how much health care can provide) but also it is fixed by the demand for these services and the opportunity to be satisfied. The demand of population for medical services has been rising dramatically because of the changes in that sector for last years.

We know that the recent changes of the health of population are based on a number of factors such as the condition of living and lifestyle, the estate of the environment, the effectiveness and quality of health services, and the economies of economically developed and developing countries need to use medical services in the context of scientific and technical development[3]. Consequently, state focuses on the provision of equality of health services by taking into account the close link between the public's good quality of life and personal income needs. Recent years, control over the status of paid and free healthcare services in the country and their provision of state-run medical institutions has been reflected in the Decree "On the protection of the health of citizens"[4]. In 1998, 10th of November identifies the categories of beneficiaries who get advantage from free medical services were identified in the Public Health Reform State Program. It is provided on the basis of the appropriate decision of the Cabinet of Ministers in free outpatient conditions.[5] According to this, Infectious diseases, HIV disease, endocrinology diseases can be used by medical services the patients with oncology, tuberculosis, psychotropic and narcotic specialized hospitals. Free of charge medical care in inpatient conditions; disabled children, 2-3- invalids of the group, orphans, veterans of the war of 1941-1945 and equated to them, single pensioners, participants of the front labor front of 1941-1945, members of the Chernobyl NPP Victims teenagers aged under 17, military service soldiers 18-27 years of age can use this. In addition to those, the state guarantees health care services, as well as the privileges for issuing special permits from regional health departments. The State Program on

Sanitary-Epidemiological Well-being of the Population of the Republic of Uzbekistan for 2014-2018, "On the Prophylaxis of Iodine Deficiency Diseases", "On the State Program on the Strengthening of Reproductive Health of the Population of Uzbekistan for the Health of Mothers, Children and Adolescents" was adopted by the decree of 2221. According to the decree, it emphasis the introduction of gradual investment programs in the market of medical services in the Republic of Uzbekistan for 2014-2018 and consistent and effective organization of the population's medical services. In order to improve the quality of medical services provided by the state, on April 1, 2017, the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev made a decision "On measures to further develop the private sector, in the healthcare sector" with his decree of PP-2863. It is in line with this Decree to promote the development of the market for medical services, assist to support private sector, to solve issues that hinder the development of private health care facilities, provide with high-tech, medical equipment, specialized equipment and other equipment that would allow modern medical care to be provided to healthcare facilities, attracting access to private healthcare facilities in favorable credit and leasing mechanisms, encouraging active foreign investment in private healthcare, introduction of a system of medical insurance in the country, by taking into account the state of free medical care for the population and providing high-quality and inexpensive medical advice, as well as the provision of effective medical care through the organization of treatment, to develop the market of paid medical services in the country rapidly, and the involvement of qualified personnel in the medical field[6].

Additionally, in recent years, to double the number of private healthcare facilities by factor of 2 the healthcare sector, the number of medical services provided and their quality improvement has been viewed as the result of government-provided benefits. Take into account the full utilization of the healthcare services of all categories of society this decision is particularly important in the development of private medical care in rural areas and the provision of certain benefits. It is significant with the development of the infrastructure of the public health services market in the countryside, strengthening its material and technical basis, as well as providing credit and financial assistance to the rural population[7]. This decision was made by the private sector with the expansion of the range of services provided, only 177 types of medical services have been permitted in the country's private healthcare facility, with only 50 permissible and nowadays practically all types of healthcare services are permitted. The type of permitted medical services is in high demand in the medical field for the population. Privileges of private medicine are illustrated in following diagram (Diagram 1)

It was determined that by attracting foreign specialists in the sphere of private medicine, the income earned as a result of labor activity will be exempt from income tax and individual social payments. This Decree envisages release of private healthcare providers from several payments January 1, 2022[8]. For




Diagram 1. **Privileges of private medicine [8]**

example, new micro firms and small businesses, which provide medical services in rural areas, are exempt from single tax for a period of 10 years, which provides for the provision of high-quality and high-quality medical services in the country. All of the above mentioned legislation, as well as improving the quality and effectiveness of medical services for radical improvement of the well-being of the population, provide access to health care consumers to the formation and satisfaction of demand for this service. The organization and management of the market of medical services in the Republic of Uzbekistan based on international standards explains that the sphere is rising to a new level.

REFERENCES:

1. The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan from February 7, 2017 "Strategy of Actions on the Five Priorities of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021", PD-4947
2. Rakhmonov DA Advanced Financing Methods // Market, Money and Credit. Tashkent, 2013. - № 2. - B. 64-67
3. The Law of the Republic of Uzbekistan "On citizens' health protection". Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1996, No. 9
4. The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan from November 10, 1998 of N UP-2107 "About State program of reforming of the healthcare system of the Republic of Uzbekistan".
5. On April 1, 2017 by the decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoev "About measures for further development of the private sector in the sphere of healthcare" DP-2863
6. Law of the Republic of Uzbekistan. Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2007, No. 40, Art. 411.
7. The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 26, 2003 No UP-3214 "On Measures for Further Reforming the Health Care System".
8.www.stat.uz

III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

МАМЛАКАТИМИЗДА ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ШАРОИТДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада мамлакатимизда пандемиядан кейинги шароитда туризмни ривожлантиришнинг айрим йўналишларига изоҳ берилган. Шунингдек, бунда пандемия шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти, хусусан, туризм соҳасидаги ўзгаришлар, туризмнинг ривожланишига пандемиянинг таъсири ва унинг салбий оқибатларини бартараф қилиш йўллари, пандемия шароитида мамлакатимизда халқаро ва ички туризмни ривожлантириш муаммолари ва уларни бартараф қилиш йўллари, пандемия шароитида рақамли туризмни ривожлантиришнинг айрим масалалари қараб чиқилган.

Калит сўзлар: туризм, туристик хизматлар, пандемия, инқироз, ривожланиш йўллари, концепция.

Аннотация: В статье рассматриваются некоторые направления развития туризма в постпандемической среде в нашей стране. Также рассматриваются изменения в экономике Узбекистана в контексте пандемии, в частности, туризм, влияние пандемии на туризм и способы преодоления ее негативных последствий, проблемы международного и внутреннего туризма в стране и пути их преодоления. им, некоторые вопросы развития цифрового туризма.

Ключевые слова: туризм, туристические услуги, пандемия, кризис, пути развития, концепция.

Abstract: The article explains some areas of tourism development in the post-pandemic environment in our country. It also considers changes in the economy of Uzbekistan in the context of the pandemic, in particular, tourism, the impact of the pandemic on tourism and ways to overcome its negative consequences, the problems of developing international and domestic tourism in the country and ways to overcome them, some issues of digital tourism development. .

Keywords: tourism, tourist services, pandemic, crisis, development paths, concept.

Инсоният ўз тарихида жуда кўп фалокатларни, турли инқирозларни бошидан кечирган. Бир неча бор турли кўринишдаги инқирозлар рўй берганлиги инсоният тарихида маълум. Аммо дунё экспертлари томонидан 2019 йилдаги пандемия билан боғлиқ инқироздек, инқироз бўлмаган деб эътироф этилмоқда. Бугунги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) дунёни қамраб олган

пандемиянинг чуқур ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари кундан-кунга оғирлашиб бораётганлигини бир неча бор таъкидлаб келмоқда. Шу туфайли дунё мамлакатларида маълум чекловларнинг қўйилаганини ЖССТ ва ХВЖ тўғри, деб эътироф этди. Аммо шунга қарамасдан, мазкур пандемия бутун дунёни, бутун соҳаларни, бутун инсониятни қамраб олди ва кучли инқирозий тасирини кўрсатди. Бунда энг кўр зарар кўрган соҳалардан бири туризм соҳаси бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли мазкур соҳани тадқиқ қилиш ўта долзарб ҳисобланади.

Масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, пандемия вақтида ва ундан кейин туризм сиёсати ва уни режалаштиришдаги ўзгаришларга бағишланган мавзуни қисман ёртишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Шундай қилиб мазкур ишнинг **биринчи йўналиши**да пандемия шароитида Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиёти, хусусан, туризм соҳасидаги ўзгаришларга изоҳ берилиши кўзда тутилган. Бунда асосий эътибор пандемия шароитида хизмат кўрсатиш, айниқса туризм соҳасида вужудга келган ишсизлик муаммоси билан боғлиқ масалалар ёритилади. Пандемия шароитида бевосита озиқ-овқат муаммоси биринчи даражага кўтарилгани боис, ушбу муаммоларни ҳал қилишда дунё мамлакатлари, хусусан Марказий Осиё ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўлланилган чора-тадбирлари баён этиладт. Бу борада Президентимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорларда аҳоли олдига бир қанча устувор вазифаларни қўйилганлиги, уларнинг амалда бажарилиши хусусида ҳам анча таклифлар берилади.

Қайд этиш жоизки, ушбу вазифалар қанчалик мураккаб бўлмасин, кечиктириб бўлмайдиган вазифалар эканлиги ҳам конференция жараёнида асослаб берилади. Хорижий давлатлар, Марказий Осиё ва Ўзбекистн ҳукумати таъсир чоралари қандай бўлгани ва уларнинг самараси ва йўл қўйилган камчиликлар ҳамда эпедимиялогик вазиятлар оғирлашган шароитларда бундан кейинги даврларда туризм субъектлари учун тавсия этиладиган чоралар қандай бўлиши баён этилиши кўзда тутилган.

Халқаро экспертларнинг фикрича жаҳон савдо айланмаси 30 фоизга камаяди, 40 миллиондан ортиқ киши ишсиз қолиши эҳтимоли мавжуд. Европа иттифоқи давлатларида 2020 йилнинг бошида ишсизлик даражаси ўртача 6,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Европанинг Испания, Италия, Франция, Греция каби давлатларда ўртача 12 фоиздан ошиши кутилмоқда. Жорий йилнинг май ойида ишсизлик даражаси пандемиянинг таъсири туфайли АҚШда ҳам мисли кўрилмаган даражада ошиб бормоқда[1].

Мазкур ишнинг **иккинчи** йўналишида асосий эътибор дунё туристик давлатлари ва Ўзбекистонда туризмнинг ривожланишига пандемиянинг таъсири ва унинг салбий оқибатларини бартараф қилиш йўлларига

[1]Пардаев М.Қ., Эштаев А. Пандемия шароитида иқтисодиёт: муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида.//
“СЕРВИС” илмий-амалий журнали. 2020 йил. Махсус сони. – 5 бет.

қаратилади. Маълумки, бутун дунёда жорий қилинаётган карантин қоидаларининг, чегараларнинг ёпилиши туризмга қандай таъсир қилганлиги ва унинг қандай оқибатларга олиб келганлиги ҳаммага маълум. БМТнинг маълумотлари бўйича жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати ўтган давр ичида пандемия таъсирида 3,2 фоизга қисқартирди. Дунё мамлакатлари пандемия таъсирида 8,5 трлн. доллар даромадларни йўқотди. БМТ прогноз маълумотларига кўра, 2020 йилда 34 млн. ортиқ инсонлар иш ўринларининг йўқолиши оқибатида қамбағаллик даражасига тушиб қолиши кутилмоқда, улар асосан Африка давлатларига тўғри келмоқда[1]. Жаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, 2020 йил якунлари бўйича халқаро саёҳатлар 89 фоизга, иш ўринлари сони эса 74 миллионтага қисқариши, туризм соҳасидаги жами йўқотишлар эса 800 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда[2]. Ушбу жараёнда Ўзбекистонда нималарга аҳамият берилганлиги ва қандай чоралар қўллаганлигини ёритиш ҳамда туризм корхоналари учун фаолият самарадорлиги учун қайси чоралар тавсия этилиши баён этилади.

Маълумки, туризм соҳасида инфратузилма қанчалик ривожланган бўлмасин, хизматлар сифати қанчалик зўр бўлмасин, ташқи омиллар таъсирига юқори даражада боғлиқлиги билан ажралиб туради. Жаҳон иқтисодиёти ҳозирда пандемия натижасида бошдан кечираётган инқироз, 2008-2009 йилги жаҳон молиявий инқирозидан ҳам кескинроқ бўлди. 2020 йилнинг январидан июлига, яъни ярим йил давомида турли халқаро сафарларга чиқиш кескин пасайди. Бу албатта туризм индустриясига ҳам катта таъсир қилди. Оқибатда мазкур соҳа фойдасининг 460 млрд. доллар миқдоридаги йўқотилишига олиб келди. Бу 2009 йилда жаҳон молиявий инқирози шароитида қайд қилинган зарарга нисбатан 5 марта ортиқдир[3]. Булардан ҳам кўриниб турибдики, жаҳон миқёсид, шу жумладан мамлакатимизда ҳам туризм соҳасини инқироздан чиқариш, биринчи галдаги вазифалар сирасига кирди. Шу туфайли, Ўзбекистонда Президент фармони ва ҳукумат қарори билан мамлакатда пандемиянинг туризмга салбий таъсирини камайтириш борасида кескин чора-тадбирлар кўрилмоқда. Туризм соҳасининг глобал аҳамиятини ва унинг келажакдаги иқтисодий самарадорлигини инобатга олинган ҳолда ички ва кирувчи туризмни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ишнинг **учинчи** йўналишида пандемия шароитида хорижий давлатлар ва Ўзбекистонда халқаро ва ички туризмни ривожлантириш муаммолари ва уларни бартараф қилиш йўлларига бағишланади. Бунда koronovirus.info. телеграм канали томонидан 1380 минг киши иштирокида ўтказган социологик сўров натижалари ҳам келтирилган. Бундаги

[1] www.aa.com. tr/ru

[2] Юлдашев К.М., Шерматов А.А.Ўзбекистон туризминдустриясига коронавирус пандемияси таъсири.// “СЕРВИС” илмий-амалий журнали. 2020 йил. Махсус сони. – 112 бет.

[3] https://tourism.interfax.ru/ru/news/articles/73914/

ахборотлар аҳолининг ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга бўлган истаклари ифода этилган.

Эпедимиологик вазиятлар муракаблашган ва мамлакатга кириш ва чиқиш чекланган, таъқиқланган шароитларда туризм субъектларининг асосий даромад манбаи ички туризмни ривожлантириш ҳисобланади. Шу нутақи назардан келиб чиқиб ички туризмни ривожлантиришда мавжуд имкониятларни ишга солиш лозимлигига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда ва тегишли чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон республикасининг Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, бугунги кунга келиб туризмда янги йўналишлар барпо қилинмоқда. Булардан бири туризм кластери бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда "туризм кластери 25 турдаги сифатли ва ноёб хизматларни мижозларга тақдим этишни йўлга қўйди. Масканда ҳозирги кунда 50 нафардан ортиқ ишчи-ходимлар фаолият юритаётган бўлиб, келгусида улар сафини янада кенгайтириш ва шу орқали маҳаллий аҳолини қўшимча иш ўринлари билан таъминлаш режалаштирилган"[1]. Кўриниб турибдики, туризмни ривожлантириш ўша ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлаб, уларнинг бандлигини, фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Муҳими, туристик кластерлар ҳеч ким фойдаланмаётган саҳрода ташкил қилинган. Бу ўз навбатида ўзига хос манзара ва тароватга эга маскан сифатида бетакрор қиёфага эга бўлади. Бунда бир вақтнинг ўзида миллийлик, бугунги цивилазия таъсири, инновация ва рақамли технологиялар акс этган. Шу туфайли ушбу масканга ташриф буюрган сайёҳлар учун бутунлай янгилик бўлиб ҳисобланади ва мос равишда бунга ҳеч бири бефарқ бўлмайди. Бугунги кунда бундай туристик кластерлардан бири Бухора вилоятида ташкил қилинган. Масалан, "Bukhara Desert Oasis & Spa" мажмуаси "айни пайтда 500 нафар дам олувчини ўз бағрига сиғдира олади, лекин у ерда яна қўшимча лойиҳалар ҳам бор. Режага кўра, саҳро бағридаги эртакнамо манзилнинг хизматлар кўлами босқичма-босқич кенгайтирилиб, улкан ташаббускорлик ишлари давом этмоқда"[2]. Кўриниб турибдики, туризмни ривожлантириш учун мамлакатимизда жуда катта имкониятлар мавжуд. Бундай имкониятлар мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида мавжуд. Бир жойда чўл, иккинчи жойда тоғлар, учинчи жойда кўллар, тўртинчи жойда манзарали қўриқхоналар туризмни ривожлантиришнинг янги йўналишларини ривожлантириш учун асос бўлиб турибди.

Пандемияга қарамасдан, мамлакатимизда 2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш қўмитасининг берган маълумотлари бўйича 2 064 номерли 104 та янги меҳмонхона очилди. Натижада меҳмонхоналарнинг умумий сони 1 292 тага етди. Жами

[1] Инновацион экотуризм кластери: Бухорода саҳроларнинг эртакнамо оламига қандай саёҳат қилиш мумкин? XS.Uz. 13:20 29 Август 2020 Welcome to Uzbekistan 558 0.
[2] Ўша жойда.

номерлар сони 28 751 тани ташкил қилмоқда. Шу йилнинг ўзида 478 та оилавий меҳмонхона ташкил қилиниб, уларнинг умумий сони 1364 тага етди. Бундан ҳам кўриниб турибдики, туризмни ривожлантириш учун етарлича имкониятлар яратилмоқда.

Яна бир муҳим туристик объект, дунё талаблари даражасида ташкил қилинган AMIRSOY" тоғ-чанғи курорти бўлиб ҳисобланади. Ушбу гўзал маскан 2019 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. 2020 йилда Ҳукумат томонидан умумий қиймати 75 миллион евролик қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича қарор қабул қилинди. Ҳозирда "Amirsoy Resort" қурилиши ва янада кенгайтирилиши давом этмоқда. Ушбу маскан ҳам туризмни барча мавсумда амалга оширилиши учун имкониятлар яратади.

Яна бир қувончли натижа 2020 йил сентябрида манзарали Бўстонлиқ туманида халқаро даражадаги, 300 ўринли Heaven's Garden Resort&SPA меҳмонхонаси очилди. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 50 млрд. Сўмни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, туризмни ривожлантириш учун етарли даражада инвестициялар жалб қилинмоқда.

Бўстонлиқ туманида ташкил қилинган яна бир маскан "Seven Tree" дам олиш зонасининг очилиши бўлди. Ушбу маскан ҳам 2020 йил 28 декабрда ишга тушурилди. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 27 миллиард сўмни ташкил қилади. Бундай масканларнинг очилиши, аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш имконини ҳам беради. Жумладан, биргина маскан "Seven Tree" дам олиш зонасининг очилиши 150 киши иш билан таъминланлаш имкониятини ҳам яратди.

Туризмнинг инфратузилмасини яратиш масаласи изчиллик билан давом этмоқда. Тошкент шаҳрида Marriott машҳур меҳмонхоналар бренди тизимига мансуб 131 номерли "Courtyard by Marriott Tashkent" меҳмонхонаси ҳам 2020 йилнинг 22 декабрда очилди. Мазкур меҳмонхонада халқаро андозалар даражасида туристик хизматларни кўрсатиш имкониятлари мавжуд.

Навоий вилоятининг Тўдакул ҳудудида пляж, курорт, соғломлаштириш комплекси ва аквапаркни ўз ичига олган янги курорт зонаси ҳам 2020 йил 16 августида очилди. Тўдакўл кўли ҳудудида жойлашган янги курорт зонаси "Silk Road Family Resort" номи билан очилди. Бу ҳам туризмни ривожлантириш учун ҳудуднинг янги имкониятларини очди. Худди шунингдек, Бухоро вилоятида тематик туризм маркази "Bukhara Desert Oasis & SPA" ҳам ўз фаолиятини бошлади.

Мамлакатимизнинг бетакрор масканлари бўлган миллий боғлар ва ўрмон хўжаликлари ҳудудларида 11 та янги дам олиш зоналари очилди. Бу масканлар ҳам мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини кенгайтириш имкониятларини яратмоқда. Худди шундай ҳолат Самарқанд шаҳрида ташкил қилинган "Конигил" туризм қишлоғида ҳам содир бўлди. Бу ерда ҳам ҳунармандлар, меҳмон уйлари, туризм маршрутлари мавжуд бўлиб, сайёҳлар Сиеб дарёси бўйлаб юриб, табиатда дам олишлари,

ҳунармандчилик махсулотлари билан танишишлари, ўзларига манзур бўлган қисмидан харид қилиш имкониятлари ҳам мавжуд.

Самарқанд шаҳрида яна бир туристик инфратузилма Орзу Махмудов кўчасида ташкил қилинган гастрономик кўчанинг 2020 йил 16 октябрда очилиши ҳам туризмни ривожлантириш учун ижобий ҳол ҳисобланади. Ушбу гострономик кўчада миллий таъомлар билан бирга дунё халқлари таъомлари ҳам тайёрланиши кўзда тутилган. Ушбу кўчада ҳар бир сайёх 30 дан ортиқ кафе ва ресторанларда ўзбек, испан, италян, француз ва бошқа миллий ошхоналарнинг таомларидан татиб кўриши мумкин. Ушбу маскан ҳам ўз ҳудуда туриб, хизматларни экспорт қилиш учун катта имкониятдир.

Туристик маршрутларда ҳам туристлар зерикмайдиган ҳолат яратилди. Жумладан Хонобод шаҳридан Термез ва Мўйноқ шаҳригача бўлган йўналишларда автомобиль магистраллари ва йўл бўйи инфратузулмасини яхшилаш бўйича 66 та йўлбўйи инфратузилма объектлари рўйхати шакллантирилган. Бу жойларда ҳам тегишли инфратузилмани яратиш ва такомиллаштириш бўйича тадбиркорлар қизғин ишларни олиб бормоқдалар.

Мазкур ишнинг **тўртинчи** йўналиши, пандемия шароитида рақамли туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланади. Бундай шароитда туризмда рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали уни ривожлантиришнинг айрим имкониятлари қараб чиқилган. Жумладан, потенциал истеъмолчиларнинг интернет коммуникация воситаларидан фойдаланиш даражасини ўрганилган бўлиб, рақамли коммуникацияларни жорий қилиш бўйича тадқиқот натижалари асосида туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

ХХ1 аср рақамли иқтисодиётни иқтисодиёт соҳалари ва инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айтирганлиги билан характерлидир. Дунё иқтисодиётининг асосий қисми рақамли оборотлардан иборат бўлмоқда. Масалан, 2019 йилда электрон тижорат саноатида сотувлар ҳажми 3,45 триллион АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, дунё бўйича аҳолининг 59%и ёки 4,54 млрд. киши интернет хизматларига уланган ва ундан мунтазам равишда фойдаланмоқда. Шу йилда ижтимоий тармоқлардан рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларнинг умумий сони эса 3,8 млрд. кишини ташкил қилган [1] . Пандемия шароитида рақамли иқтисодиётга эҳтиёж янада кучайди. Шу туфайли 2020 йил охиригача аҳолининг асосий қисми ижтимоий тармоқлардан рўйхатдан ўтиши кутилмоқда. Муҳим жиҳат, пандемия шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан туризм соҳаси ҳам жуда катта зарар кўрган бўлса, рақамли иқтисодиётда катта юксалиш рўй берди. Ҳатто одий мажлислар, илмий конференциялар, ҳимоялар, таълим жараёни ҳамма-ҳаммаси рақамли технологиялар орқали масофадан амалга оширилди. Аммо туризмда бундан маълум даражада фойдаланиш мумкин. Бироқ ҳар бир объектни турист ўз кўзи билан натурал ҳолда

[1] https://blog.globalwebindex.com.

кўриб хулоса қилса, уни алмаштирадиган бирорта чора йўқ. Шу туфайли туризмда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос йўналишлари мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда пандемия ва ундан кейинги шароитда туризмни ривожлантиришнинг айрим йўналишлари шуни кўрсатдики, соҳани ривожлантириш туризмни иқтисодиётнинг асосий тармоғи, ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми, маданий алоқаларнинг мустаҳкам кўприги сифатида ўзининг ўрнига ва аҳамиятига эга.

S.Salayev – UrDU, Iqtisodiyot kafedrasi professori,
S.Raximova – UrDU, tayanch doktoranti

O'ZBEKISTONDA TIBBIY XIZMATLAR BOZORI RIVOJLANISHINING ASOSIY YO'NALISHLARI: TIBBIY TURIZM IMKONIYATLARI

Annotatsiya: Maqolada mamlakatda xizmatlar sohasi rivojlanishida turizmning rivojlanish masalalari keltirilib, bu borada O'zbekistonda olib borilayotgan islohotlar keng yoritilgan.Undan tashqari, tibbiy turizmning aholi sog'ligini tiklash va davolanish xizmatlaridan foydalanishni barcha yosh qatlamlari uchun ommaviyligini ta'minlash masalalari o'rganilgan.Jahondagi tibbiy turizm yo'nalishida yetakchilik qilayotgan mamkatlar tajribalari keng yoritilgan. Asosiy o'rganishlar natijasida, tibbiy turizm tushunchasi ilmiy tomonidan chuqur taxlil qilinib, muallif tomonidan mustaqil ishlab chiqilgan jadvalda aks etgan.

Kalit so'zlar: turizm, tibbiy turizm, turizm xavfsizligi, spa-turizm, spa-sentr, kumush iqtisodiyot.

Аннотация: В статье освещается развитие туризма в развитии сферы услуг в стране, проводимые в Узбекистане реформы. Широко освещен опыт ведущих стран мира в сфере медицинского туризма. В результате фундаментального исследования концепция медицинского туризма была тщательно проанализирована ученым и отражена в таблице, независимо разработанной автором.

Ключевые слова: туризм, медицинский туризм, безопасность туризма, курортный туризм, спа-центр, серебряная экономика.

Abstract. The article highlights the development of tourism in the development of the service sector in the country, the reforms being carried out in Uzbekistan in this regard. The experience of the world's leading countries in the field of medical tourism is widely covered. As a result of the basic research, the concept of medical tourism has been thoroughly analyzed by a scientist and reflected in a table independently developed by the author.

Keywords: tourism, medical tourism, tourism security, spa tourism, spa center, silver economy.

Dunyo mamlakatlarida tibbiy turizm yangi davrda yangi tendensiyalar bilan rivojlanmoqda. Jahon tibbiy turizm bozori 2019-yilda 33 millard AQSH

dollar foyda keltirib, xalqaro turizm bozorida munosib o'rin egalladi.[1] Dam olish va yuqori tibbiy xizmatlarni taklif etish nafaqat aholiga sog'lom hayot balki, sifatli tibbiy xizmatlardan foydalanish imkonini beradi.Tibbiy turizm bir vaqtning o'zida bir necha yo'nalishlarni- sog'liqni tiklash, dam olish, transport, ovqatlanish, davolash kabi asosiy elementlar bilan birlashib, inson sog'ligiga ta'sir ko'rsatadi.

Globallashuv sharoitida inson kutilmagan xavf-xatarga duch kelishi mumkin. Kundalik stress va odatdagi hayot ritmining ma'lum sabablarga ko'ra buzilishi tibbiy xizmatlarga bo'lgan talabni oshiradi. Biroq, turistik sayohat qilishda xavf darajasi sezilarli darajada oshishi natijasida xalqaro turizm bozorida turistlar xavfsizligini ta'minlash birinchi o'rinda qaraladi. Shuning uchun turizmning har qanday turini tashkil etishning muhim elementlaridan biri bu- sayyohlarning hayoti va sog'lig'i xavfsizligini ta'minlash hisoblanadi.

Turizm xavfsizligi deganda-sayyohlarning shaxsiy xavfsizligi, ularning mol-mulki xavfsizligi va sayohat paytida tabiiy muhitga zarar yetkazilmasligi tushuniladi. Xavfsizlikni ta'minlash milliy qonunchilik doirasida turistlarning davlat hududida harakatlanish xavfsizligi, ularning turar joyi, sog'lig'i, hayoti va mol-mulki xavfsizligini kafolatlaydigan bir qator tadbirlarni nazarda tutadi.

Zamonaviy sharoitda, eng muhim ijtimoiy vazifalaridan biri - odamlarning sog'lig'ini saqlash, ayniqsa urbanizatsiyaga moyil bo'lgan hududlarda yashovchilar va faol iqtisodiy faoliyat bilan shug'ullanuvchi kishilarning dam olishi, sog'ligini tiklashi- kelajakda ro'y berishi mumkin bo'lgan salbiy oqibatlarining oldini olishga yordam beradi. Reabilitatsiya, parvarishlash va sog'lig'ini tiklash turli mintaqalarda joylashgan tibbiyot muassasalarida amalga oshiriladi va tibbiy turizmga sharoit yaratadi.

Butunjahon Turizm Tashkiloti (World Tourism Organization) ma'lumotiga ko'ra, 2017-yil xalqaro turizm bozori 5 % o'shish bilan 1.6 trillion dollar daromad keltirdi. Tibbiy maqsadda tashrif buyurganlar 14-16 million kishini tashkil etdi[1]. World Travel & Tourism Council konsullikning tariflarida 2018-yil xalqaro turizm bozori jahon iqtisodiyotining 10.4% ni egallagani to'g'risida ma'lumot keltirib o'tgan. Xalqaro bozorda tibbiy turizm yangi yo'nalish sifatida AQSH da yuksak darajada rivojlandi va 2018-yil 13 milliard dollar foyda keltirdi[2]. Global Wellness Institute ma'lumotlarida AQSH 2025-yilga kelib, xalqaro turizm bozorida eng katta ulushga ega- 140 milliard dollar daromad olishi kutilishini taxmin qilgan.

Tibbiy turizm - bu chet elda dam olishni yuqori malakali tibbiy yordam olish bilan birlashtirgan holda, yashash joyidan tashqarida tibbiy xizmat ko'rsatish amaliyotini anglatuvchi atama hisoblanadi. Ba'zi mualliflar uchun tibbiy turizm bu o'z mamlakatidagi bemor uchun mavjud bo'lmagan eng yaxshi tajribaga ega bo'lish imkoniyatini bildiradi deb qaraladi. Tibbiy turizm - bu eng yaxshi narxlar va sifatli tibbiy xizmatlar orqali davolanish uchun sayohatdir. Bu borada ko'pgina olimlar tibbiy turizm tushunchasiga turlicha ta'riflar

[1] https://cbu.uz/oz/ Markaziy bank ma’lumotlari.

keltirganlar. Quyida ularni ko'rib chiqamiz[3]:

1-jadval

Tibbiy turizm tushunchalarini aniqlashda turli xil yondashuvlar

Termin va uning talqini	**Asosiy qoidalar**	**Manbaa**
Sog'liqni saqlash turizmi	Asosiy maqsadi dam olish va jismoniy, psixologik salomatlikni tiklash bo'lgan turizm (Dam olish va tiklanish turizmi)	A. M. Vititnev
Jamiyatda kishilarning qisqa muddatda (24 soat) sogligini tiklashga qaratilgan dam olishni tiklash turizmi	Sogliqni tiklash yoki takomillashtirish Turizmi	S. M. Xoll
Xizmat ko'rsatish, yaxshilash yoki tiklash maqsadida doimiy yashash joyidan tashqarida uyushtirilgan sayohat	Saqlash, takomillashtirish yoki sog'liqni tiklash turizmi	P. M. Karrera, J. F. Bridges
Profilaktika va dam olish uchun sog'liqni saqlash turizmi.	Uzoqroq sayohat vaqti, kamroq shaharlar va uzoqroq sayohat vaqtlari bilan tavsiflanadi bir joyda qolish Kasalliklarning oldini olish va dam olish turizmi	E. L. Dracheva, Yu.V. Zabaev, D.K.Ismaev
Tibbiy turizm.	irish uchun uzoq masofalarga sayohat qiluvchilarni tavsiflovchi xalqaro hodisa odatda mavjud sog'liqni saqlash yuqori xarajatlar talab qilinadigan mamlakatlardan turistik maqsadda sayohat qilish, sog'liqni saqlash tizimidagi navbat yoki nogironlik darajasi bor kishilar foydaladilar.Asosan tibbiy yordam olish uchun jo'nab ketish	Iqtisodiy va ijtimoiy BMT komissiyasi Osiyo va Tinch okeani uchun okean
Tibbiy turizm- tashqarida uyushtirilgan sayohat milliy sog'liqni saqlash tizimining ta'siri tibbiy yordam orqali sog'lig'ini yaxshilash yoki tiklash	Sog'likni yaxshilash yoki tiklash tibbiy turizm	P. M. Karrera, J. F. Bridges

Tibbiy turizm Vaqtinchalik doimiy yashash joyidan jo'nab ketish	Sog'liq va evristik maqsadlar	A. M. Vetitnev, L.B.Juravlev
Sog'lomlashtirish turizm	Asosiy turtki bo'lgan kurortga sayohat sog'lig'ini saqlab qolish yoki uni targ'ib qilish istagi mustahkamlash Saqlash yoki mustahkamlash sog'liq	H. Myuller, E. L. Kaufman
Spa turizm	Sog'lomlashtirish turizmining oziga xos oziga turi bolib, sog'liqni saqlashga turli dam olish kurort zonalarga borish,va boshqa muolajalar bilan soglomlashtirish nazarda tutiladi .	A. G. Gergishan

Turizm bo'yicha tadqiqotlardan so'ng A.Sharman, tibbiy turizm global hodisa bu fuqarolarning yuqori sifatli va arzon tibbiy xizmatlardan foydalanishi deb ta'riflaydi. Shchekin G.Yu. esa "tibbiy turizm" atamasi doimiy yashash joyidan tashqarida bo'lgan bemorlarga tibbiy xizmat ko'rsatishni tashkil qilishni anglatadi degan fikrni bildiradi. Tibbiy turizm tor ma'noda, an'anaviy ravishda bemorlarning har qanday mintaqada yoki mamlakatda davolanish, reabilitatsiya va dam olish joyiga ko'chishi deb tushunish mumkin. Bu yerda tibbiy turizm tibbiyot ijtimoiy institutining quyi tizimi sifatida emas, balki turizmning ijtimoiy-madaniy kompleksining quyi tizimi sifatida qaraladi. Ko'pgina olimlar "sog'liqni saqlash turizmi", "tibbiy turizm" tushunchalarini tarkibiy jihatdan ajratadi.

Sog'liqni saqlash turizmi- turistik faoliyatning barcha yo'nalishlarini o'z ichiga oladi. Tibbiy turizm rekreatsion va reabilitatsiya tadbirlarini va asta-sekin turistik faoliyatning o'ziga xos turiga aylanib boradigan va sof klinik tarkibiy qismi bilan ajralib turadigan tibbiyot turizmining o'zini qamrab oladi.

E.V.Pecheritsaning fikriga ko'ra, tibbiy turizm - bu odamlarning o'z mamlakatlarida yoki chet ellarda, u yoki bu turdagi yuqori darajadagi tibbiy xizmatlarni arzon narxlarda olish uchun sayohati deb atagan. Ushbu faoliyat bilan shug'ullanuvchi vositachi kompaniyalarning takliflarini o'rganayotganda "tibbiy" sayohatlar ikki xil, sog'liqni saqlash turizmi va tibbiy turizm kabi yo'nalishlarda xizmatlarni amalga oshirilishni bildirishgan.

Yuqoridagi taxlillar va tajribalar asosida O'zbekistonda tibbiy turizmni rivojlantirish natijasida, sog'liqni saqlash va tibbiy xizmat sifatini yaxshilash; davlat hisobidan tibbiy infratuzilmani rivojlantirishga mablag'lar va xususiy investitsiyalar kiritish; davlat byudjetiga tushumlarni oshirish (soliq yig'imlari) yangi ish o'rinlari bilan ta'minlash; tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish; iqtisodiyotning boshqa tarmoqlarini rivojlantirish imkoniyatlarining paydo

bo'lishi; mamlakatning mintaqaviy va xalqaro bozorlarda tan olinishi, faol marketing strategiyasi, turli xalqaro ko'rgazma va forumlarda qatnashish, xorijiy sayyohlik operatorlari uchun xalqaro integratsiyani yo'lga qo'yish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1.UNWTO Tourism Highlights 2018 Edition. https://www.eunwto.org/doi/pdf/10.18111/9789284419876;

2.World Travel & Tourism Council. Travel & Tourism Economic Impact 2019 World.

3.Carrera, P. M., & Bridges, F. P. (2006). Globalization and healthcare: Understanding health care and medical tourism. Expert Review of Pharmacoeconomics and Outcomes Research, 6, 447-454. doi:10.1586/14737167.6.4.447

4. Концепция развития медицинского туризма в Республике Казахстан 2017г.

5.S.M.Rakhimova. Study of the experience of foreign countries in the development of medical services market in Uzbekistan.Journal of Critical Reviews ISSN-2394-5125.Issue5,2020,

А.Н. Холиқулов – доцент кафедры “Экономический анализ и статистика”, СамИЭС, к.э.н.,

Ж.Ф. Фаттаев – магистрант СамИЭС

ВОССТАНОВЛЕНИЯ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ ПОСЛЕ ПАНДЕМИИ КАРОНАВИРУСА

Аннотация: в данной статье рассматривается развитие внутреннего туризма в Узбекистане в условиях пандемии.

Ключевые слова: пандемия COVID-19, внутренний туризм, путешествия, отдых, туристические зоны.

Аннотация: ушбу мақолада пандемия шароитида Узбекистонда ички туризмни ривожлантириш хакида фикр юритилган.

Калит сўзлар;COVID-19 пандемияси, ички туризм, саюхат, дам олиш, туристик зоналар.

Abstract: this article discusses the development of domestic tourism in Uzbekistan in the context of a pandemic.

Key words; pandemic COVID-19, domestic tourism, travel, recreation, tourist zones.

До пандемии COVID-19 туризм считался одной из самых быстрорастущих отраслей в мире. Признавая уникальное наследие и наличие нетронутых ландшафтов, правительства стран определили туризм в качестве приоритетной отрасли, способствуя её развитию и привлечению инвестиций в гостиничный бизнес и транспортные услуги. Узбекистан вновь открыл границу стало значимым событием для туристской индустрии. В результате открытых границ и улучшения отношений между странами, иностранным туристам стало проще совмещать посещение стран. 90% мирового населения приспособилось к жизни в условиях ограничений на поездки из-за пандемии COVID-19. Однако многие туристы отменили поездки, опасаясь вируса, туристический сектор

практически полностью остановился. Тем не менее лидеры отрасли прилагают максимум усилий для восстановления этой сферы экономики, но для этого также важна и правительственная поддержка. Кризис, вызванный корона вирусной инфекцией, поставил участников туристической отрасли в нелегкое положение. Именно сейчас крайне важна поддержка со стороны властей, чтобы туристические предприятия смогли превратить возникающие проблемы в возможности для восстановления. Правительства стран уже приняли некоторые меры по снижению воздействия COVID-19 на сектор путешествий и туризма, включая смягчение ограничений на поездки, финансовые меры поддержки как для туристов, так и для компаний, меры по защите работников.

В целях ускоренного восстановления и формирования новых направлений развития сферы туризма после стабилизации санитарно-эпидемиологической обстановки в стране, а также в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 28 мая 2020 года № УП-6002 «О неотложных мерах поддержки сферы туризма для снижения негативного воздействия коронавирусной пандемии».

а) в период с 1 января 2021 года по 31 декабря 2023 года средствам размещения возвращается 50 процентов от суммы туристского (гостиничного) сбора, взысканной за категорию средства размещения по итогам соответствующего года, при условии сохранения категории, присвоенной гостинице в установленном порядке;

б) неправомерное использование знака соответствия (звезды) средствами размещения, в том числе на международных площадках бронирования, является основанием для приостановления действия сертификата на оказание гостиничных услуг до устранения нарушения в установленном порядке;

в) с 1 августа 2020 года:

в международных аэропортах «Андижан», «Бухара» и «Ургенч» в соответствии с нормами международного права вводится режим «Открытое небо», предусматривающий отмену ограничений по количеству рейсов и направлениям, а также предоставление иностранным авиакомпаниям пятой степени «свободы воздуха»;

иностранные авиакомпании могут осуществлять регулярные полеты в международные аэропорты, в которых введен режим «Открытое небо», независимо от наличия межправительственных соглашений о воздушном сообщении, при условии их соответствия международным стандартам Международной организации гражданской авиации (ИКАО) по обеспечению безопасности полетов и авиационной безопасности по результатам проверки соответствующих документов авиакомпании;

Фонд безопасного туризма формируется за счет первоначального взноса из Антикризисного фонда при Министерстве финансов в размере 20 миллиардов сумов, а также платежей за прохождение добровольной

сертификации, внедряемой в рамках системы «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED», в размере двух базовых расчетных величин;

система «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» в обязательном порядке внедряется в объектах обслуживания иностранных туристов;

должностные лица организаций, виновные в нарушении условий и требований системы «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» в процессе обслуживания иностранных туристов, привлекаются к ответственности в порядке, установленном законодательством.

Благодаря появлению маркетплейсов услуг и упрощению инструментов создания сайтов растет популярность индивидуальных путешествий. Туристические маршруты можно найти не только в блогах, но и в сервисах и приложениях вроде Maps.me. дает экспертам возможность создавать маршруты для самостоятельных путешествий и публиковать их в каталоге или на своих ресурсах. А приложение izi.travel предлагает аудиогиды, в том числе с интересными маршрутами вдоль отечественных федеральных трасс. Более того, уже сейчас начинается интеграция готовых маршрутов и других туристических продуктов навигационные система в автомобилей. Я думаю мы должны первый очередь развивать внутренний туризм.

Индивидуализм повышает интерес к путешествиям на автомобиле. В COVID-19 большинство границ остаются закрытыми, но и из-за максимальной безопасности: можно самостоятельно поехать куда угодно, а гулять по городу или загорать на людном пляже. То, что происходит сейчас, – это реальный шанс для развития инфраструктуры внутренние туризма, появления доступных отелей и качественной еды. Восстановление мировой туристической отрасли после пандемии корона вируса займет от двух до четырёх лет. К такому выводу пришли эксперты Всемирной туристской организации при ООН (UNWTO). Отпуск внутри страны, подробное планирование путешествия и отдых на природе будут преобладать в ближайшее время, и туристические предприятия уже адаптируются к такой парадигме.

Список использованной литературы:

1) Постановлению Президента Республики Узбекистан Ш. МИРЗИЁЕВ № ПП-4755 «О дополнительных мерах по развитию сферы туризма при строгом соблюдении требований усиленного режима санитарно-эпидемиологической безопасности»19 июня 2020 года г. Ташкент.
2) https://www.interfax.ru/world/707637
3) World Tourism Organization (https://www.unwto.org /news/covid-19-international-tourist-numbers-could-fall-60-80-in-2020)

B.M.Babaqulov – SamDU dotsenti,
A.B. Mirzaxodjayev – SamDU katta o‘qituvchisi

MEHMONXONA XIZMATLARI SOHASIDA INVESTISIYA FAOLIYATINING SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI

Annotasiya. Ushbu maqolada xizmatlar sohasiga yo‘naltirilayotgan investitsiyalarning samaradorligini oshirish bo‘yicha shuningdek, investitsion faoliyatning tashkiliy jihatlari maqsadga muvofiqligi hamda investitsion loyihalarning texnik iqtisodiy asoslari bo‘yicha mualliflarning taklif va xulosalari keltirilgan.

Kalit so‘zlar. Investitsiyalar, loyiha tahlili, xatarlar, turistik va mehmonxona majmuasisi, samaradorlik, rentabellik, sof daromad, diskontlangan daromad.

Аннотация. В данной статье авторами представлены выводы и предложения по вопросам повышения эффективности вложений в сфере услуг, а также целесообразность организационных аспектов инвестиционной деятельности и реализуемости инвестиционных проектов.

Ключевые слова. Инвестиции, анализ проектов, риски, туристско-гостиничный комплекс, эффективность, рентабельность, чистый доход, дисконтированный доход.

Abstract. The article reflects the author’s conclusions and proposals on improving the efficiency of investments in the service sector, as well as the feasibility of organizational aspects of investment activities and the feasibility of investment projects.

Keywords: Investments, project analysis, risks, tourist and hotel complex, efficiency, profitability, net income, discounted income.

Koronavirus pandemiyasi va jaxon iqtisodiy inqirozi xo‘jalik yurituvchi barcha sub’ektlarining iqtisodiy faoliyatiga salbiy ta’sir kildi. Ayniqsa, ularning faoliyatiga investitsiyalarni kiritish, uning samaradorligini oshirish bilan bog‘lik muammolarni kuchaytirib yubordi.

Xususan,o'zining iqtisodiy rivojlanishiga investitsiya kiritayotgan barcha korxonalar singari, mehmondo'stlik korxonalari ham kiritilgan investitsiyaning yuqori rentabelligini ta'minlashda bir qator qiyinchiliklarga duch kelishmoqda. Bu xolat mehmonxona xujaligi investitsiya faoliyati uchun tegishli , strategik kontseptsiyani ishlab chiqishda investitsiyalarning samaradorligi ustuvor ahamiyatga ega bo'lishi kerak. Tabiiyki, investitsiy mablag‘larining etishmasligi oqibatida xo'jalik yurituvchi sub’ektlarni o'z hajmlarini oshirishga undaydi, buning natijasida chetdan moliyalashtiriladiganlar sub’ektlar ro'yxatiga kiritish uchun murojaat etayotgan loyihalar soni ko'paymoqda, shuning uchun ushbu ro'yxatda eng samarali loyihalar birinchi o'rinlarda turishi zarur.

Investitsiya loyihalarning xilma-xilligiga qaramay, ularning tahlili odatda loyihaning tijorat, texnik, moliyaviy, iqtisodiy va institutsional nuqtai-nazardan maqsadga muvofiqligini o'z ichiga olgan umumiy sxemalar asosida amalga oshiriladi. Strategik investor nuqtai nazaridan loyiha tavakkalchilikni baholash bilan yakunlanishi kerak. Investitsiya loyihasini tayyorlash va ularni amalga oshirishning muvaffaqiyati loyha ishtirokchilari o'rtasida iqtisodiy xavf-xatarlarni to'g'ri taqsimlanishiga bog'liq. Ishtirokchilar o'rtasida xatarlarni

taqsimlanishi loyihaning o'ziga xos xususiyatlariga qarab farq qilishi mumkin. Ushbu jihat ko'p xollarda huquqiy xususiyatga ega, chunki xatarlar va ularning taqsimlanishi loyiha hujjatlarida aks etadi va har qanday shartnomaning muhim jixati hisoblanadi. Investitsiya loyihalarini amalga oshirish natijasida kelib chiqadigan xatarlarni uch guruhga bo'lish mumkin: siyosiy, tijorat va fors-major xatarlariga bo‘lish mumkin.

Investitsion loyihaning dastlabki tahlili korxonaning ishbilarmonlik sohasi holatini xamda tarmoq ichidagi korxonaning qiyosiy holatini qiyosiy baholashni o'z ichiga oladi. Bizning fikrimizda dastlabki tahlil bosqichi uzoq vaqt bo'lmasligi kerak va bu bosqichda chiqarilgan xulosalar asosan sifat baholariga yo‘naltirilgan tahlil. Keyingi marketing tahlili bulib, u kuydagi savollarga: ya’ni kompaniya loyiha natijasida hosil bo'lgan mahsulotni (xizmatni) sota oladimi va kompaniya bundan investitsiya loyihasini oqlash uchun etarli foyda oladimi?

Investitsiya loyihalarining samaradorligini tahlil qilish ham muhimdir, chunki aktivlarni kengaytirish odatda qimmatga tushadi va katta mablag 'sarflanishidan oldin firmalar bir necha yil ichida investitsiyalarning qanchalik samarali bo'lishini asoslashlari kerak. Investitsiyalarning samaradorligi ma'lum darajada firmalar foydalanadigan kreditlarning dolzarbligiga bog'liq. Turistik va mehmonxonalar majmuasiga investitsiyalar nisbatan uzoq muddatli qoplanish davri bilan ajralib turadi, shuning uchun mehmonxonalar va turizm sanoatining boshqa ob'ektlarini qurish bilan bog'liq uzoq muddatli loyihalarni amalga oshirishda firmalar uzoq muddatli kredit olishga qiziqishadi. Demak rejalashtirilgan investitsiya muddati investitsiyalar samaradorligiga sezilarli ta'sir qiladi. Ushbu omilning investitsiya samaradorligiga ta'sirini baholashda, bizning fikrimizcha loyihaga kiritilgan mablag'larning vaqt o'tishi bilan har xil qiymatga ega bo'lishining aniq faktidan kelib chiqish kerak: ya’ni ular loyihaning boshida yuqorirok, keyingi bosqichda esa pastrok qiymatga ega buladi. Shu munosabat bilan, vaqt omilini hisobga olgan holda, o'tgan xarajatlar, ma'lumki, loyihani amalga oshirish yiliga yoki taxmin qilingan yilga kamayadi.

Loyihani investitsiyalashning maqsadga muvofiqligi to'g'risida firma qarori ko'pincha uning oldiga qo'ygan maqsadlari bilan belgilanib, uning investitsiya maqsadlarining quyidagi iyerarxiyasi ma'lum:

1) investitsiya xolatining rentabelligi;
2) boshqariladigan bozor ulushini oshirish orqali korxonaning o'sishi;
3) iste'molchilar nazarida yuqori obro'-e'tiborni saqlash;
4) innovatsion yondashuvlar va usullarni yaratish va sinovdan o'tkazish.

Mehmonxona va turizm biznesi korxonalarini bir qator foydali investitsiya loyihalaridan birini tanlashga undaydigan rag'batlantiruvchi omillardan biri bu cheklangan moliyaviy manbalardir. Investitsiyalarni kiritish uchun moliyaviy resurslar chegarasi - bu korxonaning moliyaviy imkoniyatlaridan kelib chiqib, kapital qo'yilmalarning yillik hajmining belgilangan chegarasi. Doimiy xarajatlarni kamaytirish investitsiya loyihalari samaradorligini oshirish zaxiralaridan biri sifatida qaralishi kerak. Ko'p hollarda kompaniya uchun xodimlarni tanlash, xodimlarning malakasini oshirish va

boshqalar doimiy xarajatlarni kamaytiradi. Investitsiya loyihalarining samaradorligiga ta'sir qiluvchi navbatdagi omil bu o'zgaruvchan xarajatlarni kamaytirishdir. Ushbu muammoni hal qilish usullaridan biri sifatida kompaniyaning logistika tizimini optimallashtirishni e’tirof etish mumkin.

Loyihaning texnik-iqtisodiy asoslari investitsiyalar samaradorligini baholashning zamonaviy yondashuvlarini qiyosiy tahliliga asoslangan. Odatda, mahalliy va xorijiy investorlar loyihani bajarish ko'rsatkichlarini tahlil qiladilar va ularning qiymatlarining ruxsat etilgan (tavsiya etilgan) oraliqlarini aniqlaydilar. Loyiha samaradorligining odatiy ko'rsatkichlari quyidagilar:

1)Sof daromad (**Sd**) - bu hisobot davri uchun to'plangan ta'sir (pul oqimi balansi):

Sd = ∑ φm > 0. Bu yerda **φm**- jami pul oqimining qoldig'i.

2)Sof diskontlangan daromad (**Sdd**) loyiha ishining eng muhim ko'rsatkichidir. U hisob-kitob davri uchun to'plangan diskontlangan effektni ko'rsatadi va quyidagi formula bo'yicha hisoblanadi:

Sdd = ∑ φm dm (E) > 0

Sdd, vaqtning turli nuqtalariga taalluqli ta'sirlarning (shuningdek, xarajatlar, natijalar) tengsizligini hisobga olmagan holda va hisobga olgan holda, jami tushumlarning loyihaning umumiy xarajatlaridan oshib ketishini tavsiflaydi. U rejalashtirish intervallari bilan hisoblanadi va ushbu rejalashtirish oralig'ida tushgan tushumdan (T) operatsion xarajatlar, soliqlar (S) va investitsiya xarajatlari (I) ni olib tashlanadi.

Xizmatlarni ko'rsatish, zarur tovarlarni sotish turistik mahsulotni shakllantiradi, bu tovarlarni va ularni ishlab chiqarish xizmatlarini sotib olish natijasida iqtisodiyotning boshqa tarmoqlarining moddiy-texnik bazasidan foydalanish bilan chambarchas bog'liqdir.

O'zbekistonda mehmonxona biznesini rivojlantirishning quyidagi muammolari ustuvor echimlarni talab qiladi:

1. Moddiy-texnika bazasini investitsiyalashga qo'shimcha manbalarni jalb qilish uchun qulay sharoitlar yaratish;
2. Sohaning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga oladigan soliq to'lash standartlarini qonunchilikda belgilash masalalarini hal qilish;
3. O'zbekiston turizm sohasi korxonalari uchun amaldagi me'yoriy-huquqiy bazani xalqaro talablarga va turistik korxonalarning chet ellarda ishlash amaliyotiga moslashtirish;
4. Mahalliy hokimiyat organlari tomonidan tarmoq korxonalarini moliyaviy-iqtisodiy qo'llab-quvvatlash konsepsiyasini ishlab chiqish;
5. Davlat darajasidagi mehmonxonalar tiqilinchligini oshirishda va milliy sayyohlik mahsulotining chet elda reklama qilinishini rivojlantirishga ko'maklashish mexanizmlarini ishlab chiqish.

Shunday qilib, investitsiya bozori investor va uning kapitali uchun kurash maydonidir, shuning uchun har bir kompaniya o'z obro'si va obro'sini belgilaydigan o'z ambitsiyalaridan xalos bo'lmasdan, o'z investitsiya faoliyatini investorlarning turlariga moslashtirishi va tartibga solishi kerak.

О.К.Хуррамов – Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада рақамли туризмнинг мазмун моҳияти ва уни Ўзбекистонда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари баён этилган.

Калит сўзлар: рақамли туризм, илғор ахборот технологиялари, телекоммуникацион тизимлар, рақамли иқтисодиёт

Аннотация. В статье раскрыто содержание цифрового туризма и приоритеты его развития в Узбекистане.

Ключевые слова: цифровой туризм, современные информационные технологии, телекоммуникационные системы, цифровая экономика

Abstract. The article reveals the content of digital tourism and the priorities for its development in Uzbekistan.

Keywords: digital tourism, modern information technology, telecommunication systems, digital economy

Ҳозирги босқичда глобал туризм индустриясининг ривожланиш тенденцияларидан бири Интернет технологияларининг ривожланиши, бошқача айтганда, туризмнинг замонавий ривожланиши рақамли иқтисодиётда кечмоқда. Яъни рақамлаштириш жараёни жуда кўплаб соҳалар каби туризм индустриясини ҳам четлаб ўтмади.

Илғор ахборот технологиялари ва телекоммуникацион тизимларнинг жадал ривожланиши туризм соҳасини рақамлашувини юза келтирди. Бу борада дунёдаги кўплаб олимлар ўз фикрларини баён этишган.

Рақамли туризм бўйича етук мутахассислардан бири Буюк Британия Борнмут университети профессори Дмитриос Буҳалис бўлиб, у рақамли туризмни электрон туризм, смарт туризм атамалари билан бир хил эканини таъкидлаб, электрон туризм бу ташкилотларга туризм, саёҳат, меҳмондўстлик ва умумий овқатланиш соҳаларидаги самарадорликни оширишга имкон берадиган барча жараён ва хизмат занжирларини рақамлаштиришдир, деб таъкидлаган [1].

Электрон туризмнинг моҳияти шундаки, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш туризмнинг барча соҳаларида учрайди. Электрон туризм электрон тижоратнинг бир тури сифатида, шунингдек, маҳсулот ва хизматларни электрон тизим орқали сотиш билан шуғулланадиган соҳадир[2]. Электрон тижорат сингари, у электрон маълумотларни узатиш, тарқатишни бошқариш, электрон маркетинг, онлайн транзакциялар, электрон маълумотлар алмашинуви, бошқарув тизимлари ва маълумотларни автоматлаштирилган бошқаришни ҳам ўз ичига олади[3]. Бундан ташқари, электрон туризм туризмнинг ўзига хос фаолияти, масалан, виртуал маконда туроператорларнинг, сайёҳлик агентликлари хилма хил таклифларини пайдо бўлишини юзага келтиради[4].

Ушбу соҳага оид адабиётлар таҳлили натижасида, фикримизча рақамли туризм деганда саёҳатни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва ундан баҳра олиш жараёнларида рақамли воситалардан фойдаланиш бўлиб, бунда саёҳатчиларга саёҳатдан олдин, саёҳат давомида ва ундан кейин тақдим этиладиган электрон хизматлар мажмуаси муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда рақамли туризмни ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир:

а) Туристик инфратузилма билан биргаликда туристик инфотузилмани ривожлантириш. Туристик инфотузилма- туризмга таалуқли барча турдаги хизматлар тўғрисидаги маълумотлар мажмуасидир. Туризм ривожига таалуқли барча соҳаларда инновацион маълумот олиш манбаларини жорий қилиш ва уларни жадал такомиллаштириш рақамли маконни шакллантириб, ундан самарали фойдаланиш нафақат маҳаллий саёҳатчилар, балки хорижий сайёҳлар учун ҳам муҳим омиллардан бири саналади. Бунда хизматлар тўғрисидаги нафақат анъанавий шаклдаги буклет, флаер, варақа, брошюра ва баннерларни тайёрлаш, балки рақамли кўринишдаги веб саҳифалар, ижтимоий тармоқлар (Facebook, Instagram,...)даги саҳифалар, мессенжер (WhatsApp, Telegram)лардаги канал ва ботлар, видео портал (You Tube, Rutube, Mytube)лардаги профиллар, смартфон ва планшетлар учун мобил иловаларга устуворлик берилади.

б) мамлакатимиздаги туроператор ва турагентлар, меҳмонхона ва ресторанлар, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатувчи туристик корхоналарнинг мутахассис ва ходимларини бугунги кундаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, рақамли маркетинг, электрон бизнес имкониятлари, GoogleAnalitics, Яндекс.Метрика, Ижтимоий медиа, Facebook, Instagram, WhatsApp, Telegram имкониятлари, e-mail маркетинг, мобил маркетинг (QR код, мобил илова), интернет рекламанинг инновацион усуллари каби рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологиялари бўйича маҳаллий соҳа мутаҳассислари ва хорижий экпертларнинг ўқув семинарлари ва тренингларида мунтазам қатнашишини таъминлаш зарур. Натижада тренингларда замонавий билимларни эгаллаган ходимлар ўз фаолиятларидаги камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ва ҳамда истиқболли амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиб, соҳаларини яна ривожлантира олишади.

в) Мамлакатимиздаги туристик корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иқтисодий муносабат ва бошқарув соҳасида замонадан ортда қолишини бартараф этиш учун истеъмолчилар билан коммуникация қилиш, электрон тўловларнинг янги шаклларини жорий этиш орқали секин асталик билан билан бўлсада фаолиятларини трансформация(он-лайн режим) қилишлари талаб этилади.

г) Ўзбекистонда рақамли туризмни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар, амалий тадқиқотлар олиб бориш, дарслик, ўқув қўлланма ва

кўрсатмалар яратишни қўллаб қувватлаш ушбу соҳани янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Buhalis, D. (2003): eTourism: Information technology for strategic tourism management, Pearson (Financial Times/Prentice Hall), London ISBN 0582357403.
2. Buhalis, D., & Jun, S. H. (2011). E-tourism. Contemporary tourism reviews, 1, 2-38.
3. Buhalis, D., & Licata, M. C. (2002). The future eTourism intermediaries. Tourism management, 23(3), 207-220.
4. Buhalis, D., Leung, D., & Law, R. (2011). eTourism: critical information and communication technologies for tourism destinations. Destination marketing and management: Theories and applications, 2011, 205-224.
5. Navruz-Zoda, B., & Navruz-Zoda, Z. (2016). The destination marketing development of religious tourism in Uzbekistan. International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage, 4(7), 9-20.
6. Хуррамов О.К. Ўзбекистонда рақамли туризмни ривожлантириш истиқболлари. “Сервис” илмий-амалий журнал. 2020 йил 2-сон. Б. 34-39
7. Хуррамов О.К. Рақамли туризм ва унинг инновацион иқтисодиётдаги аҳамияти. “Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари” халқаро илмий-амалий анжумани. 2020 йил 21-22 февраль. Самарқанд. Б.92-94.
8. Хуррамов О. К. Особенности цифрового маркетинга в сфере туризм //Инновационное развитие: потенциал науки и современного образования. – 2020. – С. 118-128.
9. Хуррамов О. К. Иқтисодиётнинг рақамлашуви ва рақамли туризм //Иқтисодиётда инновация. – 2020. – №. Special.
10. Khurramov O. K. The role of the tourism sector in the digitalization of the service economy //Economics and Innovative Technologies. –2020. –Т. 2020. –№. 1.–С.6

Д.З.Норқулова – СамИСИ, “Туризм” кафедраси мудири, PhD,
Т.Ш.Эвадуллаев – СамИСИ магистранти

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ РИВОЖИДА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада геоахборот тизимлари ва ундан туризм соҳаси хусусан, зиёрат туризм соҳасида фойдаланиш ҳақида маълумотлар келтирилган. Муаллифлар ГАТ нинг таърифи ва унинг хусусиятлари ҳақида маълумотлар беришган.

Калит сўзлар: ГАТ, туризм, зиёрат туризми, муқаддас жой, ахборот, интернет.

Аннотация: в этой статье представлена информация о географических информационных системах и их использовании в сфере туризма, особенно в сфере паломнического туризма. Авторы предоставляют информацию об определении GAT и его особенностях.

Ключевые слова: ГИС, туризм, паломнический туризм, святое место, информация, интернет.

Abstract: This article provides information on geographic information systems and their use in tourism, especially in the field of pilgrim tourism. The authors provide information on the GAT definition and its specifics.

Key words: GIS, tourism, pilgrim tourism, holy place, information, internet.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида зиёрат туризмини жадал ривожлантириш зарурлигинин таъкидлаб, юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилганлигини билдирган эди[1].

Биз яшаётган Самарқанд вилояти туристик имкониятларга жуда бой бўлиб, бу ерда хусусан зиёрат туризмини ривожлантириш ва шу орқали давлат хазинасига самарали ҳисса қўшиш мумкин. Чунки вилоятда ҳозирги кунда 1851 та моддий-маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, уларнинг орасида зиёрат қилиниши мумкин бўлган жойлар сони маълум қисмини ташкил этади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “Зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган йўналишлардаги маданий мерос ва архитектура объектлари сонини 800 тага етказиш ҳамда бу орқали уларнинг ҳолатини яхшилаш” вазифаси қўйилган[2].

Ушбу стратегик вазифани муваффақият билан бажаришда зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда мавжуд бўлган муқаддас қадамжолар, хорижий ва маҳаллий зиёратчиларни қизиқтираётган зиёратгоҳларни ободлиги ёки зиёрат қилишга яроқлилигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳар доимгидан ҳам муҳим ҳисобланади.

Зиёрат туризми деганда турли дин намояндаларининг ўз динидаги муқаддас жойларига зиёрат мақсадларини амалга ошириш учун сафар қилишини тушуниш мумкин. Муқаддас жойлар қанча зиёратбоп, тоза, шинам ва қулай шароитларга эга бўлса, зиёратчилар оқимини шунча кўпайиши ва бу билан катта ютуқларга эришиши мумкин.

XXI асрга келиб ахборот соҳасининг шиддат билан ўсиши, компъютер технологияларини яратилишига ва кишилик ҳаётининг турли соҳаларини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://president.uz/ru/lists/view/3324 [24.01.2020].

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон.

компъютерлаштиришга олиб келди. Бугун интернет, ижтимоий тармоқлар ёки ОАВ орқали тарқалган бирор ахборот қисқа фурсатларда бутун дунё жамоатчилик нигоҳига етиб бориши оддий ҳолга айланиб қолди.

Бугунги кунда, туризм турларида зиёратчилар туризм йўналишларини танлаш, улар борадиган ҳудудлар тўғрисида маълумот топиш ва муқобил йўналишларни аниқлаш учун интернет ва динамик хариталардан кўпроқ фойдаланади. Туристик ахборот тизимлари ва веб-туристик маршрутлар каби жойлашувга асосланган технологиялар сайёҳлик саноатига тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Дунёда интернет ва мобил алоқа технологияларининг кенг ривожланиши ва ишлатилиши туфайли кўплаб мамлакатларда туризм ГИС билан тайёрланган йўллардан фойдаланишни кўпайтирмоқда.

Компъютерлаштирилган дунё, ялпи ахборотлаштирилган глобал тизимнинг вужудга келиши миллатлар, халқлар ва бутун инсоният тақдирини бир-бирига боғлаб қўйди. Ҳозирги кунда ахборотга ишончлилик, аниқлик, самарадорлик, кўп қирралилик, қайта ишлаш, узатишнинг юқори тезлиги ва бошқа юқори талаблар қўйилмоқда. Ахборот тизимлари ҳозирги пайтда туризм, меҳмонхона хўжалиги ва бизнеси, маиший хизмат, коммунал хизматлар каби соҳаларда муҳим рол ўйнайди.

Германиялик иқтисодчи Натан Майер Ротшильднинг “Ким маълумотга эга бўлса, у дунёга эгалик қилади” деган машҳур гапи бор. Вақт ўтиши билан ушбу тизим “География ахборот тизими” (ГАТ) тушунчасига айлантирилди, чунки ГАТ тадқиқотлари кўлами нафақат ўзига хос жойлашишга, балки ҳар хил тавсифловчи хусусиятларга эга бўлган объектлар ва ҳодисаларни қамраб олди[1].

Геоахборот тизимлари (ГАТ, кейинчалик умумий қабул қилинган атамаси ГИС бўлиб), XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ривожлана бошлаган, лекин бу тизимнинг кенг ривожланиши 90-йилларга тўғри келади. Бунга сабаб кейинги 20 йил ичида компьютер технологиясининг ривожланиши бўлди.

Дастлабки ГИСлар 1960 йилларнинг ўртасида Канада, АҚШ ва Швецияда табиий ресурсларни ўрганиш учун яратилди, ҳозир эса саноат ривожланган мамлакатларда, иқтисодиётда, сиёсатда, экологияда, табиий ресурсларни бошқариш ва муҳофаза қилишда, кадастрда, фанда, таълимда ва бошқаларда фойдаланиладиган минглаб ГИСлар мавжуд[2].

Оддий қилиб айтганда, ГИСга табиат ва жамият объектлари ва ҳодисалари ҳақидаги топографик, геодезик, ер, сув ресурслари ва бошқа картографик ахборотни йиғиш, уларга ишлов бериш, компьютер хотирасида сақлаш, янгилаш, таҳлил қилиш, яна қайта ишлашни

[1] Индустрия туризма: возможности, приоритеты, проблемы и перспективы. Сборник материалаов. XI Международной научно-практической конференции. Москва. 2018. С. 139.

[2] “Геоахборот тизими (ГАТ) технологияси соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва ечимлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. (Самарқанд ш., СамДАҚИ, 22-23 октябр 2019 йил) Б.78.

таъминловчи автоматлаштирилган аппаратлашган дастурли комплекс, деб таъриф берса бўлади.

Машҳур Рус олими В.С.Тикунова ГАТ ни қуйидагича таърифлаган: “ГАТ- бу маълумотларни йиғиш, тизимлаш (тартибга солиш), сақлаш, ишлов бериш, баҳолаш, тасвирлаш ва тарқатишни амалга оширадиган ва улар асосида янги ахборот ва билимларни олиш воситаси сифатида қараладиган интерактив тизимлардир[1].

Ҳозирги кунга келиб, ГАТ нинг 20 дан ортиқ таърифи мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос мазмун-моҳиятни англатади. Барча ГИС ларда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, хотирада сақлаш, янгилаш, таҳлил қилиш ва маълумотларни компьютерда ёки етарли даражада тасвир хусусиятини қайта ишлай оладиган махсус дастурда техник воситалар орқали ушбу жараёнларни бажариш усуллари эътиборга олинган. Демак, ГИС турли усуллар билан тўпланган табиий тармоқлар ҳақидаги кенг мазмунли маълумотлар базасига таянган мукаммал ривожланган тизим ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда фойдаланиш соҳаларининг кенглиги жихатидан ГИС нинг тенги йўқ. У туризмда, навигация, транспорт, қурилиш, геология, ҳарбий ишлар, иқтисодиёт, экология ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. ГАТ ер тузишда, турли тизим кадастрларида, картографияда ва геодезияда кенг қўлланилмоқда, чунки катта ҳажмдаги статистик, фазовий, матнли, графикли ва бошқа кўринишдаги маълумотларни қайта ишлаш ва уларни тасвирлашни ГИС тизимисиз имкони бўлмайди.

ГАТнинг хусусиятларига фазовий, маълумотлар тузилмаси, амалий муаммоли йўналиши, геологик ўрганиш ва хариталашга ва тизимли ёндашувни таъминлаш, мослашувчанлик ва кўп ечимли масалаларни ҳал қилиш, муҳим параметларни тавсифловчи геоахборотларни таҳлил қилиш кабилар киради[2].

Ахборот технологияларини жорий этишнинг энг катта самараси туризм соҳасида эканлиги барчага маълум. Чунки туризм соҳасида ривожланган ва ривожланаётган давлатларда бу борада катт ютуқларга эришилган. Зиёрат мақсадида йўлга чиққан ҳар қандай турист борки, у аввало ўзи бораётган манзил ҳақида тасаввур ҳосил қилишни истайди.

ГИС туризм соҳасига жорий этилганда қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

• туристик хизматларнинг корхоналари ҳисоботи;

• сайёҳлик маршрутларини ҳисобга олиш;

• сайёҳлар оқимини таҳлил қилиш;

• ҳудуднинг ривожланишини режалаштириш;

• саёҳатчига ҳар хил мавзулар бўйича батафсил ва долзарб маълумотларни тақдим этиш;

[1] Проф.Тикунова В.С. Геоинформатика. Москва. Издательский центр «Академия», 2005. С.11.

[2] И.Тухлиев, А.Абдувалиев. “Инновацион фаолиятнинг геоахборот тизимини туризмда жорий қилиш хусусиятлари”. Иқтисодиётда инновация журнали 02/2018. Б.38.

• кичик туристик ташкилотларга ўз хизматлари ва таклифларини бозорга арзон ва самарали равишда тарғиб қилиш имкониятини бериш;

• ҳар қандай сайёҳлик ташкилотига маълумотни мобил ГИС орқали тарқатиш учун арзон усулни тақдим этиш;

• туризм бозорининг ҳар қандай иштирокчилари ўртасида турли хил алоқаларни ўрнатиш;

• муқобил маркетинг тизими ва алоқа каналларини таклиф қилиш;

• • мобил ГИС ёрдамида мултимедиа маркетинг материалларини йиғиш ва қайта ишлаш.

Туризмда ГИС технологияларининг тарқалиши бир қатор қўшимча ижтимоий-маданий, иқтисодий ва сиёсий омилларга боғлиқ. Ўз-ўзидан ГИС технологиялари туристик хизматларнинг "Янги комбинациясини" яратолмайди. Фақатгина ГИСни бир қатор ижтимоий, институционал, ижтимоий-сиёсий ва маданий омиллар билан бирлаштирилиши янги товарлар ва хизматлар, усуллар ва бозорларнинг комбинацияларини яратишга олиб келади.

ГИС тизим сифатида тўртта асосий элементдан иборат. Булар: компьютер, (аппарат), компьютерда ишлатиладиган дастурлар (ГИС дастури), дастурий таъминот таҳлил қилинадиган маълумотлар ва ушбу учта элементни аниқлайдиган ва бошқарадиган фойдаланувчи, яъни инсон[1].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ГАТ туризмда хусусан, зиёрат туризми ривожида катта роль ўйнайди. Ахборотлашган ҳозирги жамиятда туризм соҳасини ГАТсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Юртимиздаги туризмни бошқариш органлари ва сайёҳлик фирмалари ўз фаолиятларида доимий равишда ахборот технологияларини қўллашса, сайёҳлик бизнесининг ривожланишига ва зиёратчилар оқимини кўпайишига эришилади.

Бугунги кунда давлатимиздаги туристик ташкилотларнинг ягона тартибдаги маълумотлар алмашиш тизимини яратиш зарурлиги кўзга ташланмоқда. Тизим орқали барча меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар, ҳисоботлар, ўзаро маълумотлар алмашишни тезлик билан амалга оширилади. Туризмда ГАТ дан фойдаланиш жараёнида, мамлакатимизда зиёрат туризми потенциалини ошириш мақсадида мавжуд бўлган барча муқаддас зиёратгоҳларни замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда 3D шаклида виртуал туризм дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Дастур орқали келаётган зиёратчилар бевосита борадиган муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларга виртуал тарзда саёҳат қиладилар ва ўз навбатида саёҳат қилмоқчи бўлган объектлари ҳақида олдиндан маълумот олиш имконияти вужудга келади. Ҳозирда республика бўйлаб масжидлар жойлашувини кўрсатувчи «Masjid Finder Uzbekistan» номли мобиль иловаси ишга туширилган.

[1] III. Disiplinlerarası Turizm Araştırmaları Kongresi. 04 - 05 Nisan 2014, Kuşadası, Aydın. Turizm Araştırmaları Dergisi.S.577.

Худди шундай юртимиздаги азиз-авлиёлар, алломалар абадий қўним топган муқаддас зиёратгоҳлар жойлашган манзиллар ҳақида маълумот берувчи мобил иловаларни ишлаб чиқиш эҳтиёжи мавжуд. Иловаларни ишлаб чиқишда ГИС дан тўла фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ўз ўрнида юртимизга зиёрат туризми билан келадиган маҳаллий ва хорижий сайёҳларга кенг қулайликларни бериши шубҳасиздир.

З.М. Мухаммедова – СамИСИ ўқитувчиси, PhD

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада туризм соҳасини инновацион ривожлантириш, туризм хизматлари сифатини тубдан яхшилаш ва уни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, соҳада инновацион жараёнларни жадаллаштириш, туристик корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг замонавий механизмларини яратиш ва амалиётга жорий этилиши, айнан, кадрлар салоҳиятини юксалтириш билан боғлиқлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: туризм, инновация, кадрлар салоҳияти, инвестицион ресурслар, самарадорлик,фаолиятни жадаллаштириш.

Аннотация. В статье инновационное развитие туризма, кординальное повышение качества туристических услуг и доведение его до мировых стандартов, ускорение инновационных процессов в отрасли, создание и внедрение современных механизмов развития и повышения эффективности туристических предприятий, в частности изложена взаимосвязь повышения в них кадрового потенциала.

Ключевые слова: туризм, инновация, кадровый потенциал, инвестиционные ресурсы, эффективность ускорение деятельности.

Abstract. The article describes the innovative development of tourism, a radical improvement in the quality of tourist services and bringing it to world standards, the acceleration of innovative processes in the industry, the creation and implementation of modern mechanisms for the development and efficiency of tourism enterprises, in particular, the relationship of increasing human resources in them is stated.

Key words:tourism, innovation, human resources, investment resources, efficiency, acceleration of activities..

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш истиқболлари, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони [1] ҳамда “Ўзбекистонда 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш Концепцияси”да [2] белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан соҳага жалб этилган кадрлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида Туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2019 йил 5 январь. 1-Илова. // http://lex.uz

[2] Ўша жойда, 1-Илова.

салоҳияти билан белгиланади. Туризмни ривожлантириш Концепциясида Ўзбекистонда “Туризм соҳасида ҳалқаро талабларга жавоб берадиган узлуксиз, кўп босқичли таълим тизимини яратиш” вазифаси бежиз қўйилган эмас. 2018 йилнинг май ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган австриялик мутахассислар мамлакатда туризмнинг имкониятларини юқори баҳолаб, келажакда мазкур соҳани ривожлантириш учун кадрлар ва билимлар етарли эмаслигини алоҳида таъкидладилар. Улар мамлакатда туризм соҳаси истиқболларини айнан туризм инфратузилмасини ривожлантиришга қодир ва мойил мутахассисларни тайёрлаш зарурати билан боғладилар[1]. Туризмни ривожлантиришда айнан кадрларнинг роли жуда катта эканлиги ғарб мамлакатлари олимлари, россиялик олимлар[2] томонидан ҳам эътироф этилган.

Туризм соҳасининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш, туризм хизматлари сифатини тубдан яхшилаш ва уни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, соҳада инновацион жараёнларни жадаллаштириш, туристик корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг замонавий механизмларини яратиш ва амалиётга жорий этиш ва шунга ўхшаш бошқа мураккаб муаммоларнинг бартараф этилиши, аввалambор, кадрлар салоҳиятини юксалтириш билан боғлиқ. Ҳозирги шароитда айнан кадрлар салоҳияти Ўзбекистонда туризмни устун ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг, тармоқ таркибидаги хўжалик субъектлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш асосида иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади.

Лекин тармоқ ва унинг таркибидаги корхоналарнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, тармоққа жалб этилган кадрлар салоҳиятининг юқори сифатини таъминлаш муаммолари давлатнинг фаол иштироки воситасида бу муҳим ишга хусусий бизнесни жалб этган ҳолда муваффақиятли ҳал этилиши мумкин. Жаҳон амалиёти шундан далолат беради, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, инсон капитали ролининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи омилига айлантиришда давлатнинг фан ва таълим соҳасидаги сиёсати билан хусусий бизнес иштирокини уйғунлаштириш муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда фан ва таълимнинг хўжалик амалиётига кучли таъсирини инкор этиб бўлмайди. Айниқса туризм хизматлари соҳасида уларнинг аҳамияти янада юқори. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида туристик корхоналар истеъмолчиларга фақатгина истеъмол қийматига эга бўлган туристик маҳсулотни таклиф қилиш билан чекланиб қолишлари ўз иқтисодий фаолиятларини муваффақиятсизликка маҳкум

[1] Австриялик мутахассислар Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш учун кадрлар ва билимлар етишмаётганини қайд этди. // https://daryo.uz.

[2] Подготовка кадров как фактор развития туризма в регионе. // https:// yandex.ru; Актуальные проблемы кадрового обеспечения в сфере туризма. // https:// yandex.ru; В Ростуризме отмечают нехватку квалифицированных кадров. // https:// yandex.ru

этиш билан баробар. Бу борада туристик хизматларнинг замон талаби билан тақозо этилган ўзига хос хусусиятини таъкидламоқчимиз: бугунги кунда диди баланд истеъмолчиларнинг талабига мос келадиган юқори сифатли сервислаштирилган туристик маҳсулот таклиф этилиши керак. Хизмат кўрсатишнинг бундай даражасига эришиш унга мос келадиган, касбий малакаси ва билим савияси юқори кадрлар жамоасини шакллантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Хизмат кўрсатиш соҳаси, жумладан туризм хизматлари соҳаси кишилик жамияти хўжалик фаолиятининг энг сермеҳнат соҳаси ҳисобланади. Бунинг натижасида соҳа хўжалик субъектлари фаолиятига жалб этилган барча ресурслар таркибида меҳнат ресурсларининг салмоғи катта. Демак, туризм хизматлари соҳасидаги хўжалик субъектлари рақобатбардошлиги юқори даражада инсон ресурслари омилига боғлиқ. Ушбу соҳада айнан инсонлар, уларнинг салоҳияти, меҳнат қилиш қобилияти, ўзининг касбий маҳоратини юксалтиришга бўлган интилишлари замонавий корхонани ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланади. Ўз-ўзидан аёнки, тараққиётда инсон омили ролининг юксалиши таълим соҳаси билан, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш масалалари билан чамбарчас боғлиқ.

Бугун касбий таълим мамлакатда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар доирасида модернизация босқичини бошидан кечирмоқда ва таълим сифатини тубдан ошириш муаммолари изчиллик билан ҳал этилмоқда. Таълим сифатини яхшилаш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Шуни эътибордан чиқармаслик керакки, таълимни модернизациялаш иқтисодиётни, қолаверса бутун жамиятни модернизациялашнинг, уни мазмунан ва таркибий янгилашнинг таянчи ҳисобланади.

Туризм хизматлари соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан ҳамда истеъмолчиларнинг ушбу хизматлар сифатига тобора ошиб бораётган талабларидан келиб чиққан ҳолда, тармоқ эҳтиёжлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини қўшимча таълим секторини жорий қилиш асосида такомиллаштиришни таклиф қиламиз. Ҳозирги кунда таълим муассасалари академик фан ва таълим билан шуғулланадилар, туристик корхоналар ўз амалиётида сервис хизматларига кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Туризм соҳаси ходимлари касбий тайёргарлигида корпоратив таълимнинг заифлиги, етарли даражада эмаслигини қайд этмоқчимиз. Бизнингча, туризм соҳасида таълим муассасаларидаги юқори сифатли академик таълим соҳа мутахассисларининг туристик корхоналардаги касбий маҳоратини ошириш ҳамда янги касбий билимларни фаол эгаллаш амалиётини йўлга қуйиш билан тўлдирилиши лозим.

Ушбу мақсадга эришиш учун йирик туристик корхоналар қошида ходимлар касбий маҳоратини юксалтириш учун хизмат қилувчи махсус бўлим ёки марказ ташкил этилиши лозим. Бундай бўлимнинг ёки марказнинг асосий вазифаси истеъмолчиларга бевосита хизмат кўрсатувчи

ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш ва уларни узлуксиз ўқитиш комплекс тизимини ташкил этишдан иборат. Бундай бўлимлар нафақат туристик корхоналар, балки туристларга хизмат кўрсатувчи барча бошқа йўналишларда (транспорт, савдо, умумий овқатланиш ва бошқаларда) ҳам ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Мутахассиснинг касбий таълим муассасаларида, жумладан олий таълим муассасаларида олган назарий билимлари ишлаб чиқаришдаги корпоратив таълим дастурлари билан узлуксиз тўлдирилиб, янгилиб бориши керак. Касбий билимларнинг, маҳорат ва кўникмаларнинг доимий тарзда янгиланиб бориши – кадрлар салоҳиятини юксалтиришнинг, уларнинг тараққиётдаги ролини оширишнинг асосий шарти ҳисобланади.

А.М.Амиров – докторант СамГУ,
Ш.Р.Низамов – исследователь

УМНЫЕ ГОРОДА К НАПРАВЛЕНИЯМ УМНОГО ТУРИЗМА: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ

Аннотация: Такие термины, как умные города и умные туристические направления являются очень популярными в последнее десятилетие. В данном исследовании особое внимание уделяется рассмотрению концепций смарт городов и смарт туристических направлений, а также связей между ними. На самом деле умные города действуют как лестница для создания интеллектуальных туристических направлений. Умные туристические направления - это умные города, в которых используются информационные технологии и инновации, чтобы туристы могли получать удовольствие и опыт.

Ключевые слова: Умные города, умные туристические направления, информационные технологии, инновация

Аннотация: Сўнгги ўн йил ичида ақлли шаҳарлар ва ақлли саёҳат йўналишлари каби атамалар жуда машҳур бўлиб келмоқда. Ушбу мақолада ақлли шаҳарлар ва ақлли саёҳат йўналишлари тушунчаларига ҳамда улар ўртасидаги алоқаларга эътибор қаратилган. Дарҳақиқат, ақлли шаҳарлар ақлли саёҳат йўналишларини яратиш учун пойдевор вазифасини бажаради. Ақлли саёҳат йўналишлари - бу сайёҳларга кўнгил очиш ва тажриба тақдим этиш учун ахборот технологиялари ва инновациялардан фойдаланадиган ақлли шаҳарлардир.

Калит сўзлар: Ақлли шаҳарлар, ақлли саёҳат йўналишлари, ахборот технологиялари, инновация

Abstract: Terms such as smart cities and smart travel destinations have been very popular in the last decade. This study focuses on the concepts of smart cities and smart travel destinations, as well as the links between them. In fact, smart cities act as a ladder to create smart travel destinations. Smart travel destinations are smart cities that use information technology and innovation to provide tourists with a fun and experience.

Keywords: Smart cities, smart travel destinations, information technology, innovation

Нужно быть умным, чтобы выжить в индустрии туризма. Ум требуется на каждом этапе, от генерации информации до её передачи. Интеллект помогает формировать продукты, действия, процессы и услуги в режиме реального времени, одновременно вовлекая различные

заинтересованные стороны для оптимизации коллективной работы и конкурентоспособности, а также генерирования решений и ценности для всех. Обычно термин «Смарт» ассоциируется с умением быть быстрым и давать быстрые результаты. Различные исследователи работали над тем, как привить ум к индустрии туризма, создавая надлежащую структуру. Термин «Смарт город» набирает популярность, но нет конкретного определения, которое могло бы точно объяснить концепцию. Участие IT в различных аспектах повседневной жизни городов привело к развитию «Смарт городов». Возможно, он возник из движения «Смарт рост» в конце 1990-х годов [1]. Различные препятствия, которые появляются в результате глобализации и роста населения заставляют города находить разумные выходы для решения этих проблем.

Туризм - это социальное, культурное и экономическое явление, которое влечет за собой перемещение людей в страны или места за пределами их обычной среды для различных целей [13]. Учитывая информационный характер туризма, понятие «Смарт» применяется к явлениям, охватывающим туризм. Концепция «Смарт город» охватывает множество отраслей, включая индустрию туризма [6]. Теоретическая исследования Бухалиса и Амарангганы затронула концепцию построения интеллектуальных туристических направлений на концепции Смарт городов. Внедрение Смарт способностей в туристические направления требуются для облегчения обмена информацией между заинтересованными сторонами, что может улучшить процесс принятия ими решений [3]. В конечном итоге это поможет поставщикам туристических услуг предоставлять новые улучшенные услуги туристам [11]. По мере того, как термин «Смарт город» набирает популярность, все еще существует путаница относительно размеров Смарт городов.




Рисунок 1. Величина Смарт города [10].

Как показано на Рис. 1. различными аспектами Смарт города являются Смарт Экономика (Общественные расходы на исследования и разработки, расходы на образование, ВВП, уровень безработицы), Смарт мобильность (устойчивая и безопасная транспортировка, пешеходные дорожки, велосипедные трапы полосы, движения инновационного транспорта, эффективные системы управления движением), Смарт Жизнь

(Наличие зон отдыха и развлечений, публичные библиотеки, развлекательные центры, управление экологическим ресурсом, образовательные учреждения и здравоохранения, зеленые зоны, наличие ИКТ), Смарт Окружающая среда (стратегии сокращения выбросов углеводородов (CO2), эффективное использование воды и электричества, наличие Зеленых насаждений, политика управления городским развитием, утилизация отходов), Умные Люди (Уровень образования граждан, языковые навыки, программы обучения, технические навыки) и Смарт Управление (Количество учебных заведений, средство электронного управления, доступ в Интернет для граждан, легкий доступ к основным средствам). Все эти измерения действуют как опоры, которые составляют основу Смарт городов. Следовательно, можно сказать, что Смарт город является устойчивым, пригодным для жизни, взаимосвязанным и интеллегентным городом.

Теория о смарт направлениях показывает, что эти направления используют ИКТ для улучшения развития и производства туристических процессов [14]. Поэтому Смарт туристические направления должны конструктивно взаимодействовать с местными заинтересованными сторонами для обеспечения участия сообщества. Умные туристические направления выгодны для туристической индустрии, так как они облегчают обмен информацией между туристическими организациями и туристами через централизованную платформу. Умные туристические направления могут лучше понять потребности и предпочтения реальных клиентов.

Бухалис определил «умные» направления для путешествий как сочетание туристических продуктов, созданных «умными городами» [2]. Хуанг отметил, что настоящая ценность умных направлений для путешествий состоит в том, чтобы сосредоточить внимание на личных потребностях путешественника и позаботиться о них, сочетая ИКТ с повседневной культурой [7]. В конечном итоге это улучшает качество обслуживания в пункте назначения и улучшает управление туризмом в пункте назначения. Бухалис представил модель, которая показывает, как умный туризм может способствовать получению впечатлений от путешествий [4].




Рисунок 2. Улучшение впечатлений от путешествий за счет персонализации услуг[4].

Ричи и Крауч отметили, что «умные» города и «умные туристические направления» могут повысить конкурентоспособность за счет внедрения инновационных технологий для улучшения впечатлений от путешествий [15]. Для обеспечения широкого доступа к информации пункты назначения

должны предоставлять неограниченный доступ к данным для всех граждан через публично контролируемую платформу. Также необходимо признать, что технологически неграмотные люди живут в туристических направлениях. Как правило, граждане и туристы предоставлены своим собственным способностям к обучению и адаптации в соответствии с быстро меняющимися технологиями [9]. Туристические направления должны быть сосредоточены на обучении граждан и туристов тому, как эффективно использовать новые технологии. Следовательно, очевидно, что умные туристические направления должны создавать интеллект, устанавливая подходящие приложения для путешествий.

Умные города влекут за собой применение устойчивых решений для преодоления трудных проблем и включают использование сложных и дорогих технологий, разработанных частным сектором [8]. Несмотря на то, что целью Умные города является повышение качества жизни его жителей, необходимо сосредоточиться на туризме, поскольку он является источником дохода для многих городов [12].

Чтобы обеспечить успех дестинации, важно обеспечить совместную работу человеческих ресурсов и инноваций на всех уровнях [15]. Важно упростить шесть компонентов в туристических направлениях (достопримечательности, доступность, удобства, доступные пакеты, мероприятия, вспомогательные услуги). Эти компоненты повышают ценность путешествия [2]. Таким образом, очевидно, что увеличение компонентов приведет к прибыли и процветанию дестинаций. Если «Умный город» будет использовать информационные технологии и инновации для улучшения шести компонентов туризма, он в конечном итоге станет «умным» туристическим направлением. Другими словами, «умные туристические направления» - это города или места, в которых используются доступные технологические инструменты, инновации и методы для развлечения и впечатлений туристов и получения прибыли для организаций и направлений. Согласно Коэну [5]., Smart Tourism Destinations должны использовать соответствующие туристические приложения в Smart Cities. Следовательно, когда в пункте назначения часто появляется «умный город», появляются новые возможности для бизнеса в индустрии путешествий и туризма.

Туристические направления представляют собой набор туристических продуктов и услуг, и эти системы сложны для понимания и управления. Таким образом, некоторые определения границ важны, чтобы направлять города в этом направлении. Смарт направления для путешествий могут восприниматься как города или места, в которых используются технологические инструменты, инновации и методы, доступные для создания развлечения и впечатлений для туристов и получения прибыли для организаций и направлений. Фактически, умные города действуют как лестница для создания умных туристических направлений. Смарт направления для путешествий – это смарт города, в которых используются

информационные технологии и инновации, чтобы доставить путешественникам удовольствие и впечатления. Следовательно, очевидно, что смарт туризм – это фундаментальная часть «умного» города. В 21 веке популярность умных городов и умных туристических направлений растет. Таким образом, сегодня необходимо понять эти концепции, а также составить и реализовать планы устойчивого развития смарт городов, которые в конечном итоге проложат путь для направлений смарт туризма в будущем.

Список использованной литературы:

1. Bollier, D., (1998), How Smart Growth Can Stop Sprawl, Essential Books, Washington, DC.
2. Buhalis, D. (2000). Marketing the competitive destination of the future. Tourism management, 21, 97–116.
3. Buhalis, D., & Amaranggana, A. (2014) Smart tourism destinations. In Z. Xiang & I. Tussyadiah (Eds.), Information and communication technologies in tourism 2014 (pp. 553–564). Dublin:Springer.
4. Buhalis, D., & Amaranggana, A. (2015). Smart tourism destinations enhancing tourism experience through personalisation of services. In Information and communication technologies in tourism 2015 (pp. 377-389). Springer, Cham.
5. Cohen, B. (2011). Smart cities wheel. Retrieved from, http://www.boydcohen.com/smartcities.html. Cohen, B. (2012). "What exactly is a smart city." Co. Exist 19.
6. Guo, Y., Liu, H., & Chai, Y. (2014). The embedding convergence of smart cities and tourism internet of things in China: An advance perspective. Advances in Hospitality and Tourism Research, 2(1), 54–69.
7. Huang, X. K., Yuan, J. Z., & Shi, M. Y. (2012). Condition and key issues analysis on the smarter tourism construction in China. In Multimedia and signal processing (pp. 444450). Springer, Berlin, Heidelberg.
8. Jasrotia, A. (2018). Smart Cities & Sustainable Development: A Conceptual Framework. Asian Journal of Research in Business Economics and Management, 8(2), 42-50.
9. Komninos, N., Pallot, M., & Schaffers, H. (2013). Special Issue on smart cities and the future Internet in Europe. Journal of the Knowledge Economy, 4(2), 119-134.
10. 16 Rudolf, G., Fertner, C., Kramar, H., Kalasek, R., Pichler-Milanovic, N., & Meijers, E. (2007). Smart cities-ranking of european medium-sized cities. Rapport technique, Vienna Centre of Regional Science.
11. Schaffers, H., Komninos, N., Pallot, M., Trousse, B., Nilsson, M., & Oliviera, A., (2011). Smart cities and the future internet: towards cooperation frameworks for open innovation. In J. Domingue et al. (Ed), Future Internet Assembly, LNCS, 6656, 431446.
12. Taaffe, J. (2014). Europe's cities get smarter on tourism. Retrieved, from, http://newsroom.cisco.com/featurecontent;jsessionid=D04725092EC4730FE9C740606 E23F4D9?type=webcontent&articleId=1488545.
13. UNWTO (2015). Understanding Tourism: Basic Glossary. Accessed online (May 25, 2016) at http://media.unwto.org/en/content/understanding-tourism-basic-glossary.
14. Wang, D., Li, X. (.R.), & Li, Y. (2013). China's "smart tourism destination" initiative: A taste of the service-dominant logic. Journal of Destination Marketing & Management, 2(2), 59–61.
15. Ritchie, J. R., & Crouch, G. I. (2005). A model of destination competitiveness. Competitive destination: A sustainable tourism perspective (pp. 60–78). Wallingford: Cabi.

F.K. Buranov– SamISI, MMX-119 guruh magistranti,

U.X.Mirzayeva – SamISI, MMX-119 guruh magistranti,
S.A.Haydarov – SamISI, “Turizm” kafedrasi dotsenti, PhD

KOMPYUTER VA MOBIL ILOVALARNING TURIZM VA MEHMONXONA XO‘JALIGI FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDAGI AHAMIYATI

Annotatsiya: Ushbu maqolada geoaxborot tizimlari, ularning turizm sohasida tutgan o‘rni o‘rganildi. Shuningdek, MapInfo dasturi muhitida ishlash haqida so‘z yuritildi.

Kalit so‘zlar: GIS, kartografik, 3D xarita, marshrut, operatsion tizim.

Аннотация: В этой статье исследуются географические информационные системы и их роль в туризмею Также говорилось о работе в программной среде MapInfo.

Ключевые слова: ГИС, картографический, 3D карта, маршрут, операционная система.

Abstract: This article examines geographic information systems and their role in tourism. There was also talk of working in the MapInfo software environment.

Keywords: GIS, cartographic, 3D map, route, operation system.

Barchamizga ma’lumki, hozirgi ilm-fan jadal rivojlangan zamonda, axborot texnologiyalari tushunchasi deyarli barcha sohalarga kirib keldi, shu jumladan, turizm sohasiga ham. Turizm xizmatlari bozorini shakllantirishda axborot texnologiyalarining o‘rni salmoqli. Chunki deyarli barcha marketingga oid bo‘lgan ishlar kompyuter va internet tarmog‘i orqali amalga oshiriladi. Albatta axborot texnologiyalari deyilganda faqatgina kompyuter emas, barcha turdagi innovatsion elektron qurilmalarni hisobga olish zarur. Bu borada o‘tgan asrning 90-yillariga kelib o‘zining jadal rivojlanish bosqichini boshlagan, zamonaviy “geografik axborot tizimlari” yoki qisqacha GIS(inglizcha *“geographic information system”*)tushunchasining roli katta. Turizmning holatini tahlil qilish va fazoviy jihatlarini hisobga olgan holda zamonaviy geografik axborot texnologiyalaridan foydalanish juda istiqbolli. Bugungi kunda turizm sohasida GIS asosan turistik xaritalar, bukletlar va boshqa bosma mahsulotlarni tayyorlash uchun ishlatiladi. Shu bilan birga, noyob tabiiy potensialga ega bo‘lgan yoki tarixiy va madaniy ahamiyatga ega bo‘lgan hududlar uchun turizm sohasida interfaol kartografik internet manbaalarini yaratish uchun geografik axborot tizimlarini rivojlantirish muhimdir.

GIS ma’lumotlar komponenti jug‘rofiy ma’lumotlar va ko‘plab diqqatga sazovor joylarga ega sayyohlik joylari, turistik infratuzilmaning qo‘shimcha ma’lumotlari(mehmonxonalar, ovqatlanish korxonalari, transport, kasalxonalar, davlat idoralari va hokazo) va ushbu ob’ektlar to‘g‘risida batafsil ma’lumotlar olish imkoniyati mavjud.

Hozirgi kunda, turizm sohasi bo‘yicha jahon tajribasida bir qator dasturiy mahsulotlar, ya’ni kompyuter dasturlari, web saytlar, mobil ilovalardan foydalanib kelinmoqda. Shular ichida, kompyuter operatsion tizimlari uchun

yaratilgan ESRI ArcGIS, ArcSDE, ArcIMS, GISPanorama va MapInfo kartografik muharrirlari keng qo‘llaniladi. Bu kabi dasturlar sun’iy yo‘ldoshlar orqali olingan yerning kosmik tasvirlari ustida ishlash, tahrir qilish, kompyuter xotirasida saqlash va chop qilish imkonini beradi. Dastavval, bunday tasvirlarga davlat chegaralari, temir va avtomobil yo‘llari, ko‘chalar va ularning nomlari kiritib chiqiladi. Keyinchalik har bir soha mutaxassislari o‘z ma’lumotlar qatlamini joylashtirib boradi (aslida GIS, bir nechta qatlamlar (layer) dan tashkil topgan, murakkab kartografik dasturiy majmuadir). Masalan, turizm sohasi uchun diqqatga sazovor joylar, tarixiy ob’ektlar, mehmonxonalar, ovqatlantirish korxonalari va boshqalar joylashgan joyi va ular haqidagi ma’lumotlar xaritaga kiritiladi, keyinchalik turistlar xaritada faqat o‘zlariga kerakli bo‘lgan qatlamni faollashtirishi orqali(masalan, mehmonxonalar joylashish qatlami) o‘sha qatlamga kiritilgan barcha ob’ektlar xaritada ko‘rinadi.


Bugungi kunda, g‘arb mamlakatlari va dunyoning boshqa ko‘plab rivojlangan davlatlarida, insonlar turgan joyi yoki bormoqchi bo‘lgan manziliga qay yo‘sinda yetib olishi haqida ma’lumotlar olish uchun navigatsiya tizimlaridan keng foydalanadi. Bularga GPS, ГЛОНАСС, Galileo kabi navigatsiya tizimlarini misol tariqasida keltirish mumkin. Turizm sohasida navigatsiya muhim ahamiyatga ega. Turistlar o‘zlari tashrif buyurgan mamlakatda, mahalliy tilni bilmasdan turib mobil navigator ilovalari yordamida manzillariga adashmasdan va osonlikcha yetib olishlari mumkin. Hozirgi kunda dasturchilar tomonidan juda ko‘plab mobil navigator ilovalari ishlab chiqilgan bo‘lib, ulardan eng ommaboplari qatoriga: *Google Maps, Google Earth, GPS Navigator* kabilarni kiritish mumkin

Ikki daryo oralig‘ida joylashgan, jannatmakon yurtimizda turizm va xizmat ko‘rsatish sohasi kundan-kunga rivojlanib bormoqda. Bu borada Muhtaram prezidentimizning mamlakatimizda turizm sohasiga strategik sektor maqomining[1] berilishi, turizm sohasida hali amalga oshirilmagan ulkan ishlarni belgilab berdi. Bundan tashqari, o‘tgan 4 yil ichida davlatimiz rahbari turizm sohasini rivojlantirishga doir bir qator qaror, farmon va farmoyishlarni imzoladi va ularning ijrosini ta’minlash maqsadida Vazirlar Mahkamasi tomonidan bir qator qarorlar ishlab chiqildi. Jumladan, “Turizm to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni qayta nashrda ishlab chiqildi[2]. Bunday e’tiborlar natijasida yurtmizga tashrif buyurayotgan xorijiy fuqrolarning umumiy soni 2015-yilda 1917,7 ming kishini tashkil qilgan bo‘lsa, 2018-yilda bu ko‘rsatkich 6433 ming kishini tashkil qildi va 2019-yilning yarmiga kelib esa 3,7 mln. kishi tashrif buyurib 2018-yilining shu davriga nisbatan 35.7%ga o‘sish kuzatildi [3] (1-diagramma). Raqamlardan ko‘rinib turibdiki, yaqin 10 yilliklar ichida turizm sohasining mamlakatimiz yalpi ichki mahsulotida tutgan o‘rni ancha oshadi.

[1] “O’zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to’g’risida”. Toshkent sh. 2016-yil 2-dekabr, PF-4861

[2] 1-nashr: 1999-yil 20-avgust, 2-nashr: 2019-yil 21-iyun

[3] O’zbekiston turizmni rivojlantirish Davlat Qo’mitasi ma’lumotlari asosida, www.gazeta.uz sayti



1-diagramma


Mamlakatimizda turistlar oqimini oshirish, turistlarga zarur shart-sharoitlar yaratib berish, ularning internet vositasida ma'lumot almashishida uzulishlarning oldini olishmaqsadida zamonaviy va innovatsion axborot texnologiyalaridan keng miqiyosda foydalanish yo'lga qo'yilmoqda.

O'zbekiston sharoitida hozirgi kunda turistik firmalar va joylashtirish vositalarida ma'lumot olish va bronlashga mo'ljallangan *Booking.com, Trip Advisor, Trivago* kabi bir qator internet saytlari va ilovalardan keng qo'llanilmoqda. Bundan tashqari, *E-mehmonxona* yagona tizimining joriy etilishi, mehmonxona biznesi sohasidagi bir qator qog'ozbozlik holatlarini cheklab, mehmonlarni ro'yxatdan o'tkazishda ko'plab qulayliklar yaratib berdi. Diqqatga sazovor joylar, jumladan, mamlakatimizning asosiy turizm potensiali bo'lgan tarixiy va me'moriy ob'ektlarimizning turistlar e'tiborini jalb qilish maqsadida 360^0 kenglikda olingan yuqori sifatli rasmlarining internet saytlariga joylanishi, turistlarning mamlakatimizga tashrifidan oldin ob'ekt haqida aniq tasavvurga ega bo'lishiga ulkan turtki bo'ladi.

Shu kunlarda, mamlakatimiz yoshlari orasida *MAPS.ME* navigatsiya xaritasining ommalashib borayotganini ham aytib o'tish joiz. Bu mobil ilova bo'lib, online hamda offline rejimlarida aniq va to'gri ishlaydi, shuningdek mamlakatimiz ichki turizmini rivojlantirishda ya'ni tashrif buyuruvchilarda joy va ob'ektlar, ularga qanday yetib borish haqida ma'lumot olishda katta yordam berib kelmoqda. Ilova har oyda yangilanadi va xaritaga ob'yektlar va ko'chalar haqidagi yangi ma'lumotlar yuklab boriladi. Masalan, Samarqand shahriga tashrif buyurgan kishi, bu ilova yordamida turgan joyidan Registon maydoniga qaysi ko'cha orqali, qanday transportda va qancha vaqtda yetib borishi haqida to'liq ma'lumot olishi va marshrut davomida to'g'ri yo'nalishda ketayotganligi yoki aksini kuzatib borish imkoniga ega. Bundan tashqari, *DoubleGIS,LLC* kompaniyasida yevropalik dasturchilar tomonidan ishlab chiqilgan *2GIS: directory & navigator* mobil ilovasiga poytaxtimiz Toshkent shahrining 3D xaritasida barcha mehmonxonalar, ovqatlantirish korxonalari va boshqa binolar haqida to'liq ma'lumotlar, mehmonxona toifasi, xonalar soni va narxlari kiritilib, foydalanishga topshirildi.

Mamlakatimizda geoaxborot tizimlari va turizmni rivojlantirishda, yosh

kadrlardan kompyuter dasturlarida ishlash ko‘nikmasi, kartografiya va ob’yektlar haqida to‘liq ma’lumotlarga ega bo‘lishi dolzarb vazifadir. Bunga bel bog‘laganlar uchun *MapInfo* dasturi juda qulay va ishlashda qiyinchilik tug‘dirmaydi. Dastur mavjud rastrli xaritalarning vektorli nusxasini olish, ob’yeklarni kiritish va ularning tegishli qatlamlarini yaratish, ma’lumotlar kiritish, saqlash va ularni chop etishga yordam beradi. Umuman olganda *MapInfo* dasturining imkoniyatlari juda keng bo‘lib, ularning kamida 50 foizini o‘zlashtirish kartografiya sohasida ancha ishlarni amalga oshirishga yordam beradi. Quyida bu dastur ishchi maydoni va unda ishlashning boshlang‘ich jarayonlaridan birini ko‘rishimiz mumkin(2-rasm)



2-rasm. MapInfo dasturi ishchi maydonida xarita yaratish bosqichi

Turizm sohasida axborot texnologoyalari va dasturiy mahsulotlardan foydalanish, bu soha kelajagini, jadal rivojlanishini belgilab beradi. Jahon tajribasidan ma’lumki biror sohaga kiritilgan investitsiya va joriy etilgan innovatsiyalar, shu sohaning o‘sishini ta’minlaydi. Yuqorida keltirilgan ma’lumotlardan xulosa chiqaradigan bo‘lsak, zamonaviy axborot texnologiyalari va shuningdek yuqori malakali kompyuter dasturchilarining innovatsion ishlanmalari, bugungi kunda deyarli barcha iqtisodiy va ijtimoiy sohalar qatorida turizm va mehmonxona biznesi sohasining yuksak rivojiga ulkan hissa qo‘shib kelmoqda. Muhtaram yurtboshimizning olib borayotgan oqilona siyosati natijasida, sohaga yuqori malakali kadrlarni tayyorlab berish maqsadida, turizmni o‘qitishga ixtisoslashtirilgan bir qancha xorijiy oily ta’lim muassalari va turistik kompaniyalar bilan o‘zaro shartnomalar tuzilmoqda va talabalar bilan bir qatorda o‘qituvchilar almashish dasturlari yo‘lga qo‘yilmoqda.

Statistika ma’lumotlariga ko‘ra geoaxborot tizimlari eng rivojlangan davlatlar Top-5taligiga AQSh, Buyuk Britaniya, Niderlandiya, Kanada va Germaniya davlatlari kiradi [1]. Bizning oldimizda turgan maqsadimiz, shu davlatlar qatoridan joy olishga ko‘maklashadigan, O‘zbekistonning interaktiv

[1] www.sovzond.ru – geoaxborot tizimlari va aerokosmik monitoring portali

turistik xaritasini yaratadigan malakali kadrlarni yetishtirish, turizm sohasi rivoji uchun virtual imkoniyatlarni kengaytirish, aloqa sifatini yaxshilash, aholining zamonaviy texnologik savodxonligini oshirishdan iboratdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. “O‘zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”. Toshkent sh. 2016-yil 2-dekabr, PF-4861
2. O‘zbekiston Respublikasi Qonunlar to‘plami
3. O‘zbekiton turizmni rivojlantirish davlat qo‘mitasi ma’lumotlari
4. Р.В.Ковин, Н.Г.Марков. «Геоинформационные системы», учебное пособие – Томск, 2008. – 175 с.
5. www.sovzond.ru – geoaxborot tizimlari va aerokosmik monitoring portal
6. www.lex.uz – O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi
7. www.terabayt.uz – axborot texnologiyalari olamidagi eng so‘nggi yangiliklar sayti

Д.З. Норқулова – PhD , доцент кафедры “Туризм” СамИЭС
Ж.Ф. Фаттаев – магистрант СамИЭС

АКТУАЛЬНОСТЬ ГЕОИНФОРМАЦИОННЫЕ СИСТЕМ В РАЗВИТИЕ ГОСТЕВОЙ ДОМОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: в данной статье рассматривается актуальность геоинформационные систем в развитие гостевой домов в Узбекистане.

Ключевые слова: пандемия, туризм, путешествия, ГИС, гостевой дом.

Аннотация: ушбу мақолада Узбекистондаги мехмон уйларини ривожлантиришда геоахборот тизимларининг долзарблиги.

Калит сўзлар; пандемия, туризм, саюхат, ГАТ, мехмон уйлари.

Abstract: this article examines the relevance of geographic information systems in the development of guest houses in Uzbekistan .

Key words; pandemic , tourism, travel, GIS, guest houses.

Известное изречение ´Кто владеет информацией, тот владеет миром как никогда актуально в период рыночных отношений. В настоящее время к информации предъявляются высокие требования: надежность, точность, оперативность, многофункциональность, высокая скорость обработки и передачи, гибкость и др., а совокупность этих требований реализуется в рамках информационных систем, базирующихся на компьютерной информационной технологии. Важнейшую роль информационные системы играют в настоящее время в непроизводственной сфере (сфере услуг): туризме, гостиничном бизнесе, службе быта, коммунальном хозяйстве . Эксперты туристической индустрии отмечают, что кризис, вызванный пандемией – один из самых сложных за последние десятилетия. Однако как показывает мировой опыт, подобная ситуация могла произойти и по другим причинам. В широком смысле обозначая резкое изменение и сложное переходное состояние (греч. krisis - решение, поворотный пункт)

это почти всегда становится стимулом для дальнейшего роста и развития. В том числе - ускорение процессов цифровизации туристских сервисов и более активное внедрение современных технологий - возможностей VR и AR, применение больших данных, мультимедийных приложений, искусственного интеллекта. Мировой опыт свидетельствует, что для любой туристской фирмы фактором, определяющим успех ее деятельности на туристском рынке, является время обслуживания клиентов. Выигрывает тот, кто в состоянии предоставить клиенту весь комплекс услуг в режиме on-line (в режиме реального времени). Разрешить данную проблему призваны географические информационные системы (ГИС) в общем случае и мобильные географические службы (МГС) в частности. Данный информационный тандем (ГИС +МГС) позволит достичь такой степени автоматизации туристского офиса, которая обеспечит полную независимость работы, высокую степень защиты информации, on-line обмен информацией с различными участниками туристского рынка, интеграцию в системы бронирования и резервирования, а также глобальную сеть Интернет.

В настоящее время географические информационные системы рассматриваются как стратегический ресурс развития всей деловой активности, как способ повышении конкурентоспособности компании. Такой подход требует ответа на ряд нетехнологических вопросов: в чем выражается доход от внедрения ГИС, как его измерить, какие организационные и кадровые преобразования следует предпринять для полноценной реализации проекта ГИС. Мир современного турбизнеса изменился настолько существенно, что организации, созданные для работы в прежних стабильных условиях, не могут приспособиться к новому окружению, не совершенствуя принципы деятельности и их структуру.

Для гостевой домов можно реализовать мобильный предложение , на которой будет отображена все информация, интересующая клиента.
Это решение позволит:
1. Быстро выявлять на карте местоположения гостевой домов .
2. Построить маршрут до гостевой домов.
3. Осмотреть территорию гостевой домов.
4. Вывести всю информацию о гостевой домов на мобильный предложение.

Так как ГИС-технологии можно реализовать с помощью wepпрограммирования, это дает возможность совместить ГИС с другими технологиями такими как: возможность создания шаблона бронирования номеров гостевой домов на мобильный предложение или просмотра и заказа любой услуги, предоставляемой гостевой домом. Такой способ использования ГИС-технологий позволит клиенту самому осмотреть всю территорию, номера предоставляемые гостиницей и другие услуги, которые предоставляет комплекс. Это предоставление информации для клиента почти не использует ни одним гостевой домов в Узбекистане,

позволит, выделит его среди конкурентов. Так конечной целью использования ГИС-технологии – наилучшее удовлетворение потребностей и запросов клиентов, причем как в настоящем, так и в будущем и, как следствие, процветание фирмы и ее стабильно высокая конкурентоспособность. Но будут и большие затраты на реализацию данной технологии. Также нужен будет специалист, который будет следить за системой и вносить все новые поступающие данный и заниматься отладкой этого процесса. Я хотел создать мобильный предложение для гостевой домов и здесь добавит все гостевой домов в Республике.

Список использованной литературы:

1) И.С. Тухлийев , Д.З. Норкулова. Книга; “Геоинформационные система”.
2) https://www.interfax.ru/world/707637
3) World Tourism Organization (https://www.unwto.org /news/covid-19-international-tourist-numbers-could-fall-60-80-in-2020)

С.С.Самиев – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

ИШБИЛАРМОНЛИК ТУРИЗМИДА МЕҲМОНХОНА ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада ишбилармонлик туризм таркибида меҳмонхона хизматлари сифатининг мазмуни ёритиб берилган. Муаллиф томонидан ишбилармонлик туризми субъектларининг меҳмонхона хизматларини баҳолаш кўрсаткичлари аниқланган ва уларнинг фарқли хусусиятлари ажратилган.

Калит сўзлар: меҳмонхона хизмати, хизмат сифати, эҳтиёж, хизмат сифатини баҳолаш.

Аннотация. В данной статье раскрывается содержание качества гостиничных услуг в составе делового туризма. Автором определены показатели оценки качества гостиничных услуг субъектами делового туризма и выделены их отличительные особенности.

Ключевые слова: гостиничная услуга, качество услуги, потребность, оценка качества услуги.

Abstract. This article reveals the content of the quality of hotel services as part of business tourism. The author defines indicators for assessing the quality of hotel services by business tourism entities and highlights their distinctive features.

Keywords: hotel service, service quality, need, service quality assessment.

Маълумки, туризм соҳасида хизматлари сифатини эътироф этишда ечимини топмаган муаммолар кўп. Кўпинча мутахассислар бунинг сабабини туристик-меҳмондорчилик индустриясидан излашга ҳаракат қиладилар. Шу муносабат билан туристик фирмаларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга, меҳмонхоналарнинг жиҳозланишини янада

юқори даражага кўтаришга катта эътибор берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 октябрдаги 602-сон “Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган иқтисодий вазиятда туризм соҳаси субъектларини қўллаб-қувватлаш ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида”ги қарорида мамлакатимизда меҳмонхона ва жойлаштириш субъектлар сонини кўпайтириш ҳамда уларда кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ошириш вазифалари кўрсатиб ўтилган.

2020 йил бошига жойлаштириш субъектларининг сони 1188 бирликка тенг бўлган, шулардан 833 меҳмонхона, 214 хостел ва 141 бошқа шу турдаги объектлар. Юқоридаги қарорлар ижросини таъминлаш натижасида 2020 йил давомида 20 та меҳмонхона (321та хона, 815 та ўрин), 29 та оилавий меҳмон уйлари (138 та хона, 286 та ўрин) каби меҳмонларни қабул қилиш объектлари ишга туширилди[1].

Албатта бутун дунё бўйича тарқалиб кетган коронавирус пандемияси туризм соҳасига катта зиён етказди. Дастлабки маълумотларга кўра 2020 йил давомида мамлакатимизга жами 1504 минг. турист ташриф буюрган бўлиб уларга 261 млн. долларлик хизмат кўрсатилган. (Таққослаш учун 2019 йилда хорижий туристлар сони 6748 минг. кишидан ортиқ бўлган). Ички туризмни ривожлантириш чораларининг натижасида маҳаллий туристлар сони 1,8 млн. кишини ташкил қилди[2].

Туризм индустриясини ривожлантириш муаммо ечимининг бир томонини ташкил қилади. Туристлар оқимини ошириш ва уларни меҳмонхоналарга жалб қилишнинг энг муҳим жиҳати уларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишдан иборатдир.

Меҳмонхона хизматларининг сифати кўп қиррали ва мураккаб категория ҳисобланади. Аввало, ушбу атама истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бизлар бугунги кунда кенг тарқалган атамага таянсак меҳмонхона хизматларининг сифатига мижозларни эҳтиёжларини тўғри аниқлаш ва уларни қондиришга айтилади. Бундан ташқари, меҳмонхонада хизмат кўрсатиш сифатида мижозларнинг эҳтиёжларини имкон борича тўлароқ қондириш кўзда тутилади.

Иккинчи томондан меҳмонхона хизматларининг сифати унинг мазмуни бир қанча таркибий кўрсаткичлар ёрдамида очиб берилишини акс эттиради. Бунда мижоз хизмат сифатини баҳолаганда комплекс ёндашишига эътибор қаратилади, яъни эҳтиёж ҳар томонлама қондирилиши талаб қилинади.

Меҳмонхона хизмати сифатининг учинчи хусусияти шундаки, у ходимларнинг меҳнати орқали шаклланади. Меҳмонхона моддий-техник

[1] https://stat.uz/
[2] https://stat.uz/

базаси биринчи тасаввурни ўйғотса, асосий баҳо ходимлар муомаласида намоён бўлади. Шу билан бирга хизмат кўрсатиш натижаси мижозларнинг кутишлари ва хақиқий хизмат мазмунининг таққослама баҳоси бўлишини ҳам унутмаслик зарур.

Олиб борилган илмий изланишлар ишбилармонлик туризм субъектларида меҳмонхона хизматларига эҳтиёж ва уни қондирилишида маълум хусусиятлар мавжудлигини кўрсатди. Ишбилармон саёхатчилар томонидан қўйиладиган талабларнинг асосий мазмуни хизмат сафари мақсади билан боғлиқ бўлади, яъни шериклар билан мулоқот қилиши, ҳужжатлар билан ишлаш, музокаралар ўтказиш учун зарур шароитлар мавжудлиги билан баҳоланади. Ушбу мақсаддан меҳмонхона сифати кўрсаткичларининг фарқли жиҳатларини ажратиш мумкин бўлади. Қуйидаги жадвалда мисол тариқасида рекреацион, зиёрат ва ишбилармонлик эҳтиёжларнинг ўзаро солиштиришнинг айрим жиҳатлари кўрсатиб ўтилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Ишбилармонлик туризмида меҳмонхона хизмати сифатининг фарқли жиҳатлари*

№	Сифат кўрсаткичи	Туризм турлари бўйича эҳтиёжлар		
		Рекреацион	Зиёрат	Ишбилармонлик
1	Асосий талаб	Кўнгилочар хизматлар	Диний маросим хизматлари	Иш вазифалари хизматлари
2	Хона жиҳозланиши	Кўзга ташланадиган, дабдабали	Фикрни чалғит майдиган	Мулоқот ва иш қуроллари мавжудлиги
3	Меҳмонхона хизматига эҳтиёжнинг мазмуни	Фаол ҳордиқ чиқаришга кўмаклашиш	Зиёрат амалларини тўлиқ бажарилишига ёрдам бериш	Саёҳат мақсадига тезроқ эришиш
4	Қўшимча хизматга эҳтиёж	Экскурсия, транспорт ва овқатланиш хизматлари	Транспорт ва овқатланиш хизматлар	Конференц-зал, таржимон, ёзиш ва чоп қилиш хизматлари
5	Баҳолаш мезонлари	Қулай шароит, эътибор, хизматлар сони ва мазмуни	Қулай шароит, ҳурмат, эътибор, сокинлик	Саёхат мақсадига мос шароит, касбий малака, халақит бермаслик

*-муаллифнинг изланишлари натижалари асосида тузилган.

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкин-ки, меҳмонхона хизматларини баҳолашда туристнинг қандай мақсадда келганлиги катта аҳамиятга эга бўлади. Агар кичик меҳмонхона бўлса,

мақсадлари турлича бўлган туристларни ёнма-ён жойлаштириш пировард натижада хизматнинг сифати хақида салбий фикрга олиб келиши мумкин.

Хизматлар сифати бошқариш назариясида ҳар қандай хизматнинг сифатини бирламчи сифат кўрсаткичлари орқали баҳолаш кўзда тутилади. Сифат комплекс атама бўлиб уни таърифлашда қондиришга қаратилган эҳтиёжнинг барча жиҳатларини акс эттирувчи муҳим хоссаларнинг миқдори ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Меҳмонхона хизматларига келсак, уларнинг бирламчи кўрсаткичларига хоналарнинг қулайлиги ва жиҳозланиши, хизматнинг унинг мазмунига мос келиши, хизматнинг стандартлашганлиги, хизматнинг тўлиқлиги, хизматлар комплекслиги, тезкорлик, персонал муомаласи ва ҳоказолар киради. Ушбу кўрсаткичлар орқали меҳмонхона хизматларини баҳолаш учун уларни гуруҳлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ишбилармонлик туризмида меҳмонхона хизматлари сифатини баҳолашни бир неча босқичли жараён шаклида тақдим қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1-босқич. Меҳмонхонанинг хизмат кўрсатиш салоҳиятини баҳолаш. Бу босқичнинг асосий сифат кўрсаткичларига меҳмонхона даражаси, хоналар сони, жойлашиши ва жиҳозланиши, овқатланиш ва тадбирлар ўтказиш шароитлари, қўшимча хизматлар мавжудлиги, нархлар ва чегирмалар ва ҳоказолар киради;

2-босқич. Ишбилармонлик туризм соҳасидаги тажрибаси. Бу босқичнинг сифат кўрсаткичларига ташкил қилинган тадбирлар сони, уларнинг даражаси, охирги тадбирнинг самараси ва ҳоказолар киради;

3-босқич. Меҳмонхона ходимларининг малакасини баҳолаш. Ушбу босқични амалга оширишда қуйидаги кўрсаткичларга эътибор берилади: доимий персоналнинг малакавий даражаси, персонални вақтинча жалб қилиш имкони, раҳбар кадрларнинг тажрибаси, меҳнат интизоми ва ҳоказолар;

4-босқич. Туристларнинг фикрларини ўрганиш. Бунда меҳмонхона олиб борадиган тадқиқотлар, кенг қамровли сўровлар, “сирли мижоз” усуллари ва ҳоказоларнинг натижаларига таянилади.

Ушбу ёндашувнинг қўлланиши ишбилармонлик туристларга бўлган эътиборни кучайтиришга, бизнес-тадбирларнинг савияси ва самарадорлигини ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан меҳмонхона бизнеси ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

F.K.Buranov – SamISI, MMX-119 guruh magistranti

TURIZM SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA MEHMONXONA XIZMATLARINING O‘RNI: MAVJUD MUAMMOLAR VA ULARGA YECHIM (SAMARQAND SHAHRI MISOLIDA)

Annotatsiya: Ushbu maqolada Samarqand shahrining turizm sohasi va mehmonxonalari salohiyati o‘rganildi. Shuningdek, ularda mavjud muammolar haqida so‘z yuritildi.

Kalit so‘zlar: turizm, strategik sektor, agro tur, xorijiy mijoz.

Аннотация: В этой статье исследуется туристическая отрасль и потенциал отелей Самарканда. Также упоминалось о проблемах которые у них есть.

Ключевые слова: туризм, стратегический сектор, агротур, иностранный клиент.

Abstract: In this article, the tourism industry and the potentials of hotels of Samarkand city were studied. And also, the problems they face were discussed.

Keywords: tourism, strategic sector, agro tour, foreign client.

Mamlakat iqtisodiyotining strategik tarmog‘i sifatida turizmni jadal rivojlantirish uchun qulay iqtisodiy va tashkiliy-huquqiy shart-sharoit yaratish, hududlarning turizm salohiyatidan yanada to‘liq va samarali foydalanish, turizm tarmog‘ini boshqarishni tubdan takomillashtirish, milliy turizm mahsulotlarini yaratish va ularni jahon bozorlarida targ‘ibot qilish O‘zbekistonning ijobiy qiyofasini shakllantirishdagi muhim omillardan biri sanaladi.

Ushbu vazifalarni amalga oshirishda Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning tashabbusi bilan 2016-yil 2-dekabrda e’lon qilingan “O‘zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga asosan O‘zbekiston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo‘mitasi tashkil etilishi mazkur sohadagi islohotlarni yanada yangi bosqichga ko‘tardi[1].


Ta’kidlash joizki, Farmon bilan turizm sohasidagi davlat siyosatining maqsadli vazifalari va ustuvor yo‘nalishlari belgilanib, turizm sohasidagi vakolatli davlat organi sifatida O‘zbekiston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo‘mitasining aniq funksiyalari belgilab berildi.

Ma’lumki, turizm Samarqand viloyati iqtisodiyotining asosiy yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Bu borada viloyatda turistik resurslardan oqilona foydalanish, ko‘rsatilayotgan xizmat turlarini ko‘paytirish va sifatini zamon talablariga moslashtirish borasida tizimli ishlar amalga oshirilmoqda. Mamlakatimizda yaratilgan imkoniyat va imtiyozlar tufayli bugungi kunda Samarqandda yuzdan ortiq mehmonxona va 80 dan ortiq sayyohlik firmasi faoliyat ko‘rsatmoqda.

[1] «O’zbekiston Respublikasi turizmni rivojlantirish davlat qo’mitasi faoliyatini tashkil etish to’g’risida» O’zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori.2016 yil 2 dekabr, PQ-2666-son.

Yildan-yilga ularning moddiy-texnik bazasi mustahkamlanib, zamon talablari darajasida yuqori sifatli xizmat ko‘rsatish imkoniyatlari kengaymoqda. Shuningdek, sayyohlikning ekologik, sog‘lomlashtirish, agro va faol turlarini rivojlantirish, ichki turizmni qo‘llab-quvvatlash maqsadida viloyat tumanlarida yangi sayyohlik yo‘nalishlari ochilmoqda.

Muhtaram Prezidentimizning tashabbuslari bilan yurtimizda turizm sohasiga iqtisodiyotning strategik sektori maqomining berilishi, soha taraqqiyotida keskin burilish yasadi va Covid-19 pandemiyasigacha bo‘lgan oxirgi 4 yil ichida yurtimizga tashrif buyuruvchi xorijiy turistlar oqimi keskin oshdi (1- diagramma).



Natijada yurtimizning eng qadimiy va hozirgi kunda juda katta turistik salohiyatga ega bo‘lga shaharlaridan biri bo‘lmish Samarqand shahrida, turistik mavsum paytida, tashrif buyurgan xorijiy va mahalliy turistlarni qabul qilish uchun mehmonxonalarda joy yetishmasligi muammosi yuzaga keldi, oqibatda, xorijiy mehmonlar yaqin viloyatlardagi mehmonxonalarga joylashtirildi. Bu esa o‘z navbatida mehmonlar uchun noqulay vaziyatni keltirib chiqaradi.

Mavjud vaziyatdan kelib chiqqan holda, yurtboshimiz tomonidan bir qator huquqiy hujjatlar qabul qilindi. Ularga asosan, 3 va 4 yulduzli toifadagi mehmonxonalar 2022-yil 1-yanvarga qadar foydalanishga topshirilgan taqdirda, investorlar xarajatlarining bir qismi davlat byujeti tomonidan qoplab berilishi belgilab berildi[1]. Buning asosida, turizm va mehmonxona biznesi sohasida faoliyat yuritayotgan mahalliy tadbirkorlar va xorijiy investorlar faoliyati oldida turgan bir qancha to‘siqlar olib tashlandi va ularga imkon qadar qulayliklar yaratilib berildi. Natijada esa, Samarqand viloyatida joylashgan mehmonxonalar

[1] “Turizm tarmog’ini jadal rivojlantirishga oid chora-tadbirlar to’g’risida” O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori. 2019-yil 5-yanvar. PQ-4095 son

umumiy nomer fondi 2018-yilda 2277 tani tashkil qilgan bo‘lsa, 2019-yil oxiriga kelib bu ko‘rsatkich 2522 taga yetdi va 10,8% o‘sish kuzatildi[1].

Barchamizga ma’lumki, O‘zbekistonda turizm biznesi mavsumiy hisoblanadi. Mavsum davri asosan bahor va kuz fasllariga to‘g‘ri keladi va shu davr ichida mehmonxonalar to‘liq quvvat bilan ishlaydi. Lekin, nisbatan issiq yoz va sovuq qish fasllarida mehmonxonalarda xorijiy mijozlar soni keskin tushib ketadi. Aynan shunday vaziyatda mehmonxonalarga foyda olib keluvchilar sifatida ichki turistlarni ko‘rishimiz mumkin (boshqa viloyatlarga ish, dam olish, davolanish yoki boshqa maqsadlarda tashrif buyuruvchi O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari).

Yurtboshimizning 2018-yil 7-fevraldagi PQ-3514 sonli “Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga asosan “O‘zbekiston bo‘ylab sayohat qil!” ichki turizmni rivojlantirish dasturi yo‘lga qo‘yilishi natijasida, yurtimiz bo‘ylab ziyorat turizmiga chiquvchi fuqarolar soni keskin ortib ketdi. Eng quvonarlisi, bunday turdagi mehmonlar turistik mavsum bo‘lmagan paytlari ham tashrif buyuraveradilar.

Bunday tashriflar davomida yuzaga keladigan muammolardan biri bu mehmonxonalarda belgilangan narx masalasidir. Nomerda tunab qolish uchun belgilangan narx mehmonga ma’qul kelmasa, u boshqa arzonroq mehmonxonaga ketishga majbur bo‘ladi va bu holat bir muncha qo‘shimcha tashvishlarni keltirib chiqaradi. “Art Hotel Groups” milliy mehmonxona zanjiriga qarashli “Art Samarkand” mehmonxonasi bunday noqulay vaziyatdan chiqishning ajoyib yechimini qo‘llagan. Ya’ni, mehmonxonada standart nomerlar qatorida arzon tipdagi (hostel) xonalar ham mavjud. Agar mehmonga standart nomerlarga belgilangan narx yoqmasa, unga hostelda tunab qolish taklif qilinadi. Bu o‘z navbatida, mehmonning boshqa mehmonxona izlab topish va u yerga yetib borishgacha ketgan vaqtini hamda pulini tejaydi.

Yangi qurilayotgan mehmonxonalar yuqorida keltirib o‘tilgan yechimni qo‘llasa, barcha turdagi mehmonlarni bemalol qabul qila oladilar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. «O‘zbekiston Respublikasi turizmni rivojlantirish davlat qo‘mitasi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida» O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori.2016 yil 2 dekabr, PQ-2666-son.
2. “Turizm tarmog‘ini jadal rivojlantirishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori. 2019-yil 5-yanvar. PQ-4095 son
3. O‘zbekiston Respublikasi Turizmni Rivojlantirish Davlat Qo‘mitasi statistika ma’lumotlari
4. www.uzbektourism.uz – O‘zbekiston Respublikasi Turizmni Rivojlantirish Davlat Qo‘mitasi rasmiy sayti
5. www.lex.uz – O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi

[1] O’zbekiston Respublikasi Turizmni Rivojlantirish Davlat Qo’mitasi satatistika ma’lumotlari

IV ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

И.А.Усманов – СамДАҚИ доценти, т.ф.н.,
З.А.Мирзаев – СамДАҚИ ўқитувчиси

ЗАМОНАВИЙ ТАШКИЛОТЛАРДА БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТУРЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада замонавий ташкилотларда ташкилий тузилмаларнинг ўрни, вазифалари ва таснифи таҳлил қилинган. Муаллифлар томонидан бошқарув тузилмаларни таҳлил қилишнинг ўзига хос ёндашуви таклиф қилинган.

Калит сўзлар: тизим, тузилма, ташкилий тузилма, ижтимоий тузилма.

Аннотация. В данной статье проанализированы место, задачи и классификация организационных структур в современной организации. Авторами предложен характерный подход к анализу структур управления.

Ключевые слова: система, структура, организационная структура, социальная структура.

Abstract. This article analyzes the place, tasks and classification of organizational structures in a modern organization. The authors propose a characteristic approach to the analysis of management structures.

Keywords: system, structure, organizational structure, social structure.

Ташкилотларнинг тузилмалари бошқарувда тизимли-функционал ёндашувининг асосий бўғинларидан ҳисобланади. Умумий тарзда ташкилотнинг бошқарув тузилмаси ундаги ишлаб чиқариш, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий мунсобатлар тартиби ва даражасини кўрсатишга қаратилади. Шунга асосан тузилмалар бир қанча вазифаларни бажариши кўзда тутилади:

- Ташкилотдаги расмий муносабатларнинг мазмунини ёритиб бериш. Айнан тузилмада ташкилотнинг бўғинлари ва поғоналари орасидаги муносабатлар моҳиятини кўриш ва таҳлил қилиш мумкин;
- Ташкилотда бошқарув шаклини очиб бериш. Тузилманинг расмий кўриниши бошқарувнинг марказлаштириш даражаси, индивидуал ва жамоавий бошқарувларнинг ўрни, бошқарув кадрларининг ваколат доираси кўрсатилади;

- Тузилмада ҳар бир бўлинма ва ходимнинг ўзига хос ўрнини аниқлаштириш. Ташкилотда вазифалар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши, масъулиятнинг юклатилиши тузилмада яққол намоён бўлади;
- Бошқарув фаолиятини ташкилотнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятига мослаштириш. Бозор иқтисодиётида ҳар қандай ташкилот хўжалик субъекти сифатида танилади, шунинг учун билан тузилмада хўжалик вазифаларини бажариш устунлиги сақланиб қолади;
- Бошқарув самарадорлигини ошириш. Ушбу вазифа тузилмани доимий такомиллаштириш, яъни ундаги бўғинлар сонини оптималлаштириш ва улар орасидаги алоқаларни аниқлаштириш орқали амалга оширирилади.

Ташкилотларнинг хилма-хиллиги уларнинг тасниф қилиш тамойиллари ва тартибига ўзига хос талабларни қўяди. Кенг тарқалган тасниф белгилари бўйича бошқарув тузилмалари қуйидаги турларга бўлинади:

а) Тузилмаларнинг бошқарув вазифаларнинг тақсимланиш тамойилига кўра уларни чизиқли, функционал, штабли, матрицали, лойихавий ва бошқалар. Ушбу тузилмаларнинг мазмуни ва бошқарувдаги аҳамияти менежментга оид адабиётларда кенг яратилган ҳамда бошқарув амалиётида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Тузилмаларнинг алохида турларининг ижобий ва салбий жиҳатларини қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Тузилма турлариининг ижобий ва салбий томонлари

Фарқланиш белгилари	Тузилманинг тури		
	Чизиқли	функционал	матрицали
Бошқарув тамойили	яккахокимлик (иерархия) асосида бошқариш	Функциялар бўйича бошқариш	Икки томонлама (функционал ва иерархик) бошқариш
Ижобий томонлари	Қарорларни тез қабул қилиш ва аниқ ижро	Қарор сифатининг юқорилиги	Ходимнинг эркинлиги ва ташаббуси
Салбий томонлари	Қарорлар сифатининг пастлиги	Қарорларнинг ижро даражаси нисбатан паст	Бошқарув манфаатлари тўқнашуви
Қўллаш самараси	Бошқарувнинг паст поғоналарида самара беради	Бошқарувнинг юқори поғоналарида самара беради	Инновацион ташкилотларда самара беради
Инновацион салохият	Паст	Ўрта	Юқори

б) Тузилмаларнинг мазмуни ва ўрни бўйича таҳлил қиладиган бўлсак уларнинг барчасини учта гуруҳга бирлаштиришимиз мумкин: ишлаб чиқариш тузилмалари, ташкилий-маъмурий тузилмалар ва ижтимоий тузилмалар.

Ишлаб чиқариш тузилмалари ташкилотнинг иқтисодий субъект сифатида самарали фаолият кўрсатиш алоқаларини акс эттиради. Бунда ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни бир томондан, ишлаб чиқариш бўғинларининг ўзаро муносабатлари иккинчи томондан ўз таъсирини кўрсатади. Технологик вазифалар хом ашёни қайта ишлаш натижасида тайёр махсулотга айлантириш жараёнини мақбуллаштиришга қаратилган бўлади ва шунинг учун горизонтал тузилма деб юритилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги ва ритмлилигини таъминлашга қаратилган алоқалар вертикал тузилма деб аталади, унинг вазифаси барча бўлинмаларнинг ишини асосий технологик жараёнга боғлашдир.

Ташкилий-маъмурий тузилмаларга бошқарув фаолияти билан шуғулланадиган ходимларнинг самарали меҳнатини асослайдиган хужжатлар, муносабатлар ва алоқалар киритилади. Бу турдаги тузилмалар бўйсуниш тамойилларини ҳамда лавозим ва бошқарув поғоналари фаолиятини тартибга солади.

Ижтимоий тузилмаларнинг асл моҳияти инсон омилини ҳисобга олиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлади. Ушбу атаманинг биринчи жихати жамиятдаги ижтимоий жараёнларни тартибга солиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи жихати ташкилотларда инсон ресурслари бошқаришда ижтимоий менежмент усулларини қўллашга асосланади.

Юқоридаги уч хил тузилмаларнинг ўзига хослигини аниқлаш учун бир қанча муҳим белгиларни танлаш лозим. Ушбу белгиларга қуйидагилар киритилади: тузилманинг қандай тизим таркибида бўлиши, тузилманинг асосий мақсади, баҳолашнинг бош мезони, бошқарув усуллари, асосий ресурслар ва хоказо. Қуйидаги жадвалда асосий белгилар бўйича таққослаш орқали тузилмаларнинг фарқлари кўрсатиб берилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ташкилотдаги тузилмаларни таққослаш белгилари ва улардан фойдаланиш

Ўзига хос белгилар	Тузилманинг тури		
	Ишлаб чиқариш	Ташкилий-маъмурий	Ижтимоий
Бош тизим	Хўжалик-технологик тизим	Бошқарув тизими	Инсон муносабатлари тизими
Мақсад	Қувватдан фойдаланишни максималлаштириш	Бошқарув самарадорлигини ошириш	Ижтимоий ривожланишни таъминлаш
Бош мезон	Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги ва ритмлилиги	Бошқарув функцияларининг бажарилиш	Ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги
Бошқарув усуллари	Ташкилий-техник	Ташкилий-маъмурий, иқтисодий	Ижтимоий, психологик
Асосий ресурслар	Моддий ва техникавий	Бошқарув ресурслари	Инсон ресурслари

Тузилмаларнинг ўзига хослигини аниқлаштирувчи белгиларнинг моҳияти таҳлилнинг тўлалиги, ишончлилиги ва асосланганлигини таъминлаши лозим. Тузилманинг ўрнини ифодаловчи белги ташкилотнинг қайси тизимига тааллуқли бўлишига асосланади. Масалан, ижтимоий тузилма ташкилотдаги ижтимоий-маданий муҳитни ташкил қилувчи инсон муносабатлари тизимининг асосий бўғини ҳисобланади.

Тузилманинг мақсади номли белгиси унинг ташкилот томонидан қўйилган бош вазифаларига бўлган эътиборни кўрсатади. Мақсаднинг ўзига хослиги мазкур тузилманинг йўналтирилганлиги ва таъсир доирасини белгилаб беради. Учинчи тасниф белгиси, яъни баҳолашнинг бош мезони тузилмалар олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишига асосланади, яъни тузилманинг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларни ишлаб чиқишда иштирок этади. Бошқарув усуллари ва асосий ресурслари белгилари ёрдамида тузилмаларнинг бошқарув жараён сифатида қўлланиладиган воситалари аниқланади.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, ташкилотнинг бошқарув тизимида бир неча ўзига хос тузилмалар фаолияти кўрсатади. Анъанавий ёндашувда эътиборни фақат ташкилий тузилмаларга қаратиш бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги аниқланган. Бошқарув фаолиятини такомиллаштиришда келтирилган таклифларни қўллаш бошқарув таҳлилини ривожлантиришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Б.С. Қалмуратов– ҚҚДУ, «Иқтисодиёт» кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари PhD

МИНТАҚАДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мақолада минтақа саноати инновацион ривожланишининг назарий жиҳатлари турли олимлар наздида ёритилган. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарали технологиясига йўналтирилган бир қанча тизимлар таҳлил қилинган. Минтақа саноати инновацион ривожланиши зарурият сабаблари бирма-бир санаб ўтилган. Хулоса ўрнида саноат тармоқларини ривожланишнинг инновацион моделини шакллантириш йўллари берилган.

Калит сўзлар. минтақа, саноат, инновация, инновацион салоҳият, инновацион инфратузилма.

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические аспекты инновационного развития промышленности региона глазами различных ученых. Проанализированы несколько систем, ориентированных на эффективную технологию производства. По порядку перечислены причины необходимости инновационного развития промышленности региона. В заключении представлены пути формирования инновационной модели промышленного развития.

Ключевые слова. регион, промышленность, инновации, инновационный потенциал, инновационная инфраструктура.

Abstract. The article examines the theoretical aspects of the innovative

development of the region's industry through the eyes of various scientists. Several systems focused on efficient production technology are analyzed. The reasons for the need for innovative development of the region's industry are listed in order. In conclusion, the ways of forming an innovative model of industrial development are presented.

Keywords. Region, industry, innovation, innovation potential, innovation infrastructure.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида саноатнинг ривожланиши иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Бугинги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши 16,1 фоизни, саноат ривожланган мамлакатларда - 20,4 фоизни, ривожланаётган мамлакатларда - 22,1 фоизни, саноат ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатларда - 12,3 фоизни ташкил этади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш саноат тармоқларининг ривожланиши билан таъминланади, айнан саноат иқтисодиёти бошқа тармоқлардан инновациялар ҳәм билимларининг янги комбинацияларни юқори даражада қўллаши билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда ссаноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда ушбу соҳанинг қўшимчақиймати 2019 йил натижаларига нисбатан 4,6 фоизга ўсди, шу билан саноатнинг ички маҳсулотдаги улуши 26,7 фоизни ташкил этди.

Жаҳон саноатида энергия сарфини камайттириш, қайта ишлаш саноатида ички ресурслардан фойдаланиш ҳисобига иш билан бандликнинг ўсишини таъминлаш, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали жаҳон саноатининг таркибини кенгайттирувчи каби соҳаларда ички имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида саноатни тармоқларини ривожлантириш бўйича кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича тадқиқотларни олиб борганимизда енг аввало минтақавий иқтисодий ва инновацион салоҳиятларни ҳисобга олган ҳолда олиб боришимиз лозим. Ушбу уринда минтақа ҳақида сўз юритганимизда минтақани мустақил иқтисодий субъект сифатида таҳлил қилса бўлади. Минтақа иқтисодиёти ўсишини аниқлаб берувчи омиллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, минтақалар мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устуни ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг инновацион йўлига ўтиши муҳим масала ҳисобланаётган даврда минтақа саноати ва унинг инновацион ривожланиши импульс вазифасини бажаради. Замонавий шароитда инновацион сиёсатнинг «минтақалашуви» жаҳон иқтисодиёти инновацион тараққиёти билан боғлиқ бўлмоқда. Йирик корхоналар ҳамда трансмиллий компанияларнинг йирик ҳажмдаги капитал қўйилмаларга ҳамда ишлаб чиқаришга йўналтирилиш ҳолатлари камаймоқда[1]. Бу ҳолатда технологик ва инновацион сиёсатнинг алоҳида

[1] Состояние и эволюционные тенденции национальных научно-технических и производственных систем в промышленно развитых странах. – М.: ЦИСН, 2004. –С. 24

жиҳати шундан иборатки, харажатларни камайтириш мақсадида «жараёнли технологиялар»ни амалга оширишга ҳаракат кучаймоқда. Ҳозирги давр илмий ишлаб чиқаришга йўналтирилган ностандартлашган давр бўлиб, у ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига эмас, балки «маҳсулот (самарали) технологияси» (бозорга янги товарларни олиб кириш, мунтазам янгилаб бориш)га йўналтирилган доимий равишда маҳсулотларни янгилаб борувчи тизимга асосланган даврдир. Бу ҳолатда энди минтақада йирик корхоналар эмас, балки кичик ва ўрта корхоналар етакчиликни қўлга киритади. Улар маҳсулотлар технологияси ўзгаришига тезроқ мослашувчанлиги ҳамда кичик капитал қўйилмаларда ҳам рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши билан ажралиб туради. Натижада, минтақа доирасида кўпгина корхоналар маълум бир саноат тармоғига оид хом ашё ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Бу минтақага янги технологияларни татбиқ этиш харажатларини камайтиради ва ялпи тижорий самарани оширади. Шу сабабли маълум бир саноат тармоғи доирасида ихтисослашув амалга ошади. Минтақа саноатига инновацияни татбиқ этиш қуйидаги сабаблар туфайли ҳам заруриятга айланмоқда: табиий ресурслар дефицитининг чуқурлашуви – ҳамда мунтазам равишда улар нархининг ошиб бориши; маданийлашган тараққиёт, яъни саноат – ишлаб чиқаришда истеъмол, ижтимоий ва экологик стандартларнинг ўсиши ва мураккаблашиб бориши; рақобатнинг кучайиши, яъни саноат ишлаб – чиқариш самарасини доимий равишда ошириб бориш зарурияти ҳамда ресурсларнинг алоҳида турларининг таннархи ва нархи тушиши; ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифат – ва технологик параметрлари ошиши.

Минтақа саноатининг инновацион салоҳияти ҳар бир корхона ҳамда давлат нуқтаи назаридан узоқ муддатли рақобат устунлигини таъминлаш омили бўлиб қолмоқда. Минтақада инновацион фаолиятни фаоллаштирувчи инновацион инфратузилманинг бир элементи сифатида кластерлардан фойдаланилган бўлса, бошқа элементи сифатида саноат паркларидан фойдаланилган. Агар илмий парклар илмий ташкилотлар ва университетлар негизида ташкил этилса ва унинг натижаларидан тадқиқот ва ишланмаларда фойдаланилса, саноат парклари кўп ҳолларда йирик заводларнинг катта қисмларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этилади ҳамда инновацион фаолиятни амалга ошириш учун мижоз корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан амалда фойдаланилади. Сўнгги пайтларда минтақа саноатини инновацион ривожлантириш жараёнида технология трансфер марказлар ташкил этилмоқда ҳамда амалиётга киритилмоқда. Уларнинг вазифаси илмий-техник натижалар савдосини тезлаштириш, кичик инновацион корхоналарни ташкил этишни таъминлашдир. Минтақа саноатини ривожлантиришда инновацион инфратузилма элементларидан самарали фойдаланиш билан бир қаторда, минтақа саноати фаолияти ҳамда уларни ижтимоий-иқтисодий инфратузилмага таъсирини ҳамда минтақадаги ресурс имкониятини баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда минтақа саноатининг инновацион салоҳияти минтақа салоҳиятининг асоси бўлиб, у мавжуд ресурслар ҳисобига рақобатбардошликни ошириш имкониятини беради. Ресурсларнинг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартирмаган ҳолда ишлаб чиқаришни илмий-техник ривожлантириш олиб борилиши лозим. Юқоридаги таҳлил инновацион салоҳиятни баҳолашнинг бошланғич босқичида амалга оширилиши лозим.

Минтақа саноатини инновацион ривожлантириш минтақадаги саноат корхоналарини уларнинг инвестицион жозибадорлигини орттириш, инновацион йўналтирилганлик, инновацион самарадорлик ҳамда инновацион фаоллик асосида олиб борилиши керак. Шунинг билан бирга таъкидлаш керакки, бугинги кунда Ўзбекистон Республикасида ривожланишнинг инновацион моделини шакллантириш учун иқтисодиётдаги чукур ўзгарттиришларни бошлаш керак. Бунинг учун саноатни янги технологик асосда тиклаш, унинг репродуктив тузилишини шакллантириш, ижтимоий соҳани модернизация қилиш каби муамоларини ҳал қилиш, сиёсий тизимнинг демократик асосларини ривожлантириш ва инновацион ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучларини шакллантириш даркор.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Батирова Н.Ш. Минтақа саноати инновацион ривожланишининг назарий жиҳатлари// Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2019, 7(127) 50 б
2. Гринберг Р. Г. О промышленном развитии России // Экономика и управление: Российский научный журнал 2008. № 5. С. 2-7.
3. Идзиев Г.И. Инновационное развитие промышленности региона и его роль в формировании конкурентоспособных производств ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ РЕГИОНОВ И ОТРАСЛЕВЫХ КОМПЛЕКСОВ 303 стр
4. Қалмуратов Б Қорақалпоғистон Республикасида инновацион фаолиятини ва самарадорлигини бошқариш йўналишлари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ахборотномаси. Нукус 2019. №1(42) 32-34 бетлар
5. Состояние и эволюционные тенденции национальных научно-технических и производственных систем в промышленно развитых странах. – М.: ЦИСН, 2004. –С. 24

И.А.Усманов – СамДАҚИ, “Қурилиш иқтисодиёти ва менежмент” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди.
Ш.Н.Жуманов – СамДАҚИ, “Қурилиш иқтисодиёти ва менежмент” кафедраси ўқитувчиси

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА СИФАТ НАЗОРАТИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада курилиш объектларида қурилиш-монтаж ишларини бажаришда сифат назоратини такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилган. Сифат назорати объектлари, назорат турлари ва уларни ташкил этишга бўлган ёндашувлар тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: қурилиш ишлари, сифат назорати, назорат объекти, техник назорат, операцион назорат.

Аннотация. В данной статье рассматривается вопрос совершенствования контроля качества при производстве строительно-монтажных работ на объектах строительства. Автором исследованы объекты контроля качества, виды контроля и подходы к их организации.

Ключевые слова: строительные работы, контроль качества, объект контроля, технический контроль, операционный контроль.

Abstract. This article discusses the issue of improving quality control in the production of construction and installation works at construction sites. The author investigated the objects of quality control, types of control and approaches to their organization.

Key words: construction works, quality control, control object, technical control, operational control.

Мамлакатимизда инвестицион сиёсатнинг самарадорлиги кўп жихатдан асосий капиталга киритилган инвестицияларни ўзлаштиришга боғлиқ бўлмоқда. Бунда қурилаётган объектларда ишлар сифатининг пастлиги катта муаммо бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 февралдаги “Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-4586-сон Қарорида “... объектлар учун хавф-хатарлар тоифалари ва объектларнинг функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартибини жорий этиш” вазифаси қўйилган. [1]Ушбу вазифа қўп қиррали бўлиб уни амалга ошириш нафақат ташкилий, балки илмий-услубий муамоларни хал қилиш билан боғликдир.

Объектларда давлат назоратини такомиллаштириш қурилиш ишларининг сифат назорати услубияти ва усулларини ривожлантиришни талаб қилади. Бунда анъанавий ёндашув билан биргаликда назоратнинг янгича механизмлари ишлаб чиқилиши лозим. Қурилиш соҳасида давлат назорати нафақат шахарсозлик меъёрларининг бажарилиши, балки лойиха-қурилиш ишларининг сифат даражасини назоратини ўз ичига олади.

Айниқса сифат назоратини ташкил қилиш ва унинг алохида турла-

рини такомиллаштириш долзарб масала бўлмоқда. Маълумки, қурилиш объектларининг сифатини назорат қилиш лойихалашнинг дастлабки босқичларидан бошлаб, то бинони фойдаланишга қадар бўлган жараёнларда амалга оширилади. Бунинг кўплаб объектив сабаблари бўлиб, улар ушбу мақоланинг мавзуси доирасидан ташқарида бўлган.

Изланишларимизнинг асосий объекти бўлиб қурилиш ишларини бажариш даврида сифат назоратининг турлари хизмат қилади. Бугунги кунда қурилиш ишлаб чиқаришида сифат назоратининг қуйидаги турлари кенг қўлланимоқда: а) назоратнинг ўрни бўйича – кириш, операцион ва қабул назорати; б) назорат усуллари бўйича – технологик, техник, лаборатория, хужжатли; в) назорат субъекти бўйича – ўз-ўзини назорати, ички ва ташқи назорат; г) назорат объекти бўйича – ишлар, жараёнлар, конструкция ва тайёр объект назорати, д) қамровлиги бўйича. - оммавий, танлама ва статистик назорат. [2]

Меъёрий хужжатларда қурилиш ишларининг сифат назоратини амалга оширишда асосий урғу лойиха-конструкторлик хужжатлардаги меъморий ечимларнинг бажарилишига эътибор қаратилган. Аммо, сифат назоратининг қурилиш ташкилотларида ташкил қилиниши, қурилиш майдончасида пудратчининг, буюртмачининг ва лойихачининг сифат назорати усулларини ўзаро мувофиқлаштириш масаласи ўз ечимини топгани йўқ.

Олиб борилган изланишлар натижасида бизлар шундай хулосага кедтикки, сифат назорати субъектидан қатъий назар қурилиш майдончасида назоратнинг ягона механизми яратилиши лозим. Ушбу механизмнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборатдир:

– Қурилиш ишлаб чиқариш иштирокчиларининг сифат соҳасидаги манфаатлари бир хиллиги. Умуан олганда инвестицион-қурилиш жараёнининг барча иштирокчилари юқори сифатдан манфаатдордирлар;

– Сифатни назорат қилиш шакллари, усуллари ва воситаларининг ривожланганлиги. Бугунги кунда қурилишда сифатни назорат қилиш технология ва техникаси юқори аниқлик билан сифат кўрсаткичларини текшириш имконини беради;

– Сифат назоратининг комплекслилиги. Мавжуд назрат тизимида олинган натижалар бир бирига қўшилмайди ва бино қурилиши тугалланмаганча таққосланмайди. Таклиф қилинадиган тартибда ҳар қандай назорат шу захотиёқ бошқа турдаги назрат натижалари билан солиштирилади;


– Сифат назорати объектларини кенгайтириш уларни гуруҳларга ажратиш. Назорат объектларининг хилма-хиллиги ушбу тамойилда ўз аксини топади;

– Назорат объектлари ва назорат турларининг ўзаро боғлиқлиги, яъни сифат назорати айнан шу назорат объектига мос бўлиши;

– Сифатни баҳолаш мезонлари сифат назорати мезонларига мос бўлиши лозим.

Ушбу механизмдаги сифат назорати объектлари ва турларинингўзаро

боғлиқлигини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Қурилишда сифат назорати объектлари ва турлари ўртасида ўзаро боғлиқлик. (муаллиф томонидан таклиф қилинган)

Ушбу схемани ишлаб чиқишда бизлар аввало сифат назорати объектларини мазмуни бўйича иккита гуруҳга ажратдик, бу ҳам бўлса жараёнлар ва бирликлар. Жараёнлар вақт ва моддий ва меҳнат ресурсларини талаб қилади, бирликлар эса жараён натижаси ҳисобланмиш маълум жисм шаклида бўлади. Назорат қилинадиган жараёнларга меҳнат операциялари ва қурилиш ишлаб чиқариши киритилса, бирликларга тугатилган конструктив элемент ва қурилиши битказилган бино киради.

Назорат объектларни янада аниқлаштирганда уларда қуйидагилар алоҳида ўрин эгаллаганини кўришимиз мумкин. Иш жойи сифати, яъни ишчиларнинг меҳнат шароитларининг меъёрий талабларга жавоб бериши. Ишчилар меҳнатининг сифати, яъни асосий ишчилар томонидан бажарилаётган ишларнинг талабга жавоб бериши. Материаллар, конструкция ва

яримфабрикатлар сифати (уларнинг мос стандартларга жавоб бериши). Жараён кетма-кетлиги ва режимларнинг сифати, яъни қурилиш ишларини бажаришда техник талабларга риоя қилиниши ишлаб чиқариш технологиясининг лойихавий талабларга жавоб бериши. Конструкция ва қурилиши тугатилган биноларда назорат объектларига технологик талаблар, технлогик ва техник сифат назорати натижаларининг ишончлилиги, хужжатларнинг тўлиқлиги, техник ва лаборатория назорати, паспорт назорати ҳамда ташкилотда жорий этилган сифат сиёсати киритилади.

Ҳар бир алоҳида назорат объекти аниқ сифат назорати тури билан боғланади, шунда сифат назоратининг алоҳида бир тури айнан шу бўғиндаги назорат объекти билан боғлиқ бўлади ва шу объектнинг сифатини объектив баҳолашга имкон беради. Таклиф қилинаётган механизмда сифат назорати субъекти ажратилмайди, чунки уларнинг фаолияти бир мақсадга йўналитирилган бўлади ва бир хил усуллардан фойдаланилади.

Бизнинг фикримизча ушбу механизмни нафақат қурилиш ташкилотининг ички назорат тизимида, балки қурилиш соҳасидаги давлат назорати тажрибасида ҳам муваффақиятли қўллаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”. 2020 йил 5 февраль, ПҚ-4586-сон
2. ШНҚ 3.01.01-03 «Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилиш». Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш. Тошкент ш. 2003 йил, 41 б.

Ш.Ж.Маматкулова – СамИСИ доценти, и.ф.н.,
Э.Рахматуллаев – СамИСИ магистранти

МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАДҚИҚОТ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада меҳнат бозорини ўрганиш,эҳтиёжни аниқлаш, топиш ва уни қондириш, тадқиқот қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: меҳнат бозори, тадбиркорлик, кичик бизнес, маркетинг, талаб, таклиф, бандлик.

Аннотация: в этой статье показано, как изучить рынок труда, выявить, найти и удовлетворить потребности, исследовать.

Ключевые слова: рынок труда, предпринимательство, малый бизнес, маркетинг, спрос, предложение, занятость.

Abstract: This article shows you how to study the labor market, identify, find and meet needs, research.

Key words: labor market, entrepreneurship, small business, marketing, demand, sentence, employment.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Мамалакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири, халқ турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида белгиланган. Бинобарин, юртимизда ҳар йили миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ҳудудлар бўйича меҳнат ресурсларидан янада тўлиқ ва оқилона фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган тегишли дастурлар қабул қилиняпти.

Аҳолининг ишга лаёқатли қисмини иш билан таъминлаш ва унинг бандлик даражасини кўтариш ҳар бир мамлакат ижтимоий сиёсатининг асосини ташкил қилади. Шу билан биргаликда аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси мамлакат иқтисодиёти ривожланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 37-моддасида “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир” дейилган.

Ишга ёлловчи турли (жисмоний ва юридик) субъектлар, ишга ёлланувчилар ва улар ўртасидаги турли воситачилар меҳнат бозорининг иштирокчилари ҳисобланади. Турли воситачи фирмалар, ташкилотлар ва агентликлар меҳнат бозорининг инфратузилмасини ташкил этади. Ҳаракатлар стратегиясида меҳнат бозори талабларига асосан, профессионал кадрларни қайта тайёрлаш юзасидан қисқа муддатли тренинг ва ўқув курсларини ўтказиш бўйича нодавлат таълим муассасалари фаолиятини рағбатлантириш, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартибини соддалаштириш, давлат аккредитациясига эга бўлган нодавлат таълим муассасалари учун давлат намунасидаги ҳужжатларни бериш бўйича чекловларни бартараф этиш назарда тутилган. Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши билан боғлиқ тарзда, унга мос равишда шаклланаётган меҳнат бозори инфратузилмасининг самарали фаолият олиб бориши учун инфратузилма таркибига меҳнат бозорини ривожланиши, унинг кенгайишида асосий ўринни эгалловчи объект сифатида турли мутахассислар ҳамда касб-ҳунар эгаларини тайёрлаб берувчи манба-Олий ва касб-ҳунар таълими тизими асосий ўрин эгаллайди. Чунки меҳнат бозорининг ўсиб янги юқори сифат даражага кўтарилиши ҳамда миқдор жиҳатдан кенгайиши айнан ушбу тизимга боғликдир. Бу тизим муассасалари мамлакатимиз меҳнат бозорига ҳар йили етук мутахассисларни етказиб бермоқда. Иш билан таъминлаш, бандлик даражасини кўтариш борасида уларнинг ролини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Меҳнат бозори тизимида иш кучи махсус товар сифатида унинг соҳиби томонидан бозорга таклиф этилади. Иш берувчилар ёки ишга ёлловчилар меҳнат бозорига талаб билан чиқади. Иш

кучининг олди-сотдиси бевосита харидор билан сотувчи ўртасида тўғридан-тўғри ёки воситачилар иштирокида юз бериши мумкин. Иш кучининг олди-сотдиси меҳнат битими шаклида расмийлаштирилади. Меҳнат бозорида иш кучининг сотувчиси билан унинг харидори ўртасидаги меҳнат бўйича келишилган нарх иш ҳақини ташкил қилади.

Замонавий меҳнат бозори иккита муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифани ҳал қилиши лозим. Биринчидан киши (меҳнат қилувчи)лар ўз меҳнати эвазига ўзларининг бирламчи табиий эҳтиёжларини қондира оладиган даражада даромадга эга бўлишлари лозим. Бу даромад сарфланган куч ва энергияни қайта тиклашга, бошқа иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга етарли бўлиши керак. Иккинчидан, меҳнат бозори тизими мамлакат аҳолисининг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятини бериши лозим. Бу тизим иш кучини мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳалари, унинг ҳудудий бирликлари ҳамда улардаги бизнес субъектлари ўртасида мақсадга мувофиқ тақсимлай олиши керак. Фикримизча, мамлакатимизда меҳнат бозорини юқорида зикр этилган вазифаларни тўлиқ бажара оладиган тизим тарзида ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Меҳнат бозорида эҳтиёжни аниқлаш, топиш ва уни қондириш бошқа бозорлардагидек маркетинг фаолиятнинг асосини, ўзагини ташкил қилади. Меҳнат (иш кучи)га бўлган эҳтиёжни аниқлаш мураккаб жараён бўлиб, у микро ва макро даражаларда ҳамда жорий ҳолат ва истиқбол учун алоҳида-алоҳида аниқланиши керак. Меҳнатга бўлган жорий талабни микро даражада аниқлаш учун бизнес субъектининг жорий ишлаб чиқариш дастури ва ассортименти асос қилиб олинади. Бу ҳол учун меҳнатга бўлган талабнинг ҳисоб- китоби бирмунча оддий ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқариш дастурига асосан жонли меҳнат сарфи ҳажми меҳнат сарфи меёрларига биноан ҳисоб китоб қилинади. Шунингдек корхонадаги кадрлар қўнимсизлиги ва табиий ҳаракати коэфициентлари ҳисобга олинади. Истиқбол учун меҳнатга бўлган талаб бизнес субъектининг стратегик режасига асосан ишлаб чиқилиши лозим. Афсуски баъзи бир йирик компанияларни ҳисобга олмаганда аксарият бизнес субъектлари стратегик режалаштириш билан умуман шуғулланмайдилар.

Макро даражада эса, меҳнатга бўлган жорий талаб биснес субъектлари ва объектлари жорий талабини иқтисодиёт тармоқлари, соҳа-лар ва ҳудудий бирликлар бўйича умумлаштириш асосида аниқланади. Истиқболда керак бўладиган талабни аниқлаш анча мураккаб ва қийин жараён ҳисобланиб, унинг таркиби ва миқдори макро стратегик режалар асосида, махсус маркетинг тадқиқотларни ўтказган ҳолда аниқланади.

Меҳнат бозорининг ҳолатини кўрсатувчи ҳамда мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини белгиловчи омил ва энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири бу-аҳолининг иш билан бандлик даражасидир. Бандлик деганда ўн олти ёшдан юқори ёшдаги, ишга эга бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони тушунилади. Аҳоли бандлиги

муаммоси-кишиларни меҳнат фаолиятига жалб этиш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг меҳнатга бўлган эҳтиёжини ишчи ўринлари билан қондиришни назарда тутади. Меҳнатга лаёқатли бўлган барча аҳоли ишга эга бўлмай, ҳар қандай жамиятда ҳам ишсизлар мавжуддир. Ишсизлик-ишга эга бўлмаган ва иш ахтариб юрган меҳнатга лаёқатли аҳоли миқдорини билдиради. Иш ўринлари билан банд бўлганлар ва ишсизларнинг умумий миқдори ишчи кучини ташкил этади. Ишчи кучига меҳнат қилишга қодир ва меҳнат қилаётганлар, уй хўжалиги билан шуғулланаётганлар, мустақил ўз ишини олиб бораётганлар, иш қидираётганларнинг барчаси киритилади. Табиийки, меҳнат фаолияти билан машғул бўлмаган, ёши нуқтаи назаридан (болалар) балоғатга етмаган ёки кекса инсонлар-нафақахўрлар, шунингдек, таълим олаётган ёшлар (мактаб ўқувчилари, талабалар), ногиронлар ва ҳарбий хизматни ўтаётганлар улар таркибига кирмайди. Бир сўз билан айтганда, ким ишлай олмаса ва ишламаслиги керак бўлса, шунингдек, ким иш қидирмаган бўлса ишчи кучи ҳисобланмайди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: меҳнатга лаёқатли аҳолининг ялпи бандлигини таъминлаш мумкин эмас. Чунки, кимдир ишчи кучига қўшилади, кимдир унинг таркибидан чиқади, учинчиларини ишдан бўшатадилар ёки уларнинг ўзи ишдан бўшайди, тўртинчилар иш ахтариб юрган бўлади, яъни ишчи кучининг ҳаракати юз беради, бунда унинг бир қисми қандайдир вақт оралиғида ишсиз қолади.

Меҳнат бозори таркибий қисмининг асосий элементларига қуйидагилар киради: ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи, қиймати, баҳоси, иш кучини ёлловчилар ўртасидаги, иш кучи эгалари ўртасидаги ва иш кучини тайёрлаб берувчилар ўртасидаги рақобат. Иш кучига бўлган талаб ишлаб чиқариш ижтимоий инфратузилмаси ва халқ хўжалигининг барча тармоқ ва соҳалари томонидан меҳнат бозорига буюртма қилинган иш ҳақи фонди, шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва уй меҳнати томонидан даромадлар ва бошқа ҳаётий воситалар билан таъминланган эҳтиёжнинг ҳажми ва таркибини акс эттиради. Таклиф эса, ёлланма ишга эга бўлишдан манфаатдор бўлган ишчи кучининг миқдор ва сифат (сони, жинси, ёши, маълумоти, касби, малакаси, миллати, ишлаб чиқиши, даромади ва бошқалар бўйича) таркибини ифодалайди. Шуни таъкидлаш жоизки, меҳнат бозори тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини ва унинг таркибий қисмларини тизимли тадқиқ қилиш мазкур бозор бажарадиган асосий функция ва вазифаларни тўғри аниқлаш имконини беради. Бу вазифаларга ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажмини, уларнинг таркибини аниқлаш, талаб ва таклифнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, бозор шароитида хўжалик юритишининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий механизмлари ёрдамида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш; меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатиш; ишсизларнинг иш топишига, уларнинг малакаси ва рақобат қобилиятини ошишига кўмаклашиш; ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва меҳнат

тақсимотини ўзгартириш кабилар киради.

Ишчи кучининг нархи талаб ва таклиф ҳажми ҳамда таркибининг ўзгариши таъсирида ўзгаради. Иш кучининг нархига иш кучи эгалари ўртасидаги ва ишга ёлловчилар ўртасидаги рақобат ҳам таъсир қилади. Умуман олганда, малакали меҳнат нархи ўсиш тенденциясига эга бўлади. Бундай ҳолатлар меҳнат бозорининг ўз-ўзини тартибга солиш тамойилига асосланади. Меҳнат бозорининг характерли хусусияти шундаки, унда савдолашиш объекти бўлиб инсон эмас, унинг меҳнат қилиш қобилияти ва меҳнатдан фойдаланишнинг давомийлиги хизмат қилади. Унинг яна бир хусусияти шундаки, ишчи кучи бутунлай эмас, балки вақтинчалик муайян муддатга сотилади ҳамда иш ҳақи ишчи кучи истеъмол қилиб бўлингандан кейин тўланади. Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми миқдорининг ўсиши туфайли ишчи ўринлари билан меҳнат ресурслари номувофиқлигининг вужудга келаётганлигини ҳам унутмаслик керак. Бу ҳолат ишчи ўринларига нисбатан меҳнатга лаёқатли кишилар сони ўсаёгани, иқтисодиёт тармоқларида ишчи кучларининг ҳаддан зиёд кўпайиши ҳисобига уларнинг меҳнат бозорига кириши, бозор капитали етарли даражада ривожланмаган бир шароитда меҳнат бозорининг шакллана бориши ва бунинг оқибатида ишчи кучига бўлган талабнинг таклифдан узилиб қолиши ва ишчи кучларининг касбий ва ҳудудий жиҳатдан ҳаракатчанлигининг паст даражада эканлиги ҳамда бошқа омиллар билан узвий боғликдир.

Республикамизда меҳнат бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий тизимини барпо этиш асосан тугалланди. Иш билан таъминлаш давлат хизмати ташкил этилди. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялашга кўмаклашувчи жамғарма барпо этилди. Эндиги вазифа меҳнат бозори бўғинларини ўрганиш асосида бандликнинг юқори даражасини таъминловчи тизимни шакллантиришдан иборатдир. Бизнинг фикримизча яратиладиган ушбу тизимда меҳнат бозорининг икки асосий элементига: биринчидан иш кучи(меҳнат) таклифи, яъни ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш масаласи ва унинг инфратузилмасига; иккинчидан меҳнатга талаб, яъни янги замонавий иш ўринларига эга бўлган бизнес субъектларни ташкил қилишга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тизимлилик ва тизимли ёндошув нуқтаи назаридан қараганда ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзини ҳам тизим сифатида ўрганиш, лойиҳалаш, яратиш ва такомиллаштириш лозим. Чунки бу жараён ўзаро алоқада бўлган бошқарув объектлари ва бошқарув субъекти синтезидан ташкил топган мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён ҳисобланади. Ушбу тизимнинг объектларини Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим муассасалари ташкил қилади. Бу тизим мураккаб иерархик структурага эга бўлиб, тузилманинг ҳар бир элементи ишчи кучини тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш бўйича унга бириктирилган функция ва вазифаларни бажаради.

Биринчидан бу тизимда ишчи кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишчи кучига бўлган жорий ва келгуси талабни ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилиши керак. Ишчи кучига бўлган жорий ва келгуси талаб ушбу тизим муассасаларининг маркетинг бўлимлари томонидан аниқланиши шарт. Турли тоифадаги юқори малакали мутахассислар ва касб-ҳунар эгаларига бўлган талаб турли усуллар ёрдамида аниқланади. Ҳар бир ҳолат учун маркетингнинг турли усул ва воситаларидан фойдаланилади. Иккинчидан маркетинг хизмати томонидан аниқланган таркиб ва миқдордаги иш кучини тайёрлашнинг моддий, ўқув-услубий, тажриба-амалий ва кадрлар таъминоти яратилиши ва доимий ривожлантириб борилиши лозим.

Р.А.Рафиқов – СамИСИ, ММН-119 гуруҳ магистранти,
А.Н.Холиқулов – СамИСИ доценти, и.ф.н.

НЕФТ-ГАЗ КОМПЛЕКСИДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ САМАРАЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада нефт-газ комплексидаги акциядорлик жамиятларини стратегик бошқаришда корпоратив бошқарувнинг самарали жиҳатлари, янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш масалалалари қараб чиқилган.

Калит сўзлар. нефт-газ, нефт-газ комплекси, акциядорлик жамияти, корпоратив бошқарув, стратегия, менежмент, корпоратив бошқарув тизими.

Аннотация. В статье рассматриваются эффективные аспекты корпоративного управления в стратегическом управлении акционерными обществами нефтегазового сектора, основные направления дальнейшего развития, вопросы совершенствования системы корпоративного управления.

Ключевые слова. нефть и газ, нефтегазовый комплекс, акционерное общество, корпоративное управление, стратегия, менеджмент, система корпоративного управления.

Abstract. This article considers the effective aspects of corporate governance in the strategic management of joint-stock companies in the oil and gas sector, the main directions of further development, issues of improving the corporate governance system.

Keywords. oil and gas, oil and gas complex, joint stock company, corporate governance, strategy, management, corporate governance system

Ҳозирги инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида республикамиз нефт-газ соҳасидаги акциядорлик жамиятларидаги корпоратив бошқарув муаммоларига жамоатчиликнинг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Хусусан, мамлакатимизда нефт-газ комплексидаги корпоратив бошқарув самарали бошқариш йўлларини такомиллаштириш ва унинг механизмларини корхоналарда қўллаш бўйича кенг кўламли

ишлар олиб борилмоқда, шунингдек, корпоратив бошқарувнинг миллий кодекси ишлаб чиқилган. Шубҳасиз, ушбу вазифаларни амалга ошириш иқтисодий ўсишга, нефт-газ соҳасидаги корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга ҳамда катта иқтисодий аҳамиятга эга барқарор рақобат муҳитини шакллантиришга имкон беради.

Мамлакатимизни иқтисодиётни рақамлаштириш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февраль куни «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги қабул қилинган Фармонида белгиланган вазифалар, хусусан иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни изчил давом эттириш жараёнида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтиришни изчил амалга ошириш янада муҳим ўрин тутилиши қайд этилиши корпоратив бошқарувнинг моҳиятига жиддий эътибор қаратишни талаб этади[1].

Шу жиҳатдан олганда нефт-газ комплексидаги акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувнинг моҳиятини корпоратив стратегия, барча даражадаги бошқарувчиларнинг корпоратив иш услуби, молиявий ҳисоботлар ҳамда ахборотлар очиқлиги, инвесторлар, акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тизимларнинг мавжудлиги билан тавсифланган иқтисодий тизим доирасида бошқарув фаолиятининг замонавий, илғор тури сифатида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда, айниқса нефт-газ комплексидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш учун зарур институционал асос яратилган, шу билан биргаликда корпоратив бошқарув тизими шакллантирилган, ҳамда акциядорлик жамиятларининг корпоратив қонунларига риоя этилишини таъминлаш учун давлат назорати тизими яратилган. Шу қаторда шуни қайд этиш лозимки, давлат улуши юқори бўлган акциядорлик жамиятларининг муваффақиятли фаолияти кўп жиҳатдан нафақат давлат томонидан тартибга солишнинг самарали механизмларини жорий қилиш билан биргаликда акциядорлик жамиятининг ташкилий фаолиятига: акциядорлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қай тартибда амалга ошираётгани, корхона менежерлари учун меҳнатни рағбатлантириш усуллари қанчалик самарали эканлиги, молиявий фаолиятининг самарадорлигига ҳам сезиларли боғлиқ.

Нефт-газ комлексидаги акциядорлик жамиятлари стратегик мақсад-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” тўғрисидаги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи” газетаси. 20.01.2017й.

ларини рўёбга чиқариш, кўрсатаётган фаолиятини рақамлаштириш ва инновациялаш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва қайта жиҳозлаш, қувватини ошириш учун молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун корпоратив бошқарув тизимини, менежментда тизимли ўзгаришларни, бизнес жараёнларни такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Фикримизча, нефт газ комплексидаги акциядорлик жамиятларида амалга ошириладиган тизимли ўзгаришларни, бизнес жараёнларни такомиллаштириш билан боғлиқ тадбирлар қўйидагиларни қамраб олиши зарур ҳисобланади:

- ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, ҳамда техник жиҳозлашни қайта кучайтириб бориш;
- акциядорлик жамиятларининг ликвидлик кўрсаткичларини ошириш;
- нефт-газ комплексида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш;
- моддий-техник базани мустаҳкамлаш бориш.

Айниқса, қайд этилган тадбирлар билан бир қаторда самарали корпоратив бошқарув тамойилларига қатъий риоя қилиш, шаффофликни, ахборотлар очиқлигини таъминлаш - инвесторларнинг ишончини англатади. Корпоратив бошқарув самарасини фақат сифат кўрсаткичларини тўғри қўллаш натижасида баҳолаш мумкин. Табийки, самарали корпоратив бошқарув инқироз вазиятларни руй бериш рискини камайтиради ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг муваффақиятли ҳал этилиш эҳтимолини оширади, акциядорлар ва инвесторлар билан муносабатларнинг “ошкоралигини” таъминлайди[1].

Ва ниҳоят, корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлиги нафақат корхона бозор қийматини оширади, балки ўз навбатида, молиявий бозорларда рақобатбардошлигини оширади, кредитлаштириш қийматини пасайтиради ҳамда инвесторлар учун янада жозибадор қилади[2].

Таъкидлаш керакки, замонавий шароитларда нефт-газ комплексидаги акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувнинг муваффақияти бевосита корхона обрўсига таъсири жуда каттадир. Олиб борилган тадқиқот ва кузатувларимиз шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёти ривожланган мамлакат бозорларида обрўнинг қиймати корхонанинг акциялар баҳосининг 8-15% гача таъсир қилиши мумкин. Мулкдорлар учун капитал қўйилмаларни танлашда асосий мезон таниқли рейтинг агентликлари томонидан корхонага берилган рейтинглардир. Чунки рейтинг акциядорлик жаиятларида корпоратив бошқарув сифатининг энг ёрқин баҳосидир.

---

[1] Петрова Н.А. Методическое обеспечение оценки эффективности корпоративного управления // Управление экономическими системами: электронный научный журнал, 2012, №4 (40)

[2] Мурычев А.В. Качество корпоративного управления как фактор повышения конкурентоспособности // Современная конкуренция, 2007, №4

Шундай қилиб, нефт-газ комплексидаги акциядорлик жамиятларида стратегик бошқарув ҳам, оператив бошқариш ҳам корхонада корпоратив бошқарув доирасида амалга оширилади. Шу билан бирга, нефт-газ комплексидаги акциядорлик жамиятини бошқариш тизимида корпоратив бошқарувнинг операцион бошқарувга қараганда мавқеи юқоридир.

Бизнинг фикримизча, нефт-газ комплексидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- халқаро тажрибани чуқур иқтисодий таҳлил қилиш ва шу орқали замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, хизмат кўрсатиш, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлаш;

- чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;

- замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлима ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан такомиллаштириш;

- нефт-газ комплексидаги акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш;

- илғор(топ-1000 талик) хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарларнинг малакаларини мунтазам ошириб бориш.

Шу билан бирга иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида муваффақиятли корпоратив бошқарув тизимининг бир қаторсамарали жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- корхоналарнинг ташқи молиялаштириш имкониятларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бу ўз навбатида янги инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва янги иш ўринларини ташкил этиш учун замин яратади;

- жалб қилиналиган инвестициялар ставкаси пасайтириш ва корхонанинг қийматини ошириш, инвестицияларни янада жозибадор қилиш;

- моддий ва молиявий ресурсларни оқилона тақсимланиши ва бошқаришни такомиллаштириш ҳисобига операцион самарадорликни ошириш;

- салбий оқибатли иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган молиявий инқироз рискини камайтириш.

Нефт-газ комплексидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув амалиётини такомиллаштириш учун корпоратив бошқарувнинг

энг яхши амалиёти ва стандартларига амал қилиш ва уни молиявий-иқтисодий фаолият самарадорлиги ва муваффақияти учун зарур шарт деб билиш, акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, шунингдек, бизнес жараёнларини оптимал моделлаштириш зарур бўлади.

Шундай қилиб, самарали корпоратив бошқарув ўзгарувчан бозор иқтисодиётининг муҳим элементи ҳисобланади. Нефт-газ комплексидаги акциядорлар акциядорлик жамиятларини стратегик ривожлантиришга оид тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи” газетаси. 20.01.2017й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармони. “Халқ сўзи” газетаси. 25.04.2015й.
3. Ашуров З.А. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини замонавий халқаро стандартлар асосида инновацион ривожлантириш истиқболлари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил
4. Мурычев А.В. Качество корпоративного управления как фактор повышения конкурентоспособности // Современная конкуренция, 2007, №4
5. Петрова Н.А. Методическое обеспечение оценки эффективности корпоративного управления // Управление экономическими системами: электронный научный журнал, 2012, №4 (40)
6. Тешабаева О.Н., Ахмаджонов Л.Н. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув моделлари ва механизмлари // E-journal.uz илмий-таҳлилий электрон журнал. Июнь, 2018. https://e-journal.uz
7. Хамидулин М.Б. Финансовые механизмы корпоративного управления. Монография. – Т.: Молия, 2008. –204 с
8. Хусаинов Ш.А. Корпоратив бошқарувнинг самарали тизимини шакллантиришнинг назарий-амалий жиҳатлари // International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 34. Available at: https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/34

N.B.Yahyoxonov – SamISI tayanch doktoranti

XIZMAT KO‘RSATUVCHI SUB’EKTLARI FAOLIYATIGA RAQAMLI MARKETING TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISHNING NAZARIY MASALALARI

Annotasiya: maqolada raqamli marketing, uning rivojlanish evolyutsiyasi va bugungi kundagi ahamiyati yoritib berilgan. Shuningdek, xizmat ko‘rsatuvchi sub’ektlar faoliyatiga raqamli marketing texnologiyalarini joriy etishning nazariy masalalari keltirilgan.

Kalit so‘zlar: raqamlashtirish, internet, an'anaviy marketing, raqamli marketing, ijtimoiy tarmoqlar marketing, Yahoo, Google, MySpace, Facebook, Twitter.

Аннотация: В статье освещается цифровой маркетинг, его эволюция и значение на сегодняшний день. Представлены также теоретические вопросы внедрения цифровых маркетинговых технологий в деятельность субъектов оказывающих услуги

Ключевые слова: оцифровка, интернет, традиционный маркетинг, цифровой маркетинг, маркетинг в социальных сетях, Yahoo, Google, MySpace, Facebook, Twitter.

Abstract: The article covers digital marketing, its evolution of development and its importance today. There are also theoretical issues of the introduction of digital marketing technologies in the activities of service providers.

Keywords: digitization, Internet, traditional marketing, digital marketing, social media marketing, Yahoo, Google, MySpace, Facebook, Twitter.

Raqamli iqtisodiyotda raqamlashtirish, raqamli texnologiyalardan foydalanish, xususan raqamli iste’molchi, raqamli sotuvchi, raqamli tovar va raqamli marketing, internet marketing, ijtimoiy tarmoqlar marketingni o‘rganish, ularni takomillashtirish va xizmat ko‘rsatuvchi sub’ektlar faoliyatiga joriy etish eng muhim masalalardan biri hisoblanadi. Chunki dunyo aholisinig yarmidan ko‘pi doimiy ravishda internetdan xususan, ijtimoiy tarmoqlardan foydalanib kelishmoqda.

We Are Social xalqaro agentligi mutaxassislari ijtimoiy tarmoqlarning oylik auditoriyasi to‘rt milliard foydalanuvchiga ko‘payganligini hisoblab chiqishdi. Bu dunyo aholisining 53 foizida Internet-profil mavjudligini anglatadi, deyilmoqda Digital2020 tomonidan e’lon qilingan oktyabr oyi hisobotida. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, o‘tgan yilning o‘zida foydalanuvchilar safiga yana 450 million kishi qo‘shilgan[1].

Odamlar har kuni raqamli texnologiyalardan foydalangan holda o‘z ehtiyojlarini qondirishmoqda. Tahlillar shuni ko‘rsatmoqdaki yaqin kelajakda an'anaviy marketingning o‘rnini raqamli bozor, raqamli marketing butunlay egallaydi. Chunki raqamli marketingda bir qator afzalliklar mavjud . An'anaviy marketingga qaraganda, raqamli marketingda minimal xarajat evaziga maksimal foydaga erishish imkoniyatlari juda keng.

[1] https://xs.uz/uz/post/dunyo-bojlab-izhtimoij-tarmoqlardan-fojdalanuvchilar-soni-qancha

Texnologik yutuqlar natijasida an'anaviy marketing agentliklari va bo'limlari mijozlar bazasi sezilarli darajada eskirdi. Odamlar planshetlar, telefonlar va kompyuterlarga o'tdilar, bu esa raqamli marketingni jadal rivojlanishiga zamin yaratdi.

Raqamli marketing - bu raqamli axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va elektron qurilmalardan foydalangan holda mijozlar va biznes sheriklarini jalb qiladigan marketing. Keng ma'noda raqamli marketing deganda raqamli axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda marketing faoliyatini amalga oshirish tushuniladi[1].

Raqamli marketing atamasi birinchi marta 1990-yillarda ishlatilgan. Raqamli asr Internet paydo bo'lishi va Web 1.0 platformasining rivojlanishi bilan boshlandi. Web 1.0 platformasi foydalanuvchilarga kerakli ma'lumotni topishga imkon berdi, ammo bu ma'lumotni internet orqali baham ko'rishga imkon bermadi. O'sha davrda butun dunyo bo'ylab sotuvchilar raqamli platformalarga bo‘lgan ishonch deyarli mavjud emas edi. Chunki o‘sha vaqtda internet bu darajada keng tarqalib rivojlanishini tasavvur qilishmagan.

1993-yilda birinchi bosiladigan banner jonli efirga uzatildi va shundan so'ng HotWired reklama uchun bir nechta banner reklama sotib oldi. Bu marketingning raqamli davriga o'tishni boshladi. Ushbu bosqichma-bosqich siljish tufayli 1994-yilda raqamli bozorga yangi texnologiyalar kirib keldi. Xuddi shu yili Yahoo ishga tushirildi.

Yahoo asoschisi Jerri Yang "Jyerining Butunjahon tarmog'idagi qo'llanma" nomi bilan ham tanilgan. Yahoo birinchi yil ichida 1 millionga yaqin xitga ega bo'lgan. Bu esa raqamli marketingda katta o'zgarishlarni talab qildi va kompaniyalar o'z veb-saytlarini yuqori qidiruv tizimlari reytinglarini ko'tarish uchun optimallashtirishdi . 1996-yilda HotBot, LookSmart va Alexa kabi bir nechta qidiruv tizimlari va vositalari ishga tushirildi[2].

Larri Peyj va Sergey Brin tomonidan1998-yilda Google yaratildi. Microsoft MSN qidiruv tizimini ishga tushirdi va Yahoo bozorga Yahoo veb-qidiruvini olib keldi. Raqamli marketing uchun 2006-yilda birinchi keskin o'sish sodir bo‘ldi, chunki qidiruv tizimining trafigi bir oy ichida taxminan 6,4 mlrdga yetdi. Microsoft MSN Google va Yahoo bilan raqobatlashish uchun Live Searchni ishga tushirdi.

Keyinchalik Web 2.0 paydo bo'lishi va foydalanuvchilarning u yerda faol ishtirokchilarga aylanishi, boshqa foydalanuvchilar va korxonalar bilan o'zaro aloqada bo'lishga imkoniyat yaratdi. Internetda "super axborot avtomagistrali" kabi yorliqlar qo'llanila boshlandi. Natijada, raqamli sotuvchilar foydalanadigan kanallarni o'z ichiga olgan axborot oqimi hajmi ko'paydi va 2004 yilga kelib faqat AQShda internet reklama va marketing taxminan 2,9 milliard dollar daromad keltirdi.

---

[1] Данько Т. П., Китова О. В. Вопросы развития цифрового маркетинга // Проблемы современной экономики. — 2013. — № 3 (47). — С. 261–265.

[2] https://www.simplilearn.com/history-and-evolution-of-digital-marketing-article#:~:text=The%20term%20Digital%20Marketing%20was,this%20information%20over%20the%20web.

O‘radan ko‘p vaqt o‘tmay raqamli marketing rivojlanishining yangi davri ijtimoiy tarmoq saytlari paydo bo'lishi bilan boshlandi. MySpace birinchi bo'lib ijtimoiy tarmoq saytiga aylandi, undan keyin facebook. Ko'pgina kompaniyalar paydo bo'lgan ushbu yangi saytlarning barchasini o'z mahsulotlarini va tovar belgilarini sotish uchun yangi imkoniyatlar eshigini ochishni boshlaganini angladilar. Ijtimoiy tarmoqlarning yaratilishi biznes uchun yangi yo'llarni ochdi va biznesda yangi davrni boshlab berdi. Yangi manbalar bilan ular o'zlarining brendlarini targ'ib qilish va ijtimoiy tarmoq platformasida kapitalizatsiya qilish uchun yangi yondashuvlarni keltirib chiqardi.

Cookie-fayllarni yaratilishi raqamli marketing sohasidagi yana bir muhim voqea hisoblanadi. Reklama beruvchilar yangi paydo bo'lgan texnologiyalardan foydalanishning boshqa usullarini izlay boshladilar. Bunday usullardan biri internetda tez-tez foydalanuvchilarning odatiy ko'rish odatlarini va ulardan foydalanish tartiblarini kuzatib borish, ularning reklama va reklama garovlarini ularning didlariga moslashtirishdir. Birinchi cookie-fayllar foydalanuvchilarning odatlarini yozib olish uchun mo'ljallangan. Cookie-fayllardan foydalanish yillar davomida o'zgardi va bugungi kunda cookie-fayllar sotuvchilarga tom ma'noda foydalanuvchi ma'lumotlarini to'plashning turli usullarini taklif qilish uchun kodlangan.

Raqamli ravishda sotiladigan mahsulotlar xaridorlarga har doim taqdim etila boshladi. Marketingtechblog tomonidan 2014 yil uchun to'plangan statistik ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, ijtimoiy tarmoqlarda xabar yuborish AQShdagi eng yaxshi onlayn faoliyatlardan biri hisoblanadi. O'rtacha amerikalik kuniga 37 daqiqasini ijtimoiy tarmoqlarda o'tkazadi. Raqamli reklamalarning 99% Facebookda, 97% Twitterda, 69% Pinterestda va 59% Instagramda bozorga chiqarishadi. B2C reklamalarning 70% Facebook orqali mijozlar sotib olgan.Twitter foydalanuvchilarining 67% Twitterda kuzatadigan brendlardan sotib olish ehtimoli ko'proq. Hashamatli brendlarning 83.8% Pinterestda mavjud. Birgina reklamalar tomonidan ishlatiladigan eng yaxshi ijtimoiy tarmoq saytlaridan biri Facebookning 2020-yilgi moliyaviy hisobotini ko‘rishimiz mumkin. Kompaniyaning umumiy daromadi 85,96 milliard dollarni tashkil qildi, uning asosiy qismi reklamadan olingan daromadga to'g'ri kelmoqda, 84,17 milliard dollar. Bu esa 2019-yilga nisbatan 21% ga ko‘proq deganidir[1].

Shu bilan birga, kompaniyaning sof foydasi 58% ga o'sib, 29,15 milliard dollarni tashkil etdi. O'tgan yil mobaynida Facebook foydalanuvchilari umumiy hisobda 11% ga ko'paygan, kunlik faol foydalanuvchilar esa 1,84 milliard kishini tashkil etmoqda. Hozirda Facebookdan bir oyda 2,8 milliard kishi foydalanmoqda.

Facebookning moliyaviy direktori Devid Vener investorlar bilan uchrashuv chog'ida to'rtinchi chorakda kompaniya platformalaridagi reklamalar 25% ga, bitta reklama uchun o'rtacha xarajatlar esa 5% ga oshganini e'lon qilgan.

[1] https://t.me/marketingbolimi

Facebook pandemiya davrida paydo bo'lgan ikkita iqtisodiy tendentsiyadan foyda ko'rgan. Birinchisi, onlayn tijoratga o'tish bo‘lsa, ikkinchisi iste'molchilar talabining tovarlar va xizmatlarga nisbatan o'zgarishi bo‘lgan.

Xulosa qilib shuni aytish joizki, bugungi kunda shiddat bilan rivojlanib borayotgan raqamli tenoxnologiyalar davrida, raqamli marketingning innovatsion texnologiyalarini yaratish, ularni biznes sub’ektlar faoliyatiga joriy etish va ularni takomillashtirish orqali savdo xajmini oshirish, xalqaro bozorga chiqish, milliy brendlarning jahon bozorida raqobatbardoshligini ta’minlash va iste’molchilar ehtiyojlarini yuqori darajada samaraliroq qondirish imkoniyatlariga erishish mumkin.

D.S Juraeva – SamISI, MMR-120 guruh magistranti

OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI EKSPORTINI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING TADQIQOTLARINI OLIB BORISH

Annotatsiya: maqolada mamlakatimizda oziq-ovqat mahsulotlari eksportini hozirgi holati, oziq-ovqat mahsulotlari eksporti salohiyatini kengaytirish va takomillashtirish masalalari to‘g‘risida so‘z yuritilgan.

Kalit so‘zlar: oziq –ovqat mahsulotlari , oziq –ovqat mahsulotlari eksporti, eksport qiluvchilar, invoys, eksport kontrakti.

Аннотация: в статье рассматривается текущее состояние экспорта продовольствия в стране, расширение и улучшение экспортного потенциала продовольствия.

Ключевые слова: продукты питания, экспорт продуктов питания, экспортеры, счета-фактуры, экспортный контракт.

Abstract: the article deals with the current state of food exports in the country, the expansion and improvement of food export potential.

Keywords: food, food exports, exporters, invoices, export contract

Hozirgi iqtisodiyotni modernizatsiyalash jarayonida mamlakatimiz qishloq xo‘jaligida amalga oshirilgan keng miqiyosli iqtisodiy islohotlar agrar sohada tub o‘zgarishlarga olib keldi. Qishloq xo‘jaligida oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish va ularni qayta ishlash masalasiga alohida e’tibor qaratilmoqda .

Mamlakatimizda oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish uchun barcha shart-sharoitlar mavjud. Jumladan, iqlim sharoiti, ochiq yer maydonlarining mavjudigi va shu sohada qilingan ilmiy ishlarning yetarliligi.

Oziq-ovqat mahsulotlari aholining kundalik turmushi ta’minlanishi uchun zarur tovarlar majmuasi hisoblanib, oziq-ovqat mahsulotlari bozorini rivojlantirish davlatning asosiy strategiyasi sifatida belgilab beriladi. Mamlakat iqtisodiyotining barqaror rivojlanishini ta’minlovchi chora-tadbirlarni ishlab chiqishda oziq-ovqat bozorining tadqiqot natijalari muhim ahamiyat kasb etadi.

Chunki, oziq-ovqat bozori va uning faoliyatini takomillashtirish ijtimoiy-iqtisodiy vaziyat, tabiiy-iqtisodiy salohiyat, mamlakat va boshqa mintaqalar aholisining to‘lov qobiliyati, milliy bozorning ehtiyoji, qishloq xo‘jaligi korxonalarida ishlab chiqarish jarayoning samarali tashkil qilinganligi, yer resurslaridan oqilona foydalanish, agrosanoat majmuasining rivojlanishi kabi bevosita ta’sir etuvchi omillar bilan uzviy bog‘liq.

Oziq-ovqat bozori milliy iqtisodiyotda muhim strategik ahamiyatga ega bo‘lib, davlatning iqtisodiy mustaqilligini ta’minlab beruvchi asosiy shartlardan biridir.

Bu esa o‘z navbatida bir tomondan agrosanoat ishlab chiqarishini intensivlashtirish, ikkinchi tomondan , ishlab chiqaish samaradorligi va aholi daromadlarini oshirish bilan bog‘liq makroiqtisodiy muammolarni hal etish imkonini beradi. Oziq-ovqat bozorini kengaytirish va rivojlantirish mamlakatdagi ijtimoiy masala –ishsizlik masalasi ham hal qilinadi.

Mamlakatimizda bugungi kunda oziq-ovqat sanoati korxonalari eksportini kengaytirish va yanada rivojlantrish masalalariga alohida e’tibor qartilmoqda. Korxonalar eksport salohiyatini oshirish, tashqi bozorlarga tayyor raqobatbardosh mahsulotlar bilan chiqish, eksportda qo‘shimcha qiymatga ega tovarlar ulushini ko‘paytirish hamda jahon bozorida mustahkam o‘rin egallash bo‘yicha iqtisodiy islohotlar jadal olib borilmoqda.

Aynan innovatsion iqtisodiyot sharoitida oziq-ovqat sanoati korxonalarining mahsulot eksportini kengaytirish, korxonalarning tashqi bozorga chiqish bo‘yicha marketing strategiyasini ishlab chiqish bugungi kunda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Korxonalarning tashqi bozorlarga chiqishida faol marketing, xalqaro segmentlash va raqobatchilik strategiyalaridan samarali foydalanish talab etiladi.

Respublikamizda olib borilayotgan islohotlar nafaqat ichki bozorni, balki tashqi bozorni egallash, unda tayyor raqobatbardosh mahsulotlar eksportini oshirishga qaratilgan. Shu sababli oziq-ovqat mahsulotlari assortementini kengaytirish, ularning noyobligini oshirish, raqobatbardoshligi va sifatini oshirish, tashqi bozorlarga chiqishda faol marketing tadqiqotlaridan foydalanish, yangi texnologiyalar asosida va yangi ishlanmalar asosida yangi tovarlar, bozorlarning integratsiyalashuvi, xalqaro bozordagi to‘siqlarni yengib o‘tish maqsadga muvofiqdir.

Mamlakatimizda meva-sabzavot mahsulotlari, uzum, poliz, dukkakli ekinlar, shuningdek, quritilgan sabzavot va mevalarni eksport qilish tartib-qoidalarini soddalashtirish, jismoniy shaxslar tomonidan ularni ishlab chiqarishini rag‘batlantirish yo‘lga qo‘yilgan.

Eksport sohasida infratuzilmani yaratish va zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, tashqi iqtisodiy faoliyatni yanada liberallashtirish, eksport qilinuvchi yangi meva-sabzavot mahsulotlari hajmini ko‘paytirish va turlarini kengaytirish uchun qulay sharoitlar yaratish, mahalliy meva-sabzavot mahsulotlarining jahon bozorlaridagi raqobatbardoshligini oshirish bo‘yicha samarali ishlar qilinmoqda. Oziq-ovqat mahsulotlari eksport qilinadigan davlatlar bilan oldi-sotdi shart-

nomalari asosida mahsulotlar eksport qilinmoqda.

Mamlakatimizda oziq-ovqat mahsulotlarining sifati va xavfsizligini ta’minlash borasida davlat nazorati organlari tomonidan bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, “O‘zstandart” agentligi tomonidan standartlashtirishga doir normativ hujjatlarning majburiy talablari hamda metrologiya va sertifikatlashtirish qoidalari bajarilishi yuzasidan oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqaruvchi va sotuvchi tadbirkotlik sub’ektlarida oziq-ovqat mahsulotlari sifati amaldagi me’yoriy hujjatlar talablariga muvofiqligi nazorat qilinadi. Shuningdek, Davlat sanitariya –epidemiologiya xizmati tomonidan oziq-ovqat mahsulotlari sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativ talablariga javob berishi sanitariya xulosalari bilan rasmiylashtiriladi.

Mamlakatimizda Prezident Sh.M.Mirziyoyev tomonidan eksport hajmini oshirish uchun qaratilgan bir qancha chora-tadbirlar amalga oshirilgan.

Oziq-ovqat mahsulotlari eksportini rivojlantirish bo‘yicha mamlakatimizda bir qator kamchilik va muammolar mavjud. Oziq-ovqat eksportini rivojlantirishda mavjud imkoniyatlarni ishga solish lozim. Jumladan, o‘zlashtirilmagan ochiq yer maydonlaridan unumli foydalanish, eksport hajmini oshirish, eksport tizimidagi me’yoriy-huquqiy hujjatlarni yanada takomillashtirish, eksport sohasida xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarga imtiyozlar berish.

Oziq-ovqat eksporti bo‘yicha hozirda asosiy hamkor davlatlar Qozog‘iston, Rossiya, Afg‘oniston, Xitoy, Turkiya, Qirg‘iziston va Iroq hisoblanadi. Xalqaro bozorni o‘rganish, faol marketingni amalga oshirish va hamkor davlatlar sonini ko‘paytirish bugungi kunning asosiy masalasi hisoblanadi.

Oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqaruvchi va qayta ishlovchi korxonalar asosiy e’tiborni mahsulot sifatini yaxshilashga qaratishi lozim, bu esa o‘z navbatida mahsulotga bo‘lgan talab va raqobatbardoshlik darajasi oshishiga , sotish hajmini ko‘payishi korxonaning tashqi bozordagi mavqei mustahkamlanishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

Xulosa qilib aytish mumkiniki, mamlakatimizda bugungi kunda korxonalarning eksport salohiyatini oshirish bo‘yicha marketing strategiyasini ishlab chiqishda korxonaning bozordagi brendini yanada ko‘chaytirish, reklama faoliyati smaradorligini oshirih,mijozlarga nisbatan alohida yondashuvni amalga oshirish, eksport salohiyatini oshirishda marketing tadqiqotlari usullaridan keng foydalanishni tashkil etish va uni takomillashtirishga qaratilgan chora-tadbirlarni qo‘llash lozim.

V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Дж.Р. Зайналов– д.э.н., профессор СамИЭС
Ш.Ш.Усмонова – магистрант СамИЭС

ЭФФЕКТ, ОБРАЗУЮЩИЙСЯ ПРИ СОКРАЩЕНИИ ВЕЛИЧИНЫ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ВЛОЖЕНИЙ

Аннотация. В статье представлена формула эффекта, образующегося при сокращении величины инвестиционных вложений. Представлен пример методики проведения расчетов рассматриваемого эффекта. Сформулированы выводы о результатах анализа.

Ключевые слова: инвестиционные вложения, экономический эффект, инвестиционный капитал, расчетный период, показатели эффективности.

Аннотация. Мақолада инвестициялар миқдори камайтирилганда ҳосил бўладиган самара формуласи келтирилган. Кўриб чиқилаётган самарани ҳисоблаш методологиясининг намунаси келтирилган. Таҳлил натижалари бўйича хулосалар шакллантириган.

Калит сўзлари: инвестиция қўйилмалари, иқтисодий самара, инвестиция капитали, ҳисоб-китоб даври, самарадорлик кўрсаткичлари.

Abstract. The article presents the formula for the effect formed when the amount of investment is reduced. An example of a methodology for calculating the effect under consideration is presented. Conclusions on the analysis results are formulated.

Key words: investment investments, economic effect, investment capital, settlement period, performance indicators.

Эффект, образующийся при сокращении величины и времени связывания инвестиционных вложений в процессе полного ввода в действие предприятия, в упрощенном виде можно определить по формуле:

$$Э_{фф.} = \left(\overline{К}_{оэф} ПР^{pt}_{инв} Д - \overline{К}_{оэф} ПР^{pt}_{инв} П\right) \text{x}\ В_{инвД}\ , \qquad (1)$$

где:

$Э_{фф.}$ – эффект, образующийся при сокращении величины и времени связывания вложения инвестиционных средств в процессе ввода в действие предприятий (сум);

$\overline{К}_{оэф} ПР^{pt}_{инв} Д$, $\overline{К}_{оэф} ПР^{pt}_{инв} П$ – средние коэффициенты прибыльности инвестиционных вложений на протяжении расчетного периода (Pt), соот-

ветственно, до (*Д*) и после (*П*) сокращения величины и времени связывания таковых в процессе модернизации и реконструкции предприятия;

$В_{инвД}$ - величина связывания инвестиционных вложений в процессе воспроизводства на протяжении расчетного периода после сокращения величины и времени связывания таковых в процессе ввода в действие предприятия (сум-лет).

Таким образом, сокращение производственного цикла или полного ввода в действие предприятий проявляется в снижении величины и времени, и увеличивает (или равносильно увеличению) прибыль на величину$\left(\overline{К}_{оэф}ПР^{pt}_{инв}Д - \overline{К}_{оэф}ПР^{pt}_{инв}П\right)$ х $В_{инвД}$).

При этом следует отметить, что увеличение экономического эффекта, образующегося за счет перераспределения инвестиционного капитала по годам в сторону более позднего начала их осуществления, не приводит к увеличению прибыли – оно только равносильно такому возрастанию. Снижение величины и времени позволяет согласиться на удорожание инвестиционных процессов при условии, что $\overline{К}_{оэф}ПР^{pt}Д \geq \overline{К}_{оэф}ПР^{pt}П$.

Основным источником сокращения продолжительности цикла полного ввода в действие было, есть и должно быть совершенствование средств производства организаций.

То есть техническое перевооружение или реструктуризация является источником экономического эффекта не только при снижении стоимости работ, но и при их ускорении. Усиление интенсивности ввода в действие основных капиталов может повлечь за собой снижение его качества. Величина экономического эффекта при этом может приобрести даже отрицательное значение.

Методику проведения расчетов рассматриваемого эффекта проиллюстрируем на примере субъектов Государственного комитета геологоразведки. Продолжительность ввода в действие карьера или до сдачи в эксплуатацию на полную проектную мощность равняется 5 годам, нормативный срок окупаемости – 7, продолжительность расчетного периода – 12 годам.

Таблица 1

Технико-экономические показатели работы по производству макаронных изделий до сокращения величины и времени связывания инвестиционных вложений в проект

(млн. сум)

Показатели	Годы							Всего
	1-й	2-й	3-й	4-й	5-й	6-й	7-й	
В период ввода в действие предприятий (до сдачи в эксплуатацию на полную проектную мощность)								
Капитальные вложения …	8,3	8,4	1,0	3,3	1,2	-	-	22,2
Выбывающие фонды …	-	-	-	-	-	-	-	-
в том числе идущие на слом	-	-	-	-	-	-	-	-

Выбывающие капитальные вложения (за вычетом остаточной стоимости) …	-	-	-	-	-	-	-	-
Нарастающие итоги капитальных вложений …	8,3	16,7	17,7	21,0	22,2	-	-	-
Ввод фондов в действие	-	-	12,7	4,6	0,2	-	-	17,5
Действующие фонды …	-	-	12,7	17,3	17,5	-	-	-
Выпуск и реализация продукции	-	-	1,8	5,8	6,7	-	-	14,3
Текущие затраты …	-	-	3,1	4,3	4,5	-	-	11,9
Прибыль или убытки …	-	-	-1,3	1,5	2,2	-	-	2,4
После сдачи в эксплуатацию (выход на полную проектную мощность)								
Капитальные вложения …	0,2	0,4	2,3	1,6	0,2	0,2	0,2	5,1
Выбывающие фонды …	-	-	-	0,1	-	-	-	0,1
в том числе идущие на слом	-	-	-	0,1	-	-	-	0,1
Выбывающие капитальные вложения (за вычетом остаточной стоимости) …	-	-	-	0,1	-	-	-	0,1
Нарастающие итоги инвестиционных вложений …	22,4	22,8	25,1	26,6	26,8	27,0	27,2	-
Ввод фондов в действие	4,7	0,2	0,2	-	3,9	0,2	0,1	9,3
Действующие фонды …	22,2	22,4	22,6	22,5	26,4	26,6	26,7	-
Выпуск и реализация продукции	12,2	12,2	12,2	12,2	12,2	12,2	12,2	85,4
Текущие затраты …	5,8	5,8	6,1	6,0	6,7	6,7	6,7	43,8
Прибыль или убытки …	6,4	6,4	6,1	6,2	5,5	5,5	5,5	41,6

Таблица 2

Технико-экономические показатели инвестиционного проекта и работы субъекта по производству макаронных изделий после сокращения величины и времени связывания инвестиционных вложений в процессе строительства инвестиционного проекта

(млрд. сум)

Показатели	Годы							Всего
	1-й	2-й	3-й	4-й	5-й	6-й	7-й	
В период ввода в действие предприятий (до сдачи в эксплуатацию на полную проектную мощность)								
Инвестиционные вложения …	2,6	14,1	1,0	3,3	1,2	-	-	22,2
Выбывающие фонды …	-	-	-	-	-	-	-	-
в том числе идущие на слом	-	-	-	-	-	-	-	-
Выбывающие капитальные вложения (за вычетом остаточной стоимости) …	-	-	-	-	-	-	-	-
Нарастающие итоги капитальных вложений …	2,6	16,7	17,7	21,0	22,0	-	-	-
Ввод фондов в действие	-	-	12,7	4,6	0,2	-	-	17,5
Действующие основные производственные фонды …	-	-	12,7	17,3	17,5	-	-	-
Выпуск и реализация продукции	-	-	1,8	5,8	6,7	-	-	14,3
Текущие затраты …	-	-	3,1	4,3	4,5	-	-	11,9

Прибыль или убытки …	-	-	-1,3	1,5	2,2	-	-	2,4
После сдачи в эксплуатацию (выход на полную проектную мощность)								
Капитальные вложения …	0,2	0,4	2,3	1,6	0,2	0,2	0,2	5,1
Выбывающие фонды …	-	-	-	0,1	-	-	-	0,1
в том числе идущие на слом	-	-	-	0,1	-	-	-	0,1
Выбывающие капитальные вложения (за вычетом остаточной стоимости) …	-	-	-	0,1	-	-	-	0,1
Нарастающие итоги инвестиционных вложений …	22,4	22,8	25,1	26,6	26,8	27,0	27,2	-
Ввод фондов в действие	4,7	0,2	0,2	-	3,9	0,2	0,1	9,3
Действующие фонды …	22,2	22,4	22,6	22,5	26,4	26,6	26,7	-
Выпуск и реализация продукции	12,1	12,2	12,2	12,2	12,2	12,2	12,2	85,4
Текущие затраты …	5,8	5,8	6,1	6,0	6,7	6,7	6,7	43,8
Прибыль или убытки …	6,4	6,4	6,1	6,2	5,5	5,5	5,5	41,6

Как видно из данных таблиц 1 и 2, величина и время связывания инвестиционных вложений в процессах ввода в действие $\left(ВС_{инв}^{ВД}\right)$ и воспроизводства предприятия на протяжении расчетного периода $\left(ВС_{инв}^{РД}\right)$ сокращаются только за счет их перераспределения по двум первым годам ввода в действие предприятий:

$$В_{инв}П = (8{,}3 + 16{,}7 + 17{,}7 + 21{,}0 + 22{,}2 + 22{,}4 + 22{,}8 + 25{,}1 + 26{,}6 + 26{,}8 + 27{,}0 + 27{,}2)x1\ год = 263{,}8\ млрд.сум - лет.$$

$$В_{инв}Д = (2{,}6 + 16{,}7 + 17{,}7 + 21{,}0 + 22{,}0 + 22{,}4 + 22{,}8 + 25{,}1 + 26{,}6 + 26{,}8 + 27{,}0 + 27{,}2)x\ 1\ год = 258{,}1\ млрд.сум - лет.$$

$$ВС_{инв^{ВД}} = 263{,}8 - (12{,}7 + 17{,}3 + 17{,}5 + 22{,}2 + 22{,}4 + 22{,}6 + 22{,}6 + 26{,}4 + 26{,}6 + 26{,}7)\text{x 1 год} = 46{,}9\ \text{млрд. сум} - \text{лет.}$$

$$ВС_{инв^{РП}} = 258{,}1 - (12{,}7 + 17{,}3 + 17{,}5 + 22{,}2 + 22{,}4 + 22{,}6 + 26{,}4 + 22{,}6 + 26{,}4 + 26{,}7)\text{x 1 год} = 41{,}2\ \text{млрд. сум} - \text{лет.}$$

$$\overline{К}_{оэф}ПР^{pt}П = \frac{2{,}4 + 41{,}6}{263{,}8} = 0{,}1668\frac{1}{год}.$$

$$\overline{К}_{оэф}ПР^{pt}Д = \frac{2{,}4 + 41{,}6}{258{,}1} = 0{,}1700\frac{1}{год}.$$

$$Э_{фф} = (0{,}1700 - 0{,}1668)\text{x}258{,}1 \approx 0{,}8\ \text{млрд. сум.}$$

Здесь следует учесть возможности учета «меры отвлечения средств» при осуществлении операций, которые на долгое время отвлекают рабочую силу и средства производства, не доставляя за все это время никакого продукта в качестве полезного эффекта. К таким операциям, в первую очередь, относится процесс ввода в действие предприятий, заключающийся в преобразовании инвестиционных вложений (финансовых и материальных средств) в пригодные к эксплуатации производственные фонды. Средства, вступившие в процесс строительства, нередко называют «замороженными», «омертвленными» и др.

Трактовка строительного производства как процесса, наносящего

ущерб, не вытекает из научных предпосылок. Незавершенное строительство (в нормативных размерах), иными словами, задел, принадлежит к категории оборотных средств строительного производства, и в этом смысле оно не более «заморожено», чем, скажем, доски в период их сушки, и не более «омертвлено», чем семенной материал после посева. Поэтому концепция «ущерба» (*выделено авторами*) не может быть положена в основу анализа инвестиционного процесса. Как правильно отмечал А.И.Шустер, «данный вопрос не является чисто терминологическим. От правильного его решения зависит выбор методов оценки эффективности капитальных вложений»[1].

Состояние средств, вступивших в процесс их преобразования в пригодные к использованию производственных активов, наиболее правильно характеризует термин «связываются в процессе строительства». В этот период имеет место не ущерб, а нулевая отдача вкладываемых средств. Термины же «замороженные» и «омертвленные» характеризуют состояние средств, вложенных в пригодные к эксплуатации производственные фонды, но не вступившие в процесс производства ввиду отставания строительства сопряженных предприятий или цехов – поставщиков или потребителей. Такой подход к терминологии и оценке эффективности средств, находящихся в процессе ввода в действие предприятий, позволяет точнее рассчитывать экономическую эффективность инвестиционного капитала и коэффициент прибыльности производственных фондов, цену времени и экономический эффект, образующийся при сокращении величины и времени связывания вложений средств в процессе ввода в действие новых и реконструкции действующих предприятий.

М.Б.Калонов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

БАНК ТИЗИМИДА МАСОФАДАН ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақолада мижозлар учун банкларда масофавий хизмат кўрсатишда яратилган имкониятлар орқали, банкга ташриф буюрмаган ҳолда масофадан туриб турли банк операцияларни амалга ошириш имкониятлари берадиган хизматлар кўрсатиш турлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: банк, масофавий хизмат кўрсатиш, информацион банкинг, транзакцион банкинг, интернет-банкинг, мобил банкинг, SMS-банкинг.

Аннотация: В статье описаны виды услуг, которые позволяют клиентам выполнять различные банковские операции удаленно, не посещая банк, за счет возможностей, созданных в удаленном банкинге.

Ключевые слова: банкинг, дистанционное обслуживание, информационный банкинг, транзакционный банкинг, интернет-банкинг,

[1] Шустер А.И. Фактор времени в оценке экономической эффективности капитальных вложений. – М.: Наука, 1969. – С. 41.

мобильный банкинг, SMS-банкинг.

Abstract: The article describes the types of services that allow customers to perform various banking operations remotely without visiting the bank, due to the capabilities created in remote banking.

Key words: banking, remote service, information banking, transactional banking, internet banking, mobile banking, SMS banking.

Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари - банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кенгайишига имкон яратди.

Айниқса, юридик ва жисмоний шахслар масофадан туриб банк хизматлари тизимидан фойдаланишда бир қанча қулайликларга эга бўлди. Мижозлар банкга ташриф келмасдан туриб, банкнинг мобиль иловалари, шунингдек уларнинг интернет-сайтлари орқали керакли маълумотларга эга бўлишлари мумкин. Бундан ташқари бакн тизимидан масофада туриб кредитлар олиш имкониятлари яратилган.

Масофавий банк хизматларини кўрсатиш, турли банк операцияларни масофадан амалга ошириш имкониятини берадиган хизматлар кўрсатиш мажмуаси ҳисобланади. Бунинг учун банк муассасасига ташриф буюрмасдан туриб, электрон алоқадан фойдаланиш керак бўлади.

Масофавий технологиялар мижозга банк хизматларидан фойдаланишда, максимал қулайлик ва банк билан ишлаш жараёнида вақт ҳамда молиявий харажатларни минималлаштириш имконини яратиб беради.

Банкда масофадан хизмат кўрсатиш тизими мижозларга тақдим этилаётган хизматларнинг характерига кўра икки турга бўлинади:

информацион;

транзакцион.

Информацион банкинг – мижозларга молиявий маълумотларни тақдим этишга йўналтирилган бўлади.

Транзакцион банкинг – молиявий операцияларни амалга оширишга имконият яратиб беради.

Масофавий банк хизматларининг асосий тамойили мижоз ва банк ўртасида масофадан туриб турли ахборотларнинг алмашинуви ҳисобланади. Бундай хизмат кўрсатиш банк томонидан мазкур амалиётнинг хавфсизлигини таъминлайди.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг турлари:

Банк-Мижоз – бу компьютер орқали амалга ошириладиган тизим бўлиб, бунда мижознинг компьютерига махсус дастур ўрнатилади. Ушбу дастур компьютерда барча мижоз маълумотларни сақлайди (асосан тўлов

ҳужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар). Банк ва мижознинг компьютери ўртасида модем орқали тўғридан-тўғри алоқа амалга оширилади.

Интернет-банкинг – бу мижозларнинг депозит ҳисобварақларини, жумладан банк карталарига очилган ҳисобварақларини, интернет орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи тизимдир. Бу хизмат тури мижознинг масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш учун мўлжалланган тизимдир. Фойдаланувчи тизимга веб-браузер орқали киради. Интернет-банкинг тизими банкнинг веб-серверида жойлаштирилади. Фойдаланувчи банкнинг веб-сайтида барча ўз маълумотлари (тўлов ҳужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар)ни кўриб чиқиш имкониятига эга.

Интернет-банкинг хизмати орқали мижоз ўз иш жойида ёки бошқа ўзига қулай шароитда:

тўловларни ўтказиш;

тўлов ўтиши босқичларини кузатиш;

барча ҳисоботларни олиш каби амалиётларидан исталган вақтда фойдаланиш имкониятини яратади.

Интернет-банкинг орқали мижоз ўз иш жойидан интернет орқали банк сайтига уланиб, ўз ҳисобрақамига тушаётган пулларни кўриши ва пул ўтказмаларини тайёрлаб банкка узатиши мумкин бўлади.

Мобил банкинг – тизими интернет-банкинг технологияси асосида яратилади.

SMS-банкинг – бу банк мижозларга уларнинг депозит ҳисобварақларидаги ҳамда банк карталарига очилган ҳисобварақларидаги операциялар ҳақида SMS кўринишдаги маълумотларни олиш тизимидир. Ҳисобварағидан маълумот олиш учун мижоз банкнинг махсус телефон рақамига белгиланган SMS-сўровни юбориш керак.

Мижоз учун SMS-банкинг хизмати қуйидаги амалларни бажариш имкониятларини берилади:

ҳисобварағига келиб тушган маблағлар;

ҳисобварағидан қилинган харажатлар;

ҳисобварақ баланси;

кун давомида ўтказилган банк операциялари ҳақида оператив маълумот олиш.

Бугунги кунда аҳоли тижорат банкларининг мобил илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан туриб очиш, халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланиш имконияти мавжуд. Ўз навбатида, корхона ва ташкилотлар учун банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари орқали реал вақт

режимида банк ҳисоб варақларидаги маблағларни тасарруф этиш ва тўловларни амалга ошириш, валюта маблағлари сотиб олиш (конвертация) учун буюртманомани электрон шаклда хизмат кўрсатувчи банкка юбориш, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун электрон қайдномани банкка узатиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш бўйича кенг имкониятлар яратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 28 декабрдаги 33/6-сон карори
2. www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банк. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. № 3, декабрь, 2016 йил www.interfinance.uz 8
3. Бегалов Б.А., Хайдаров Н.Х., Ортиқов О.А., Шеннаев Х.М., Мухамедов Ф.Т., катта илмий ходим-изланувчи Қурбонов Ж.Ж. “Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш: ютуқлар, тенденция ва истиқболлар” Илмий-оммобоб рисола, Тошкент-2016,119 бет.
4. www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 20218 йилда Пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.

Тангирберген Досчанов – УрДУ профессори,
О.Б. Алланазаров– УрДУ ўқитувчиси

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДАГИ ХАТАРЛАРИ ВА УЛАРДАН СУҒУРТАЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада, инновацион тадбиркорлик тараққиётини таъминлашда суғуртанинг роли ва аҳамияти таҳлил қилинган. Хусусан мажбурий суғуртани жорий қилиш, мажбурий суғурта турларини рақамли технологиялар оммалашуви ва такомиллашуви асосида ривожлантириш қўриб чиқилган. Суғурта хизматларининг янги инновацион турларини жорий этиш ва анъанавий турларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Калит сўзлар: суғурта, мажбурий суғурта, электрон суғурта, тадбиркорлик, инновацион тадбиркорлик

Аннотация: В данной статье анализируется роль и значение страхования при обеспечении развития инновационного предпринимательства. В частности, рассматриваются вопросы внедрения обязательного страхования, развития типов обязательных страхований на основе становления массовым и усовершенствования цифровых технологий. Рассматривает внедрение новых инновационных видов страховых услуг и развития традиционных видов.

Ключевые слова: страхование, обязательное страхование, электронное страхование, предпринимательство, инновационное предпринимательство.

Abstract: This article analyzes the role and importance of insurance in ensuring the development of innovative entrepreneurship. In particular, the introduction of compulsory insurance, the development of compulsory insurance on the basis of the popularity and improvement of digital technologies were considered. It is planned to introduce new innovative types of insurance services and develop traditional types.

Keywords: insurance, compulsory insurance, e-insurance, entrepreneurship, innovative entrepreneurship

Жаҳон иқтисодиётида суғурта фаолияти пул маблағлари фондини яратиш усулларини ўзида мужассамлаштирган тизим бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот экспорти ҳамда импорти, ишлаб чиқариш интеграцияси кабилар билан узвий боғлиқликда амалга оширилувчи фаолиятларни рисклардан ҳимоялаш, шунингдек, ҳар бир субъектнинг ўз фаолияти доирасини кенгайтириш, инвестицияларни ишончли жойлаштириш ва кредит олиш имкониятларини оширишга хизмат қилади. Мамлакатимизда 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида 958,3 млрд.сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 76,5 фоизни ташкил этди[1]. Суғурта фаолияти жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар юз бериши оқибатида юзага келиши эҳтимолига эга зарарларини қоплашнинг зарур воситаси сифатида ривожланиб бормоқда.

Миллий суғурта бозори ривожланишининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматларини кўрсатиш кўлами кенгайиб, сифат кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Суғурта фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда ва мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Суғурта фаолиятини тартибга солишнинг амалдаги тизими суғурта бозорининг етарлича ишончлилигини ва барқарорлигини таъминламайди, тартибга солиш ва назорат қилишнинг самарали механизмлари мавжуд эмас.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросининг 3.2-бандига асосан суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш, миллий суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412 сонли Қарори «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»га мувофик янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни ривожлантириш орқали кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмларини, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқилди[2]. 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича стратегия ишлаб чиқилди.

Суғурта бозори инфратузилмасини сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқиш учун асосан ахборот технологияларини татбиқ этиш зарур. Суғурта соҳасида ахборот технологияларини ва бизнес жараёнларни

[1]https://regulation.gov.uz/ru/document/20040
[2] https://strategy.uz/files/static/63145/dasturijrosi.pdf

рақамлаштиришни фаол жорий этиш, тўлиқ ва сифатли электрон (масофавий) суғурта хизматларини кўрсатиш зарур.

2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “.....тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилади.....”,- дея эътироф этилди[1]. Шундан келиб чиқиб, бугунги пандемия даврида замонавий тадбиркорлик тизимида, айниқса унинг таваккалчилиги ва хатари янада юқори бўлган экологик, ижтимоий ва инновацион тадбиркорлик йўналишида мажбурий суғурта фаолияти жуда муҳим аҳамият касб қилмоқда.

Экологик, ижтимоий ва инновацион тадбиркорлик самарасини оширишда мажбурий суғурта ва унинг турлари бўйича ягона ахборот тизимини шакллантириш ва юритиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бундай ахборотлар тадбиркорни яъни, суғурталанувчининг ҳаёти, мол-мулки зарарларини ва тадбиркорнинг жавобгарлигини қоплашга қаратилган муҳим хаётий, молиявий чора-тадбирлардан ҳисобланади. Тадбиркорларга етказилган моливий зарарларни қоплаш учун ишлаб чиқиладиган мажбурий суғурта турларини рақамли технологиялар оммалашуви ва такомиллашуви асосида ривожлантириш алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Инновацион тадбиркорлик фаолиятида, аввалambор иқтисодий ва экологик хавф-хатарларни эътиборга олган ҳолда суғурталанувчиларнинг ҳаёти, соғлиги, мол-мулкига етказилган зарарларни қоплаш бўйича мажбурий суғурта турларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур.

Тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий – иқтисодий самарадорлигини оширишда экологик бошқарув тизимининг ўрни ва аҳамияти ошаётган бир даврда, экологик хавфсиз технологияларга асосланган инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ўзига хос аҳамият касб этади[2]. Тадбиркорлик фаолиятида, аввалambор иқтисодий-экологик ва унинг оқибатида ижтимоий-иқтисодий зарарларни эътиборга олиб мажбурий суғурта усулларини илмий асосланган тизимли ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш зарур.

Бугунги кунда ҳаётимизда инновацион тадбиркорлик ривожланиши билан бир қаторда, тадбиркорнинг ҳаёт ва соғлигига, мол-мулкига, фуқаролик жавобгарлигига етказиладиган молиявий зарарларни олдини олиш мақсадида мажбурий суғурта қилиш механизмини “e-polis” ягона ахборот тизими орқали тадбиркорлик субъектларига сотиш, электрон полис тадбиркорлик субъекти ва суғурта компанияси билан шартнома орқали расмийлаштирилган полис билан тенглаштирилган тизимни ишлаб чиқиш зарур.

[1] https://president.uz/uz/lists/view/4057

[2] Досчанов.Т., Досчанов.А., Атаев Ж.Э. Тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий – иқтисодий самарадорлигини оширишда экологик бошқарув тизимининг ўрни ва аҳамияти “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил

С.Р. Джульматова– и.о. доцента кафедры «Отраслевая экономика»
СамИЭС, к.э.н.

ИНВЕСТИЦИИ И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ

Аннотация: В статье рассматриваются инвестиции как важный фактор вложения в человеческий капитал. Инвестиции в образование, здравоохранение, профессиональную подготовку, мотивацию к образованию - во все элементы человеческого капитала, которые способствуют формированию конкурентоспособного трудового ресурса. Только грамотное и значительное вложение в человеческий капитал позволит выстроить эффективное развитие экономики.

Ключевые слова: человеческий капитал, факторы, влияющие на качество человеческого капитала, уровень жизни, .

Annotatsiya: maqolada investitsiyalar inson kapitaliga sarmoya kiritishda muhim omil sifatida ko'rib chiqiladi. Ta'lim, sog'liqni saqlash, kasb-hunar ta'limi, ta'lim motivatsiyasi - raqobatdosh ishchi kuchini shakllantirishga yordam beradigan inson kapitalining barcha elementlariga investitsiyalar. Faqatgina inson kapitaliga vakolatli va muhim sarmoyalargina samarali iqtisodiy rivojlanishni yaratishga imkon beradi.

Kalit so'zlar: inson kapitali, inson kapitali sifatiga ta'sir etuvchi omillar, turmush darajasi,

Abstract. The article examines investment as an important factor in investing in human capital. Investments in education, health care, vocational training, motivation for education - in all the elements of human capital that contribute to the formation of a competitive workforce. Only a competent and significant investment in human capital will make it possible to build effective economic development.

Key words: human capital, factors affecting the quality of human capital, standard of living,

Человеческий капитал формируется, прежде всего, за счет инвестиций в повышение уровня и качества жизни населения. В том числе - в воспитание, образование, здоровье, знания (науку), предпринимательскую способность и климат, в информационное обеспечение труда, в безопасность граждан и бизнеса и экономическую свободу, а также в культуру, искусство и другие составляющие.

Человеческий капитал как запас знаний, умений, навыков, опыта способен не только накапливаться в процессе инвестирования, но морально и материально изнашиваться.

Формирование конкурентоспособного человеческого капитала напрямую показывает и отражает отношения, которые возникают между субъектами формирования человеческого капитала и индивидом. С одной стороны, они возникают в целях становления, накопления и использования человеческого капитала, а с другой, для получения благ и максимизации общего количества благ, получаемых индивидом, и общего количества ресурсов, отдаваемых им, что способствует экономическому развитию как

предприятия, где он работает, так и экономики страны в целом.

Инвестиции в человеческий капитал означают любое действие, которое повышает квалификацию и способности, или, производительность труда работников. Подобно затратам предпринимателей на станки и оборудование, затраты, которые способствуют повышению чей-либо производительности, можно рассматривать как инвестиции, ибо текущие расходы (издержки), осуществляются с тем расчетом, что эти затраты будут многократно компенсированы возросшим потоком доходов в будущем. В целом каждый вид инвестиций нацелен не только на повышение производительности труда, но и на увеличение их заработной платы и доходов.

К затратам на производство человеческого капитала относятся:

- прямые затраты, в том числе плата за обучение и другие расходы на образование, смену места жительства и работы;

- упущенный заработок, являющийся элементом альтернативных издержек, поскольку получение образования, смена места жительства и работы связаны с потерей доходов;

- моральный ущерб, так как получение образования является трудным и часто неприятным занятием, поиск работы утомляет и истощает нервную систему, а миграция приводит к потере старых друзей и знакомых.

Расходы на образование – включая общее и специальное, формальное и неформальное образование, подготовку по месту работы и т.д. – являются наиболее очевидным и, вероятно, наиболее важным видом инвестиций в человеческий капитал. Образование формирует профессиональную рабочую силу, которая постепенно может стать более квалифицированной и производительной.

Выгоды от образования могут выступать в виде:

- более высоких заработков в будущем;

- более широкого доступа к интересной, приятной и перспективной работе;

- высокого престижа профессии или повышенного удовольствия от нерыночных видов деятельности в будущем.

Расходы на здравоохранение имеют также большое значение. Хорошее здоровье – следствие расходов на профилактику заболеваний, медицинское обслуживание, диетическое питание и улучшение жилищных условий – удлиняет срок жизни, повышает работоспособность и производительность труда работников. Наконец, расходы на мобильность, благодаря которым они мигрируют из мест с относительно низкой производительностью в места с одной стороны с высокой производительностью, а с другой - высокой заработной платой

Модель человеческого капитала рассматривает добровольную мобильность как инвестиции, при которых краткосрочные затраты осуществляются с целью получения долгосрочных выгод. Если текущая ценность (приведенная к текущему моменту времени) выгод, связанных с

мобильностью, превышает денежные и моральные издержки, то решение о смене работы или переезде рационально. Образование включает в себя все те знания, которые человек получает на протяжении своей жизни, то есть в рамках четвертой цели устойчивого развития тысячелетия. Реализация мероприятий по исполнению данной цели представляется формальной, неформальной формами образования, которые направлены на продвижение обучения на протяжении всей жизни.

Работоспособность человека в любой сфере экономики, на любой должности в значительной степени зависит от его здоровья. Элемент «здоровье» можно разделить на такие две составляющие как моральное здоровье и физическое здоровье. Физическое - это все то, что человек получает при рождении и приобретает потом, влияющее на его физиологию, а именно, наследственность, возраст, условия окружающей среды и условия труда. Моральное здоровье обеспечивается морально-психологическим климатом в семье и в коллективе.

Профессиональная подготовка включает в себя квалификацию, навыки и опыт работы. Мотивация может быть как к обучению, так и к экономической и трудовой деятельности.

Все элементы человеческого капитала связаны между собой, например, повышая свое образование, человек увеличивает и капитал, и здоровья, и процент своего дохода, и повышает общую культуру. Знания и навыки, которыми обладает работник и которые приобретены им благодаря образованию и профессиональной подготовке, включая сноровку, получаемую с опытом работы, составляют определенный запас капитала.

На сегодняшний день человеческий капитал является одним из важнейших факторов, формирующих стабильное развитие региона. Он подвергается к действию многих факторов, одним из которых является уровень жизни населения. Соответственно, чем выше уровень жизни нашего населения, тем больше пользы оно сможет принести своему обществу.

З.Ш.Хайдаров – СамИСИ, «Банк иши» кафедра в.б.доценти, и.ф.н.

БАНКЛАРАРО КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ БОЗОРИГА ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ БАНК ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация: ушбу илмий мақолада банклараро кредит ресурслар бозорига Марказий банкни пул-кредит сиёсатининг инструментларни таъсири ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ресурслар бозори, пул-кредит сиёсати, овернайт, дисконтли кредит, банк ресурслари, фоизли даромад, кредит бозори, пул бозори, капитал бозори, молия бозори.

Аннотация: В данной научной статье освещается влияние инструментов денежно-кредитной политики Центрального банка на рынок межбанковских кредитных ресурсов.

Ключевые слова: рынок ресурсов, денежно-кредитная политика, овернайт, дисконтированный кредит, банковские ресурсы, процентный доход, кредитный рынок, денежный рынок, рынок капитала, финансовый рынок.

Abstract: This scientific article highlights the impact of the Central Bank's monetary policy instruments on the market of interbank credit resources.

Key words: resource market, monetary policy, overnight, discounted credit, bank resources, interest income, credit market, money market, capital market, financial market.

Банкларараро бозорнинг ривожланиши вақтинчалик бўш турган пул маблағларини банклар ўртасида қайта тақсимланишига имконият туғдиради. Ундан банк ўзининг ликвидлигини таъминлаши учун турли хил муддатда маблағларни жалб этишлари мумкин, хусусан, бир кундан то бир неча ойгача бўлган муддатни ташкил этади. Бу маблағларни банкларараро кредит ресурслари бозоридан қай даражада жалб қилиши иқтисодий конъюнктурага, банк нуфузига ва банкларараро бозордаги бошқа тижорат банкларининг фаолияти билан боғлиқ. Банкларараро кредит ресурслари бозори мамлакатимизда ўз фаолиятини юритмоқда, унда банк ресурсларини сотиш ва сотиб олиш индикаторлари эълон қилинади ва қатнашиш ҳуқуқини олган банклар бўш турган банкнинг ресурсларини сотади, ўзининг мажбуриятларини бажариш учун етишмаган маблағларини бошқа банкларнинг маблағлари ҳисобидан жалб қилади. Банклар ресурсларни сотишлари натижасида ўзига фоизли даромад олади, банк ресурсларга зарурий эҳтиёжлар сезганда банк уларни сотиб олиши ҳам мумкин. Бу жараён банкларараро бозордаги энг арзон ва қулай усуллардан бири ҳисобланади. Бунда банк ўзининг ресурсларини мижозлар учун жойлаштирмасдан, балки бошқа банкларга ўзининг бўш турган ресурсларини жойлаштириш сиёсатини олиб боради. Бу сиёсат уларнинг хатарлилик даражасини камайтириш сиёсатининг юритилаётганлигини кўрсатади. Бунинг сабаби банклар томонидан бошқа банкларга берилган ресурсларнинг хатари мижозларга берилган кредитларнинг хатаридан пастроқ бўлиши шуҳбасиз.

Банкларараро бозорнинг ривожланиш омили Марказий банкнинг қайта молиялаш тизими билан ўзаро боғлиқ. Банкларда ликвидли активлар билан таъминлаш манбаи Марказий банкнинг мақсадли кредитлаш ресурслари билан шаклланишидадир. Марказий банк тижорат банкларининг ликвидлилигига қайта молиялаш сиёсати орқали таъсир кўрсатиши маълум. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кузатилаётганда кўпгина давлатлар Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини анча пасайтиришган ва улар арзон пуллар сиёсатини юритганлар. Масалан, бу шароитда АҚШ Федерал Захира Тизими томонидан ҳисоб ставкасини 5,25 фоиздан 1 фоизгача туширган.[1] Бундай чоралар мамлакатнинг молиявий инқироздан чиқиб кетишига ва банкларнинг ликвидлилигини таъминлашга ўз самара-

[1] https://cbu.uz/oz/ Марказий банк маълумотлари.

сини бермай қолмайди.

Банкларараро кредит ресурслари бозори – бу кредит ресурсларини олди-сотди қилиш мақсадида ташкил этилган махсус марказлардир. Банкларараро кредит ресурслари бозори ссуда капиталлари бозори ҳам деб аталади.

Банкларараро кредит ресурслари бозорида тижорат банкларининг биринчи қисми кредит ресурси сотувчи сифатида, иккинчи қисми эса, кредит рсеурсини сотиб олувчи сифатида иштирок этади.

Банкларараро кредит ресурслари бозори икки сегментдан иборат:

пул бозори;

капитал бозори.

Пул бозорида қисқа муддатли, яъни муддати 12 ойгача бўлган депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалари шаклланади.

Капитал бозорида ўрта ва узоқ муддатли депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалари шаклланади.

Банклар ресурсларини бошқа банклардан ссуда олиш, яъни банкларараро кредит ҳисобига ҳам кенгайтириш мумкин. Ортиқча кредит ресурсларини сотиш билан молиявий барқарор тижорат банклари шуғулланади. Бу ресурслар даромад келтириши учун банклар бу ресурсларни бошқа банкларга жойлаштиришга ҳаракат қиладилар. Банклар ресурсларини жойлаштириб, даромад олишдан ташқари, банк-кредитор учун банкнинг бошқа фаолиятлари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларига эга бўлади. Банклар учун ўз кредит ресурсларини хўжаликларга жойлаштиришдан кўра, банкларга жойлаштирган фойдалироқдир. Айниқса, ҳозирги шароитда кредитнинг қайтиши учун кафолат хўжалик корхоналаридан кўра банкларда каттароқдир. Банкларараро кредитнинг муддатлари ҳар хил. Ривожланган давлатлар тижорат банклари амалиётида бир, уч, олти ой муддатли банкларараро кредит бериш кўпрок ишлатилади. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, 1 кундан тортиб бир неча йил муддатга бериладиган банкларараро кредит бериш ҳам ривожланмокда.

Ҳозирги пайтда МДҲ давлатларида 3 ойдан 6 ой муддатгача банкларараро кредитдан фойдаланиш банклар фаолиятида кенг тарқалган.[1] Банкларараро кредитнинг фоиз ставкаси, одатда, хўжаликларга бериладиган кредитлар фоиз ставкасидан паст бўлади ва Марказий банк томонидан бу ставкалар назорат қилинади. Ресурсларни жалб қилиш нуқтаи назаридан эса банк учун банкларараро кредит бошқа депозитларни жалб қилишдан кўра қимматроққа тушади. Банклар ресурсларини банкларараро кредитлар ҳисобига шакллантиришдан мақсади шуки, банклар ўз мижозларини кредитга бўлган ехтиёжини қондиришдир ва кредит қўйилмаларини янада кенгайтириб фойда олишдир.

Банкларараро бозор молия бозорининг сегментларидан бири ҳисобланиб, банк инвестицияларини реал иқтисодиётга банк тизимида

[1] https://cbu.uz/oz/ Марказий банк маълумотлари.

жамланган маблағларни тез ва самарали қайта тақсимлаш орқали жойлаштиришни таъминлайди.

Яхши ишлайдиган банкларaро бозор нафақат банклар фаолиятини енгиллаштиради, балки бозор номутаносибликларининг вужудга келишини камайтиради. Ҳар қандай банк тизимига ликвидликнинг тебраниши хос. Лекин яхши фаолият юритаётган банкларaро бозор ликвидли маблағларнинг назарда тутилмаган истеъмоли натижасида вужудга келган нобарқарорликни кмайтиради ва кутилмаган ҳолатларга нисбатан банк сектори барқарорлигини таъминлайди.

Бозорни банкларaро кредитлар ўртача фоизлари ставкалари бўйича маълумотлар билан таъминлашнинг йўлларидан бири банкларaро бозорлар пул маблағлари миллий кўрсаткичларини қабул қлиниши ҳисобланади. Банкларaро пул бозори кўрсаткичлари халқаро банк амалиётида кенг қўлланилади. Уларнинг ичида энг таниқлиси Буюк Британия банклари уюшмалари томонидан эълон қилинадиган ЛИБОР фоиз ставкасидир. Ушбу ставкалар бўйича банклар бошқа банклардан пул маблағларини қарзга оладилар. Шундай ставкалар Франкфурт молия бозорлари иштирокчилари (ФИБОР), Токио (ТИБОР), Гонконг (ХИБОР) ва бошқаларда ҳам мавжуд. Бундан ташқари шунга ўхшаш ставкалардан Россия ва Қозоғистон молия бозорларида ҳам фойдаланилади.

Молиявий кўрсаткичлардан фойдаланишнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

банкларaро кредитлар ўртача статистик фоиз ставкаларини аниқлаш бўйича маркетинг тадққиқотлари ўзига хос умумлаштирувчи натижалар ҳисобланади;

пул маблағларини жойлаштиришнинг узоқ муддатлари бўйича фиксинг тавсия этилади;

халқаро андозадаги кўрсаткич ҳисобланади;

банкларaро пул бозорида кенг тарқалган;

уларни ҳисоблаш механизми очиқ ва ҳамма учун тушунарли;

ҳисоблар тизмига кирувчи банклар юқори кредит рейтингига эга.

Ўзбекистонда пул маблағлари банкларaро бозорида ўртача статистик фоиз ставкаларини ўрнатиш тажрибаси мавжуд эмас. Бундан ташқари, банкларнинг қарз берувчи банклар ҳақида керакли ва ишончли маълумотларга эга бўлишлари зарурияти мавжуд бўлиб, банкларaро шартномалар хулосалари бўйича меъёрларни унификация (бир хил) қилиш йўлга қўйилмаган.

Таклиф қилинаётган кўрсаткичлар Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси (Уюшмаси) томнилан ҳисоблаб чиқилиши мумкин ва улар келажакда қисқа муддатли кредитлар фоиз ставкалари кўрсаткичлари (индекслари) вазифасини ўтайди. Ҳисобланган кўрсаткичлар тижорат банкларига бепул тақдим этилади. Индекс ҳисоблари базасига (маркет-мейкерлар) кирувчи банклар, Ассоциация (Уюшма)ни марказий банклар билан келишилган ҳолда уларни банкларaро бозорда мавқеи ва фаоллик

даражаси асосида танланади. Ушбу банклар Марказий банк меъёрларига риоя қилишлари ва бозор балансини тузишлари лозим. Банклар ҳар бир иш кунида Ассоциацияга (Уюшмага) ўзларининг котировкасини тақдим этадилар ва Ассоциация (Уюшма) банкларни фиксингини миллий валюта сўм бўйича чоп этади. Бунда банкларни эълон қилинган ставкалар бўйича пул маблағларини сотишлари ёки сотиб олишлари шарт эмас.

Марказий банк доимий равишда тўғридан-тўғри ссуда фоиз нормасини маъмурий бошқарувидан унинг даражасини қайта молиялаш-тириш фоиз ставкасини ўзгартириш ва мажбурий резервлар нормасини маневрлаш орқали тартибга солишнинг иқтисодий усулларига ўтаяпти.

Миллий ссуда капиталлари бозори фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш Марказий банк томонидан РЕПО аукционлари орқали фоиз ставкаларининг ўзгаришини назорат қилиш заруриятини юзага келтиради. Бунда, Марказий банк миллий ссуда капиталлари бозорининг доимий ва тўлақонли аъзоси сифатида ўзининг кредит ресурсларини, бозордаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тўғри РЕПО ва тескари РЕПО шартлари бўйича жойлаштириши лозим.

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий заҳира талабномаларининг базавий ставкасини инфляциянинг жорий даражасига монандлилигини таъминлаш тижорат банкларининг ресурс базаси ҳажмини ва ликвидлик даражасини ошириш имконини беради.

Марказий банк ўзининг қайта молиялаш сиёсати орқали ҳам банклараро кредит ресурслари бозоридаги фоиз ставкаларининг даражаларига таъсир эта олади. Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати Марказий банк томонидан тижорат банкларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи бўлиб, ушбу сиёсат қуйидаги уч хил кредитлаш усулидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади:

1. Тижорат банкларини Марказий банк томонидан, уларнинг балансидаги тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан, кредитлаш усули.

Мазкур усулда берилган кредитлар ҳисоб ёки дисконт кредитлари ҳисобланади, уларнинг фоиз ставкаси эса, ҳисоб ёки дисконт ставкаси дейилади.

Марказий банк ҳар бир молиявий йил учун олдиндан тратталарни, яъни узатма тижорат векселларини ўзида қайта ҳисобга олиш контингентини белгилайди. Қайта ҳисобга олиш контингенти ҳажмини белгилашда пул массасининг ўсиш суръати, инфляция даражаси каби муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Тратталарни қайта ҳисобга олиш контингентини мамлакатдаги тижорат банклари сонига бўлиш йўли билан ҳар бир банк учун белгиланадиган қайта ҳисобга олиш лимити суммаси аниқланади. Бу эса, лимитни аниқлашнинг адолатли усули ҳисобланади. Чунки, ушбу усулда барча тижорат банкларига, уларнинг катта ёки кичиклигидан қатъий назар, бир хил лимит белгиланади. Аммо ушбу усулнинг камчилиги шундаки,

бунда тижорат банклари активлари миқдори ўртасидаги фарқ натижасида юзага келадиган ликвидли маблағларга бўлган талаб ўртасидаги фарқ ҳисобга олинмайди.

2. Тижорат банкларини Марказий банк томонидан, уларнинг балансидаги қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш усули.

Ушбу усулда берилган кредитлар ломбард кредитлари бўлиб, уларнинг фоиз ставкаси эса, ломбард ставкалари дейилади.

3. Тижорат банкларини Марказий банк томонидан тўғридан –тўғри кредитлаш усули.

Мазкур усулда берилган кредитлар овердрафт, овернайт, кунлик ва муддатли кредитлар шаклида бўлади.

Марказий банкнинг овердрафт кредитлари тижорат банкларининг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисоб рақамида юзага келган пул маблағлари етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш мақсадида берилади.

Овернайт кредитлари бир суткага бериладиган кредитлар бўлиб, улар тижорат банкларида фавқулодда юзага келадиган жуда қисқа муддатли ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш мақсадида берилади.

Кунлик кредитлар бир операцион кун давомида берилади.

Дунёнинг бир қатор мамлакатларида (Швеция, Россия ва бошқ.) кунлик кредитлар Марказий банклар томонидан қимматли қоғозларни гаровга олган ҳолда фоизсиз берилади ва улар миллий тўлов тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида берилади[1].

Республикамизда банкларараро кредитлар бозорининг ривожланмаган-лиги Марказий банк қайта молиялаш сиёсатининг таъсирчанлиги, самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, банкларараро кредитлар бозоридаги депозитлар ва кредитларнинг бозор баҳоси аниқланади ва кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифнинг амалдаги ҳолатини баҳолаш ва прогнозлаш имкони юзага келади; иккинчидан, талаб ва таклиф асосида шаклланган фоиз ставкасигина ссуда капиталлари ҳаракатини тартибга солишнинг бозор регулятори ҳисобланади.

Банкларараро кредитлар бозори ривожланмаган шароитда Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган кредитларнинг миқдорини ошириш йўли билан миллий валютадаги пулларга бўлган талабга ва улар таклифига таъсир этишнинг аҳамияти ошади. Лекин бунинг учун, биринчидан, тижорат банклари Марказий банк кредитларини қисқа вақт ичида, тезкор тарзда олиш имконига эга бўлишлари лозим; иккинчидан, Марказий банк қайта молиялаш инструментларининг (ломбардли кредитлар, овернайт, муддатли кредитлар, дисконтли кредитлар, овердрафт) деярли барчасига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, Марказий банкнинг қайта молиялаш кредитлари ҳажмини ошириш

[1] Моисеев С.Р. Денено-кредитная политика: теория и парктика. Учебное пособие. – М.: Московская финансово-промышленная академия, 2011. - С. 723.

имконияти чегараланиб қолади. Масалан, ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг дисконтли кредитлари мавжуд эмас, ломбардли кредитлари миқдори кичик. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг дисконтли ва ломбардли кредитларга бўлган талабларини қондирилмай қолишига сабаб бўлади.

Марказий банк молия бозоридаги операциялари орқали фоиз ставкасининг шаклланишига жадал таъсир кўрсатди. Хусусан, Марказий банкнинг фоиз ставкаларига таъсири банк тизимининг жорий ликвидлилигини тартибга солиш операцияларини амалга ошириш жараёнида намоён бўлди. Марказий банк ликвидликни таъминлаш операцияларини тижорат банклари билан битим(лар)да белгиланган фоиз ставкасида амалга оширди. Бу ҳолат, ўз навбатида, банк тизимидаги ресурслар қиймати ҳамда банкларнинг молиявий активлари билан операцияларига таъсир кўрсатади ва тизимида фоиз ставкалари тебранишлари интервалини юзага келтиради. Бу жараёнда Марказий банк аниқ тамойиллар ва муносабатларга таяниб, операциялар бўйича фоиз ставкаларини тартибга солади. Бу саъйи-ҳаракатлар тактик жиҳатдан пул-кредит сиёсатини асосий йўналишларда ҳамда банк тизими жорий ликвидлилигини тартибга солиш жараёнларида ўз аксини топади. Мазкур йўналишдаги иқтисодий жараёнлар динамикасини ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қатъий пул-кредит сиёсати 2017 йилнинг октябрь-декабрь ойларида монетар омилларнинг инфляцияга таъсирини минимал даражага пасайтириб, айнан, шу давр учун дастлаб прогноз қилинган кўрсаткичларга эришилишида қулай шароитни яратиб берди. Миллий валютадаги активларнинг даромадлилигини сақлаб қолиш, реал фоиз ставкалари ижобийлигини таъминлаш ва иқтисодиётда пул таклифи суръатлари ўсишини олдини олиш мақсадида Марказий банк қайта молиялаш ставкаси 14 фоиз қилиб белгиланди[1].

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати биринчидан, валюта инструментлари бўйича даромадлиликни (тебраниш даражаси ва коридорини) ошириш, валюта операцияларининг пул бозорларидаги даромадлиги даражасининг ўрта муддатлардаги истиқболини аниқ белгилаш, худди шундай қисқа муддат оралиғида, шу жумладан, валюта курси ўзгаришлари рискини баҳолаш, уни камайтиришга имкон беради, иккинчидан, миллий валютанинг қийматини фоиз ставкаси орқали тартибга солишга эришилади.

Марказий банк пул-кредит сиёсати орқали макродаражада энг муҳим ҳисобланган ҳамда ўзаро боғлиқ ва таъсирга эга бўлган қуйидаги:

жамиятда жамғариш даражаси ва жамғаришга мойиллик;

иқтисодиётга киритиладиган инвестициялар;

инфляция даражаси;

молиявий активларга бўлган талаб ва таклиф;

[1] https://cbu.uz/oz/ Марказий банк маълумотлари.

капитал ҳаракати каби кўрсаткичларни мувофиқлаштиради.

Бу эса, ўз навбатида мамлакатдаги молиявий муносабатларнинг жадал суръатларда ривожланиши ва самарадорлиги ортишига замин яратади.

Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати концепцияси негизида фоиз ставканинг оптимал бўлиши мамлакатдаги пул-кредит тизимининг барқарорлигини таъминлайди. Айнан ушбу мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши Марказий банк фоиз инструментлари самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши пировардида пул-кредит операциялари бўйича "фоиз оралиғи" шакллантирилишига замин яратади.

Хулоса, Ўзбекистонда пул маблағлари банкларараро бозорида ўртача статистик фоиз ставкаларини ўрнатиш тажрибаси мавжуд эмас ва банкларараро шартномалар хулосалари бўйича меъёрларни унификация (бир хил) қилиш йўлга қўйилмаган.

Республикамизда банкларараро кредитлар бозорининг ривожланмаганлиги Марказий банк қайта молиялаш сиёсатининг таъсирчанлиги, самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг дисконтли кредитлари мавжуд эмас, ломбардли кредитлари миқдори кичик. Бу эса, тижорат банкларининг дисконтли ва ломбардли кредитларга бўлган талабларини қондирилмай қолишига сабаб бўлади.

Б.Ш.Хусанов – СамИСИ "Молия" кафедраси доценти, и.ф.н.
Ш.Усмонова – СамИСИ, МДМ-119 гуруҳ магистранти

ИНВЕСТИЦИЯ МУХИТИНИ ЯРАТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада республикамизда шакллантирилган инвестиция муҳити, уни мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлашдаги афзалликлари ёритиб ўтилган.Шунингдек, мақолада инвестицияларни жалб этилишини Самарқанд вилоят холати ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: инвестицион мухити, инвестиция, тўғридан-тўғри инвестициялар, хорижий капитал, инвестор.

Аннотация. В статье рассматривается инвестиционный климат его преимущества в обеспечении экономического развития страны, а также анализируется ситуация в Самаркандской области с точки зрения привлечения инвестиций.

Ключевые слова: инвестиционный климат, инвестиции, прямые инвестиции, иностранный капитал, инвестор.

Abstract: The article examines the investment climate, its advantages in ensuring the economic development of the country, and also analyzes the situation in the Samarkand region in terms of attracting investment.

Keywords: investment climate, investments, direct investments, foreign capital, investor.

Мамлакат иқтисодиётнинг ривожланиши ва барқарорлигида инвестицияларнинг беқиёс ўрин тутишини ўз вақтида тўғри англаб етганлигининг натижасида инвестицияларга, хусусан, чет эл инвестицияларига бўлган эътиборнинг кучайиши юз бердики, бу эса бугунги кунга келиб мамлакатимизнинг инвестиция фаолиятининг ривожлантиришига олиб келди. Ривожланаётган инвестиция фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳукуматимиз томонидан юритаётган оқилона инвестиция сиёсатининг маҳсули эканлигини таъкидлаш лозим.

Ҳозирги тараққиёт босқичларида инвестицияларсиз мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга эришиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестицияларни киритишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш.....” [1] ҳамда “иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш.....” ва шу орқали барқарор ривожланишига эришиш муҳим устувор вазифа бўлиб ҳисобланади. Инвестициялар орқали иқтисодий ўсишга эришиш ўрганилаётган мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Айтиш жоизки инвестициялар ва инвестицион муҳитнинг илмий-назарий, муаммолари кўпчилик иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Улар ўз илмий ишларида капитал ва инвестицияларнинг айнан фоиз кўринишида катта даромад келтирувчи асосий омиллардан эканлиги ҳақидаги концепцияларни илгари сурган. Ушбу инвестиция бозорларининг ривожланишига ҳамда унинг янги сифат босқичига ўтишига муҳим аҳамият касб этиши билан бирга инвестиция ва капитал назариясини янада ривож топишига олиб келди[2].

Тараққий этган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки инвестициялар мамлакатларнинг юксак даражада тараққий этишига, мамлакат иқтисодиётдаги локал тармоқларнинг жадал суръатларда тараққий этишига олиб келади.

Бу эса бир вақтнинг ўзида инвестиция бозорларининг капиталлашуви даражасининг йилдан – йилга ўсиб боришига имкон яратади. Бу мамлакатлар фонд бозорларидаги активларни баҳолашнинг оптимал усулидан фойдаланиш зарурлигини эътироф этади. Инвестиция муҳити давлат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли, инвестицияларга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилишда, инвестицияларни жамлаш ва уларни иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган соҳаларига оқилона тақсимлаш орқали максимал даражада фойда олишда намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, инвестиция муҳити масаласи чуқур таҳлилларга асосланади. Чунки, айнан инвестиция муҳити иқтисодиётда бизнес самара-

[1] Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2017 йил. – 8б.; 2-23 б; 3-33 б.

[2] Всемирная история экономической мысли. Т.4: Теория социализма и капитализма в ежвоенный период / под ред. В.В. Орешкина. 1990. – С. 447-448.

дорлигига эришиш имкониятини яратади.

Бизнинг фикримизча, инвестициялар:


- ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиш орқали корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий техника базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради;

– кичик бизнесни хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни жадаллаштиш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

–давлат бюджетига солиқ тушумининг келиб тушишини кўпайтиради.

Аммо ҳозирги кунга қадар инвестициядан самарали фойдаланиш муаммолигича қолмоқда. Бу эса,ўз навбатида иқтисодий тараққиётга эришишимизга кенг йўл очиб беришга тўсқинлик қилмоқда. Маълумки, ривожланган давлатларнинг мазкур йўналишдаги илғор тажрибаларидан мамлакатимиз иқтисодиётида фойдаланиш инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларни бартараф этишга замин яратади. Айтиш жоизки ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инвестициялар ЯИМнинг ўсишида энг асосий муҳим молиявий манба ва таъсир этувчи омил ҳисобланади.

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Марказий Осиё давлатларида ЯИМга нисбатан таққослаганда Қозоғистонда 2006 йилда мазкур кўрсаткич 34,0 % ни ташкил этиб, қолган давлатларга нисбатан юқори бўлган. Қозоғистон ва Қирғизистонда ушбу кўрсаткичнинг салмоғи 2012-2017 йиллар давомида ўртача 29 % атрофида сақланиб қолган.




1-расм.Марказий Осиё мамлакатларида жами инвестицияларнинг ЯИМ га нисбатан улуши, фоизда[1]

[1] Жадвал. Жаҳон банки маълумотларига асосан муаллиф томонидан тузилган.

Тожикистонда ушбу кўрсаткич янада кам бўлиб, 2017 йилга қадар пасайиш тенденциясига эга бўлган, яъни 15,0%ни ташкил этган. Ўзбекистонда эса, музкур кўрсаткич 2006-2017 йиллар давомида барқарор қолиб ўртача 25%ни ташкил этган. Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестициялар 15338,7 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан қарийиб 4 баробарга ўсган, яъни 60719,2 млрд сўмни ташкил этган. Кейинги 2018-2020 йиллар давомида бу кўрсаткичлар янада кўпайди.

Мамлакатимизда инвестиция жараёнларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2017-2020 йилларда инвестиция ҳажми сезиларли даражада ортди. Ўтган йиллар давомида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ва таркибида аҳамиятли ўзгаришлар рўй берди. Бунинг яққол намунасини Самарқанд вилояти мисолида кўришимиз мумкин (2-расмга каралсин).




2-расм. Самарқанд вилоятида амалга оширилган инвестиция лойиҳалар.

Бу лойиҳалар ҳисобидан 2021 йилда 28172 янги иш ўринлари яратилиши режалажтирилмоқда. Бу эса аҳоли турмуш даражасини ошириш фаровон ҳаёт қуришга замин яратмоқда.

Кейинги манба бўлмиш чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобига катта инвестициялар жалб этилган. Албатта бундай ўсиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берганлиги билан тавсифланади.

Таҳлилий маълумотларга кўра, мамлакатимизда хорижий инвесторларга қилинган улкан муваффақиятли имкониятлар очилиши



3-Расм. Самарқанд вилоятига киритилаётган инвестициялар.[1]

ҳамда меъёрий хуқуқий базанинг такомиллашуви 2020 йилда 2010 йилга нисбатан хорижий инвестицияларнинг қарийиб 3 баробарга ошишига олиб келди. Таъкидлаш жоизки, мамлакат иқтисодий тараққиётига юқори хорижий капиталга асосланган тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг киритилиши ва улар улушининг юқорилиги албатта ижобий жиҳатлардан ҳисобланади. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларнинг хориж капитали ва кредитларидаги улуши 2020 йилга келиб 105 %га ошиши мамлакатимизда инвестицион муҳитнинг тобора яхшиланишидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаркатлар стратегияси Дастурига мувофиқ, амалга оширилаётган ислоҳотлар, инновацион бозор иқтисодиётини шакллантириш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ҳамда инвестицияларнинг тараққиётга хизмат қилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида чет эл юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин кириб келиши ҳамда уларнинг самарали фаолияти учун кенг имкониятлар очилди. Шундай экан, уларнинг янада самарали фаолиятини таъминловчи хуқуқий база таъминотини такомиллаштириш ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш керак. Бу бизга ички бозорлардаги инвестиция муҳитини яратиш, бандликни таъминлашга хизмат қилади;

- инвестицион мухитни шакллантириш ташқи бозорларга чиқиш имкониятини кучайтириш. Бундай фаолиятни самарали йўлга қўйиш учун

[1] Самарқанд вилояти Инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси маълумотлари асосида

уларни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш: солиқ, турли йиғимлар, бож тўловларидан озод этиш лозим бўлади.

- инвестицияларни реал ишлаб чиқариш соҳасига хомашюни қайта ишловчи тармоқларга жалб этиш. Инфлация даражасини инвестицион лойиҳалар қиймат ўсишига таъсирини камайтириш,хорижий инвестиция ҳажмини янада кўпайтириш.

Улашев Х.А. – СамИСИ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н.,
Усманов Ф. – СамИСИ, Ик 219 гуруҳ талабаси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудлар рижланишининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб уларни янада ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар билдирилган**.**

Калит сўзлар: эркин иқтисодий ҳудуд, инвестиция, хорижий инвестиция, инвестицион муҳит, инвестицион муҳит жозибодорлиги, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилма.

Аннотация: В статье проанализировано современное состояние развития свободных экономических зон в Узбекистане и даны научно обоснованные предложения по их дальнейшему развитию.

Ключевые слова: свободная экономическая зона, инвестиции, иностранные инвестиции, инвестиционный климат, привлекательность инвестиционного климата, инженерно-коммуникационная инфраструктура, социальная инфраструктура.

Abstract: The article analyzes the current state of development of free economic zones in Uzbekistan and makes scientifically based proposals for their further development.

Keywords: free economic zone, investment, foreign investment, investment climate, attractiveness of investment climate, engineering and communication infrastructure, social infrastructure

Мамлакат иқтисодиёти учун эркин иқтисодий ҳудудларнинг асосий моҳияти - минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ички ва ташқи капитални, истиқболли технологиялар ва бошқарувга оид тажрибаларни жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва махсус ажратилган ҳудудларни англатади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳон хўжалигининг муҳим бўғинига сифатида, мамлакатда хорижий инвеститсияларни жалб қилишда кўплаб мамлакатларда ўзинининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. ЭИҲлар турли давлатларда турли кўринишларда мавжуд бўлиб, уларни асосан бир

хусусият, яъни мана шу ҳудудларда жорий қилинган имтиёзли шароит бирлаштириб туради.

Ҳозирги вақтда 140 мамлакатларда 4500 ЭИҲ фаолият кўрсатмоқда ва уларда 70 млн ортиқ киши ишламоқда. Ҳозирги кунда эркин иқтисодий ҳудудларга жаҳон товар айланмасининг 20- 25 % тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 26-октябрьда имзоланган "Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги фармони эркин иқтисодий ҳудудларни изчил ривожлантириш ва хорижий инвеститцияларни жалб этишни кенгайтириш борасида яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудлар илк бор 2008 йили Навои вилоятида барпо этилган бўлиб, ҳозирги кунда республикамизнинг 13 та ҳудудида 22 та ЭИҲ фаолият кўрсатмоқда уларнинг 11 таси саноат, 8 таси фармацевтика, 2таси агросаноат ва 1 таси туризм ҳудудларидир. Жами 2010 йилдан буён ЭИҲда 356 та қиймати 2030,5 млн АҚШ долларлик инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Жами инвестицияларнинг 751,5 млн. АҚШ дол. хорижий инвестицияларга тўғри келади ва уларни жорий қилиш натижасида 27034 та янги иш ўринлари яратилди.

2020 йилда эркин иқтисодий ҳудудларда 4946.5 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ушбу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 1929.1 млрд сўмга ёки 64 %га кўп. Аммо, ЭИҲларда ишлаб чиқарилётган саноат маҳсулотларининг ташқи савдо айланмасидаги улуши 0.01 %ни ташкил қиляпти.(Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилда ташқи савдо айланмаси 41751 млн АҚШ долларини ташкил қилган).

Шунинг учун Республикамиз олдида турган долзарб вазифалардан бири ЭИҲнинг сонини кўпайтириш ва шу орқали уларда ишлаб чиқарилётган саноат маҳсулотларининг ҳажмини кўпайтириш бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Шунингдек, 84 та туман ва шаҳарда саноат салоҳиятини янада ошириш учун 100 та технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва логистика марказлари ташкил этилади.

Келгуси йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш учун 1,6 триллион сўм йўналтирилади" деб таъкидлаб ўтилди. Демак, республикамизда келажакда ҳам ЭИҲ ларни кенгайтиришга катта эътибор берилади.

Ҳозирги кунда хорижий инвесторларни ЭИҲ инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга бир қатор имтиёзлар берилган. Яъни, инвесторлар қўйилган капиталнинг ҳажмига қараб қуйидаги муддатларга бир қатор солиқлардан озод қилинади:

- 300 минг АҚШ доллари. – $3 млн. АҚШ доллари – 3 йилга солиқлардан озод қилинади;

- 3 млн. АҚШ доллари. – $5 млн. АҚШ доллари – 5 йилга солиқлардан озод қилинади
- 5 млн. АҚШ доллари – $10 млн. АҚШ доллари – 7 йилга солиқлардан озод қилинади
- 10 млн. АҚШ доллари ва ундан юқори– 10 йилга солиқлардан озод қилинади ва кейинги 5 йил солиқларнинг 50 %ни тўлайди.
- хусусий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун импорт қилинётган материал ва дастгоҳлар учун божхона божи тўловларидан озод қилинади;
- муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмалар марказлашган инвестициялар ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги тизимига интеграция-лашуви шароитида мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш сиёсатини амалга ошириш ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариб, хорижга экспорт қилиш ва импорт ўрнини босувчи юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни жорий қилишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўрни беқиёс.

Шунингдек, мамлакатимизда “очиқ эшиклар сиёсатини” амалга ошириш ҳамда хорижий сармоядорларни жалб қилиш борасида ривожланган давлатларнинг жумладан Хитой, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатларнинг ташқи савдо-сотиқ сиёсати тажрибаларидан унумли фойдаланиш миллий иқтисодиётимизнинг тараққиётига ижобий самара беради. Шунга кўра, миллий иқтисодиётни шакллантиришда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш орқали мамлакатнинг ташқи савдо-сотиқ жараёнини ва экспорт салоҳиятини юксалтириш масаласи, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишни, айниқса, жаҳон иқтисодиёти амалиётида тўпланган тажрибалар ва халқаро қонун-қоидалар асосида мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш борасида ва уларни тартибга солиш усулларини янада такомиллаштириш зарурлигини талаб этади.

Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестиция оқимини кўпай-тириш учун бизнинг фикримизча қуйидагарни эътибор қаратилиши лозим:

- ЭИҲларга инвестиция оқимини кўпайтириш ва махаллий инвестирларни фаоллаштириш ва инвестицион муҳити жозибодолигини ошириш учун ЭИҲ киритилётган минимал инвестиция ҳажмини 300 минг АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларига камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади;
- Республиканинг иқтисодий ривожланган ҳудидларида жойлашган ЭИҲ нисбатан иқтисодий ривожланган ҳудидларидан узоқда жойлашган ЭИҲ имтиёзларни кўпайтириш;
- ЭИҲ ларда ижтимоий инфра тузилмаларни ривожлантириш. Ҳозирги

кунда хорижий инвестицияларнинг оқимига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблардан бири - ижтимоий инфратузилмаларнинг мавжуд эмаслигидир;

- Давлат –хусусий шерикчилиги асосида ЭИҲ ларни ташкил этиш. Масалан АҚШда хусусий ЭИҲ сони- 394, давлатга қарашли- 156 та, Осиё-Тинчокеан ҳудудида мос ҳолда 556-435 та, Европа мамлакатларида 374-69 тани ташкил этади.

Бизнинг фикримизча ушбу таклифлардан ЭИҲни ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш ижобий натижалар беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сонли фармони 26.10.16.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. "Халқ сўзи" газетаси, 2020 йил 30 декабрь.
3.Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари.

М.Ж. Бауетдинов – ТДИУ ўқитувчиси, PhD,
Ш.К.Нурбоев – СамИСИ магистранти

МОЛИЯ СЕКТОРИ ОРҚАЛИ КОРХОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада мамлакат иқтисодиёти реал сектори корхоналарининг инвестицион харажатларини молиялаштиришда молия секторининг ролини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: корхона, инвестиция, инвестицион харажат, узоқ муддатли кредит, қимматли қоғоз, жорий актив, жорий пассив, солиқ, фоиз ставкаси, кредит.

Аннотация: В статье выявлены проблемы, связанных с повышением роли финансового сектора в финансировании инвестиционных расходов предприятий реального сектора экономики страны и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: предприятия, инвестиция, инвестиционный расход, долгосрочный кредит, ценная бумага, текущий актив, текущий пассив, налог, процентная ставка, кредит.

Abstract: The article identifies problems related to enhancing the role of the financial sector in financing investment expenditures of enterprises in the real sector of the country`s economy and develops scientific preliminaries aimed at solving these problems.

Key words: enterprises, investment, investment expense, long-term loan, security paper, current asset, current passive, tax, percentage rate, credit

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш уларнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг барқарор тизимини шакллантириш заруриятини юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида, корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришда молия секторининг ролини оширишни тақозо этади.

Айни вақтда, республикамизда корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасининг паст эканлиги, уларнинг қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан узоқ муддатли ресурслар жалб қилиш амалиётининг такомиллашмаганлиги молия секторининг корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришдаги ролини ошириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради. Тараққий этган мамлакатларда банк тизимининг ривожланганлиги иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиялаштириш манбаларига бўлган талабларини қондириш имконини беради. Хусусан, банк тизимининг ривожланганлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитларга, шу жумладан инвестицион кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

АҚШлик таниқфли иқтисодчи олим Ж.Синкининг хулосасига кўра, компанияарнинг харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари етарли даражада молиявий имкониятларга эга, аммо, компанияларнинг ўзи бунинг учун етарли даражада ликвидлиликка ва ижобий репутацияга эга бўлишлари лозим .

Одатда, тижорат банкларининг кредитлари бўйича тўловлар аннуитет шаклида, яъни кредитдан фойдаланиш даврида тенг қисмларда тўланади. Биз, аннуитет шаклида амалга ошириладиган тўловлар шароитида, моделга фоиз ставкасини қўшамиз:

$$\mathbf{R_t = \frac{1}{n} I_{t-1} + \frac{1}{N} I_{t-2} + \ ... + \frac{1}{n} I_{t-n} = \frac{1}{n} \sum^{n} I_{t-n}}$$

Бу ерда:

R – кредит бўйича тўлов;


I – инвестициялар;

n – кредитнинг муддати;

r – кредитнинг фоиз ставкаси.

Фоиз ставкаси кредитнинг баҳоси сифатида капиталнинг ўсиш суръатлари динамикасига бевосита таъсир кўрсатади. Шунингдек, кредитлар, муддатига кўра, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг ривожланиш даражасига ва умуман макроиқтисодий ўсиш суръатларига турлича таъсир кўрсатади.

Корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришда молия секторининг роли, биринчи навбатда, ушбу харажатларни давлат бюджети маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан молиялаштиришда ҳамда корхоналар томонидан қимматли қоғозлар бозори орқали ресурслар жалб қилишда намоён бўлади.



1-расм. Ўзбекистон иқтисодиёти реал сектори корхоналарининг инвестицион харажатларини молиялаштириш манбалари ҳажмида молия секторининг улуши, фоизда [4]

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2015-2020 йилларда давлат бюджети маблағларининг реал сектор корхоналарининг инвестицион харажатларини молиялаштириш манбаларининг ҳажмидаги салмоғининг пасайиши кузатилган. Бу эса, мазкур даврда корхоналарнинг ўз маблағлари ва тижорат банклари кредитларининг инвестицион харажатларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг ошганлиги билан изоҳланади.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2020 йилда давлат бюджети маблағларининг корхоналар инвестицион харажатларини молиялаштириш манбалари ҳажмидаги салмоғи 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, давлатнинг мамлакат иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги иштирокининг фаоллашганлиги билан изоҳланади.

1-жадвал

“Бекабадцемент” ОАЖ инвестицион харажатларини молиялаштириш манбалари, фоизда [1]

	Йиллар				
	2015	2016	2017	2018	2020
Ўз маблағлари	67,7	67,6	68,7	81,5	93,5
Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари	0,0	0,0	0,0	0,0	6,5
Узоқ муддатли қарзлар	32,3	32,4	31,3	18,5	0,0
Молиялаштириш манбалари-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

[1] *“Бекабадцемент” ОАЖнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллифлар томонидан жадвал маълумотлари тайёрланди*

Ушбу жадвал маълумотлари орқали “Бекабадцемент” Очиқ акциядорлик жамиятининг инвестицион харажатларини молиялаштириш манбаларини таҳлил қиламиз.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, “Бекабадцемент” ОАЖ инвестицион харажатларини молиялаштириш манбаларининг мутлақ асосий қисмини ўз маблағлари ташкил этади. Бу эса, ушбу корхонанинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасининг жуда паст эканлигидан ва қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан маблағлар жалб қилиш амалиётининг такомиллашмаганлигидан далолат беради.

Фикримизча, корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришда молия секторининг ролини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Корхоналарнинг қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан узоқ муддатли молиявий ресурслар жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, инфляциянинг мўътадил даражасига эришиш (йиллик 3%) ва миллий валютанинг девальвациясига барҳам бериш йўли билан корхоналар томонидан чиқариладиган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлашга кўмаклашиш лозим; иккинчидан, инвесторларнинг корхоналарнинг узоқ муддатли қимматли қоғозларидан олинадиган даромадлари солиққа тортилмаслиги керак.

2. Корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида, биринчидан, кредитларнинг фоиз ставкаларини паст ва барқарор даражасини таъминлаш зарур; иккинчидан, корхоналар жорий активлари ва жорий пассивлари таркибини яхшилаш йўли билан жорий ликвидлилик коэффициентининг меъёрий даражасига (1,25%) эришиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Demirgbs-Kint A., Levine R. Financial Structure and Economic Growth. A Cross-Country Comparison of Banks, Markets and Development. MIT Press, 2004. – Ch. 4-5.; Pagano M. Financial Markets and Growth//European Economic Review. 1993. Vol. 37, № 2-3.
2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 615-616.
3. Лаврушин О.И. Роль кредита в экономическом развитии//Банковское дело. – Москва, 2011. - №2. - С. 36.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик бюллетенлари маълумотлари.
5. “Бекабадцемент” ОАЖнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари.
6. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ф.А. Джалилов – СамДУ ўқитувчиси,
Ж.А.Қушвахтов – СамДУ 1-курс магистранти

ҲУДУДЛАРДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ РОЛИ

Аннотация: Ҳудудларни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицяларнинг жумладан, хорижий инвестицяларнинг аҳмияти, тутган ўрни ва муҳимлилик даражаси.

Калит сўзлар: Инвестиция, инвест, маблағни сафарбар этиш, капитал қўйилмаси, инвестиция муҳити, иновацион фаолият.

Аннотация: Важность, место и значение инвестиций, в том числе иностранных, в социально-экономическом и политическом развитии регионов.

Ключевые слова: Инвестиции, инвестирование, мобилизация средств, капитальные вложения, инвестиционный климат, инновационная деятельность.

Abstract: Importance, place and significance of investments, including foreign ones, in the socio-economic and political development of regions.

Key words: Investments, investing, fundraising, capital investments, investment climate, innovation.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаб ўтганидек, Устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2021 йилда барча манба-лар ҳисобидан 23 млрд. доллор қийматидаги инвестицияларни зарурлиги натижасида 226 та йирик саноат ва инфратузилма обектлари ишга туширилди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, инвестиция сиёсатининг макродаражадаги бош мақсади кайта ишлаб чикариш жараёнларини такомиллаштириш, мамлакат моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, умумиқтисодий тараққиётига эришишга (ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши, янги иш жойлари миқдорини кўпайтириш киритилган маблағлар самарадорлигини ошириш)га қараталган инвестиция жараёнларининг давлат томонидан тартибга солиниши ва қўллаб-қувватланишининг таъсирчан тизимини яратишдир. Микродаражада у хўжалик субъектлари томонидан фонда (даромад) олиниши мақсадига бўйсундирилган.

Инвестиция муҳити - бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуидан иборат. Инвестиция муҳити табиий шарт-шароитлар, фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш хақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими, товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг яратилганлиги каби омиллар орқали белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл инвесторлари

томонидан қонун хужжатлари зид бўлган тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига аксарият ҳолда (даромад) олиш мақсадида киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларининг жами турлари, шу жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларида хар қандай даромад чет эл инвестицияларига ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, қуйидагилар билан изоҳланади.

-Биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб , экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради.

-Иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёридаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади .

-Учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш.

-Тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Республикамизда бугунги кунда иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш давлат ва хусусий корхоналарни инвестицион фаолиятини янада мустаҳкамлаш , чет эл инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб этиш ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги иш ўринларини яратишга ва миллий иқтисодиётимизни жадал суръатлар билан барқарор ўсиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий ислоҳотларни энг асосий вазифалардан бири ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун худудларда қулай инвестиция муҳитини яратишдан иборат. Бу жараёнда шунингдек, бўлғуси инвесторларнинг ҳудудий манфаатларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Бунда давлат корхоналаридаги ва иқтисодий ҳудудларнинг мухим тармоқлардаги инвестиция лойиҳаларини марказлашган манбалар ҳисобига молиялаштириш орқали кенг кўллаб – қувватлаш улар турли хил солиқ имтиёзлари билан рағбатлантиришга ва инвестиция сиёсатга боғлиқдир.

Хорижий инвестицияларни жалп, этмай, айниқса этакчи тармоқларда чет эл инвестицялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизацялаш, корхоналарни замонавий техникалар билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқоришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицяларни жорий этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имкониятлар ва захираларни ишга солиш, янги техника ва технологияларни, экспортбоп товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб

чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Инвестициялар хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакат ичкарисида ва унинг ташқарисида турли ишлаб чиқаришларга ва қимматли қоғозларга (масалан, акцялар, облигацялар) қўйилиши мумкин. Инвестицяга кетган харажатнинг миқдори икки омилга боғлиқ: биринчиси- соф фойданинг кутилаётган меъёри, уни тадбиркорлар инвестицяга кетган харажатлардан олишни мўлжаллайди; иккинчиси- фоиз ставкаси. Агарда, кутилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестицялаш фойдали ва аксинча, фоиз ставкаси кутилаётган фойда меъёридан юқори бўлса, инвестицялаш фойдали бўлмай қолади. Инвестиция харажатлари фойда келтиришини аниқлашда номинал фоиз ставкаси эмас, балки реал фоиз ставкаси ҳисобга олинади. Шуни айтиш жоизки таҳлил қилиш жараёнида Самарқанд вилоятида асосий капиталга киритилган инвестицялар ҳажми 13 триллион 426,0 млрд. Сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 117,9 фоизни ташкил этди.

Йирик корхоналар томонидан асосий капиталга киритилган инвестицялар ҳажми 2 триллион 153,6 млрд. Сўмни, ўсиш суръати 87,7 фоизни ташкил қилди. (жами вилоят бўйича асосий капиталга киритилган инвестицялар ҳажмидаги улуши 16,0 фоиз)

Кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан 9 триллион 613,5 млрд. Сўмлик инвестицялар ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан155,0 фоизни ташкил этди. Вилоятда норасмий секторда киритилган инвестициялар ҳажми 1 триллион 659,3 млрд. Сўмни ташкил қилиб ўтган мос даврига нисбатан 90,3 фоизни ташкил этди.

Ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эътибор берилмоқда. Самарқанд вилоятида 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 27322 тани ташкил қилди. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 77,5 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди[1].

Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида таъкидланганидек ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Корхона ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида фаолиятни амалга оширишда самарадорлик муҳим аҳамиятга эга кўрсаткичлардан ҳисобланади. Самарадорлик бу маълум фаолият учун қилинган харажатларнинг қай даражада самара келтиришини ифодаловчи кўрсаткичдир. Иновацион фаолиятга ҳам инвестиция жалб қилингандан кейин албатта унинг самарадорлик даражасини назорат қилиб бориш ва самарадорликни оширишга алоҳида эътибор бериш лозим.

[1] https://stat.uz/

М.С.Хамроев – СамИСИ таянч докторанти,
Ш.Усмонова – СамИСИ магистранти

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ ЖАРАЁНИНИ ИННОВАЦИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ўзбекистонда суғурта бозорини ривожлантиришда суғурта хизматларини рақамлаштиришнинг афзалликлари, ҳамда янги рақамли технологиялар орқали мижозларга инновацион суғурта хизматларини кўрсатиш усуллари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Суғурталанувчи, суғурта бозори, суғурта хизмати, блокчейн, суғурта маҳсулоти, суғурта агенти, микросуғурта, суғурта шартномаси, потенциал суғурталанувчи.

Аннотация: Выделены преимущества цифровизации страховых услуг в развитии страхового рынка Узбекистана, а также способы предоставления инновационных страховых услуг клиентам с помощью новых цифровых технологий.

Ключевые слова: страхование, страховой рынок, страховая услуга, блокчейн, страховой продукт, страховой агент, микрострахование, договор страхования, потенциальный застрахованный.

Abstract: The advantages of digitalization of insurance services in the development of the insurance market in Uzbekistan, as well as ways to provide innovative insurance services to customers through new digital technologies are highlighted.

Key words: Insured, insurance market, insurance service, blockchain, insurance product, insurance agent, microinsurance, insurance contract, potential insured

Ўзбекистонда суғурта хизматлари самарадорлигини ошириш мамлакат иқтисодий салоҳияти ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги муҳим омиллардан бири бўлиб хисобланмоқда. Шунинг учун бугунги кунда республикада иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида рўй бераётган реал ўзгаришлар сабабли иқтисодиётнинг молиявий таркибий қисмларидан бири бўлган суғурта ролини ошириш учун объектив шарт-шароитлар яратилмоқда. Суғурта бозори бозор иқтисодиётининг муҳим сегментларидан бири бўлиб, у давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, «...суғурта соҳасини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмини 3 баравар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса, 2 баравар ошириш»[1] устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда миллий суғурта компанияларининг халқаро молия бозорларига чиқишини таъминлаш, илғор корпоратив бошқарув тизимини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги суғурта бозорини ривожлантириш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиши. https://president.uz/uz/2703

жорий қилиш орқали халқаро рейтингларни олиш тақозо этилади.

Хорижий адабиётларда суғурта хизмати деганда, баъзан, суғурталанган томоннинг фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳолат юзага келган ҳолда, зарарларни қисман ёки тўлиқ молиявий компенсациялашни кафолатлашни таъминлайдиган механизм тушунилиши мумкин. Шундай ҳолда, суғурта иқтисодий категория сифатида намоён бўлади, унинг моҳияти рискни қайта тақсимлашдан иборат бўлади. Бу ёндашув суғурта жисмоний шахсларнинг рискини суғурталовчига ўтказиш йўли билан, унинг даражасини камайтириш учун махсус ижтимоий механизм сифатида юзага намоён бўлади.

Лекин, англо-саксон ҳуқуқий амалиётида юқорида келтирилган тушунчалар ўртасида аниқ фарқлаш доимо амалга оширилмаса ҳам, мамлакатимизда мавжуд адабиётларда ва амалиётда бундай фарқланиш яққол кўринади[1].

Суғурта соҳасидаги етакчи немис мутахассислардан бири, профессор Дитер Фарни [2] билдирган фикрлари суғуртани талқин этишга ягона ёндашувнинг йўқлигини акс эттирган, у ўзининг "Ишлаб чиқариш ва харажатларнинг суғурта назариялари" асарида "суғурта" тушунчасининг бир қатор таърифлари борлигини кўрсатган.

А.Зубец [3] фикрича, "суғурта маҳсулоти - суғурта шартномасини тузишда суғурталанувчига тақдим этиладиган асосий ва ёрдамчи хизматларнинг тўпламидир". Шундай қилиб, суғурта маҳсулоти - суғурта шартномаси доирасида суғурталанувчининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган маълум хизматлар тўпламидир. Бунда, суғурта ва қайта суғурта соҳасидаги хизматлардан ташқари, бундай хизматларга муайян суғурта полиси доирасида кўрсатиладиган юридик ва ташкилий хизматлардир.

Бирламчи ва иккиламчи суғурта соҳасидаги глобал бешта йирик Aegon, Allianz, Swiss Re, Munich Re и Zurich Re [4] (B5 гуруҳи деб номланади) кучларни бирлаштириб, Суғурта компаниясида блокчейн технологияси ташаббусини яратди (Blockchain Insurance Industry Initiative), унинг мақсади янги технологияларнинг суғурта компаниясига таъсир этиш имкониятларини ўрганиб чиқилди.

Суғурта фаолиятида ўз моҳияти нуқтаи назардан, айнан "хизмат" тушунчаси фундаментал ҳисобланади. Суғуртачи томонидан таклиф этилаётган "хизмат" ўзида дастлаб моддийликни акс эттирмайди, яъни у ўз мижозига фақат ваъдани сотади. Шундан келиб чиқиб, халқаро савдода суғурта фаолиятига" кўринмайдиган фаолият" деб ҳам тасниф берилади.

---

[1] Рассказов Л.П. Теория государства и права: углубленный курс. М.:РИОР, ИНФРА-М, 2015. С.509-510.

[2] Фомичев А.А. "Страховых услуги в системе финансовых услуг"., https://www.science-education.ru/pdf/2015/1/1096.pdf.

[3] Зубец А. "Маркетинговые исследования страхового рынка". М.: Центр экономики и маркетинга, 2002. 224 с; Фомичев А.А. Страховых услуги в системе финансовых услуг., https://www.science-education.ru/pdf/2015/1/1096.pdf.

[4] Satoshi Nakamoto. Bitcoin: A Peer-to-Peer Electronic Cash System. 2018. 9 с. [Электрон ресурс]. URL: https://bitcoin.org/bitcoin.pdf.

Суғурта компаниялари маркетингининг самарадорлигини ошириш учун хорижий суғурталовчиларнинг тажрибасидан фойдаланиб такомил-лаштирса ўйлайманки хизмат кўрсатиш самарадорлиги янада ошади.

Хорижий суғурта компанияларида суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги алоқалар муҳим аҳамиятли ҳисобланиб, барча омиллар мажмуини ўзида қай даражада интеграциялашувига боғлиқдир. Шу сабабли, суғурталовчилар қуйидаги тадбирларни амалга оширишни талаб этади:

Суғурта компаниялари агентлар ва уларнинг мижозлари билан ўзаро алоқалари ҳамда бошқа коммуникацияларни ҳам ўз ичига олган ҳолда, суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида ахборотлар айирбошлаш тизимини яратиш;

суғурта хизматларини ишлаб чиқиш ва сифатини назорат қилиш;

суғурта хизматларини сотиш ва сотишни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;

маҳсулот нархини белгилаш методикасини ишлаб чиқиш;

суғурта маҳсулотлари ҳаётий циклининг барча босқичларида, жумладан, суғуртавий ҳолатларни текшириш ва тартибга солишда ҳам хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хизматларни ишлаб чиқиб компания самарадорлигини янада оширади.

Суғурта компаниялари қонун доирасида инновацион лойиҳалардан самарали фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш турларини кенгайтирса аҳолининг суғуртага бўлган ишончи янада ортади. Умуман олганда, давлатимиз томонидан яратилган иқтисодий ва ижтимоий инфратузилманинг асосий бўғинларидан бўлган суғурта фаолияти тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳамда замон талабидан келиб чиққан ҳолда аҳолига янги интерактив суғурта хизматларини ишлаб чиқиб, хизмат кўрсатиши суғурталовчиларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси Тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони

2. “Суғурта фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. -“Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил 28 май.

3. Сербиновский Б.Ю. Страховое дело. – М. “Феникс”, 2004 г. 7 стр.

4. Бендина Н.В. Страхование. – М.: “Приор”, 2005 г. стр. 3.

5. Архипов А.П., Гомелля В.Б., Туленты Д.С. Страхование. - М.: Финансы и статистика, - 2007. - 10 с.

6. Белых В.С. Страховое право. - М: Инфра-М, - 2001. - 20 с.

7. Shennaev X.M., O‘zbekiston sug‘urta bozori. O‘quv qo‘llanma. T.,2013y.

8. **https://www.thebalancesmb.com/insurance-company-ratings, A.M.Best, Moody S, Standart&Poors, Insurance Company Ratings.**

9. https://www.mf.uz

10. http://www.insur-info.ru

О.С.Жуманазаров – старший преподаватель кафедры «Экономика»
Каракалпакского государственного университета

ИНВЕСТИЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ РЕГИОНА В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация: мақолада минтақани ривожлантиришнинг инвестицион сиёсатини амалга оширишнинг устувор йўналишлари таҳлил қилинган, шунингдек хатарларни ҳисобга олган ҳолда, инвестицион сиёсатни амалга оширишнинг изчил босқичлари аниқланган.

Калит сўзлар. инвестицон сиёсат, минтақавий бошқарув, инвестицион жозибадорлик, инвестицияларни таҳлил қилиш, инвестицион муҳит.

Аннотация. В статье рассматриваются приоритеты реализации инвестиционной политики развития региона. А также выявлений последовательные этапы ее осуществления с учетом возможных рисков.

Ключевые слова: инвестиционная политика, региональное управление, инвестиционная привлекательность, инвестиционный анализ, инвестиционный климат.

Abstract. The article discusses the priorities for the implementation of the investment policy of the region's development. And also identifying the successive stages of its implementation, taking into account possible risks.

Key words. Investment policy, regional management, investment attractiveness, investment analysis, investment climate.

В настоящее время одним из ключевых приоритетов экономических реформ становится формирование и осуществление региональной инвестиционной политики, ориентированной на обеспечение высоких темпов экономического роста, увеличение общей эффективности экономики. При формировании приоритетов инвестиционной политики на уровне Республики Узбекистан основной задачей является эффективное распределение государственных финансовых ресурсов инвестиционного назначения, которые можно использовать для повышения результативности производства в определенной отрасли, а также для увеличения инвестиционной привлекательности региона или отдельной его части. Основными задачами региональных органов власти при определении ориентиров социально ориентированной экономической политики в условиях финансово-экономического кризиса являются создание рабочих мест, увеличение доходов граждан, содействие функционированию бизнеса. На региональном уровне методика определения возможностей и направлений инвестиционной поддержки может быть основана на анализе ситуации на каждом конкретном предприятии определенной отрасли. Данная методика предполагает отбор региональных предприятий на базе формирования перечня, в котором основными факторами классификации являются уровень заинтересованности конкретного региона в развитии определенного

производства, а также степень инвестиционной привлекательности последнего. Обобщенно региональные предприятия в данном контексте могут быть классифицированы следующим образом. В первую очередь, отмечаются эффективно работающие предприятия.

В порядке инвестиционной поддержки подобных организаций может быть сформирована создана региональная система мониторинга рыночной конъюнктуры, что даст им возможность более детальной проработки ориентиров собственного развития. Затем можно особо отметить предприятия, характеризующиеся некоторыми финансово-экономическими проблемами, но, тем не менее, все еще имеющие стабильное положение на рынке. В данном случае актуально использование механизмов государственно-частного партнерства. К последнему виду можно отнести предприятия, не располагающие возможностью самостоятельного ведения рентабельной деятельности. Особо могут быть выделены организации, представляющие особую важность для региона или других предприятий. При определении целесообразности инвестирования необходимо осуществить анализ актуального и возможного финансового состояния, исследовать уровень инвестиционной привлекательности. Для этого можно применить рейтинговую экспресс-методику ранжирования хозяйствующих субъектов, допускающую оценку финансовой устойчивости, оборачиваемости и ликвидности активов, прибыльности капитала. После анализа необходимо разработать оптимальные пути реализации системы намеченных задач. Сложность такой работы обусловлена важностью определения стратегических ориентиров инвестиционной деятельности, включающих разработку инвестиционных приоритетов, а также ключевых мер их достижения. В состав системы тактических мероприятий могут входить определенные инвестиционные проекты, отбираемые на основе таких требований, как содействие региональному развитию; соответствие особенностям конкретного инвестиционного климата; соответствие объемов запрашиваемых ресурсов возможностям регионального бюджета; степень подготовки проекта; возможность управления соответствующими инвестиционными рисками. Ключевым понятием для решения задач финансирования работ является жизненный цикл проекта, иными словами, временной период между моментом принятия проекта и моментом его завершения. К базовым этапам проектного развития, как правило, относят пред инвестиционный, инвестиционный и эксплуатационный. Общая длительность данных этапов составляет период существования проекта.

Проведение прединвестиционного анализа имеет большое значение для субъектов инвестиционной деятельности в силу того, что оно обусловлено важностью минимизации инвестиционных рисков. Ключевую роль здесь играет система инструментов директивного влияния на уровень риска для повышения степени безопасности и финансовой устойчивости инвестиционной деятельности. Оптимальной можно считать ситуацию,

когда получается существенно понизить риск без параллельного снижения степени проектной рентабельности или иных итоговых индикаторов инвестиционной деятельности. Региональным органам управления важно до вынесения решения о включении определенного проекта в список тактических мероприятий инвестиционной стратегии и выделении ресурсов располагать информацией о мерах, которые планируется реализовать для минимизации уровня риска. Для снижения уровня риска важно регулировать баланс постоянных и переменных затрат. Контроль над данным соотношением позволяет воздействовать на процесс достижения точки безубыточности инвестиционной деятельности и, как следствие, реализовывать непосредственное влияние на объем рисков реализации проекта. Не меньшей значимостью обладает ценовое регулирование. Уменьшение цены обусловливает рост потенциального спроса, но также снижает потенциал достижения точки безубыточности. Исследование инвестиционной чувствительности, дерево решений и имитационное моделирование представляют собой главные инструменты оценки взаимозависимости между ценой продукции и риском. В ситуации финансово-экономического кризиса важно также сделать акцент на детальной проработке стратегии инвестиционного развития, принимая во внимание оптимальные варианты налогообложения. Развитие льготных форм деятельности и инвестиционного кредитования способствует росту валового дохода, а также предсказуемости денежных потоков и, как следствие, минимизации проектного риска. Контроль над распоряжением производственным потенциалом конкретного предприятия, а также регулярная и системная оценка его состояния дают возможность, основываясь на актуальном и прогнозируемом уровнях спроса, обоснованно подходить к формированию производственной программы инвестиционного проекта, а также определять эффективный объем продаж, учитывая максимальный коэффициент безубыточного уровня реализации продукции. В итоге необходимо обеспечивать организацию регулярного мониторинга внешней среды, а также сформировать результативную систему своевременного воздействия на объект управления для минимизации негативных последствий актуального и возможного изменения конъюнктуры реализации проекта. В заключение хотелось бы отметить, что в современных условиях первоочередной проблемой представляется поиск методических подходов к осуществлению результативной инвестиционной политики. Здесь важно учесть, что для систематизации инвестирования и достижения позитивного экономического и социального эффекта при лимитированных финансовых ресурсах важно рассматривать инвестиционную политику как инструмент обеспечения благоприятного инвестиционного климата на основе регулирования инвестиционной деятельности с помощью и государ-ственных органов, и бизнессообщества, общественных организаций.

Список использованной литературы:

1. Агафонов В.А. Инвестиционная стратегия региона и “точки роста” // Экономическая наука современной России. 2008. 2. С. 66-76.
2. Бабленкова И.И. Усиление влияние государственного сектора экономики на региональное развитие как антикризисная мера в современный период // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2010. 6. С. 3-12.
3. Важенин С.Г., Злоченко А.Р., Татаркин А.И. Слагаемые конкурентного поведения региона // Регион: экономика и социология. 2004. 3. С. 23-38.
4. Голышев М.А. Экономические аспекты региональной политики России // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2010. 3. С. 56-63.
5. Жандаров А.М., Шиллер Ф.Ф. Государственное регулирование экономики: проблемы моногородов России // Вопр. статистики. 2010.
6. С. 68-75. 6. Керефов М.А., Тарасов Н.А. Актуальные проблемы региональной экономики и пути их решения // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2009. 24. С. 77-79.
7. Кузнецов А., Кузнецова О. Федеральные инвестиции в регионах: актуальные проблемы и подходы к их решению // Рос. экон. журн. 2006. 9-10. С. 28-39.
8. Максимова О.Н., Гаврилова О.А., Иевлева Н.А. Инвестиционный потенциал региона // Актуальные проблемы современной науки. 2009. 3. С. 21-22.
9. Никитина Н., Шнякина Ю. Управление региональной сферой услуг: методологические подходы // Проблемы теории и практики управления. 2010. С. 8.

Ш.М. Латипова– СамИСИ, “Молия” кафедраси ассистенти,

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ЛИЗИНГ БОЗОРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада пандемия даврида миллий лизинг бозорининг ҳолати таҳлил қилинган. Лизинг бозорида субъектларни қўллаб-қувватлаш бўйича илмий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: лизинг, лизинг бозори, янги лизинг битимлари, лизинг ҳажми.

Аннотация: В статье анализируется состояние национального лизингового рынка в период пандемии. Предоставлены научные предложения для поддержки субъектов лизингового рынка.

Ключевые слова: лизинг, рынок лизинга, новые лизинговые сделки, объем лизинга.

Abstract: The article analyzes the state of the national leasing market during a pandemic. Scientific proposals were provided to support the subjects of the leasing market.

Key words: leasing, leasing market, new leasing transactions, leasing volume.

Ўзбекистонда лизинг бозори, республика иқтисодиётининг барча тармоқлари каби коронавирус пандемияси таъсирида ўзгарди. Таҳлилчилар кўпчилик лизинг сегментларида талабнинг пасайиб кетгани, лизингга олувчиларнинг молиявий аҳволи ёмонлашгани ва соҳа учун

бошқа хавф омиллари пайдо бўлганини қайд этмоқдалар.


Пандемия натижасида эълон қилинган карантин ҳолатининг асосий зарбаси кичик ва ўрта бизнесга тўғри келди. Стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналардан ташқари кўпгина корхоналар вақтинча иш фаолиятини тўхтатдилар. Умуман, кутилганидек, аҳолининг харид қобилияти пасайиб, экспорт ва импорт қисқарди. Натижада, компаниянинг кўплаб мижозлари тўловларни кечиктира бошлади ва тўлов графигини қайта тузиш масаласи кўриб чиқилди.

Лизинг хизматларига бўлган талаб, айниқса, иқтисодиётнинг COVID-19 таъсир этган тармоқларида: транспорт, туризм, умумий овқатланиш, қурилиш ва бошқаларда камайди. Табиийки, мавжуд лойиҳалардан олинган даромадларнинг камайиши янги режалаштирилган лизинг лойиҳаларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатади. Лизинг бозорида Лизинг уюшмаси ва унинг аъзолари томонидан мижозларнинг манфаатлаларини назарда тутган ҳолда ҳар бир реструктура ишини томонлар билан келишиб амалга оширганлиги сабабли мижозлар аста-секин ўз фаолиятини тиклашга эришди ва бунинг натижасида янги лойиҳаларни молиялаштириш давом эттирилди.

Шунга қарамай, 2020 йил биринчи чорак якунларига кўра лизинг бозорида сўнгги 5 йил давомида илк марта янги тузилган битимлар сони камайиш тенденциясига эга бўлди (1-диаграмма).

1-диаграмма

Миллий лизинг бозорида имзоланган янги битимларнинг ўзгариш динамикаси (млрд. сўм)[1]




Миллий лизинг бозоридаги ушбу кўрсаткични хорижий мамлакатлар, хусусан, Россия лизинг бозори билан таққослайдиган бўлсак, Россияда ушбу кўрсаткичнинг илк марта 2015 йилдан бўён пасайганлигини кузатиш мумкин (2-диаграмма).

Пандемия шароитида ҳам ҳар доимгидек, лизинг бозорида лизинг компанияларининг улуши энг юқори бўлиб, ундан сўнг бошқа субъектлар томонидан кўрсатилган лизинг хизматлари ва энг охирида банкларнинг лизинг хизматлари ташкил қилган.

[1] Ula.uz – Ўзбекистон Лизинг уюшмаси маълумотлари асосида тузилди.


2-диаграмма

Россия лизинг бозорида имзоланган янги битимларнинг ўзгариш динамикаси (млрд. сўм)[1]



3-диаграмма

Лизинг бозорида иштирокчиларнинг улуши[2]



Битимларнинг камҳаржлиги, автотранспорт воситалари учун иккиламчи бозор мавжудлиги ва доимий талаб борлиги сабаб, табиий-ки, автотранспорт билан операцияларни молиялаштириш бўйича соғлом рақобат кузатилди.

Лизинг операцияларининг асосий воситалар тури бўйича тақсимланиши лизингга берувчилар лизингнинг қайси объектлари билан ва қай даражада фаол ишлаши ҳақида тасаввур беради. Сўнгги йилларда бозорда энг йирик сегментлар- қишлоқ хўжалиги машиналари, технологик

[1] https://finance.uz/index.php/ru/fuz-menu-economy-ru/9213-zafar-mustafaev-dlya-kompanii-vazhno-postoyanno-rasshiryat-istochniki-finansirovaniya-lizingovykh-proektov-2

[2]https://finance.uz/index.php/ru/fuz-menu-economy-ru/9213-zafar-mustafaev-dlya-kompanii-vazhno-postoyanno-rasshiryat-istochniki-finansirovaniya-lizingovykh-proektov-2

ускуналар ва охирги икки йил ичида кўпайиб бораётган автомобиль лизингидир. Таъкидлаш лозимки, 2020 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалиги техникаларининг улуши 59,4%, автотранспорт-18,8%, қурилиш машиналари ва ускуналари – 11,4%, кўчмас мулк-5,4%,технологик ускуналар 5,0% ни ташкил этди.Бу нисбатнинг кескин ўзгариши кўплаб лизинг компаниялари фаолиятининг сусайишига боғлиқ, қишлоқ хўжалиги соҳаси эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсди.

Агар лизинг олувчининг ижарага олинган объект ёки гаров нарсасини қайтариб олиш тўғрисида эътирозлари бўлса, лизинг компанияси хўжалик судига мурожаат қилиши керак ва фақат суд қароридан сўнг мулкни суд ижрочилари орқали қайтариши мумкин. Пандемия муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ хўжалик судларига карантин даврида гаров ёки жарима ундириш тўғрисида қарор қабул қилмаслик тавсия этилди.

COVID-19 пандемиясидан кейинги умумий иқтисодий инқироз туфайли лизингга берувчилар лизинг тўловларини тўлашда қийналмоқдалар, бу эса кичик лизинг компанияларининг банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, ҳукумат лизинг соҳаси учун регуляторни жорий этса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг натижасида тижорат банклари томонидан рақобат ҳам ошиши мумкин. Агар Ўзбекистон бозорига йирик халқаро иштирокчилар кирса, у ҳам рақобатни оширади.

Пандемиядан кейинги иқтисодий инқироз лизинг хизматларига бўлган талабнинг пасайишига ва молиялаштиришнинг етишмаслигига олиб келиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу ресурсларнинг қимматлиги ва уларнинг маҳаллий молия бозоридаги етишмаслигидир. Иқтисодиётда пулнинг йўқлиги мижозларнинг тўлов қобилиятига бевосита таъсир қилади. Бундан ташқари, қонунчилик борасидаги баъзи масалалар мавжудки, улар, фикримизча, молиявий лизинг хизматларининг ўсиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш учун муайян ечимларни талаб қилади. Хусусан, лизинг компаниялари, банклардан фарқли равишда, лизинг шартномалари ва жадвалларини хорижий валютада номинация қилишига йўл қўйилмайди, бу эса ўз навбатида банклар ва лизинг компаниялари ўртасида номутаносиб рақобатни юзага келтиради. Лизинг хизматларини хорижий валютада кўрсатиш қобилияти лизинг компанияларига ўз навбатида паст фоиз ставкалари, узоқ муддатли ва қўшимча хизматлар туфайли тадбиркорлар учун мақбул молиялаштириш манбаи бўлган хорижий кредит линияларини жалб этиш имконини беради. Ушбу фикрларни инобатга олиб, ҳукумат томонидан “Лизинг фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда лизинг фаолияти субъектларини қўллаб-қувватлашнинг оқилона механизми яратилса, миллий лизинг бозорининг ижобий ҳолатини таъминлашга эришилган бўлар эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунига кўра, жисмоний шахсларга лизинг хизматлари кўрсатилиши

мумкин эмас. Аммо жисмоний шахслар учун молиявий лизинг мавжудлиги лизингнинг ривожланишида жуда муҳим роль ўйнайди. Хусусан, хусусий мулкдорларга кўчмас мулк лизинги ва автомобиль лизинги жаҳон амалиётида кенг қўлланилмоқда. Шу сабабли, Қонунга ҳам ўзгартириш киритиб, лизинг олувчилар сифатида жисмоний шахсларни ҳам киритиш лозим. Бу эса мамлакатимизда уй-жой кўчмас мулкининг тезкор қурилиши фонида лизинг воситаси ҳам ишлаб чиқувчилар, ҳам аҳоли учун мақбул молиявий воситага айланиши учун кенг шароит яратиб беради.

М.Л.Искандаров – Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Тижорат банки, замонавий ахборот технология, смартфон, мобил-банкинг, смс-банкинг, овердрафт, кредит карта, пластик карта, банкомат.

Аннотация: в статье определены проблемы, связанные с внедрением современных информационных технологий в деятельность коммерческих банков Республики Узбекистан, и разработаны научные предложения по их решению.

Ключевые слова: Коммерческий банк, современные информационные технологии, смартфон, мобильный банкинг, смс-банкинг, овердрафт, кредитная карта, пластиковая карта, банкомат.

Abstract: The article identifies the problems associated with the introduction of modern information technologies in the activities of commercial banks of the Republic of Uzbekistan and develops scientific proposals to address them.

Keywords: commercial bank, modern information technology, smartphone, mobile-banking, sms-banking, overdraft, credit card, plastic card, ATM.

Тижорат банклари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш мамлакат банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги № ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегиясида банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологияларини ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида

эътироф этилган[1]. Бу эса, тижорат банклари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Айни вақтда эътироф этиш жоизки, республикамиз тижорат банклари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Humo” тизими банкоматлари тармоғида 2019 йилнинг август ойидан VISA халқаро банк карталарига, 2019 йил октябрь ойидан бошлаб эса Mastercard халқаро банк карталарига хизмат кўрсатиш амалиётлари жорий этилди.

Бундан ташқари, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига таклиф қилинаётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган интернет-банкинг, смс-банкинг ва мобил-банкинг каби қулай масофавий банк хизматлари турларини кенгайтиришга ҳамда бундай хизматлар оммабоплигини сезиларли даражада оширишга эришилди[2].

Бироқ, республикамиз тижорат банклари фаолиятига замонавий ахборот-технологияларини жорий этиш борасида айрим муаммолар мавжуд. Ана шундай муаммолардан бири бўлиб, масофавий банк хизматлари кўрсатишда ахборот технологияларидан фойдаланишдаги камчиликлар ҳисобланади. Масалан, банкларда смартфонлардан фойдаланган ҳолда кредитли карталар бўйича кредит олиш йўлга қўйилмаган.

Бундан ташқари, масофавий хизматлар мижозларнинг тоифалари бўйича индивидуаллаштирилмаган.

Республикамиз банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карталар асосан дебетли карталар бўлиб, улар бўйича фақат овердрафт кредитлари бериш мумкин.

Овердрафт кредити – мижозга товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўловларни амалга оширишда банк пластик карточкаси ҳисобварағидаги қолдиқ маблағидан ортиқ миқдордаги маблағни ишлатиш ҳуқуқини берувчи, шартномада белгиланган шартлар асосида мижознинг банк пластик карточкаси орқали ажратиладиган қисқа муддатли шаклидир.

Овердрафт кредити масофадан ажратилиши мумкин. Бунда мижоз банкда аввал идентификациядан ўтган бўлиши, банк томонидан йўлланган офертани акцептлаши лозим. Акцептлаш орқали жавоб қайтарилгандан сўнг овердрафт шартномаси тузилган ҳисобланади.

Овердрафт лимит доирасида, қайта тикланадиган (револьвер) шаклда, шартномага илова қилинадиган жадвалга мувофиқ 12 ойда тенг улушларда босқичма-босқич қайтариш (камайиб бориш) шарти билан берилади.

Тижорат банкларининг масофавий хизматларидан фойдаланувчи

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги № ПФ-5992-сонли “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

мижозлар тўловга қобиллиги, характери, фикрлаши, савияси, молиявий саводхонлиги бўйича бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади.

Шу сабабли, масофавий хизматларни индивидуаллаштириш, биринчидан, масофавий хизматлар ҳажми оширада иккинчидан, масофавий хизматларнинг сифати ошади.

Фикримизча, республикамиз тижорат банклари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Смартфондан фойдаланган ҳолда мижозларнинг кредитли карталари бўйича кредитлар беришни йўлга қўйиш лозим.

2. Тижорат банклари томонидан масофавий хизматларни кўрсатишда умумийликдан воз кечиб, мижозларнинг тоифалари бўйича индивидуал хизмат кўрсатишга ўтиш керак.

3. Тижорат банклари томонидан 24/7 режимида ишловчи банк офисларини нафақат шаҳар марказларида, балки чекка туманларда ҳам ташкил этиш, ҳамда банкоматлар орқали валюта айрибошлаш юзасидан ҳорижий валютани банкоматлар орқали сотиб олиш тизимини кенгайтириш лозим. Бу эса ўз навбатида фуқароларни банк ҳизматидан кечаю-кундуз фойдаланиш қулайлигини оширади.

4. Тижорат банклари томонидан онлайн тарзда нафақат овердрафт ва микроқарзларни, балким бошқа кредит маҳсулотларини (истеъмол кредити, таълим кредит, кредит карталар орқали онлайн тўловларни ва бошқалар) ҳам онлайн тарзда тақдим этиш тизимини йўлга қўйиш лозим.

Ж.А. Юлдашев – “Sila Zdoroiya” қўшма корхонаси лойиҳа бош менежери, ТДИУ тадқиқотчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ

Аннотация: тадқиқотда молиявий глобаллашув жараёнининг банк соҳасида инновацияларни ривожлантиришнинг илмий назарий жихатлари ўрганилган. Глобал банк хизматлари бозорининг инновацион ривожланиш тенденциялари таҳлил қилиниб, Ўзбекистонда банк секторини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Калит сўзлар: банк, тижорат банки, молиявий бозор, банк хизматлари, FinTech, инновация, трансформация.

Аннотация: в исследовании рассматриваются научные и теоретические аспекты процесса финансовой глобализации в развитии инноваций в банковском секторе. Анализируются тенденции инновационного развития мирового рынка банковских услуг. Определены основные направления развития банковского сектора Узбекистана.

Ключевые слова: банковское дело, коммерческий банкинг, финансовый рынок, банковские услуги, FinTech, инновации, трансформация.

Abstract: The study examines the scientific and theoretical aspects of the process of financial globalization in the development of innovations in the banking sector. Innovative development trends of the global banking services market are analyzed. The main directions of development of the banking sector in Uzbekistan have been identified.

Keywords: banking, commercial banking, financial market, banking services, FinTech, innovation, transformation.

Молиявий глобаллашув миллий банк тизимидаги трансформация жараёнларини белгиловчи векторига айланди. Ушбу ҳодисанинг моҳияти инновацион молиявий воситалар ва маҳсулотларни ишлаб чиқиш, капиталлар ва молиявий технологияларни трансформациялашув жараёнларини кучайиши, ички молия бозорларини тартибга солиш, халқаро банкларни ривожлантириш, жаҳон молия марказлари ва институтлари ўртасидаги алоқаларни ва интеграцияни мустаҳкамлашдан иборат. Натижада замонавий молиявий архитектурада халқаро банк бизнесининг (ХББ) янги шакллари юзага чиқмоқда[1].


Молиявий глобаллашув жараёнининг афзалликларидан бири бу банк соҳасида инновацияларни ривожлантиришни рағбатлантиришдир. Ғарб амалиётида жаҳон молия бозорида тижорат банкларининг рақобатбардош устунлигига эришиш учун харакатларни амалга ошириш алохида стратегик йўналиш сифатида қаралади. Банк секторига нисбатан қўлланиладиган инновацияларнинг якуний натижаси бу - бозорда сотиладиган бутунлай янги ёки такомиллаштирилган банк маҳсулоти ва амалда қўлланиладиган технологик жараёнларда акс этади. Асосий мақсад илгари таклиф қилинганларга нисбатан янада жозибадор истеъмол хусусиятларига эга бўлган банк маҳсулотини (банк технологиясини) яратиш асосий йўналишдир. Уларнинг асосий мақсади - банк хизматлари бозорида тобора кучайиб бораётган рақобатни ҳисобга олган ҳолда, янги мижозларни жалб қилиш ва мавжуд мижозларни сақлаб қолишдир, бу асосан тақдим этилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш ва уларни тақдим этиш технологияларини такомиллаштиришдан иборатдир. Шундай қилиб, банкларнинг инновацион фаолияти ва улар билан боғлиқ масалалар мамлакатнинг макроиқтисодий тизим учун долзарб ва устувор масаладир.

Молиявий хизматларда қўлланиладиган технологиянинг дастлабки намуналари XIX асрнинг биринчи ярмидан келиб чиққан. Айнан ўша пайтда телеграф ишлаб чиқилган ва телеграф кабели Атлантика океанидан ўтиб, Европа ва Американи бирлаштирган. Ушбу воқеалар икки қитъа ўртасида доимий алоқани ўрнатишга олиб келди, бу эса молиявий хизматларни янада глобаллашувига имкон берган. Молиявий технологияларнинг босқичма-босқич эволюцияси назариясига кўра, ўша

[1] Ф.Ф. Муршудли. Инновационные тренды международного банковского бизнеса (на примере Азербайджана). Азербайджанский государственный экономический университет. Вестник МГИМО-Университета. 2018. 1(58). С. 186-212. DOI 10.24833/2071-8160-2018-1-58-186-212

лаҳзада “FinTech 1.0” даври бошланган. Кейингиси “FinTech 2.0” деб номланган 1967 йилда Буюк Британиянинг энг йирик банкларидан бирида умумий фойдаланиш учун банкоматни жорий қилиш билан боғлиқ эди, яъни “Barclays”. Ўшандан бери банклар технологияларни тобора фаолроқ қўллашни бошладилар, ривожланишнинг навбатдаги босқичига ўтдилар, яъни электрон банк ва рақамлаштириш даврига. 1990-йилларда “PayPal” каби молиявий хизматларни кўрсатишга қизиққан биринчи технологик компаниялар ташкил этилган. XIX асрнинг биринчи ўн йиллигида бозорнинг аста-секин ўзгариб бораётган тузилиши ҳам, глобал молиявий инқироз бошланиши ҳам молиявий технологиялар эволюциясининг яна бир учинчи босқичини – FinTech 3.0 ни келтириб чиқарган.

Сўнгги етти йил ичида молиявий стартап ташкилотларга (startup company) сармоялар кўлами уч баравар ошиб, 2018 йилда энг юқори кўрсаткичга эришган [1-расм].



1-расм. FinTech технологиялари учун инвестициялар киритиш[1]

2019 йилда FinTech технологиялари учун инвестициялар салмоғи камайган бўлсада, мега-битимлар ҳисобига 135,7 миллиард доллар инвестициялар қиритилди. FinTech бўйича асосий сегментларининг кўпайиб бориши натижада инновацион маҳсулотлар ва хизматларни сотиб олишга қизиққан молиявий гигант компанияларнинг қизиқиши йўқолгани йўқ.

FinTech 3.0 даврида молия бозорида инновацияларни ривожлантириш юки амалдаги давлатлар деб номланган ушбу секторнинг анъанавий институтларидан технологияни ишга тушрадиган бошланғич корхоналарга ўтказилди[2]. Ушбу даврда “FinTech”нинг ўзи таърифига аниқлик киритилди, чунки ҳозирги пайтда у технология ва молия дунёсининг чеккаларида ишлайдиган стартапларни тавсифлаш учун ишлатилган.

Молиявий “start-up” бозорининг ривожланиши компаниялар ва амалдаги раҳбарлар ўртасида мустаҳкам боғланган тармоқ яратилишига олиб келди. Шу сабабли, бозор ривожланишининг навбатдаги босқичини ажратиб олишга эҳтиёж тобора ортиб, уни қабул қилинган терминологияга кўра FinTech 4.0. деб аташ керак. Таърифланган ривожланишнинг янги

[1] https://assets.kpmg/content/dam/kpmg/xx/pdf/2020/02/the-pulse-of-fintech-2019.pdf
[2] Arner D., Barberis J.N., Buckley R., 2015, The Evolution of FinTech: A New Post-Crisis Paradigm?, University of Hong Kong Faculty of Law Research Paper 47, Hong Kong.

босқичини аниқлаш учун асосий далил FinTech компаниялари, банклари ва бошқа рақамли хизмат кўрсатувчи провайдерлар томонидан яратилган рақамли экотизимларнинг пайдо бўлиши ҳисобланади.[1] Улар банкларни ташқи дунё учун ҳам бизнес, ҳам технология нуқтаи назаридан кўпроқ очиқ бўлишга мажбур қилган ўзгаришларни таҳлил қилдилар. Иккинчи соҳада банкларнинг фаолияти очиқ инфрақизил банк деб номланди, бу банк инфратузилмасига кенг қўлланиладиган дастурий интерфейслар – Ахборот коммуникация технологиялар орқали киришни таъминлашга асосланган. Бозорнинг янги конфигурацияси, бир томондан, молиявий хизматларда, шу жумладан банк хизматларида янги бизнес-ҳолатлар ва бизнес моделларни (яъни платформадаги бизнес модел) ишлаб чиқиш ва яратиш учун кўплаб имкониятларни англатади, аммо бошқа томондан - банклар ўртасида рақобатнинг кучайиши ва бозордаги янги субъектлар нафақат банкларнинг ўзига, балки уларнинг мижозларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.[2] Шунга қарамай, яқин келажакда рискларни янада яхшироқ бошқариш, бозорнинг барча субъектларидан бир қатор ҳаракатларни талаб қилади ва бу бозор назорати органларининг ролини кўрсатиб беради.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсаттадики, банк хизматлари энг ривожланган мамлакатлар хисобланган АҚШ, Хитой, Бразилия, Япония ва Ҳиндистон каби мамлакатларда дунёдаги банкоматларнинг 50% дан ортиғи жойлашган бўлиб, онлайн банк тенденциялари ўсишини айнан банкаматлар сонига боғлиқ жеган хулосага келинмоқда.[3]

Хитойда 2011 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда онлайн-банк хизматлари кўрсатиш бўйича бозор статистикасига кўра, онлайн банк операцияларнинг йиллик қиймати 597 триллион юандан 6,4 квадриллион юанга етган.

Онлайн банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг жами банк хизматларидан фойдаланувчилар сонига нисбати бўйича Европада 2018 йилда шведлар юқори пағонага кўтарилиб 91 фоизни ташкил этган. Мамлакат 2023 йил мартигача сайёрадаги биринчи нақдсиз жамият бўлиши кутилмоқда.

2017 йилдан 2022 йилгача мобил коммуникация воситаларига жавоб берадиган сайтлар ёки иловалар орқали амалга оширилган банк операциялари сони 121 фоизга кўпайиши кутилмоқда, бу дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларидаги банкоматлардан фойдаланиш тенденциясининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Интернет-банкинг статистикасининг 2018 йилги сўров натижаларига

[1] Nicoletti B., 2017, The Future of FinTech: Integrating Finance and Technology in Financial Services, Palgrave Macmillan, Basingstoke, New York.
[2] Siciliani P., 2018, Staff Working Paper No. 728. Competition for Retail Deposits between Commercial banks and Non-Bank Operators: A Two-Side Platform Analysis, Bank of England, London.
[3] https://kommandotech.com/statistics/online-banking-statistics/#:~:text=Key%20Online%20Banking%20Statistics&text=During%202020%2C%20the%20annual%20value,before%20the%20start%20of%202021.

кўра истеъмолчиларнинг 73 фоизи 30 кунда камида бир марта онлайн банк каналидан, 59 фоизи мобил банк дастуридан фойдаланиши анифланган.

Онлайн ва мобил банк статистикасига кўра 2022 йилгача истеъмолчилар билан банкларнинг ўзаро алоқаларининг 88% смартфонлар орқали амалга оширилади деган прогнозлар мавжуд.

Онлайн банк хизматларига истеъмолчилар демографик омилининг юқори таъсири мавжудлиги “Venmo” брендининг маркетинг тадқиқотлари тасдиқлаган. “Venmo” бренди бўйича мобил тўлов хизматларидан фойдаланувчи истеъмолчиларнинг 55 ва ундан юқори ёшдагиларнинг 12%, ундан ёзларнинг 30 фоизи онлайн тўловлардан фойдаланишган.

Банк соҳасидаги инновациялар шаклига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Энг муҳими, кўп марта таъкидланганидек, технологик детерминантлар. Банк тизимидаги сўнги инновацияларнинг синергия самаралари бу ерда нафақат операцион самарадорлик нуқтаи назаридан (яъни жараёнларни автоматлаштириш), балки савдо имкониятлари (яъни шахсийлаштирилган таклиф) нуқтаи назаридан ҳам кўринади. Сунъий интеллект, блокчейн ва булутли технологиялардан кенг фойдалиш асосий инновациялардир. Ушбу холатларга Ўзбекистон банк хизматлари бозорини мослаштириб боришда қуйидагиларни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир:

- Мамлакатимиз банк тизимида инновацияларни амалга ошириш катта молиявий сармояларни талаб қилишига қарамай, одатда жараёнларни оптималлаштиришга олиб келади ва узоқ муддатда иқтисодий ривожланишини таъминлашди, демак махаллий банклар стратегик мақсадларни узоқ муддатларга белгилаши лозим:
- Тижорат банклари томонидан замонавий банк хизматлари ва маҳсулот турларини яратиш туфайли истеъмолчилар билан шахсийлаштирилган хизматлар тақдим этишга кўпроқ ахамият қаратиши лозим. Айнан мижозлар базасининг катталиги жиҳатидан шкала аллақачон юқори босим босими шароитида банкларнинг рентабеллигини белгиловчи ҳал қилувчи омилга айланди;
- банкларнинг рақобат муҳитини таҳлил қилишда бозорга тобора самарали кириб келаётган стартаплар ва бошқа технологик компанияларни киритиш муҳимдир. Банк секторидан ташқаридаги молиявий хизматлар учун инновацион муҳит ҳам банкларнинг технологиялар билан тажриба ўтказишга тайёрлигини сезиларли даражада рағбатлантиради.

Ш.М. Латипова– СамИСИ, “Молия” кафедраси ассистенти
Ш.Нурбоев – СамИСИ магистранти,
Ш. Набиев – СамИСИ талабаси

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЛИЗИНГ-ЛЕВЕРИЖ МОДЕЛИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада инвестицион лойиҳаларни қўллашда левериж-лизингнинг ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган. Лизинг бозорида левериж-лизингни жорий этиш бўйича илмий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: лизинг, левериж-лизинг, бошқарувчи компания, ишончли банк.

Аннотация: В статье отражена специфика леверидж-лизинга при применении инвестиционных проектов. Предоставлены научные предложения по внедрению леверидж-лизинга на лизинговом рынке.

Ключевые слова: лизинг, леверидж-лизинг, управляющая компания, поверенный банк.

Abstract: The article reflects the specificity of leverage leasing in the application of investment projects. Scientific proposals for the implementation of leverage leasing in the leasing market were provided.

Key words: leasing, leveraged leasing, management company, bank attorney.

Иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда инвестициялар ҳажмининг ўсишига эришиш мақсадида мамлакат молия тизимида ҳали қўлланилмаган молиялаштиришнинг ўзига хос моделларидан фойдаланиш талаб этиладики, улар орқали молиялаштириш ҳажми ва муддатининг ошиши, шунингдек, жалб этилаётган капитал баҳоси пасайиши мумкин. Ана шундай моделлардан бири левериж-лизинг ҳисобланади.

Бир неча йиллар давомида лизингни таснифлаш жараёнида уни икки турга – молиявий ва оператив лизингга ажратилишининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бундай ёндашув турли мамлакатлар қонунчилигида мустаҳкамланган[1]. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти IAS 17 “Ижара” асосида лизингнинг шу икки туридан айнан қайси бирига тегишлилигини аниқловчи беш мезондан ташкил топган тест ўтказилади. Ушбу мезонлар қуйидагилардан иборат:

- Ижара муддатининг якунланиши билан активларга эгалик қилиш ҳуқуқининг ижарага олувчига ўтиши;
- Ижарага олувчи харид санасида активнинг адолатли қийматидан сезиларли даражада паст бўлган нархда сотиб олиш имкониятига эга бўлиши ва шартноманинг аввалида бу ҳақида келишиб олиниши;
- Ижара муддати актив фойдали хизмат муддатининг катта қисмини ташкил этиши;
- Ижара муддатининг бошида минимал ижара тўловларининг дисконтланган қиймати ҳеч бўлмаганда унинг жами адолатли қийматидан

[1] Газман В.Д. Концепция применения лизинга в проектном финансировании / Экономический журнал ВШЭ. 2015. Т. 19. № 1. С. 104–127.

ташкил топиши;


- Ижарага олинган активлар ўзига хос хусусиятга эга бўладики, улардан фақатгина ижарага олувчи жиддий ўзгаришларсиз фойдалана олади.

Қўйилган ҳар бир саволга ижобий жавоб берилиши унинг молиявий лизинг шартномасига тегишли эканлигини, акс ҳолда эса оператив лизинг шартномасига тегишли эканлигини англатади. Шу ўринда савол туғилади: левериж-лизинг ушбу икки лизинг туридан айнан қайси бирига тўғри келади? Бу борада хорижий иқтисодчиларнинг фикрларига эътибор берсак, Жозеф Себик "левериж-лизинг бевосита оператив лизинг сифатида талқин қилиниши лозим" деган ғояни илгари сурган[1]. Бошқа бир гуруҳ иқтисодчиларнинг фикрича, левериж-лизинг асбоб-ускуналарни уларнинг фойдали хизмат муддатларининг катта қисмига тенг бўлган муддатга ижарага олишни ва уни қолдиқ қиймати бўйича сотишни назарда тутади[2]. Ван Хорн томонидан лизинг шартномасининг бир қатор турлари ажратиб кўрсатилган ва левериж-лизинг лизингнинг махсус шакли сифатида талқин қилинган[3]. Шу ўринда В.Д.Газманнинг фикри диққатга молик. Унинг фикрича, лизингни молиявий, оператив, левериж-лизинг ва бошқа лизинг турларига, мисол учун "hire-purchase", қайтариладиган лизинг каби турларга ажратиш мақсадга мувофиқ[4].

Лизингнинг ушбу тури кенг тарқалган мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Германия, Канада, Япония, Австралия, Франция)да унинг иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқарув нуқтаи-назаридан қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлардаги ўзига хос талқини бир қатор омиллар таъсирида шаклланган. Ушбу омиллар сифатида солиққа тортиш, имтиёз ва преференциялар тақдим этиш, иш юритиш анъанаси, шартномаларнинг таркибини уларнинг ҳажми, молиялаштириш схемаси кабиларга асосланиб ишлаб чиқиш, шартноманинг амал қилиш ҳудуди (ички ёки ташқи лизинг), бухгалтерия ҳисоби қоидалари, лизингни унинг даврийлиги бўйича ривожлантириш статистикаси кабиларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, левериж-лизингни лизингнинг юқоридаги икки туридан бирига ажратиш нотўғри бўлади. Бунинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, лизинг шартномасида кўплаб субъектлар иштирок этиши мумкин (биттадан ортиқ акционер (лизингга берувчини ҳам ўз ичига олади), бирдан ортиқ сотувчи, бирдан ортиқ кредитор). Демак, левериж-лизинг – лизингнинг мустақил шакли ва у лизингли молиялаштиришнинг мураккаб усули сифатида бир нечта иштирокчиларнинг манфаатларини қондиришга хизмат қиладиган йирик масштабли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш усули сифатида талқин қилинади[5]. Умумий ҳолатда левериж-лизинг чизмасини қуйидагича келтириш мумкин:

[1] Sebik J. (2008) Leasing in the US in 2007. World Leasing Yearbook, London: Euromoney, pp. 461.
[2] Ahlstrom J., Engelson I., Sirelson V. (2010–2012) The Economics of Leveraged Leasing. Equipment Leasing-leveraged Leasing, 5th ed. by Shrank Ian, Gough Arnold. New York, pp. 5–2.
[3] Van Horne J., Wachowicz J. (2009) Fundamentals of Financial Management. 13th ed. Prentice Hall, Inc.
[4] Газман В.Д. Концепция применения лизинга в проектном финансировании / Экономический журнал ВШЭ. 2015. Т. 19. № 1. С. 104–127.
[5] Газман В.Д. Концепция применения лизинга в проектном финансировании / Экономический журнал ВШЭ. 2015. Т. 19. № 1. С. 104–127.



1-расм. Левериж-лизинг моделини амалга ошириш чизмаси

Левериж-лизинг шартномасида кўплаб иштирокчилар таркибида икки нафар ишончли вакил фаолият юритади. Улардан бири ҳаракатларни мувофиқлаштириб туради ҳамда тижорат банкларининг манфаатларини ифодалайди. Ўз навбатида, ишончли вакил бўлган лизингга олувчи бошқа гуруҳ иштирокчиларининг биргаликдаги фаолиятларини бошқаради ва у бошқарувчи компания деб юритилади (БК). У лизингга берувчи сифатида лизинг шартномаси, лизингга бериш учун мўлжалланган мол-мулк бўйича олди-сотди шартномаси, кредит шартномаси ҳамда суғурта шартномасини тузади. БК лизинг шартномаси бўйича қўлга киритилган фойдани акционерлар ўртасида тақсимлайди. Чизмадан кўриниб турибдики, лизинг-нинг ушбу схемаси лойиҳавий молиялаштириш билан умумий жиҳатларга эга.

Левериж-лизинг моделини бошқа молиявий маҳсулотлар билан таққосламаслик лозим. У мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳим бўлган катта ҳажмли хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб қилишнинг қўшимча каналини шакллантиради ва унинг ёрдамида молиялаштириш манбалари ўртасида рақобатни ривожлантирувчи инвестицион молиявий маҳсулотлар йўналиши ошади. Бу эса иқтисодиёт субъектлари учун энг самарали бўлган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини кенгайтиради. Левериж-лизинг моделидан фойдаланишнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд, яъни, левериж-лизинг моделини қўллаганда солиқ имтиёзлари ва преференцияларга эга бўлиши (икки мамлакат ҳудудида амалга ошириладиган битта инвестицион лойиҳа доирасида имтиёзларни қўлга киритиш мақсадида шартномани тўғри тузишда муҳим аҳамият касб этади), инвестицион лойиҳаларни левериж-лизинг орқали амалга ошириш имкониятининг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан асосланганлиги бошқа моделларнинг элементлари (факторинг, форфейтинг)га нисбатан жозибадор ҳисобланиши, левериж-лизингда шартноманинг гаров таъминоти сифатида юқори ликвидли маҳсулотлар (энг аввало, хом ашё)лар ўрнига мол-мулк, яъни лизинг предметининг ўзидан фойдаланилиши ва ҳ.к.

Бундан кўриниб турибдики, миллий лизинг бозорида лизингнинг янги моделлари, хусусан левериж-лизингни жорий этиш учун дастлаб ушбу муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга ушбу тушунчани киритиш, унда бошқарувчи компания, синдикациялаш жараёнлари каби тушунчаларни ҳам асослаш талаб этилади.

VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Ш. Азимова – СамИСИ, МА-119 гуруҳ магистранти

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРГА КИРИТИЛГАН КАПИТАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР АУДИТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада корхоналар асосий воситаларига киритилган капитал инвестицияларни аудитининг долзарб масалалари тадқиқ этилган, шунингдек уларнинг ечимларига қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: асосий воситалар, капитал инвестициялар, аудит кетма-кетлиги, аудиторлик муолажалари, аудит натижалари.

Аннотация: В статье исследованы актуальные вопросы аудита инвестиций в основные средства, а также даны предложения и рекомендации, направленные на их решение.

Ключевые слова: основные средства, капитальная инвестиция, последовательность аудита, аудиторские процедуры, результаты аудита.

Abstract: These article researches topical issues of auditing investments in fixed assets, and also gives suggestions and recommendations aimed at solving them.

Keywords: fixed assets, capital investment, audit sequence, audit procedures, audit results.

Кириш. Корхоналарда ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг муҳим объектларидан бири бўлиб асосий воситаларга киритилган капитал инвестициялар ҳисобланади. Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур объектнинг аудиторлик текширувидан ўтказиш тартиблари дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда етарлича ёритилмаган. Аудит амалиётида ҳам асосий воситаларга киритилган инвестицияларга етарлича чуқур ёндалишилаяпти деб бўлмайди. Корхоналарни модернизациялашнинг муҳим давлат аҳамиятга моликлиги, амалиётда ушбу мақсадга эришиш учун кўплаб инвестицион лойиҳаларни амалга оширилаётганлиги, мазкур объектлар аудитини инвесторлар, мулкдорлар, давлат органлари томонидан қўйилаётган ахборот талабларидан келиб чиқиб, ташкил этиш масалаларини чуқур тадқиқ этишни объектив зарарурат қилиб қўймоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарни модернизациялаш, ушбу мақсадларга турли манбалардан катта миқдордаги инвестицияларни киритиш, ушбу жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисобга олиш, ҳисоботда акс эттириш, аудиторлик текширувидан ўтказиш ва аудиторлик баҳосини бериш масалалари

профессор К.Б. Уразов[1], А. В. Ваҳобов ва бошқалар[2] томонидан чоп этилган ишларда ўз аксини топган. Шунингдек, айрим олимлар республикамизда корхоналарни модернизациялаш ва уларга капитал инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича махсус илмий тадқиқотлар олиб борган. Чунончи, З.У. Муҳаммадиев[3] ўз тадқиқотларида корхоналарни модернизациялашни яхлит "Мақсад-Жараён-Натижа" занжирида ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш, ушбу занжир асосида корхоналарни модернизациялашни аудиторлик текширувидан ўтказиш моделини яратиш бўйича диққатга молик таклифларни ишлаб чиққан. Шу билан бирга, юқоридаги ишларда айнан асосий воситаларга киритилаётган капитал инвестициялар аудитининг режа ва дастурини, шунингдек уни ахборот таъминоти ва услубиятини инвесторлар талаблари асосида такомиллаштириш йўллари чуқур тадқиқ этилмаган.

Таҳлил ва олинган натижалар. Асосий воситаларга капитал инвестициялар аудити бўйича ҳал қилиниши лозим муҳим масалалардан бири бўлиб ушбу объектни аудит кўригидан ўтказиш режа ва дастурини тўғри шакллантириш ҳисобланади. Мазкур масалани, одатда, аудитни режалаштириш босқичида тегишли асосларга таянган ҳолда ҳал этиш лозим. Асосий воситаларга капитал инвестицияларни аудит режаси ва дастурига киритишга асос бўлиб, одатда, корхона балансининг "Тугалланмаган капитал қуйилмалар" номли моддасида ҳисобот давр боши ва охирига қолдиқ суммасини, шунингдек Бош китобда капитал қуйилмалар ҳисоби учун мўлжалланган счётлар тизимига (0800 "Тугалланмаган капитал қуйилмалар" счётлар тизимига) очилган счётларда асосий воситаларга капитал инвестицияларнинг киритилганлиги ва уларнинг асосий воситалар қийматига киритилганлиги тўғрисида маълумотларни мавжудлиги ҳисобланади. Корхона баланси ва Бош китобида капитал инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган счётларда капитал инвестицияларга доир маълумотларнинг мавжуд эмаслиги аудит текширувидан ўтказилаётган даврда корхонада асосий воситаларга капитал инвестициялар амалга ошмаганлигини ифодалайди ва бу, мос равишда, мазкур объектни аудит текшируви режа ва дастурларига киритмасликка асос бўлади. Шу билан


[1] К.Б.Уразов. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик. – Т." Фан ва технологиялар, 2019.

[2] А.В.Вахабов., Ш.Х.Хажибакиев., Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 328 б; Н.М.Махмудов., Д.Н.Акабирова. Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизации экономики. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 356 с.; Инновацион ривожланиш асосида миллий иқтисодиётни модернизациялаш: муаммолари, ечимлари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2015 .

[3] Мухаммадиев З.У. Модернизациялаш жараёнлари ва капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш йуналишлари. // Сервис. – Самарқанд, 2018. -№ 2. Б. 135-140; Мухаммадиев З.У. Корхоналарда модернизациялаш жараёнлари ҳисобининг долзарб масалалари. // Бизнес Эксперт. – Тошкент, 2019. -№ 11, Б. 87-90;Мухаммадиев З.У. Корхоналарда модернизациялашни молиялаштириш манбалари ҳисоби ва аудитини таснифий асослари. // Сервис. – Самарқанд, 2019. -№ 3. Б. 170-174; Мухаммадиев З.У. Корхоналарни модернизациялашни "мақсад-жараён-натижа" занжири асосида аудиторлик текширувларидан ўтказиш модели. // Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг долзарб муаммолари. Республика онлайн илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд-2020. Б. 212-218.

бирга, таъкидлаш жоизки, юқори таъкидлаб ўтилган баланс моддаси ҳамда капитал қуйилмалар ҳисоби учун мўлжалланган счётларнинг корхонада мавжуд эмаслиги, мазкур жараёнга оид бирламчи алдамчи тасаввурга ҳам олиб келиши мумкин. Шу боис, аудит текшируви режасига ва дастурига асосий воситаларга қилинган капитал инвестицияларга доир саволларни киритиш ёки киритмасликдан олдин, даставвал, 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар” тизимининг дебетида улар кўпайишини акс эттирувчи ёзувларнинг борлиги ёки йўқлигини ҳам қараб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, корхонада асосий воситаларнинг таъминотчилардан кирими 0800 “Капитал қуйилмалар” счётини четлаб ўтган ҳолда, тўғридан-тўғри Дебет 0100 Кредит 6010 ёзуви билан ҳам акс эттирилган бўлиши мумкин. Бинобарин, асосий воситаларни сотиб олишга сарфланган капитал инвестицияларнинг 0800 счётни четлаб, тўғридан-тўғри 6010 счёт орқали акс эттирилганлиги корхонада асосий воситаларга киритилган капитал инвестициялар ҳисобида услубий хатоликлар мавжудлигидан ҳам дарак беради.

Асосий воситаларга капитал инвестициялар аудити режаси ва дастурини шакллантириш негизига, фикримизча, корхонада амалга оширилган модернизациялашнинг йўналишлари ва уларга киритилган капитал инвестицияларни олиш мақсадга мувофиқдир. Чунончи, аудит режаси ва дастурига ҳозирги пайтда корхоналарда кенг кўламда ва катта миқдорларда амалга оширилаётган асосий воситаларни модернизациялашнинг қуйидаги йўналишларига киритилган капитал инвестицияларни текширишга доир саволларни киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз (1-расмга қаранг).



1-расм. Корхоналарда асосий воситаларни модернизациялаш йўналишлари ва уларга киритилган капитал инвестициялар

Асосий воситаларни модернизациялаш асосан иккита манба ҳисобидан амалга оширилади. Булар: (1) корхоналарнинг ўз маблағлари; (2) четдан олинган кредит ва қарзлар. Аудиторлик режаси ва дастурига асосий воситаларни модернизациялашнинг барча йўналишлари қандай манбалар ҳисобидан амалга оширилганлигига қараб, ушбу молиялаштириш манбаларининг олиниши, ўзлаштирилиши, қайтарилиши, уларга доир фоиз тўловларини капиталлаштирилиши ёки молиявий натижаларга тўғри ҳисобдан чиқарилганлигини текширишга қаратилган саволлар киритилишини мақсадга мувофиқ . деб ҳисоблаймиз.

Асосий воситаларга капитал инвестициялар аудити бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган иккинчи муҳим масала бўлиб ушбу объектни аудит кўригидан ўтказишнинг ахборот манбаларини аниқ белгилаш ва улардан тўғри фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу ахборот манбалари ичида асосий воситаларни модернизациялашга мўлжалланган инвестицион лойиҳалар, ушбу лойиҳалар бўйича харажатлар ҳисоб-китоблари (смета-лари), шунингдек модернизациялашни реал амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳисоб регистрлари ва бошланғич ҳужжатлар муҳим ўрин тутади. Одатда, янги объектларни қуриш, мавжудларини кенгайтириш, реконструкция қилиш, ободонлаштиришни лойиҳа-смета ҳужжатларисиз амалга ошириб бўлмайди. Ушбу ҳужжатларда бажарилиши лозим бўлган капитал қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, ободонлаштириш ишлари ҳажми, миқдори, қиймати, бажариш муддатлари ва бошқа жиҳатлари ўз аксини топади. Лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилган ишларнинг бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб турли далолатномалар (капитал қурилиш, объектни ишга тушириш, қабул қилиш-топшириш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, ободонлаштириш тўғрисида далолатномалар, бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот (М-29), счёт-фактуралар ҳисобланади. Шунингдек, асосий воситаларга киритилган инвестициялар тўғрисида пул бирлигида ахборот бериш воситаси бўлиб уларга очилган счётлар бўйича ҳисоб регистрлари – журнал-ордерлар ва бош китоб ҳисобланади. Ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида асосий воситаларга киритилган капитал инвестициялар тўғрисида тизимли ахборотларни шакллантириш учун корхоналарнинг ишчи счётларида уларнинг ҳар бири учун махсус счётларни назарда тутиш ҳамда уларни юритиш тартибларини ҳисоб сиёсатига киритиш мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, корхоналар ишчи счётлар режасига қуйидаги махсус счётларни киритиш ҳамда ҳисоб сиёсатида ушбу счётларни юри-тишга асос бўлувчи аниқ бошланғич ҳужжатларни белгилаш асосий воситаларни модернизациялашга киритилган капитал инвестициялар аудитида энг ишончли ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади (1-жадвалга қаранг).

Асосий воситаларга капитал инвестициялар аудити бўйича учинчи долзарб масала бўлиб ўтказиладиган аудитнинг кетма-кетлиги, амалга ошириладиган текширув муолажалари, улар натижаларини тўғри расмийлаштириш ҳисобланади. Фикримизча, юқоридаги расм ва жадвалда

1-жадвал

Корхоналарда асосий воситаларни модернизациялашга капитал инвестициялар ҳисобини юритишга мўлжалланган счётлар тизимини такомиллаштиришга оид тавсиялар

№	Асосий воситаларни модернизациялаш йўналишлари	АВни модернизация-лашга капитал инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган счётлар	Счётни ютишга асос бўлувчи бошланғич ҳужжатлар
1	Капитал қурилиш	0810 “Капитал қурилишга инвестициялар”	Капитал қурилиш тўғрисида далолатнома, объектни ишга тушиш, қабул қилиш-топшириш далолатномалари
2	Асосий воситаларни реконструкция қилиш	0811 “Асосий воситаларни реконструкция қилишга инвестициялар”	Реконструкция қилиш, ишни топшириш-қабул қилиш далолатномаси
3	Асосий воситаларни кенгайтириш	0812 “Асосий воситаларни кенгайтиришга нвестициялар”	Кенгайтириш, ишни топшириш-қабул қилиш далолатномалари
4	Асосий воситаларнинг аҳамиятли қисмларини алмаштириш	0813 “Асосий воситаларнинг аҳамиятли қисмларини алмаштиришга инвестициялар”	АВнинг аҳамиятли қисмини алмаштириш, ишни топшириш-қабул қилиш далолатномалари
5	Объектларни ободонлаштириш	0814 “Объектларни ободонлаштиришга инвестициялар”	Объектларни ободонлаштириш, ишни топшириш -қабул қилиш далолатномалари
6	Асосий воситаларни харид қилиш	0815 “Асосий воситаларни харид қилишга инвестициялар”	Харид шартномалари, счёт-фактуралар
7	Асосий подани шакллантириш	0816 “Асосий подани шакллантиришга инвестициялар”	Асосий подани шакллантириш тўғрисида далолатнома
8	Интенсив боғларни барпо этиш	0817 “Интенсив боғларни барпо этишга инвести-циялар”	Интенсив боғларни барпо этиш

келтирилган асосий воситаларни модернизациялаш йўналишлари ва уларга киритилган капитал инвестициялар бўйича аудитни қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш самарали ҳисобланади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Асосий воситаларга киритилган капитал инвестициялар аудити кетма-кетлиги ва унда эришиладиган натижалар

Т/р	Аудиторлик муолажаси	Эришиладиган натижа
1.	0810-0817 счётларнинг давр бошига қолдиқларини аниқлаш	АВ объектларини қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, ободонлаштириш, янгилашга капитал инвестицияларнинг давр

		бошидаги тугалланмаган суммаси аниқланади
2.	АВ объектларини қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, ободонлаштириш, янгилаш, харид қилиш, асосий подани шакллантириш ва интенсив боғларга киритилган янги инвестицияларни аниқлаш (0810-0817 счётларнинг дебет оборот суммалари реаллигини текшириш)	АВ объектларини қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, ободонлаштириш, янгилаш, харид қилиш, асосий подани шакллантириш ва интенсив боғларга киритилган янги инвестицияларнинг реал суммалари аниқланади
3	АВ объектларини қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, ободонлаштириш, янгилаш, харид қилиш, асосий подани шакллантириш ва интенсив боғларга киритилган инвестицияларни кирим қилинган тегишли АВ бошланғич қийматига кирим суммасини аниқлаш (0810-0817 счётларнинг кредит оборот суммалари реаллигини текшириш)	АВ объектларини қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, ободонлаштириш, янгилаш, харид қилиш, асосий подани шакллантириш ва интенсив боғларга киритилган инвестицияларни кирим қилинган тегишли АВ бошланғич қийматига киритилиши лозим бўлган реал суммаси аниқланади
4	0810-0817 счётларнинг давр охирига қолдиқларини аниқлаш	АВ объектларини қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, ободонлаштириш, янгилашга капитал инвестицияларнинг давр охиридаги тугалланмаган суммаси аниқланади
5	Модернизациялаш ва унга киритилган капитал инвестициялар суммалари асосида АВларни янгиланиш даражасига баҳо бериш	Модернизациялаш ва унга киритилган капитал инвестициялар суммалари асосида АВларни янгиланиш даражасига аудиторлик баҳоси берилади
6	Модернизациялаш ва унга киритилган капитал инвестицияларнинг самарадорлик кўрсаткичларига баҳо бериш	Модернизациялаш ва унга киритилган капитал инвестицияларнинг самарадорлик кўрсаткичларига аудиторлик баҳоси берилади
7	АВга инвестициялар бўйича кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини аниқлаш	АВга инвестициялар бўйича кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги аниқланади
8	АВ модернизациялаш учун олинган кредит ва қарзлар бўйича фоиз тўловларини капиталлаштирилган қисми ва молиявий натижаларга олиб борилган суммалари реаллигини текшириш	АВ модернизациялаш учун олинган кредит ва қарзлар бўйича фоиз тўловларини капиталлаштирилган қисми ва молиявий натижаларга олиб борилган суммалари реаллиги аниқланади

Хулоса. Фикримизча, асосий воситаларга киритилган капитал инвестициялар аудитини ўтказишда юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларни қўллаш, фикримизча, корхоналар равнақида муҳим рол ўйновчи модернизация жараёнлари ҳамда улар натижалари тўғрисида фойдаланувчиларни, аввалambор, инвесторларни реал ахборотлар билан таъминлаш имконини беради.

К.Б.Уразов– СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Ш. К.Умарова– СамИСИ, МА-119 гуруҳ магистранти

НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ КОРХОНАЛАРИДА АУДИТ ЎТКАЗИШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТУЗИЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: мақолада нефт маҳсулотларини сотиш корхоналарида аудит ўтказишда халқаро стандартлар асосида тузиладиган молиявий ҳисобот шаклларидан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: аудит, халқаро стандартлар, молиявий ҳисобот, ҳаққоний қиймат, шартли активлар, шартли мажбуриятлар, тушум, даромад.

Аннотация: В статье показаны пути использования в аудите предприятий нефтепродуктов форм финансовой отчетности, составляемых на основе международных стандартов.

Ключевые слова: аудит, международные стандарты, финансовая отчетность, справедливая стоимость, условные активы, условные обязательства, выручка, доход.

Abstract: The article illustrates the ways of using financial reports prepared according to international financial reporting standards (IFRS) in the audit of oil products enterprises.

Keywords: audit, international standards, financial reports, fair value, contingent liabilities, contingent assets, revenue, income.

Мамлакатимиз иқтисодиётида нефт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга ўз вақтида етарлича етказиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Нефт маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб беришда нефт маҳсулотларини сотувчи корхоналарнинг роли катта. Мазкур тармоқ субъектларини модернизация қилиш, уларда таъминот, сақлаш ва сотиш жараёнларини, шунингдек таъминотчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китобларни замонавий компьютер ва ахборот технологиялари асосидарақамлаштириш, шу асосда молиявий ҳисоботнинг муҳим кўрсаткичлари бўлган даромадлар, харажатлар, фойда (зарар), солиқ тўловлари ҳисоби ҳамда назоратини такомиллаштиришмуҳим вазифалар бўлиб ҳисобланади. Ушбу вазифаларни бажаришда нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналарида бошқа тармоқ корхоналарида сингари молиявий ҳисоб ва ҳисоботларни ҳалқаро стандартларга ўтказиш, шунингдек халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботлар

асосида аудиторлик текширувларини ўтказиш катта самара беради. Бунинг асосий сабаби шундаки, иқтисодиётнинг барча тармоқ субъектларига инвесторларни жалб этиш ва ҳалқаро бозорга чикишда ташқи хамқорларга ахборотларни тушунарли тарзда тақдим этиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1-сон БҲМС "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот"га [1] асосан хўжалиқ юритувчи субъектлар қуйидаги молиявий ҳисоботларни тақдим этишлари лозим:

- Бухгалтерия баланси;
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот;
- Молиявий ҳисоботга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

1-сонли БҲХС (IAS)"Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш"га [2] мувофик Молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами қуйидагиларни қамраб олади:

(а) давр охирига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;

(б) давр учун фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;

(в) давр учун капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;

(г) давр учун пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;

(д) изоҳлар, яъни аҳамиятли ҳисоб сиёсатларининг ва бошқа тушунтириш маълумотларининг қисқа баёнини қамраб олган изоҳлар.

Молиявий ҳисоботларни ҳалқаро стандартлар асосида тузишда нафакат молиявий ҳисоботнинг номи, балки ҳисобот моддаларининг моҳияти ва баҳоланишида ҳам фарқ қилади. Буни,жумладан, бухгалтерия баланси ёки давр охирига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот моддаларини миллий ва халқаро стандартлар бўйича таркибининг қуйида келтирилган солиштирмасидан кўриш мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Бухгалтерия баланси моддаларининг 15-сон БҲМС ва 1-сон БҲХСга асосан солиштирма жадвали

Бухгалтерия баланси моддалари(15-сон БҲМСга асосан)	**Давр охирига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (1-сон БҲХСга асосан)**
а) асосий воситалар	а) асосий воситалар
б) узоқ муддатли инвестициялар	б) инвестицион мулк
в) номоддий активлар қиймати	в) номоддий активлар
	г)молиявий активлар ((д), (з) ва (б) лар бўйича кўрсатилган суммалардан ташқари)
	д)улуш бўйича ҳисобга олиш усули бўйича ҳисобга олинган инвестициялар

[1]Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 14.08.1998да қайд этилган, № 474

[2]2007 йил 1 сентябрдан кучга киритилган

	е)биологик активлар
ж)товар моддийзахиралари	ж)товар-моддий захиралар
з) дебиторлик қарзлари	з)савдо бўйича ва бошқа дебиторлик қарзлари
и) пул маблағлари	и)нақд пуллар ва нақд пул эквивалентлари
	й)сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар
к) жорий мажбуриятлар	к)савдо бўйича ва бошқа кредиторлик қарзлар
л) резерв капитали	л)резервлар
	м)молиявий мажбуриятлар ((к) ва (л) лар бўйича кўрсатилган суммалардан ташқари)
н) бюджетга тўловлар бўйича қарзлар	н)жорий солиқ бўйича мажбуриятлар ва активлар
о)солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	о)муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари ва муддати узайтирилган солиқ активлари
	п)сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган моддаларнинг гуруҳларига киритилган мажбуриятлар
	р) капитал таркибида акс эттирилган, назорат кучига эга бўлмаган улушлар
с) устав капитали	с) бош ташкилотнинг мулк эгаларига тегишли бўлган, чиқарилган капитал ва капиталдаги резервлар

Юқоридаги жадвал маълумотларидан қўришимиз мумкинки, айрим моддалар миллий ҳисобот шаклида, айримлари эса ҳалқаро стандарт бўйича тавсия этилган ҳисобот шаклида айнан бир ҳил ном билан қайд этилмаган. Шуни айтиш жоизки, айрим моддалар бошқа моддалар таркибига кирган ҳолда умумлаштириб кўрсатилган. Масалан, миллий ҳисоботда узоқ муддатли инвестициялар таркибида улуш бўйича ҳисобга олиш усули бўйича ҳисобга олинган инвестициялар, асосий воситалар таркибида биологик активлар,сотиш учун мўлжалланган активлар қиймати акс эттирилган. Шу сабабдан ҳам миллий стандартлар бўйича тузилган ҳисоботларни тўғридан-тўғри халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботга транформация қилиш мураккабдир. Бунда айрим моддалар таркибини чуқур ўрганиш ҳамда гурухларга ажратиш лозим.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, молиявий ҳисоботлардаги фарқлар факат моддалар номларида ёки моҳиятида эмас, балки активлар, мажбуриятлар, ўз сармоясининг баҳоланишида ҳам фарқланади. Халқаро амалиётда корхона активлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари ҳаққоний қийматда баҳоланади. Чунончи, нефт маҳсулотларини сотувчи корхоналарда активларининг салмоқли қисмини ташкил этувчи товар моддий заҳираларни халқаро стандартлар бўйича ҳаққоний қийматда баҳолаш лозим. Аммо бу миллий стандартларимизда назарда тутилмаган.

13-сон МҲХС (IFRS) “Хакконий қийматни баҳолаш”га [1] мувофиқ **ҳаққоний қиймат** баҳолаш санасида, ТМЗни худди шундай ТМЗ сотиладиган асосий бозорда (ёки энг катта манфаат келтирадиган бозорда)

[1]2011 йил май ойидан кучга киритилган

сотиш бўйича бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операция амалга оширилиши мумкин бўлган баҳони акс эттиради.

Аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича изланишларимизда ҳалқаро амалиётда кенг қўлланилаётган, аммо миллий амалиётимизда мавжуд бўлмаган молиявий ҳисоботга изоҳларда келтириладиган шартли мажбурият ҳамда шартли активларнинг нефт маҳсулотларини сотувчи корхоналарда ҳисобга олиш ҳамда баҳолаш муҳимлигини ўргандик.37-сон "Резервлар,шартли мажбуриятлар ва шартли активлар" БҲХС(IAS)га[1]мувофиқ **шартли мажбурият** - бу:

(а) бўлиб ўтган ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган мажбурият. Унинг мавжудлиги фақатгина тадбиркорлик субъектининг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланади; ёки

(б)у ҳозирги пайтдаги мажбурият бўлиб, бўлиб ўтган ҳодисалардан юзага келади, аммо тан олинмайди, чунки:

(i) иқтисодий нафни ўзида мужассамлаштирадиган ресурларнинг мажбуриятни сўндириш учун чиқиб кетиши талаб этилишининг эҳтимоли йўқ; ёки

(ii) ушбу мажбуриятнинг суммасини етарли ишончлилик билан баҳолаш мумкин бўлмайди.

Шартли актив – бу бўлиб ўтган ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган ва унинг мавжудлиги фақатгина тадбиркорлик субъектининг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланадиган активдир.

Шартли мажбуриятлар ёки шартли активлар балансда акс эттирилмайди. Уларни балансдан ташқари счётларда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Шартли мажбуриятлар молиявий ҳисоботларга бериладиган очиқлашларда келтирилиши лозим.

Айнан нефт маҳсулотларини сотувчи қорхоналар мисолида кўрадиган бўлсак, нефт базалар харидорларга бир йил давомида хизмат тақдим этиш мажбуриятини ўз филиаллари ёки фермерларга ёкилғи тарқатиш шахобчалари орқали бажарилиши бўйича кафолатни олган.

Нефт база филиаллари ёки ёқилғи қуйиш шаҳобчалари бўйича харидорлардан даъво келиб тушмайди, чунки филиаллар ёки шаҳобчалар бундан бутунлай манфаатдор эмас. Бироқ филиал ёки шаҳобча харидор олдидаги мажбуриятини унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бажара олмаслик риски мавжуд бўлади. Агар харидор томонидан филиал ёки шахобчаларда шартнома мажбуриятларининг бирор қисми, яъни нефт маҳсулотларининг ўз вақтида етказилмаганлиги ёки сифатининг талабга жавоб бермаслиги бўйича шикояти судга тақдим

[1]1998 йил 1 сентябрдан кучга киритилган

этилган бўлса, суд томонидан даъво очилган бўлса, суд қарори чиккунга қадар даъвода келтирилган сумма нефт база томонидан шартли мажбурият сифатида баҳоланиши ва молиявий ҳисоботга келтириладиган изоҳларда очиқланиши талаб этилади. Худди шу вазиятнинг акси сифатида агарда нефт база бирор харидорини шартномада келтирилган бирор мажбуриятини бажармаганлиги боис судга берган бўлса, яъни харидор қарзини ўз вақтида тўламаган бўлса, суд қарори бўйича ундириладиган пеня ёки жарима суммаси шартли актив сифатида баҳоланиши ва молиявий ҳисоботга келтириладиган изоҳларда очиқланиши керак. Шартли активларни баҳолашда ўтган йиллар тажрибалари ўрганилади ва агар судда ютиш имконияти юқори бўлсагина шартли актив сифатида баҳоланиши мумкин.

Нефт маҳсулотларини сотувчи корхоналарда юқоридаги вазиятлар кўп учраганлиги сабабли шартли актив ва шартли мажбуриятларни баҳолашни ҳамда молиявий ҳисоботга изоҳларда келтирилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

2014 йил 28 майда МҲХС бўйича Кенгаш томонидан тушумни тан олиш принципларини белгиловчи янги 15-сон МҲХС (IFRS)“Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”[1] ишлаб чиқилди. Ушбу стандарт 2018 йил 1 январдан эътиборан молиявий ҳисоботларни тузишда қўлланилиши шартлиги белгилаб қўйилди. Ушбу стандартнинг мақсади харидор билан тузилган шартномада шартланган даромад ва пул оқимларининг келиб чиқиши хусусияти, миқдори, муддати ва ноаниқлиги тўғрисида фойдаланувчиларга фойдали молиявий ҳисоботларни акс эттиришда ташкилот томонидан қўлланилиши керак бўлган принципларни белгилашдан иборат. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки,миллий стандартларимиздан 2-сон БХМС “Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар”[2]деб номланган бўлиб, мазкурстандартнинг мақсади хўжалик юритувчи субектнинг асосий хўжалик фаолиятидан оладиган даромадларини ва уларни ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборат.

15-сон МҲХСда тушум ҳамда даромад тушунчаларига қуйидагича таъриф берилган:

“**Даромад** бу – ҳисобот даври давомида активларнинг келиб тушиши ёки сифатининг яхшиланиши ёки мажбуриятлар миқдорининг камайиши кўринишида иқтисодий нафнинг кўпайиши, қайсики унинг натижасида капитал иштирокчиларининг бадали билан боғлиқ бўлмаган ҳолда хусусий капиталнинг кўпайиши юз беради.

Тушум бу – компаниянинг одатий фаолияти давомида юзага келадиган даромади.”

2-сон БХМС “Асосий хҳжалик фаолиятидан тушган даромадлар”да эса асосий фаолият бўйича даромадларга таъриф қуйидагича берилган:

[1]2018 йил 1 январдан кучга киритилган

[2]Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирги томонидан 26.08.1998 да қайд этилган, № 483


“**Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар** - хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида вужудга келадиган давр ичида мулк эгаларининг ўз сармояларига бадали билан боғлиқ бўлган кўпайишларни истисно этганда, ўз сармояси кўпайишига олиб келадиган тушумлар”

Шунингдек, “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”да даромадлар қуйидагича изоҳланган:

“Даромадлар - ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайишидир”[1].

Келтирилган таърифлардан кўриш мумкинки, корхонанинг даромади ва тушуми бир-бирига жуда яқин тушунчалар бўлиб, халқаро стандартда тушум даромадга нисбатан олинган бўлса, миллий стандартларда даромад тушумга нисбатан олинган.

Халқаро амалиётда тушумни тан олиш беш босқичдан иборат (1-расм).



1-расм. Халқаро амалиётда тушумни тан олиш босқичлари

Келтирилган расмдан кўриш мумкинки, халқаро амалиётда энг аввало, тузилган шартнома даромад келтирадими ёки йўкми шуни аниқлаб олиш лозим. Масалан, агар бир корхона турдош корхона билан бирор

[1]“Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирги томонидан 14.08.1998 да қайд этилган, № 475

вазиятда бир-бирини кўллаш бўйича шартнома тузган бўлса, бу ҳолатда тушум деб тан олиш учун объект мавжуд бўлмайди. Кейинги босқичда корхона шартнома бўйича мажбуриятлари аниқ гуруҳлаб олиши лозим бўлади. Бунда бир шартномада сотувчи корхона олувчи корхонага бир нечта мажбуриятларни бажариш шартларини олиши мумкин. Масалан, нефт маҳсулотлари таъминоти корхонаси харидор билан тузилган бир шартнома нархига ҳам ёқилғи нархини хам уни ўз транспортида етказиб бериш бўйича хизмат курсатиш мажбуриятини киритиши мумкин. Бунда сотувчи корхона олдида иккита мажбурият юзага келябди. 3-босқичда бевосита тузилган шартнома нархини аниқлаболиш лозим бўлади. Шартнома нархи аниқлангандан сўнг нархни 2-босқичда аниқлаб олган мажбуриятларимиз бўйича тақсимлаб олишимиз лозим бўлади. Шундан сўнг сотувчи корхона томонидан шартномада кўрсатилган мажбурият-ларнинг бажарилган қисми учун тушумни тан олишимиз мумкин.

Тушумни юқоридаги кўринишда босқичларга ажратган ҳолатда тан олиш, ҳисобга олинаётган сумманинг реаллигини оширади ҳамда корхона ҳақиқатда қанча даромад олаётганини кўрсатади. Корхона даромадларини халқаро амалиётдаги босқичларда тан олиш, хорижий инвесторларни корхонада акс эттирилган даромадлар суммасига бўлган ишончини оширади.

Шундай қилиб, юқоридаги қисқача шархлардан қуйида хулосаларни қилиш ҳамда таклиф ва тавсияларни бериш мумкин.

1. Нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналарида бошқа тармоқ корхоналарида сингари молиявий ҳисоб ва ҳисоботларни ҳалқаро стандартларга ўтказиш, шунингдек халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларга асосанаудиторлик текширувларини ўтказиш объектив заруратдир ва бу катта самара беради.

2. Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш тартибига ўтиш ҳозирги пайтда параллел олиб борилаётган миллий ҳисобот шаклларини халқаро стандартлар асосида тузиладиган молиявий ҳисоботларга кўп вақт ва маблағ сарфлаб транформация қилишнинг олдини олади.

3. Халқаро амалиётда корхона активлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари ҳаққоний қийматда баҳоланади. Республикамизда молиявий ҳисобот элементларини ҳаққоний қийматда акс эттирилмасдан қолмоқда. Корхоналар активлари ва мажбуриятлари тўғрисида ҳисобот маълумотлари ишончлигини таъминлаш учун республикамизда 13-сон МҲХС (IFRS) “Хаккоий қийматни баҳолаш”да белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилишга доир текширув муолажаларни аудит режалари ва дастурларига киритишни меъёрий ҳужжатларга киритиш мақсада мувофиқ.

4. Шартли мажбуриятлар ёки шартли активларнинг аниқ турлари ва ҳодисаларини балансда ва унга қилинадиган очиқлашларда акс эттириш ёки акс эттирмаслик тартибларини қонун ҳужжатларида қатъий белгилаш

лозим. Бу аудиторлик текширувларида мазкур муҳим ҳодисалар бўйича аудиторларда профессионал мулоҳазаларни шаклланишига ва бунда аудиторлик рискини аниқ баҳоланишига имкон беради

5. Халқаро амалиётда тушумни тан олиш беш босқичда амалга оширилади. Бизда ҳам ушбу тартибга ўтиш тушум таркибини тўғри белгилаш, унинг умумий суммаси ва нархларни шартнома шартлари бўйича гуруҳлаш ва баҳолашда аудиторлар олдида вужудга келаётган шубҳали мулоҳазаларни бартараф қилинишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 14.08.1998 да қайд этилган, № 474
2.1-сонли БҲХС (IAS)“Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш”. 2007 йил 1 сентябрдан кучга киритилган.
3. 13-сон МҲХС (IFRS) “Хаккоий қийматни баҳолаш”. 2011 йил май ойидан кучга киритилган
4. 37-сонБҲХС(IAS) “Резервлар,шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”. 1998 йил 1 сентябрдан кучга киритилган
5. 15-сон МҲХС (IFRS) “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”. 2018 йил 1 январдан кучга киритилган.
6.2-сон БХМС “Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирги томонидан 26.08.1998 да қайд этилган, № 483
7. “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирги томонидан 14.08.1998 да қайд этилган, № 475

Н.У.Худайбердиев – СамИСИ декани, и.ф.н., доцент,
М.С.Пардаев – СамИСИ магистрант

КОРХОНАЛАРДА ИШ ҲАҚИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ ЖАРАЁНЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада иш ҳақи ва у билан боғлиқ айрим жараёнларни бухгалтерия ҳисобида ва ҳисоботида миллий ва халқаро стандартлар бўйича ҳисобга олишнинг услубий жиҳатлари ифодаланган.

Калит сўзлар: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисоби, иш ҳақи, счётлар режаси, ушланма, ажратма.

Abstract: The article describes the methodological aspects of payroll accounting and some related processes in accounting and reporting in accordance with national and international standards.

Key words: International financial reporting standards, accounting, payroll, chart of accounts, hold from wages, deductions.

Аннотации: В статье описаны методологические аспекты учета заработной платы и некоторые связанные с этим процессы в бухгалтерском учете и отчетности в соответствии с национальными и международными стандартами.

Ключевий слова: Международные стандарты финансовой отчетности, бухгалтерский учёт, зарплата, план счетов, удержание с зарплаты, разделение с зарплаты.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида ривожланган мамлакатлардаги соҳага оид илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ қилиш жараёни бормоқда. Чунончи, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи соҳасида ҳам Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (МҲХС)га ўтиш жадал суратларда амалга оширилмоқда. Буни “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда — МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар:

2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди,...” [1] жумлалардан ҳам англаш мумкин.

МҲХСга ўтишни жадаллаштиришда энг аввало, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ҳар бир иқтисодий категория ва кўрсаткичларни халқаро нормаларга яқинлаштириш лозим.

Бунда худди шундай, категориялардан бўлган ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ва улар билан боғлиқ ушланмалар ҳисоби ҳам маълум бир методологик жиҳатдан такомиллаштиришни талаб этади. Бизнинг амалиётимизда иш ҳақи ҳисоби бўйича 21-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти(БҲМС)да келтирилган тартиб “ҳисобланишлар асосида ҳисобланишлар”га асосланган, деб ўйлаймиз. Биз ушбу ҳолатларни таҳлил қилиш асосида 21-сон БҲМСда кўрсатилган тартибни 1-жадвалда келтирилган йўналишда такомиллаштириш лозим, деб ўйлаймиз.

1- жадвал

Иш хақи ва у билан боғлиқ жараёнлар ҳисобининг амалдаги стандарт ва таклиф қилинаётган тартиби

Операцияларнинг мазмуни	21-сон БҲМСга кўра			Биз номондан таклиф этилаётган		
	Счётлар корр.		Сумма	Счётлар корр.		Сумма
	Д-т	К-т		Д-т	К-т	
1.Асосий ишлаб чиқариш ишчиларига иш ҳақи ва у билан боғлиқ ушланмалар ҳисобланди: Қўлига оладиган сумма- 7172000 Даромад солиғи - 969850 Жамғариб бориладиган пенсия ҳисобракамига ажратма-8150 Жами ҳисобланган сумма-8150000	2010 6710 6410	6710 6410 6520	8150000 978000 8150	2010 2010 2010	6710 6410 6520	7172000 969850 8150

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори

2.Бошқарув ходимларига иш ҳақи ва у билан боғлиқ ушланмалар ҳисобланди: Қўлига оладиган сумма- 5280000 Даромад солиғи- 714000 Жамғариб бориладиган пенсия ҳисобракамига ажратма- 6000 Жами ҳисобланган сумма-6000000	9420 6710 6410	6710 6410 6520	6000000 720000 6000	9420 9420 9420	6710 6410 6520	5280000 714000 6000
ЖАМИ			**15862150**			**14150000**

Манба: "LEADER EDUCATION ACADEMY" МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жадвалда таклиф этилаётган вариантда счётлар режасида қайд қилинган вариантдан фарқли ўлароқ, айрим жиҳатиларга тўхталиб ўтиш ўринлидир. Аҳамиятли *жиҳати* шундан иборатки, иш ҳақининг ҳисоби ва у билан боғлиқ ажратмалар ҳисобида таклиф қилинган вариантда "ҳисоблашишлар асосида ҳисоблашишлар"га барҳам бермоқда. Юқоридаги жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, умумий ҳисобланган сумма счётлар режасидаги тартибга мувофиқ 15862150 сўм бўлган ҳолда, таклиф этилаётган вариантда эса 14150000 сўмни ташкил этмоқда. Натижада, счётлар режасида 1712150 сўм (15862150 – 14150000) "ҳисоблашишлар асосида ҳисоблашиш"га йўл қўйилмоқда. Бундай ҳолларда ходим олдиндан қанча иш ҳақи қўлига олишини билмайди. Халқаро тажрибаларда ходимлар билан меҳнат шартномасида қанча сумма кўрсатилган бўлса ўша сумма қўлига берилади. Биз ҳам иш ҳақини ҳисоблашнинг халқаро тартибига ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. Биз томондан халқаро тажрибалар асосида таклиф қилинган вариантнинг характерли хусусияти шундан иборатки, иш ҳақи ҳисоблангандан сўнг, ундан турли ушланма ва ажратмалар суммалари проводкаси берилмасдан, балки тўғридан-тўғри қўлга бериладиган иш ҳақи, даромад солиғи ва жамғариб бориладиган пенсия ҳисобракамига ажратмалар ажратувчи проводкаларни беришга таянади. Бундан ташқари харажатларни тўпловчи ҳисобварақларда, қўлга олинадиган иш ҳақи ва ундан ушланмалар аниқ кўринади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулоса ва тавсияларни берамиз:

- Бухгалтерия ҳисоби, унинг шакли ва юритиш усуллари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш талаблари асосида ўзгариб боради.
- МҲХСларга ўтиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади, шу сабабли, ҳисоб ва ҳисобот шаклларини халқаро талабларга мослаштириш, хусусан, иш ҳақи ва унинг ҳисобини юритишда халқаро тартиб ва тамойилларни қўллаш.
- Иш ҳақи, ундан ушланма ва ажратмаларни ҳисоблашнинг янгича усулларини қўллаб, унинг методологиясини соддалаштириш ва амалиётга жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611 "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида” Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 2002 йил 9 сентябрдаги № 103 “Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) “Хўжаликюритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режасива уни қўллаш бўйича йўриқнома”ни тасдиқлаш тўғрисида” буйруғи.
3. С.Н. Ташназаров, Д.С. Ташназарова. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Маъруза матни. Самарқанд-2019, 464 б.
4. Д. Холбоев, У. Ибрагимов. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. Самарқанд-2016, 239 б.

З.Т. Фарманова – Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги, Молиялаштириш ва бухгалтерия хисоби бўлими бошлиғи

ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Тезисда бюджет ташкилотларида электрон биржа харидлари тўловларини ташкилотлар бош ҳисобчилари электрон имзо калит орқали тўловни амалга оширишни такомиллаштириш масаласи

Калит сўзлар: бюджет ташкилоти, электрон имзо калити, электрон тўлов топшириқномаси, смета харажатлари, электрон биржа харидлари, электрон шартнома.

Аннотация: В тезисах рассматривается вопрос совершенствования проведения электронных биржевых закупок платежей в бюджетных организациях главными бухгалтерами организаций с ключом электронной подписи

Ключевые слова: бюджетный организация, электрон биржевый торги, электрон ключ, электрон поручения, смета расходов, электрон договор

Abstract: In the thesis the issue of improving the implementation of electronic of electronic exchange procurement payments in budget organizations by chief accountants of organizations with electronic signature key.

Keywords: budgetary organization, electronic exchange trading, electronic key, electronic instructions, cost estimate, electronic contract.

Мамлакатимизда кексалар, пенсионерлар, жисмоний имконияти чекланган кишиларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш борасида тизимли ва мақсадли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республикамизда 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли фармонига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги ташкил этиш белгиланганди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузури-

даги тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 252-сонли қарорига асосан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий ижтимоий хизматлар агентлиги фаолияти ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги тўғрисидаги Низомга кўра, Агентликнинг асосий вазифаси кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларини такомиллаштириш ҳисобланади. Бундай муҳтож шахсларни протез-ортопедик буюмлар ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масалалари ҳам асосий ўринни эгаллайди.

Бугунги кунда иқтисодиёт соҳаларида мавжуд тармоқларни автоматлаштириш, замонавий технологиялар, инновацион ишланмалар асосида модернизациялаш жараёнлари жадаллашмоқда.

Ушбу ҳолат ўз навбатида бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб – китоб ишларига ҳм ижобий таьсир кўрсатди, яъни ўтган 3-4 йил ичида соҳадаги қарийб барча ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ жараёнлар автоматлаштирилди.

Амалда бухгалтерия ҳисобини юритишда кенг кўламда қўлланилган катта ҳажмдаги бухгалтерия китоблари, чексиз счётлар ва ҳисоб фактуралари амалда қўлланишдан олиб ташланиб, тарихга айланмоқда. Кундалик фаолиятда, ишлаб чиқариш ёки ҳисоб – китоб ишларида янги технологиялар иқтисодиётнинг барча соҳаларига кенг кўламда қўлланилмоқда.

Бухгалтерия ҳисобига ахборот технологиялари, рақамли иқтисодиётни қўлланилиши натижасида ҳар бир харажат ва даромадни аниқ ҳисоблаш, маблағларни тўғри сарфланиши ва йўналтирилиши бўйича доимий мониторинг олиб бориш имкониятлари яратилди.

Ушбу ҳолат сўнгги бир неча йил ичида рақамли технологияларни интенсив жорий қилиниши натижасида кескин ижобий томонга ўзгарди. Бугунги кунда иқтисодиёт соҳаларида меҳнат қилаётган бухгалтер аллақачон бухгалтерия ҳисобини юритадиган оддий ходим эмас. Ушбу ўзгаришлар нафақат бухгалтерия хисоби, балки бухгалтерия касбига ҳам тегишли бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги 472 сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунида “давлат хариди — товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш; электрон давлат харидлари — электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион каби махсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат харидларини амалга ошириш усуллари; давлат буюртмачиси эса давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахсдир” деб баён қилинган.

Бугунги кунда электрон давлат харидларининг энг асосий ва муҳим афзаллик шундаки, давлат харидлари бўйича барча операциялар электрон

рақамли имзодан фойдаланган ҳолда буюртмачининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасига келиш мажбуриятидан озод қилади, яъни давлат харидларида иштирок этишингиз учун қоғоз шаклидаги ҳужжатлар талаб этилмайди, барча операциялар – рўйхатдан ўтишдан тортиб то товарни сотиш ёки қабул қилиб олишгача бўлган жараён электрон тарзда амалга оширилади.

Шахсий кабинетда буюртмачи ва иштирокчи ўртасида шартнома расмийлаштирилгандан кейин, биржа давлат буюртмачисининг смета харажатларидан маблағни сарфланиши керак бўлган моддадан маблағни автомат тарзда ечиб олади. Ижрочи шартномада белгиланган муддат ичида ва унинг бошқа шартларига мувофиқ товарни етказиб беради. Товар қабул қилингач, буюртмачи 3 кун ичида Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг автоматлаштирилган тизимининг дастурий комплекси орқали товарни тўлиқ ҳажмда қабул қилинганлиги тўғрисида хабар жўнатади. Шартнома бўйича маблағ Ҳисоб-китоб клиринг орқали, товар буюртмачига тўлиқ етказиб берилгандан сўнг ижрочига ўтказилади.

Агар шартнома шартларидаги товар ёки хизматлар давлат буюртмачисига маьқул келмаса, унда буюртмачи ва иштирокчи шахсий кабинетдан шартномани бекор қилиш тугмасини босиши керак. Тугмани босиш жараёнида дастур жарима бор ёки йўқлигини ва жарима бўлса у ким томонидан тўланиши сўрайди. Иштирокчи товарни етказиб бериш имконияти бўлмаса ёки товар маьқул бўлмаганда, буюртмачи томонидан жарима тугмаси босилганда, иштирокчи уни босмаслик ҳолатлари ҳам кузатилади. Ва натижада жаримасиз тугмани буюртмачи босишга тўғри келади. Баьзи ҳолларда товар ёки хизматлар буюртмачига маьқул келмаган тақдирда, иштирокчи томонидан норозилик пайдо бўлиб, шартномани бекор қилиш тугмасини босмаслик кузатилади. Биржа томондан керакли моддадан маблағ ечиб олингандан сўнг буюртмачи уша маблағ буюртмачининг ҳисоб рақамига кайтиб тушмагунича бошқа давлат харидларида иштирок этолмайди. Бу эса давлат буютмасига бир қанча ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Бу вақт ва ишдан унумсиз фойдаланиш, маблағдан ҳам ўз вақтида сарфланишини назоратда бўлмаслиги ва энг асосийси раҳбар ва бош ҳисобчилар ўртасида тушинмовчиликларга олиб келмоқда. Махсус ахборот портали оператори томонидан шикоятларни адолатли, тезкор ва самарали кўриб чиқиш мақсадида доимий равишда фаолият кўрсатадиган Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия тузилиб, унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланади. Лекин буюртмачининг иштирокчига нисбатан расмий мурожаат этиб вақт сарфлагандан кўра, ўйинни жаримасиз тугмасини босиши маьқулроқдир.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида 2010 йил 22 декабрда 2169 сонли йўриқноманинг 1 бўлим 8 бандига асосан “бош ҳисобчининг асосий вазифаларидан бири - бухгалтерия ҳужжатларини ўз

вақтида ва тўғри расмийлаштирилишини ҳамда амалга оширилаётган операцияларнинг қонунийлигини олдиндан назорат қилиш; смета ижроси жараёнида вужудга келадиган юридик ва жисмоний шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш ҳисобланади.

Давлат харидлари жараёнида биржа томонидан шартнома маблағларини ечиб олиниши ва уни қайтариб бериши учун буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги келишувни кутишига тўғри келиши сабабли товар ва моддий захиралар ёки асосий воситалар қабул қилиш кечикмоқда.

Давлат харидлари савдоси якунидан сўнг шартномада белгиланган маблағ суммасини буюртмачи - бош ҳисобчи томонидан электрон тўлов топшириқномаси асосида электрон имзо калит орқали ўтказилиши зарур. Бу эса иштирокчининг маьсулиятли бўлиши ва шартнома товарларини сифатли ҳамда ўз вақтида таъминотини таьминлайди. Акс ҳолда, иштирокчи буюртмачининг смета харажатларида харид қилинаётган товар учун бошқа маблағ йуқлигини, зарур маблағни биржада ечиб олинганлиги сабабли иштирокчи бемалол ҳаракат қилиб, ташкилот бош ҳисобчиларининг бюджет маблағларини тўғри ва сифатли бажаришида муаммоларни келтириб чиқармоқда. Рақамли иқтисодиёт шароитида биржа томонидан савдо якунидан сўнг маблағни буюртмачининг розилиги асосида тўланишини такомиллаштирилиш мақсадга мувофиқдир.

К.Мисиров – Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт
“Мутахассислик” кафедраси доценти

ЭКОЛОГИК ҲИСОБОТНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Аннотация: ушбу мақола молиявий ва экологик ҳисобот кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини халқаро стандартларга мувофиқ тарзда юритиш масалаларини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда хўжалик юритувчи субъекларининг экологик жавобгарлиги тўғрисидаги маълумотларни уйғун равишда ошкор этиши билан боғлиқ жиҳатлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: солиқ ҳисоботи, бухгалтерия ҳисоботининг халқаро стандартлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, экологик ҳисобот, ижтимоий ҳисобот.

Аннотация: Данная статья посвящена исследованию взаимосвязи финансовой и экологической отчетности в соответствии с международными стандартами, в котором освещены аспекты надлежащего раскрытия информации об экологической ответственности хозяйствующих субъектов.

Ключевые слова: налоговая отчетность, международные стандарты бухгалтерского учета, международные стандарты финансовой отчетности, экологическая отчетность, социальная отчетность.

Abstract: This article is devoted to the study of the interrelationship of financial and environmental reporting in accordance with international standards, which highlights the aspects of the proper disclosure of information on environmental liability of business entities.

Keywords: tax reporting, international accounting standards, international financial reporting standards, environmental reporting, social reporting.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида барча кўрсаткичлар экологик мувозанатни таъминлашга йўналтирилиши керак. Республикамизда фаолият юритаётган барча хўжалик юритувчи субъектларнинг экологик маданиятининг аста-секин ўсиб бориши уларнинг экологик рейтингда ўз ўрнини эгаллашида муҳим қадамлардан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг асосий элементлари - хом ашё ва ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсизлиги, атроф-муҳитни бошқариш сифати ва хўжалик субъектининг экологик соҳасидаги шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу муносабат билан таъкидлаш керакки, хўжалик юритувчи субъектларила экологик харажатларни ҳисобга олиш ва уларни ҳисоботларда акс эттилишини ривожлантиришга жиддий тўсиқ табиий ресурсларнинг иқтисодий баҳосини аниқлашга илмий асосланган ёндашувнинг йўқлигидир. Бундай камчиликларни бартараф этишнинг ягона тўғри ечими бир неча босқичларни ўз ичига олган хўжалик юритувчи субъектнинг экология соҳасидаги экологик харажатларни бошқариш мақсадларини ички ҳисобга олишнинг ички корпоратив методологиясини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида, шунингдек, экологик ҳисоботда қайд этилган маълумотларга асосланиб, экологик ҳисоботдан фойдаланувчиларни ушбу соҳадаги тактик қарорлар қабул қилиш натижасида барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш имкон берадиган самарали усулларни қўллаш бошқаришнинг асосий хусусиятларидан биридир. Бошқача қилиб айтганда, экологик ҳисоботни самарали юритишда, биринчи навбатда, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, турли хил ҳисоботлар, бошқа маълумот кўрсаткичларининг бўлишини назарда тутади, бу эса экологик харажатларнинг комплекс ўрганишга ёрдам беради. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва аудит қилишда ҳужжатлар, ҳисоботларнинг таркибини текширишда аниқ ҳисоб-китоблар ва қабул қилинган қарорларнинг хатолари, шу қаторда экологик соҳасидаги самарали бошқарув жараёнлари (процедуралари)ни ўз очига олишини талаб этади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви мамлакатларнинг халқаро ихтисослашувининг чуқурлашиши, иқтисодий манфаатлар, экологик муносабатлар сифатида барқарор ривожланиш контсепцияси ва манфаатдор фойдаланувчиларни доимий равишда ахборот билан таъминлаш воситалари ривожлана бошлади: биринчи навбатда, ҳисоботнинг энг ривожланган шакли сифатида экологик ҳисоботлар, сўнгра ижтимоий ҳисоботлар ва ниҳоят, барқарор ривожланиш соҳасидаги ҳисоботлар бўлиб, “молиявий бўлмаган ҳисобот” деб номланадиган молиявий ва молиявий бўлмаган кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида “амалдаги стандартларнинг халқаро ИСО (Халқаро стандартлаштириш ташкилоти) ва

ХЭК (Халқаро электротехника комиссияси) стандартлари билан уйғунлашувини таъминлаш” зарурлигини алохида келтириб ўтилган [1].

Республикамизнинг жаҳон бозорига интеграциялашувида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш шароитида мамлакатимизда йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналарида экологик сиёсатни, уни амалга ошириш бўйича комплекс дастурда ишлаб чиқишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни режалаштиришда, экологик ҳисоб, ҳисобот ва аудитини ташкил этиш муҳим ўрин эгаллайди. Аммо хўжалик субъектларининг экологик фаолиятини бошқариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора тадбирларни амалга оширишда экологик харажатларни ҳисоботда экс эттириш ва улар тўғрисидаги маълумотлар асосида хўжалик фаолиятини юритишнинг барча таркибий қисмларини қамраб олувчи: экологик активларни ҳисобга олиш, экологик мажбуриятлар, экологик натижалар ва уларни экологик ҳисоботда акс эттирилишини қамраб оладиган бундай стандартлар ва қоидалар ҳали ишлаб чиқилмаган.


Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби жараёнини ташкил этиш принциплари ва талаблари МҲХСнинг принциплари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши керак, шунда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоботларнинг ҳар хил турлари, шу жумладан, МҲХС бўйича ҳисобот учун маълумот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўладилар. Хўжалик юритувчи субъектларнинг айрим тоифалари бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тартиб-қоидаларини қўллашлари мумкин. Хусусан, бу нафақат йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналари учун, балким кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ҳам МҲХС тааллуқлидир. Шуни таъкидлаш керакки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётнинг энг рақобатбардош сегментидир. Саноат ишлаб чиқариш корхоналари учун МҲХС форматида ҳисобот бериш шунчаки бундай маълумотларни корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолияти тўғрисидаги барча маълумотларни акс эттирадиган бухгалтерия ҳисоби тизими асосида ишлаб чиқаришга имкон беради.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини ишлаб чиқишда иштирок этадиган ягона глобал ташкилот бухгалтерия ҳисоби стандартлари халқаро қўмитаси (IAS*C - International Accounting Standarts Commitee)* ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўмитаси (БҲХСҚ) мустақил ташкилот бўлиб, унинг мақсади бутун дунёда молиявий ҳисобот бериш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби тамойилларини бирлаштиришга эришишдир. Қўмита 1973 йилда Австрия, Канада, Франция, Германия,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли Фармони.

Япония, Мексика, Голландия, Буюк Британия, Ирландия ва АҚШнинг профессионал бухгалтерия ташкилотлари ўртасида келишув асосида ташкил этилган. 2001 йилда Қўмита Халқаро Бухгалтерия Стандартлари Кенгаши сифатида қайта ташкил этилди, у МҲХС номи остида янги пайдо бўлган стандартларни тақдим этади. IFRS. Қўмитаси /кенгаш IAS/IFRS Лондонда жойлашган, йирик аудиторлик фирмалари ва йирик корпорациялар томонидан молиялаштириладиган халқаро нотижорат ташкилотди сифатида фаолият олиб бормоқда. Унинг кенгаши йирик корпорациялар, фонд биржалари ва хўжалик бирлашмаларида ишлайдиган ёки ишлаган таниқли иқтисодчилардан иборат. Баъзи Эвропа мамлакатларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари мажбурий равишда қабул қилинган. Қўшма Штатларда Қимматли қоғозлар ва биржа комиссияси Америка компаниялари молиявий ҳисоботларини шакллантириш ва тақдимотини US GAAP бўйича IFRS га ўтказишни режалаштирмоқда.

Хўжалик субъектларнинг экологик ҳисобот маълумотларига асосланиб экологик фаолияти табий ресурслардан унимли фойдаланганлигига тўлиқ ва холисона баҳолашга имкон берадиган ахборот моделини яратиш ва доимо янгилаб бориш, иқтисодий ва экологик жараёнлар хўжаликнинг молиявий-иқтисодий истиқболларига таъсири. Албатта, нафақат иқтисодий муносабатларга балким экологик фаолият билан бевосида дахилдорлигини ва у тўғрисидаги ахборотга эга бўлиши учун экологик ҳисобот маълумоти истеъмолчиларнинг манфаатлари учун зарурлигини 1-расмдан кўриш мумкин.



1-расм – Экологик ҳисоботи маълумотларидан фойдаланувчилар

Бунда инвесторлар, инвестициявий қарорларни қабул қилиш учун экологик чора-тадбирлар тўғрисида маълумотга эга бўлишлари керак, хўжалик субъектининг бухгалтерия ҳисобида экологик харажатлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ операцияларни акс эттирганлиги тўғрисидаги маълумотларга асосан экологик ҳисоботларни тузиш, ундаги ахборотлардан таққослаш имконини беради. Давлат идоралари иқтисодий фаолиятнинг ҳудудлардаги экологик ҳолати ва унга таъсири тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш орқали экологик ҳисоботларни тузиш, экологик харажатлар тўғрисида зарур ахборотларга эга бўлиш жуда муҳимдир.

Умуман олганда хўжалик юритувчи субъектларда экологик ҳисоботларни такомиллаштириш қўйдаги таклифлар ўз хиссасини қўшади деб ҳисоблаймиз:

1. Мамлакатимизда фаолият юритаётган саноат ишлаб чиқариш корхоналарида экологик харажатлар ва мажбуриятлар билан боғлиқ муоммоларни ҳал қилишда инновацион усулларни қўллашни ўз ичига олади, уларнинг энг муҳими омили бўлиб экологик фаолиятга оид мумомилаларни ҳисоботларда қай этишдир. Экологик ҳисобот корхона менежерга, ташқи фойдаланувчиларга ҳам экологик ҳаражатларни самарали бошқариш ва инвестиция қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган хўжалик субъектларнинг экологик аҳамиятли фаолияти тўғрисида маълумот олиш имкониятини беради.

2. Саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг экологик харажатлари ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига интеграциялашуви нафақат бир хўжалик субъекти учун, балки бутун мамлакат учун табиатни бошқаришнинг экологик механизмини такомиллаштиришнинг ахборот базаси сифатида экологик харажатларини ҳисобни экологик ҳисоботларда юритилишини назари ва амалий жиҳатларини такомилаштиришдан иборат.

3. Хўжалик субъектлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солишда экологик жиҳатларини, бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олишнинг кенг қамровли методологияси ва экологик ҳисоботда ахборотни ошкор қилиш талаблари изоҳланмаган тақдирда, маълум даражада бефойда акс эттирилганлигини англатади. Шу сабабли экологик фаолият билан боғлиқ муомилалар хўжалик субъетиг бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимининг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқилиши зарур.

Ф.Т.Абдувахидов – ТМИ, “Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши” кафедраси доценти, и.ф.н.
Ш.Х.Дадабаев – ТДИУ, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мустақил тадқиқотчиси

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРДА ТОВАР - МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация: ушбу мақолада қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда товар-моддий захиралар таҳлилини ташкил этиш бўйича илмий ва назарий аҳамиятга эга таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: товар-моддий захира, молиявий барқарорлик, материал сиғими, молиявий ҳолат, самарадорлик, коэффицент, ТМЗ айланувчанлиги, рентабеллик, ялпи фойда, ўртача йиллик қиймат.

Аннотация: в данной статье представлены научно-теоретические предложения и рекомендации по организации анализа товарно-материальных запасов в производственных предприятиях производящих строительных материалов.

Ключевые слова: товарно-материальные запасы, финансовая устойчивость, материало ёмкость, финансовые состояние, эффективность, коэффицент, оборачиваемость ТМЗ, рентабельность, валовая прибыль, средногодовая стоимость

Abstract: This article presents scientific and theoretical proposals and recommendations for organizing the analysis of inventories in manufacturing enterprises of building materials.

Keywords. Inventories, financial stability, material capacity, financial condition, efficiency, ratio, inventory turnover, profitability, gross profit, average annual cost.

Республикамизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Шу боисдан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда товар моддий заҳиралар нисбатан юқори ликвидлик актив ҳисобланиб, улар устидан аниқ, тезкор ҳисобни ташкил қилиш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун таҳлилни амалга ошириш алоҳида масалага айланиб қолмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ўз маърузасида “...қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил

иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд. Бу тармоқларда хусусий секторнинг ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш бўйича барча чоралар кўрилиши лозим”[1] лигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бунда шуни айтиш жоизки, йирик қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бир қаторда хусусий секторнинг улушини оширишда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва фаолиятинини узлуксизлигини таъминлаш назарда тутилганлигини кўрамиз.

Уларнинг фаолияти узлуксизлигини таъминлаш, энг аввало, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ҳамда улардан самарали фойдаланишига боғлиқдир. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналардаги ресурслардан, товар моддий заҳиралар салмоғи ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблиги, материал сиғими даражасига боғлиқ ҳолда саноат ишлаб чиқаришида турли даражада бўлади. Шу сабабли, товар моддий заҳиралар таркиби ишлаб чиқаришнинг мураккаблигига қараб, ишлаб чиқариш узлуксизлигининг даражасига мос равишда ўзгариб туради. Шу боисдан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти учун зарур бўлган товар-моддий захиралар миқдорини, жами активларга ёки маҳсулот таннархидаги салмоғига нисбатан аниқлашда, уларнинг молиявий ҳисобот кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Шу боисдан, ТМЗ таркибини тўғри таҳлил қилиш ва ундан оптимал даражада фойдаланиш мақсадида, уларнинг таркиби, салмоғи ва мураккаблигининг ўзгаришига эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, хорижлик иқтисодчи олимлар Р.Хермансон ва Ж.Эдвард “Компания ва фирмалар томонидан молиявий ҳолат барқарорлигини баҳолашда ТМЗдан самарали фойдаланиш, уларнинг асосий фаолият турига ёки маҳсулотларнинг турига эътибор қаратиш керак”, деб ҳисоблайди[2]. Уларнинг фикрига кўра, ишлаб чиқариш соҳасида айланма маблағлар, жумладан товар-моддий захиралар миқдори одатда катта улушга эга бўлади. Шу сабабли, активларнинг айланиш коэффициенти ва активлар билан боғлиқ бўлган бошқа молиявий коэффициентларни таҳлил қилишда ҳар бир корхонанинг асосий фаолият тури ёки товар-моддий захираларнинг турини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу фикрдаги асосий эътиборни молиявий ҳолатга баҳо беришда молиявий коэффициентларни компаниянинг асосий фаолият турига боғлиқ равишда ҳисоблашга қаратилиши хусусидаги хулосаси ўринли ва муҳим амалий аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, ушбу фикр тўғри талқин қилинган ва

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2020 йил 28 декабрь.

[2] Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective /Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. 6th ed., Irwin, Printed in the USA, 1995. 926 p

ҳақиқатдан ҳам активларнинг айланиш коэффициентини ҳисоблашда товар-моддий захираларнинг миқдори муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу масалада проф.М.Пардаев томонидан молиявий таҳлилдаги муҳим кўрсаткичлардан бири – айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига алоҳида урғу берилган. Бунда, айланма маблағлар таркибида товар-моддий захираларни ҳисобга олиб, кўрсаткичлар тизимини қуйидагича:

- айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар сифатида ифодалаб беради[1]. Муаллифнинг фикри ўринли деб ҳисоблаймиз.

Шуни таъкидлаш керакки, харажатлар таркибида ТМЗ салмоғи сезиларли улушни ташкил этадиган саноат корхоналарида ушбу харажатларга катта эътибор бериш керак деб ўйлаймиз.

Бу масалада яна Россиялик иқтисодчи олим В.Савчук "...молиявий коэффициентларни қўллашда товар-моддий захираларнинг турини ҳисобга олиш, шу жумладан, тайёр маҳсулот ва товарлар хусусида фикр билдирган. Бунинг сабаби шундаки, ҳар қандай корхона тушумининг асосий қисмини асосий фаолияти маҳсули бўлган тайёр маҳсулотларни сотишдан оладиган фойда ташкил қилади. У корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда харажатларни бошқариш бирламчи аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди ва харажатларни бошқаришнинг CVP (Cost–volume–profit) "Харажат-даромад-фойда" тизимидан фойдаланишнинг афзаллигини асослаб берган. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, корхонанинг рентабеллиги 15 фоиз бўлган шароитда харажатларни 6 фоизга қисқариши фойдани 33 фоизга ошириш имконини беради" деб таъкидлаган[2]. Албатта, иқтисодчи олим корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда харажатларни бошқаришнинг CVP (Cost–volume–profit) "Харажат-даромад-фойда" тизимидан фойдаланишни илгари сурган.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг жорий ликвидлилик коэффициенти унинг жорий даврдаги молиявий барқарорлигини белгилайди. Шу сабабли, ушбу коэффициент корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларини жорий активлар билан таъминланишни кўрсатади.

Фикримизча, иқтисодий адабиётлардаги турлича ёндошувлар ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли, товар-моддий захираларни таҳлил қилиш услубини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни бериш ўринли деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, товар-моддий захиралар самарадорлигини ҳисоблашда коэффициентлар қаторига унга сарфланган харажатлар бўйича кўрсаткичларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу кўрсаткични қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш тавсия этилади:

---

[1] Пардаев М.Қ. ва бошқ. Молиявий таҳлил. Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси", 1999. 368 б.

[2] Савчук В.П. Управление финансами предприятия. Монография. – М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2011. – С. 179.

$$ТМЗ_т = \frac{Т_з}{С_м}$$

Бу ерда, $ТМЗ_т$ - товар-моддий захиралари таннархи самараси, $Т_з$ - товар-моддий захиралар, $С_м$ - сотилган маҳсулот таннархи. Ушбу кўрсаткичларни молиявий ҳисобот маълумотларига боғлайдиган бўлсак, қуйидаги кўриниш олади: $ТМЗ_т$ = (1-шакл, 140-сатр/ 2-шакл, 020 сатр). Таклиф этилаётган кўрсаткич 1 сўмлик харажатга тўғри келадиган товар-моддий захиралари миқдорини ифодалайди.

Натижада, товар-модий захираларни таҳлил қилишда, ушбу кўрсаткичнинг киритилиши ёки ундан фойдаланиш, келгусида маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни камайтириш йўлларини қидириб топиш ва ички резервларни ишга солиш имкониятини яратади.

иккинчидан, товар-моддий захиралари сиғимини ҳисоблашда маҳсулот сотишдан тушум кўрсаткичига эмас, балки ялпи фойдага нисбатан самарадорлигини ҳисоблаш тавсия этилди. Бу кўрсаткич ҳозиргача амалиётда товар-моддий захираларни самарадорлигини аниқлашда қўлланиб келинмоқда. Бизнинг фикримизча, ушбу кўрсаткичдан товар-моддий захиралари билан таъминланганлик кўрсаткичларини аниқлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу кўрсаткични қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш тавсия этилади:

$$ТМЗ_{сиғ} = \frac{Т_з}{М_{с.я.ф}}$$

Бу ерда, $ТМЗ_{сиғ}$ - товар-моддий захираларнинг ялпи фойдага нисбатан сиғими, $Т_з$ - товар-моддий захиралари, $М_{с.я.ф}$ - маҳсулот (товар, иш ва хизмат) лар сотишнинг ялпи фойдаси (зарари).

Тавсия этилаётган кўрсаткичлар молиявий ҳисоботларнинг тегишли моддаларидан олинади: $ТМЗ_{яф}$= (1-шакл, 140-сатр /2-шакл, 030 сатр). Таклиф этилаётган кўрсаткич 1 сўмлик ялпи фойдага тўғри келадиган товар моддий захира миқдорини ифодалайди.

Фикримизча, таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ялпи фойдага нисбатан товар-моддий захираларнинг сиғимини аниқлаш, кўпроқ ҳаққоний натижани беради. Сабаби, маҳсулот сотишдан тушум кўрсаткичи бу умумий кўрсаткич бўлиб, таннархни ҳосил қилувчи харажатлар муҳим ҳисобланади. Сотилган махсулотга нисбатан товар-моддий захираларни ҳисоб-китоб қилиш уларни айланувчанлик кўрсаткичига хосдир. Биз таклиф қилган усул эса, ҳар бир сўмга (таннархни чегирган ҳолда) тўғри келадиган товар моддий захираларни аниқлаш имконини беради.

Учинчидан, товар-моддий захираларнинг айланиш тезлигини аниқлашда, уларнинг ўртача йиллик қиймати 360 кунга кўпайтириш билан ҳисоб-китоб қилинади. Бу ерда савол туғилади, нима учун 360 кун нега 365 кун эмас. Бироқ, меҳнат кодексида корхоналарда иш куни 360 кун этиб белгиланмаган.

Бизнинг фикримизча, корхоналар ушбу кўрсаткични қўллаётганда иш-

лаган иш кунларидан келиб чиқиб белгилаши ёки иш кунини аниқлашнинг имкони бўлмаса, умумий ҳолда йилнинг якшанба кунлари чегирилган ҳолда 313 (312) кун олиниши мақсадга мувофиқдир. Таклиф этилган ушбу тартиб бўйича товар-моддий захираларнинг айланиш тезлигини қуйидаги формула ёрдамида аниқлашни тавсия этамиз.

$$A_{тез.} = \frac{\left(ТМЗ_{ў.й.қ.} * 312\right)}{C_{с.м.х.}}$$

Агар корхонанинг ҳақиқатда ишлаган кунлари ҳисоб-китоб қилинса, бу кўрсаткич янада ижобий кўринишга эга бўлади.

Шундай қилиб, юқорида билдирилган таклиф ва тавсияларимизни қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда товар моддий заҳиралар таҳлилини ташкил қилишдан олинган натижалар, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, ички резервларни аниқлаш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ҳамда фаолияти узлуксизлиги таъминлаш юзасидан зарур қарорлар қабул қилиш ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқишга кенг имконият яратади деб ҳисоблаймиз.

А. Амонов – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси катта ўқитувчиси

СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА БУХГАЛТЕР-ЭКСПЕРТНИНГ ВАЗИФАСИ, ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш жараёнида иштирок этувчи бухгалтер-эксперт ва мутахассиснинг вазифалари, ҳуқуқи ва мажбуриятлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Экспертиза, Эксперт, Суд экспертизаси, Бухгалтер-эксперт, Мутахассис.

Аннотация: В данной статьи освешены вопросы задачи, права и обязанности бухгалтера-эксперта и специалиста в процессе рассматрения судебно-следственных разбирательствах в органах суда и следствия.

Ключивые слова: Экспертиза, Эксперт, Судебная экспретиза, Эксперт-бухгалтер, Специалист.

Abstract: in the article the essence, legal-normal basics, designating necessity of judge-accounting expertise which is one type of expertise and formalization of its consequences were stated.

Key words: Expertise, expert, judge expertise, accountant-expert, the consequence of judge-expertise.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва самарали тергов олиб бориш фақат махсус иқтисодий билимлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Бунда хўжалик субъектини нафақат молиявий хужалик операциялари, балки ўзида иқтисодий кўрсаткичларни ифодаловчи бухгалтерия, статистика ва тезкор ҳисоб ҳужжатлари “Бухгалтер-эксперт”

ва баъзи ҳолларда “Мутахассис” томонидан текширилади ва текшириш натижалари эксперт хулосаси тузиш билан якунланади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида барча мутахассислар каби ҳисоб ва назорат тизимида фаолият кўрсатаётган, фуқаролик ва жиноят ишларини суд-тергов органларида одилона ечим топишида бухгалтер-экспертларнинг ҳам масъулияти ва жавобгарлиги янада ортади. Шу сабабли ҳозирда суд, тергов амалиётида суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишда бухгалтер-экспертларнинг роли ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий жабҳаларида олиб борилаётган чуқур ислоҳатлар суд-ҳуқуқ тизимини ҳам кенг қамраб олди. Муҳтарам Пезидентимиз ўзининг Олий Мажлисга мурожаатномасида “Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди”[1] деган эди.

Бундай фикр бежиз айтилмади. Кўп йиллик суд-ҳуқуқ органлари амалиётида мавжуд бўлган адолатсизликлар: нотўғри ўтказилган тергов-суриштирув ишлари, фақатгина номигагина иш материалларини бўрттириш учун олинган сохта экспертиза хулосалари натижасида инсон ҳуқуқлари поймол бўлаётгани халқимиз орасида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга ишончсизлик ҳисларини туғдирди.

Юқорида баён этган фикрини давом эттириб Президентимиз ***“Эски тузумдан қолган ва ҳануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозим. Энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкин”***[2] деди.

Суд-бухгалтерия экспертизаси амалиётида бухгалтерия соҳаси билан боғлиқ бўлган масалаларни беғараз, одилона ҳал қилиб, суд, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга ҳақиқий далиллар асосида экспертиза хулосаларини тақдим этишда бухгалтерия соҳасининг билимдонлари, эксперти – яъни “Бухгалтер-эксперт” ҳамда соҳа мутахассисларининг сезиларли ўрни бор.

Хўш бухгалтер-эксперт ким? Мутахассис бухгалтер ким? ва улар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

Бухгалтер- эксперт – “жиноий иш жараёни субъекти ҳисобланиб, жиноий иш аҳамиятига эга бўлган масалалар бўйича хулоса бериш учун жалб қилинади”[3].

Бухгалтер-эксперт тўпланиб бўлинган далиллар билан ишлайди, уларни ўрганиш ва махсус кўрсатмалар ёрдамида уларни тушунтириш натижасида янги факт ва маълумотларни олади.

Мутахассис бухгалтер–“тергов ва суд ишларига таклиф қилинган бўлиб, консультация бериш учун чақириладиган шахс”[1];

[1] Мирзиёев Ш.М. “Олий Мажлисга мурожаатнома” 24 январь 2020 йил
[2] Мирзиёев Ш.М. “Олий Мажлисга мурожаатнома” 24 январь 2020 йил
[3] Ўзб. Респ, Жиноят проц. Кодекси 67 модда

Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилади. Мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкин.

Мутахассис терговчига далил исботларини аниқдашда, бириктиришда ва олиб қўйишда ёрдам беради. Тергов ҳаракатларини амалга оширишда қатнашган мутахассис ишда эксперт сифатида иштирок эта олмайди.

Бунда шунга эътибор бериш керак-ки, эксперт ва мутахассиснинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини фарқлаш лозим. Бухгалтер-эксперт хулосаси қонунчиликка мувофиқ далилларнинг турларидан бири ҳисобланиб, амалга оширилган тадқиқотлар асосида берилади. Бухгалтер-эксперт олдига мутахассис ваколатлари доирасига кирадиган масалалар қўйилиши мумкин. Мутахассис олдига эксперт доирасига кирадиган масалаларни қўйишга йўл қўйилмайди. Мутахассиснинг фикрини эксперт хулосасига тенглаштириб бўлмайди.

Бухгалтер-экспертнинг хукуклари ва вазифалари жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади.

Бухгалтер-эксперт куйидаги хукукларга эга:

-экспертиза предметига оид материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни кўчириб олиш ёки нусха олиш;

-экспертизани тайинланган орган ёки шахсга экспертиза ўтказишга рухсат бериш масалаларини қўйиш юзасидан таклифлар бериш;

-хулоса бериш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва объектларнинг такдим этилишини талаб қилиш;

-экспертизани тайинланган орган ёки шахснинг рухсати билан тергов ва суд жараёнида катнашиш;

-комиссия ёки комплекс экспертизасини тайинлашни сўраш;

-тергов ҳаракатлари ёки суд мажлисининг баённомасига киритилиши лозим бўлган суд жараёни иштирокчилари томонидан унинг хулосасини нотўғри талкин этишга оид баёнотлар бериш.

Қуйидаги ҳолларда бухгалтер-эксперт экспертизани амалга оширишдан бош тортиши мумкин:

а) экспертизани тайинлашнинг процессуал тартиби бузилганда ва бу экспертиза ўтказишни қийинлаштирганда;

б) қўйилган масалалар эксперт ваколатлари доирасидан чиқиб кетганда.

Ваколатлар доирасидан чиқиб кетиш деганда қуйидагилар тушунилади:

-бошқа билимлар соҳасига ўтиб кетиш;

-ҳуқуқ сохасига ўтиб кетиш, махсус тадқиқларни иш бўйича тўпланган далилларни таништириш ва баҳолаш билан алмаштириш;

---

[1] Ўзб Рес Жин проц Кодекс 69 модда

в) хулоса бериш учун зарур бўлган тадқиқ объектларида иш материаллари етарли бўлмаганда;

г) тадқиқотни ўтказиш ва хулоса бериш учун зарур бўлган шарт-шароитлар, методик восита ва асбоб-ускуналар бўлмаганда.

Бухгалтер-экспертнинг қуйидагиларга ҳақи йўқ:

-экспертизани ўтказиш билан боғлиқ, масалалар бўйича унинг иш якунидан номанфаатдорлигини шубҳа остига қўядиган иш жараёни иштирокчилари билан шахсий мулоқотларга киришиш;

-экспертизани ўказиш учун материалларни мустақил тўплаш;

-экспертизани тайинланган орган ёки шахснинг рухсатисиз (ёзма равишда) экспертиза объектларини йўқ қилиш ёки ўзгартириш;

-ҳужжатларни қирқиш, хисоб регистрларига ўзгартиришлар киритиш,

Бухгалтер-экспертининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

-ўзининг суд - эксперти сифатида четлаштирилиш учун қонунда кўзда тутилган асослар мавжуд бўлганида бу ҳақда экспертизани тайинлаган органга, суд -экспертиза муассаса раҳбарига хабар қилиши шарт;

-четлаштирилиш учун асослар бўлмаганида топширилган экспертизани бажаришга қабул килиш;

-унга тақдим этилган иш объектлари ва материалларини тўлиқ тадқиқ этиш ва ўз олдига қўйилган масалалар бўйича асосли ва холис хулоса бериш;

-танитишни амалга оширадиган шахс, терговчи, прокурор ва суд чақирганда келиш ва унинг олдига қўйилган масалалар бўйича холис хулоса бериш;

-дастлабки терговда ва судда ўтказилган экспертизани берилган хулоса билан боғлиқ масалалар бўйича кўрсатмалар бериш;

-экспертизани ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлганда бу ҳақда экспертизани тайинланган органга ёки шахсга маълум қилиш;

-иш ва вазиятлари тўғрисида маълумотларни ёки экспертизани ўтказиш муносабати билан унга маълум бўлган бошка маълумотларни ошкор этмаслик, ўтказилган экспертиза натижаларини экспертизани тайинлаган орган ходимларидан бошқа ҳеч кимга маълум қилмаслик;

-тақдим этилган иш объектлари ва материалларни сақланишини таъминлаш.

Ушбу илмий мақола “Суд-бухгалтерия экспертизаси” фани ўқиладиган олий ўқув юртларининг бакалавиятура ва магистратурада таҳсил олаётган талаба ва магитрлар учун ҳамда суд-тергов тизимида фаолият кўрсатаётган амалиёт ходимлари учун мўлжалланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Жалолова Д. “Суд-бухгалтерия экспертизаси” Ўқув қўлланма.Т-2005

2.Қаимов.У.К. ”Суд-бухгалтерия экспертизаси” Дарслик “Ўқитувчи” нашриёти Тошкент-1993 йил

3.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2020 йил 29 декабрь.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал Кодекси 1995 йил.

5. Х.Бобоев, Ю.Дадабоев “Судебная бухгалтерия” Уч. Пособие. Т-2001

6.А.Норбоев, А.Закутский “Вопросы организации и проведения судебных экспертиз» Уч.пос.Т-2006

Guzal Djumayeva – SamISI, MA-120 guruh magistranti,

O‘ZBEKISTONDA MOLIYAVIY HISOBNING XALQARO STANDARTLARIGA O‘TISHNING ZARURIYATLARI VA MUAMMOLARI

Annotatsiya: ushbu maqolada O‘zbekiston sharoitida moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari(MHXS)ga o‘tishning zaruriyatlari, ahamiyatli tomonlari hamda MHXS ni tadbiq etishdagi muammolar haqida fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar: MHXS, investitsiya, qimmatli qog‘oz, buxgalteriya hisobi, fond birjalari, tashqi qarz, xalqaro tashkilot, transformasiya.

Аннотация: В данной статье рассмотрены вопросы о необходимости, значимости перехода на международные стандарты финансовой отчетности(МФСО) в условиях Узбекистана, а также проблемы внедрения МФСО.

Ключевые слова: МСФО, инвеститция, ценные бумаги, бухгалтерский учет, фондовая биржа, внешный долг, международный организации, трансформация.

Abstract: This article provides an overview of the requirements, significant aspects of the transition to the international standards of financial reporting (IFRS) in the conditions of Uzbekistan, as well as problems of the implementation of IFRS.

Key words: IFRS, investment, securities, accounting, stock exchanges, external debt, international organization, transformation.

Butun dunyoda xalqaro savdo-sotiq, eksport va import operasiyalari hajmining oshishi, iqtisodiyot va axborot texnologiyalarining globallashuv jarayoni jadallik bilan o‘sib borishi xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning hisob va hisobotlarini integrasiyalashuviga olib kelmoqda. O‘zbekistonda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini joriy etilishi iqtisodiyotning yanada rivojlanishiga, kengayishiga turtki bo‘ladi. Jahon bozoriga chiqish, aksiyadorlik jamiyatlari, tijorat banklarining qimmatli qig‘ozlarini xalqaro fond birjalarining listing tadbirlariga kiritish uchun, kotirovkalash uchun albatta korxonalardan moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga asosalangan hisobot ma’lumotlari talab etiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24-fevraldagi PQ-4611-sonli “Moliyaviy Hisobotning Xalqaro Standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi qaroriga muvofiq aksiyadorlik jamiyatlari, tijorat banklari, sug‘urta tashkilotlari va yirik soliq to‘lovchilar toifasiga kiritilgan yuridik shaxslar 2021- yil 1-yanvardan boshlab MHXS asosida buxgalteriya hisobini yuritilishini tashkil etadi va 2021- yil yakunlaridan boshlab moliyaviy hisobotni MHXS asosida tayyorlaydi.

MHXS ga o‘tish bir tomondan iqtisodiyotga nafi tegadi, ya’ni xalqaro moliya tashkilotlari hisoblangan Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki, Jahon banki, Osiyo taraqqiyot banki, Xalqaro valyuta jamg‘armasi va boshqa tashkilotlar bilan munosabatlarni kengaytirib, iqtisodiyotga chet el

investitsiyasini jalb etadi, mamlakatning investitsiyaviy muhitini yaxshilaydi. Shu bilan bir qatorda hisob ishlarini xalqaro darajaga ko‘tarishda MHXS muhim ahamiyat kasb etadi. Boshqa tomondan esa aksiyadorlik jamiyatlari, tijorat banklari, sug‘urta tashkilotlari va yirik soliq to‘lovchilar toifasiga kiritilgan yuridik shaxslarning bu boradagi ish hajmining va mablag‘lar sarflanishining oshishiga olib keladi.

Investitsiyalarni jalb qilish nuqtai nazaridan MHXS lari asosida hisob yuritishdan davlat manfaatdor; o‘z mablag‘larining sarflanishi ustidan nazorat olib borishi, to‘g‘ri va ob’yektiv, shaffof ma’lumotlarga hech qanday qo‘shimcha xarajatlarsiz ega bo‘lishidan investor va ta’sischilar manfaatdor, aks holda ular yana qo‘shimcha mablag‘ sarflab hisobotlarni transformasiya qildirish xarajatlarini amalga oshirishiga to‘g‘ri keladi. Va nihoyat, MHXSlari asosida tuzilgan hisobot ma’lumotlaridan foydalanish korxona boshqaruvida ob'yektiv menejmentlik qarorlarini, strategik rejalar qabul qilinishiga muhim omil bo‘lib xizmat qiladi.

Adabiyotlarda mualliflar tomonidan moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga quyidagi ta’riflar keltirilgan:

“Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari(MHXS) bu - keng tarqalgan mafaatdor foydalanuvchilar uchun foydali bo‘lgan moliyaviy hisobotni tayyorlashga umumiy yondashuvni belgilaydigan umumiy qabul qilingan talablar, prinsiplar, qoidalar va protseduralar tizimidir”.[1]

“Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari – bu moliyaviy buxgalteriya hisobi va hisoboti fanining alohida tarmog‘i bo‘lib, moliyaviy hisobotning konseptual asoslari, moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari zaruriyati, ishlab chiqilishi, ularning mazmuni, interpritasiyasi va qo'llanilishining metodologik masalalarini o‘rganuvchi qismidir”.[2]

Aksiyadorlik jamiyatlari, tijorat banklari, sug‘urta tashkilotlari va yirik soliq to‘lovchilar korxonalar MHXS lari asosida hisob va hisobot yuritishi quyidagilarni ta’minlaydi:

- korxonalar faoliyatidagi ma’lumotlarning ochiqligi, aniqligi, shaffofligi va konkretlashgan axborotlarga ega bo‘lishni ta’minlaydi;
- boshqaruv qarorlarining ob’yektiv, real qabul qilinishiga olib keladi;
- korxona faoliyatini tahlil qilishda imkoniyatlar kengayishiga yordam beradi;
- moliyalashtirishning raqobatbardosh resurslarini topishda yordam beraddi.

MHXS ga o‘tishda quyidagi muammolar yuzaga keladi:

- Amalda bo‘lgan hisob yuritishga oid me’yoriy –huquqiy hujjatlarning o‘zgarishi;

[1] https://spmost.ru

[2] Ташназаров С.Н. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” Тошкент “IQTISOD-MOLIYA” 2019, 53-бет.

- MHXS ga o‘tishda yuqori malakali kadrlarning yetishmasligi;
- Kadrlarning xorijiy til(ingliz, rus tili)ni bilmasligi;
- MHXS va BHXS lari asosida parallel hisob yuritish ham, hisobotlarni MHXS asosida transformasiya qilishda ham xarajatlarning yuqoriligi;
- Ma’lumotlarning to‘liq va shaffof aks ettirishga rahbariyatning qarshiligi;
- MHXS lari asosida tuziladigan hisobot shakllarining tarmoqlar va sohalar bo‘yicha aniq bir shakli(formasi)ning yo‘qligi.

MHXS ga o‘tishda yuzaga keladigan muammolarni hal qilishda quyidagilarni inobatga olish lozim:

- MHXS ga o‘tishda kadrlar yetishmovchiligini bartaraf etish uchun milliy sertifikatsiyalash tizimini joriy etish;
- Korxona rahbarlariga MHXS asosida tuzilgan hisobotlar nafaqat investor va tashqi foydalanuvchilar uchun balki korxona boshqaruvida to‘g‘ri qarorlar qabul qilish uchun ham muhimligini anglatish;
- Korxona rahbarlarida moliyaviy hisobotlarda haqiqiy va real ma’lumotlarni aks ettirishga bo‘lgan qiziqishni orttirish.

Korxonalarning MHXS ga o‘tishi ularning jahon bozoriga chiqishini osonlashtiradi, mamlakatda investitsiyaviy muhitni yaratadi, kadrlar malakasini hamda hisob va hisobotlarni xarqaro talab darajasida yuritilishiga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasining “Auditorlik faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuni. 2000 yil 26 may.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuni.2016 yil 14 aprel.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24-fevraldagi PQ-4611-sonli “Moliyaviy Hisobotning Xalqaro Standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi Qarori.
4. С.Н.Ташназаров “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” Тошкент “IQTISOD-MOLIYA” 2019.
5. http://www.lex.uz -O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi rasmiy sayti.
6. http://www.mf.uz - O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi rasmiy sayti.
7. http://www.norma.uz
8. http://mdl.ifrs.academy
9. http://spmost.ru
10. www.ifrs-professional.com

VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

Н.Б. Улуғмурадова– СамДУ катта ўқитувчиси, PhD,
Ш.Б. Баходиров– СамДУ, 1-курс магистранти

КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ШАКЛЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: мақолада кичик бизнес соҳасида меҳнат муносабатларининг иновацион шаклларини тартибга солиш моҳияти ва мазмуни таҳлиллар натижасида назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Меҳнат муносабатлари, инновацион шакллари, ходим, иш берувчи, иқтисодий муносабатлар механизациялаш, техник-технологик муносабатлар.

Аннотация: В статье теоретически проиллюстрирована сущность и содержание регулирования инновационных форм трудовых отношений в сфере малого предпринимательства в результате анализа.

Ключевые слова: Трудовые отношения, инновационные формы, работник, работодатель, механизация экономических отношений, технико-технологические отношения.

Abstract: The article theoretically illustrated the essence and content of the regulation of innovative forms of labor relations in the field of small business as a result of the analysis.

Key words: Labor relations, innovative forms, employee, employer, mechanization of economic relations, technical and technological relations.

Мамлакатимизда, айниқса кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, бу жараёнда соҳада ижтимоий меҳнат муносабатларини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. «Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади»[1]. Бу борада

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. -https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

меҳнат муносабатлари тизимида кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражасини баҳолаш услубиётинитакомиллаштириш, ижарага олинган меҳнатни тартибга солиш, соҳада ижтимоий-меҳнат муносабатларининг аналитик-ахборот базасини такомиллаштириш ва субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг прогноз параметрларини асослаш каби йўналишларни тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Кичик бизнес соҳасида меҳнат муносабатларининг инновацион шаклларини тартибга солишининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

Илмийлик тамойили. Мазкур тамойил меҳнат муносабатлари соҳасида турли хил жиҳатлари ўрганилган, комплекс илмий ёндашувларни қўллашни ифодалйди, айнан: меҳнат иқтисодиёти, иқтисодий таҳлил, менежмент, меҳнат ҳуқуқи, рискология, ахборот технологиялари, меҳнат физиологияси ва психологияси, эргономика, персонални бошқариш ва б. Илмийлик тамойили меҳнат муносабатларининг янги шакллари ривожланишини рағбатлантирувчи ёки чекловчи омиллар, замонавий меҳнат соҳаси ривожланишининг мавжуд қонуниятлари ва тенденциялари ҳамда ижтимоий меҳнат муносабатларининг янги шаклларини жорий этиш ёки тақиқлашнинг мавжуд рискларини баҳолашни назарда тутади. Комплекс ечимлар билан бирга бундай илмий ёндашув республикамизда ижтимоий-меҳнат муносабатларининг янги шакллари учун зарурий назарий базани таъминлайди.

Тартибга солишда устувор йўналишларни аниқ ўрнатиш тамойили. Ушбу тамойил иккинчи даражали муаммолардан энг муҳим ва шошилинчларини ажратиш, узоққ муддатли тавсифга эга муаммолар ва тезкор аралашишни талаб этувчи омилларни ажратиш ҳамда турли хил масалаларни ечиш учун ресурслар (молиявий, бошқарув)нинг оптимал тақсимлаш имконини беради.

Бугунги кунда тартибга солишнинг устувор йўналишларини амалга оширишда қуйидаги муаммолар долзарб ҳисобланади: ижарага олинган меҳнат бозорини тартибга солиш имкониятларининг чегараланганлиги; меҳнат шароитлари ва ишчилар ҳуқуқини ҳимоялашнинг ёмонлашиши; иш билан бандликнинг янги шаклларини тартибга солиш қонунчилигини мавжуд эмаслиги; иш берувчилар вакилларининг фақат ўз манфаатларини устун қўйишлари, мамлакатимиз иш берувчилари ва ишчилари масофавий ижтимоий-меҳнат муносабатларининг замонавий имкониятлари, е-ланс кабилар тўғрисида маълумотга эга эмасликлари.

Тартибга солишнинг стратегик ва тактик мувофиқлиги тамойили. У узоқ муддатли ва қисқа муддатли тадбирларнинг тўлиқ мувофиқлигини ишлаб чиқишни ифодалайди.

Тежамкорлик тамойили тартибга солинадиган тадбирларни амалга оширишга харажатлар ва натижаларни оптимал нисбатини назарда тутади.

Очиқлик тамойили меҳнат муносабатларининг янги шаклларини тартибга солиш жараёнига таъсир этиш чоралари ва технологияларини доимий такомил-лаштириш учун тртибга солиш механизмларини ишлаб чиқишни назарда тутади.

Тартибга солишнинг эгилувчанлиги тамойили меҳнат бозори ҳолати ва доимий равишда ўзгариб турадиган макроиқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олиши зарур.

Ахборот етарлилиги тамойили масофавий ва агентлик меҳнат муносабатларини оммалаштириш динамикаси, таркиби ва кўламини тасифловчи тўлиқ ахборотларни йиғиш ҳисобланади. У мамлакат миқёсида ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида содир бўладиган ҳодисалар тўғрисида адекват тасиф ва тўлиқ тассавур ҳосил қилиш ва давлат томонидан таъсир кўрсатишнинг мувофиқ чораларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Селективлик тамойили меҳнат муносабатлари предметлари ва субъектларига таъсир кўрсатиш чоралари ҳисобланади. Тадқиқотлар натижасида турли хил жиҳатлари бўйича меҳнат муносабатларининг турли хил инновацион шаклларини икки қутублилигини кўрсатмоқда: ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектларининг ижтимоий-демографик параметрлари; иш берувчиларнинг тармоққа тегишлилиги, корхона ҳажми ва унинг бюджетири чегараланганлиги; меҳнатга ҳақ тўлаш моделларидаги фарқ; меҳнат жараёнини ташкил этиш шаклларидаги ўзига хос хусусиятлар ва б. Шунинг учун, бизнингча, ижтимоий-меҳнат муносабатларининг турли хил инновацион шаклларини турли хил сегментларга муносабати бўйича тартибга солиш чораларининг айнан селективлигига алоҳида эътибор бериш зарур.

Биз билвосита чораларга меҳнат муносабатларининг инновацион шакллари ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмайдиган, бироқ улар келгусида оммалашиши учун муайян дастлабки имкониятларни шакллантиришига айтилади. Уларга иқтисодий (рағбатлантирувчи ва чекловчи меҳнат муносабатларининг инновацион шакллари); психологик ва ахборот (аҳоли ва иш берувчилар ўртасида масофавий иш билан бандликни оммалаштириш бўйича давлат дастурлари) чоралари тегишли. Ушбу контекстда республикамиз миқёсида ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш бўйича комплекс дастурларни: телемедицина, масофавий иш билан бандлик, мамлакат миқёсида яхлит Интернет тармоғини кенгайтириш, яъни ижтимоий-иқтисодий ривожланишга йўналтирилган дастурлар; макроиқтисодий сиёсат, инвестицион сиёсат, илмий соҳа ва таълим кабиларга ажратиш мумкин. Мазкур чоралар инсон фаолиятининг турли хил ижтимоий-иқтисодий томонларига ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш жараёнларига таъсир кўрсатади.

Sh.A.Baxromov – SamISI o‘qituvchisi,
A.A.Siddiqov – SamISI o‘qituvchisi,
M.F.Shukurov – SamISI talabasi

MALAKALI KADRLAR TAYYORLASHDA DUNYO MAMLAKATLARI TAJRIBASINI QO`LLASH VA UNING SAMARADORLIGI (Yaponiya misolida)

Anotatsiya: Ushbu maqolada hozirgi kunda dolzarb muammolardan biri bo‘lgan ta’lim tizimi haqida, ya’ni ushbu yo‘nalishda ancha ilg‘or hisoblangan Yaponiya ta’lim tizimi haqida yoritib berilgan, hamda xulosa qilingan.

Kalit so‘zlar: kadrlar siyosati, ta’lim, Yaponiya, takomillashtirish, yo‘nalish, yoshlar.

Аннотация: В этой статье описывается и завершается система образования, которая является одной из самых актуальных проблем сегодня, и в качестве примера приводится японская система образования, которая считается более продвинутой в этой области.

Ключевые слова: кадровая политика, образование, Япония, совершенствование, направление, молодежь.

Abstract: This article describes and concludes on the education system, which is one of the most pressing issues today and here are the Japanese education system, which is considered to be more advanced in this area is given as example.

Keywords: personnel policy, education, Japan, improvement, direction, youth.

Hozirgi kunda mamlakatimiz ta’lim tizimi yuksak darajada taraqqiy etmoqda. Mamlakat rivojining zamonaviy va istiqboldagi talab-ehtiyojlariga munosib ravishda ta’lim jarayoni tashkil etilmoqda, takomillashtirilgan davlat ta’lim standartlari amaliyotga joriy etilmoqda. Ular asosida o‘quv-uslubiy majmualar, yangi pedagogik hamda axborot-kompyuter texnologiyalari yaratilmoqda, kasb-hunar kollejlari qayta ixtisoslashtirilmoqda, oliy ta’lim muassasalari faoliyati iqtisodiyotdagi modernizatsiyani hisobga olgan holda takomillashtirilmoqda, ilmiy-pedagogik va boshqaruv kadrlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish ishlari maqsadli yo‘naltirilgan holda amalga oshirilmoqda. Kadrlar tayyorlash milliy dasturini amalga oshirish yillarida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining uzluksiz ta’lim tizimining jadal rivojini hamda ijrosini ta’minlashga qaratilgan ko‘plab qaror va farmoyishlari, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qaror va ko‘rsatmalari, me’yoriy va rasmiy hujjatlar qabul qilindi.

Shuni ham hisobga olish kerakki, kadrlar tayyorlashda rivojlangan, taraqqiy etgan va dunyo tan olgan mamlakatlarda olib borilayotgan islohotlar va ularning ta’lim tizimini o‘rganish, andaza olish foydadan holi bo‘lmaydi. Bunday davlatlardan biri sifatida – Yaponiyani keltirsak ayni muddao bo‘lardi. Yaponiya davlati, har tomonlama rivojlangan, rivojlanishda esa yuksak intellektual salohiyatga tayanadigan davlat hisoblanadi. II Jahon urushidan so‘ng Yaponiya 6-3-3-4 tizimli ta’lim tizimini joriy etdi. Bunda aholiga 6 yil boshlang‘ich ta’lim, 3 yil o‘rta ta’lim, 3 yil o‘rta-maxsus ta’lim beriladi, 12

yillik umumiy maktab ta’limini olganlaridan so‘ng o‘quvchi-talabalar oliy ta’lim dargohlaridan birida yana 4yil o‘qishlari mumkin. Yaponiyada 5 xil Oliy ta’lim institutlari mavjud:

1) Oliy tugallangan ta’lim maktabi;
2) Universitetlar;
3) Kollejlar;
4) Kasbiy mahorat kollejlari(Kasb-hunarga ixtisoslashgan);
5) Texnologiya kollejlari.

Yuqoridagi oliy ta’lim muassalari boshqaruv organining qandayligiga qarab milliy, davlat va nodavlat kabilarga ajratiladi. 4 yillik ta’limni to‘liq yakunlagan talaba ixtiyoriy ravishda Magistrlik(2yil) darajasi bo‘yicha ham ta’lim olishi mumkin. Undan so‘ng esa, Doktorlik darajasi yana 5 yilni tashkil etadi.

Albatta, oily ta’limning tibbiyot, farmasevtika, veterenariya kabi yo‘nalishlari uchun Yaponiyaning bakalavrlik darajasida o‘qish 6 yilni tashkil etadi.

Yuqorida ta’kidlaganimiz Yaponiyaning Kasb-hunarga yo‘naltirilgan kollejlari ham oliy ta’lim muassasi hisoblanadi. Unda asosan quyidagi yo‘nalishlar bo‘yicha ta’lim beriladi:

- Injeneriya(texnika, texnologiya va boshq.);
- Qishloq xo‘jaligi;
- Sog‘liqni saqlash;
- Aholiga xizmat ko‘rsatish(oshpazlik, sartaroshlik va h.k.)
- Ta’lim, ijtimoiy sohada(o‘qituvchilik, hamshiralikka o‘qitish va h.k.)
- Amaliy biznes(buxgalteriya, tadbirkorlik, turism va h.k.)
- Moda va dizayn, uy xo‘jaligi(modelyerlik, dizaynerlik va h.k.)
- Madaniy va umumiy ta’lim(til, san’at, jismoniy madaniyat va h.k.)
- Madaniy va umumiy ta’lim(til, san’at, jismoniy madaniyat va h.k.)

Yaponiya oliy ta’lim tizimidagi universitetlar ham deyarli mamlakatimizdagidek. Ya’ni, 1-yilda talabalarga umumiy yo’sindagi bilimlar berilsa, keyingi 3 yil davomida ular mutaxassislik bo’yicha o’qitiladilar. Asosiy urg’u esa amaliyotga qaratiladi. Talabalar bo’sh vaqtlarida mutaxassisliklari bo’yicha amaliyot o’tashadi.

Xulosa o’rnida shuni aytish mumkinki, yurtimiz ta’lim tizimi dunyo mamlakatlari e’tirof etgan, rivojlangan, tajribaga ega mamlakatlardan andoza olgan holda o’zining milliy modeli, uslubiga ega. Hozirgi kunda yetishib chiqayotgan yosh va kelajagi buyuk mutaxassislar, kadrlar yuksak darajadagi ta’lim dasturlari, texnologiyalar bo’yicha ta’lim olishmoqda. Yaponiya tajribasidan kelib chiqqan holda, quyidagilarni oliy ta’lim tizimida qo’llashni kengaytirish va joriy etish tavsiya etiladi:

- Bir yo’nalish bo’yicha tahsil olayotgan talabalar va dars berib kelayotgan professor-o’qituvchilarni malakasini oshirish maqsadida Oliy ta’lim muassasalari o’rtasida kadrlar almashuvi dasturini qo’llash;
- Ilmiy ish yoki innovatsion ishlarni amalga oshirmoqchi bo’lgan va uni amalda qo’llagan yoshlarni rag’batlantirib borish;

- Har bir oliy ta’lim muassasasida talabalarni qo’llab quvvatlash markazlarini tashkil etish, ya’ni ularda mavjud muammolarni o’rganib, baosqichma-bosqich bartaraf etib borish;

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi, 1997-yil
2. www.lex.uz
3. www.ziyonet.uz
4. www.tsk.or.jp

Н.Б.Улуғмурадова – СамДУ катта ўқитувчиси, PhD,
С.У.Хайруллаев – СамДУ, 1-курс магистранти

ИЖТИМОИЙ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация: мақолада меҳнат муносабатларининг инновацион шаклларининг ривожланишининг асосий омиллари бўйича таснифи берилган.

Калит сўзлар: меҳнат муносабатлари, бошқарув инновациялар, ижарага олинган меҳнат, масофавий меҳнат.

Аннотация: В статье представлена классификация ключевых факторов развития инновационных форм трудовых отношений.

Ключевые слова: Трудовые отношения, инновации в управлении, наемный труд, удаленный труд.

Abstract: The article presents a classification of key factors in the development of innovative forms of labor relations.

Key words: Labor relations, management innovation, wage labor, remote work.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва ролини тобора ошиб бориши, уни янада ривожлантириш ҳамда миллий иқтисодиётда ҳал қилувчи соҳага айлантириш учун ушбу соҳани иқтисодий мазмуни, унга таъсир этувчи омилларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этишни талаб этади.

Ижтимоий муносабатлар турли кўринишларда намоён бўлади, аммо ҳар қандай ҳолатда у инсонларни моддий бойликлар ва неъматлар яратишдаги интилиши асосида рўёбга чиқади. Охир оқибатда бундай интилиш инсонларнинг эҳтиёжидан келиб чиқади. Аммо эҳтиёжларни ҳақиқатда қондириш ишлаб чиқариш жараёнида омилларнинг ўзаро бирикиши ва унинг натижасида яратилган моддий неъматларни тақсимлаш, алмашув ва истеъмол жараёнлари орқали бўлади. Демак, бу жараёнда бўладиган муносабатларни ижтимоий-иқтисодий муносабатлар деб аташ тўғрироқдир.

Корхонада меҳнат муносабатлари тушунчаси ижтимоий субъект сифатида унинг яхлит ҳаётий фаолияти соҳасидаги хусусиятларини, корхона персоналини ҳаётий фаолиятини, уларни турмуш тарзи ва сифатини қамраб олувчи умумлаштирувчи ижтимоий-иқтисодий тушунчадир.

Меҳнат муносабатлари – бу ходим ва иш берувчи ўртасида зарурий

шарт-шароитлар асосида уларнинг манфаатлари уйғунлигини таъминлаган ҳолда ходим томонидан меҳнат функциялари ва вазифаларини бажариши юзасидан шартнома асосидаги келишув натижасида пайдо бўладиган муносабатлардир.Меҳнат муносабатлари соҳаси кўп қиррали, мураккаб ва динамик таркибий тузилмага эга бўлиб, бу тузилма инсон яшаётган ижтимоий муҳитда бир қатор ўзаро боғлиқликдаги ва алоқадорликдаги харажатлар билан тавсифланади. Тадбиркорликнинг ривожланиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишда унинг фаоллиги инвестицион, маркетинг, иқтисодий ташкилий-бошқарув, молиявий ижтимоий йўналишлари бўйича таснифланди.

Меҳнат муносабатлари тизимида кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражасини тадбиркорликни ташкил этиш омили, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражаси ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг нисбий кўрсаткичлари таснифини шакллантириш орқали баҳолаш методикаси такомиллаштирилди.

Тадбиркорлик фаолиятининг сифат даражаларини унинг иқтисодий нафлилик ҳолати ва даражасини миқдорий ўлчаш йўли билан аниқлашни мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фаолият кўрсаткичлари тадбиркорликнинг иқтисодий салоҳияти, тадбиркорликнинг молиявий барқарорлиги, соҳада рақобатбардошликни баҳолаш, бозордаги фаоллиги, ижтимоий фаоллик йўналишлари бўйича гуруҳланди.

«Инновацион» меҳнат муносабатлари мазмунининг контекстида ижтимоий-иқтисодий самарани олиш имконияти билан меҳнат фаолиятининг янги шарт-шароитларига тезда мослашиш, доимий янгиланишини ифодалайди. Меҳнат муносабатларининг тадрижий ривожланиш таҳлили қуйидаги ҳолатларни тасдиқлайди. Биринчидан, уларнинг субъектлари сифати ва ўзаро муносабатларидаги ўзаро таъсир ўзгаради. Иккинчидан, меҳнат муносабатлари-нинг предмети (анъанавий предметлар доирасида у ёки бу меҳнат муносабатлари субъектлари учун турли хил аҳамиятга эга) мураккаблашади. Учинчидан, кўпчилик ҳолатларда табақалашишни ажратиш мумкин. Учинчидан, меҳнат муносабатларининг профили мураккаблашади. Туртинчидан, меҳнат муносабатлари ташкилий таркибидаги анънавийликнинг ривожланиши ва янги институтларнинг пайдо бўлиши. Бешинчидан, жамиятда иқтисодий жараёнларга меҳнат муносабатларининг таъсирини кучайиши ва иқтисодиёт модерниза-циялашишининг тезлашиши.

Меҳнат муносабатларининг инновацион шаклларининг ривожланиши турли хил омиллар таъсири остида содир бўлади. Меҳнат муносабатларининг инновацион шакллари ривожланишининг асосий омиллари бўйича таснифи ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Меҳнат муносабатларининг янги шаклларида ишчилар ва иш берув-чиларни танлашга уларнинг таъсирини аниқлаш хусусиятлари ва мазкур омиллар таҳлили тартибга солувчи таъсирнинг аниқ чораларини ишлаб чиқиш учун зарур. Таъкидлаш керакки, келтирилган омиллар гуруҳи

1-жадвал

Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг инновацион шаклларига таъсир этувчи омиллар[1]

Омиллар таъсири учун асос	Омиллар гуруҳи	Омиллар
Мазмуни бўйича	1. Иқтисодий 2. Технологик 3. Институционал 4.Ижтимоий-маданий 5. Бошқарув	1. Глобаллашув, рақобат; 2. ИТТ, технологик инновациялар; 3. Ижтимоий-меҳнат муносабатларини шаклланиши ва бошқариш соҳалари, нормалар, қоидаларга таъсир этувчи илмий-техник, молиявий, инвестицион, ижтимоий усуллар ва таъсир этиш чоралари; 4. Ижтимоий-меҳнат муносабатларига турли хил мамлакатлар ва маданиятларнинг муносабатлари, қадриятлари ва анъаналари; 5. Бошқарув ғоялари,инновациялар.
Табиати бўйича	1. Ташқи 2. Ички	1. Глобаллашув, геосиёсат, макро-иқтисодий сиёсат, ижтимоий сиёсат, халқаро рақобат, ИТТ ва б. 2. Фирманинг ички ривожланиш концепцияси, ижтимоий-маданий омиллар, меҳнат жамоалари анъаналари, фаолият соҳалари, ташкилотнинг ҳаётийлик даври ўлчови, босқичлари, бошқарув хусусиятлари, ташкилотнинг молиявий барқарорлиги, раҳбарият услуби, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва б.
Таъсир кўрсатиш характери бўйича	1. Рағбатлантирувчи 2. Чекловчи 3. Нейтрал	1. Технологик инновациялар, бошқарув инновациялари, ижтимоий-маданий омиллар, глобаллашув ва б. 2. Институционал, ижтимоий-маданий, техник, маданий омиллар. 3. Мулкни реструктуризациялаш, ижтимоий-маданий омиллар.
Тартибга солиш даражаси бўйича	1. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектлари томонидан тартибга солинадиган 2. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектлари томонидан тартибга солинмайдиган	1. Иқтисодий, бошқарув, ташкилий, техник, ижтимоий-маданий ва б. (Институционал омиллар турли даражаларда турлича тартибга солинади). 2. ИТТ, ижтимоий-маданий омиллар, демографик, глобаллашув, табиий.
Таъсир этиш даражаси бўйича	1. Макродаража 2. Мезодаража (тармоқ, ҳудуд) 3. Микродаража (ташкилот) 4. Нанодаража (индивид)	

меҳнат муносабатлари субъектларининг ўзларига, уларнинг феъл-атвор моделига, қарорларига, қадриятларига ҳам, уларнинг ўзаро муносабатлари шаклига ҳам таъсир кўрсатади.

Ўз навбатида меҳнат муносабатларининг янги шакллари ривожланиши нуқтаи назаридан иқтисодий омиллар ҳам ташқи ва ички, ҳам рағбатлантирувчи ва нейтрал бўлиши мумкин. Энг аҳамиятли омиллар

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

сифатида бошқарув инновациялари, технологиялар, иқтисодий, ижтимоий-маданий, глобаллашув омиллари ҳисобланади.

Меҳнат муносабатларининг инновацион шакллари таҳлилида шуни ҳисобга олиш керакки, бозор иқтисодиётида бундай турдаги янгиликларни меҳнат муносабатлари субъектлари томонидан қабул қилиниши зарур. Айнан фирмада ёки фирма ташқи бозорда меҳнат муносабатлари шаклларининг инновационлиги ўзининг ижтимоий-иқтисодий мақсадга мувофиқлигига эга бўлади. Ишчилар ва иш берувчилар муносабатларининг воситасида тижорат жиҳати меҳнат бозори эҳтиёжлари орқали ифодаланган иқтисодий зарурат сифатида меҳнат соҳасида инновациялардан фойдаланишни аниқлаш имконини беради (2-жадвал).

2-жадвал

Меҳнат муносабатларининг инновацион шаклларининг асосий тавсифи[1]

Тавсифи	Ижарага олинган меҳнат	Меҳнат муносабатларининг масофавий шакли
Меҳнат муносабатларининг муҳим ўзаро таъсир кўрсатувчи томонлари сони	3 (ишчи – хусусий бандлик агентлиги – корхона)	2 (ишчи ва иш берувчи)
Ўзаро муносабатларнинг мазкур шаклига талаб омиллари	Конъюнктурали	Технологик, таркибий, иқтисодий, ижтимоий-маданий
Иқтисодий цикл билан алоқа	Иқтисодий цикл босқичлари билан аҳамиятли алоқа	Аҳамиятсиз
Ижтимоий-меҳнат муносабатлари предметидаги ўзгаришлар	Миқдорий ўзгаришлар (иш вақти, ишчилар сонинг ўзгариши)	Сифат ўзгаришлар (меҳнатни ташкил этиш, фирма ичидаги муносабатлар)
«Ишчи-иш берувчи» тизимида баланс	Иш берувчи фойдасида номутаносиблик	Кўпинча иш берувчи фойдасида номутаносиблик
Институционал тартибга солиш	Ўзбекистонда етарли даражада мавжуд эмас. Шартномаларнинг икки тури (ишчи ва хусусий бандлик агентлиги ўртасида; хусусий бандлик агентлиги ва буюртмачи ўртасида).	Ўзбекистонда комплекс тартибга солиш мавжуд эмас. Меҳнат Кодексида иш билан бандликни таъминлашнинг эгилувчан шаклларини етарлича акс этмаганлиги.

Ахборот-коммуникация технологиялари иш берувчилар учун иш вақтини, шунингдек, топшириқни бажариш муддатини пухта аниқлаш имконини берди. Бунинг натижасида улар ишлаб чиқариш топшириғи учун амалда талаб қилинадиган вақтни ҳисобга олган ҳолда, ходимларни ишга ёллаш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари янги технологиялар турли ходимларни қисқа муддатга ишга ёллаш билан боғлиқ анъанавий харажатларни бартараф этишга ҳам хизматқилади. Чунки ушбу технологиялар ёрдамида зарур бўлган меҳнат ресурслари сонини ҳисоблаб чиқиш ва бунинг асосида ишга ходимларнинг зарур миқдорини жалб этиш ва улар иш ҳақини аниқ ҳисоблаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ш.Ш. Юсупов – ТАТУ Қарши филиали ассистенти

ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ ТАЛАБА ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада MOODLE тизимида ўқитувчининг талабаларни фаолликка ўргатиши, ахборот технологияларидан унимли фойдаланиши, савол-жавоб бериш маданиятини шакллантириши, уларни мавзу бўйича интернетда изланиб, саволлар ва жавоблар топиб келиш кўникмаларини ҳосил қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш,ишлаб чиқариш, статик жараёнлар, динамик жараёнлар.

Аннотация: В статье разрабатываются научно обоснованные предложения по совершенствованию системы MOODLE для обучения школьников активности, эффективного использования информационных технологий, формирования культуры вопросов и ответов, умения искать их в Интернете и находить вопросы и ответы. .

Ключевые слова: сервис, производство, статические процессы, динамические процессы.

Abstract: The article develops scientifically grounded proposals for improving the MOODLE system for teaching schoolchildren to be active, effectively using information technologies, forming a culture of questions and answers, the ability to search for them on the Internet and find questions and answers.

Keywords: service, production, static processes, dynamic processes.

«Ўсиб келаётган авлод тақдирига ҳеч ким бефарқ қарай олмайди - деган эди истиқлолимизнинг дастлабки йилларида Республикамиз биринчи Президенти И.Каримов. Бунда олий ўқув юртларининг аҳамияти каттадир. Ёшларни қай усулда ўқитиш, уларни тарбиялаш, мустақил мамлакатнинг етук мутахассислари бўлишига қайғуриш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бунда олий ва ўрта махсус таълим тизими савиясини жаҳон андозалари даражасига етказиш,… хорижий мамлакатлар тажрибасидан оқилона фойдаланиш шу куннинг вазифаларидандир»

Илм олувчи ва билим берувчилар учун истиқлол ҳадя этган неъматлардан бири таълим-тарбия мазмунининг миллийлашуви ва замонавийлашувидир бу жараёнда ҳар икки томон учун эркин ижодкорлик қилиш имкониятининг яратилганлигидир.

Бу даврда касбий ўзгарувчанлик ҳам иқтисодимизга кириб келди.

- Саноатлашган даврни ахборот даври билан ўрин алмашинди;
- Ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар юз берди;
- Хизмат кўрсатиш соҳаси ахборот (қайта ишлаш, узатиш ва сақлаш) соҳаси билан бирлашиб кетди, бу жараённи янада ривожлантирди;
- Ноиқтисодий манфаатлар аҳамияти ортиб борди;

- Эҳтиёжлар тури ва ҳажми динамикасида кескин ўзгаришлар юз берди;

- Технологияларнинг алмашинув даври қисқарди;

- Ўқитувчига замон талабига мос, миллий хусусиятларимизга хос, ўқувчи, талаба ёшлар онги ва тафаккурини ижобий томонга ўзгартиришга хизмат қилувчи ахборот коммуникация технологиялари услублардан фойдаланиш имконияти берилди;

-Талаба ва ёшларга бўлажак ихтисосини эркин танлаш, бу борадаги билимларини мукаммал эгаллаш, ўзининг мустақил фикрига таяниш каби имкониятлар очилди.

Бу бурч ва вазифаларнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида аниқ қилиб қўйилиши таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, педагог ва мураббийларнинг истиқлол талаблари асосидаги масъулиятларини яна кучайтирди. Шу боис ҳам бугунги кунда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари фаолиятидаги изланишлар, янгиликка интилишлар бежиз эмас, албатта. Бу борада Тошкент Ахборот технологиялар университети Қарши филиалида фанларни АКТ дан фойдаланиб ўқитиш, уни талабаларга ҳаққоний ва холисона сингдириш борасида олиб борилаётган янгича йўналишларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Масалан, дарс жараёнида ва дарсдан ташқари берилаётган вазифаларда талабаларга имкон қадар эркинлик, ижод қилиш ва имкониятлар берилади. Амалий машғулот дарсларида:

- гуруҳлардаги талабаларни иккига бўлиб, муҳокама этилаётган мавзу юзасидан интернет орқали олинган материаллар муҳокама қилинади;

-MODLE тизимида уқитувчи томонидан берилган топшириқлар муҳокама қилинади;

Гурухлар бир-бирларига саволлар ташлаш орқали мунозара юритилади.

Ҳар бир савол ташланганда савол берган қатор гуруҳига 1 балдан ажратдилади. Агар жавоб берувчи қатор талабалари саволга тўлиқ жавоб беришса, ўша 1 бални бу гуруҳ ихтиёрига ўтказилади. Жавоб беришда уларга эркинлик, компьютердан фойдаланиш, бемалол ўз фикрларини айтиш, ҳатто бир, икки талаба жавоб берган, қолганларга ҳам айтмоқчи бўлган фикрлари бўлса, айтиш имконияти берилади фадим. Саволга жавоб бериши лозим бўлган қатор талабалари орасида бошқа фикр билдирувчилар йўқлигига иқрор бўлингач, савол берган қатор талабаларига жавоблардан қониқганлигини билиш, агар жавоблар тўлиқ бўлмаган бўлса, фақат вақт чегараланади. қатўлдириш имкониятини бердим. Жавоб берувчи қатор талабалари саволга аниқ жавоб бермаса, берилган савол жавобини савол берган қатор талабалари аниқ тушунтирсалар, саволга ажратилган 1 балл савол берган қатор талабалари банкида қолдирилди.

Жавоб берувчи қатор талабалари саволнинг маълум қисмга жавоб берган бўлсалар, унда савол учун ажратилган 1 балл бўлинади. (масалан,

0,5 уларга 0,5 балл буларга). Бу услубда икки қатор талабалари ҳам навбатма-навбат савол бериш имкониятига эга бўладилар. 80 минутлик дарс давомида мавзу бўйича камида 5 та савол муҳокама қилинади. Савол-жавоб жараёнида ўқитувчи 5 та савол учун ажратилган 5 бални жавобларга қараб, у ёки бу қатор талабалари банкига киритиб боради.

Ҳар бир қаторнинг йиғилган баллари қатор талабаларининг савол-жавоб беришда қатнашган фаолларига бўлиб берилади. Бу жараёнда ўқитувчидан ҳақиқийлик, холислик, сезгирлик, аниқ баҳолаш талаб қилинади. Шу жойда ўқитувчи рағбатлантириш усулидан фойдаланиб, ғолиб қатор талабаларига 2, 3 бални мукофот тарзида ажратиши ҳам мумкин. Бу балларни ҳам жуда фаол, фаол талабаларга тақсимлаш ҳам талабалар фаоллигининг ошишига хизмат қилиши мумкин.

Юқорида баён этилган бу услубда ўқитувчининг талабаларни фаолликка ўргатиши, ахборот технологияларидан унимли фойдаланиши, савол-жавоб бериш маданиятини шакллантириши, уларни мавзу бўйича интернетда изланиб, саволлар ва жавоблар топиб келиш кўникмаларини ҳосил қилиши муҳимдир. Агар талабаларни дарс ўтишнинг бу услубига олдиндан ўргатилмаса, ахборот технологияларидан фойдаланиш куникмасига эга бўлмаса дарс кутилган самарани бермаслиги мумкин.

Талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган, уларга ўз фикрини эркин сўзлашга имкон берадиган бу услубда дарсни ўтказиш ўқитувчидан компьютер саводхонлик, тинимсиз меҳнат, аниқ ишлаш, ҳар бир талабанинг дарсдаги фаолияти ва меҳнатини аниқ баҳолай олишни талаб этади. Бундан ташқари ўқитувчи берилаётган саволнинг ўринли, муҳимлиги, мазмун моҳияти, жавобларнинг аниқ ва тўғрилигига ва тўлалигига доимий равишда аҳамият бериб бориши лозим бўлади. Тўғри, айрим ҳали ҳам эски қолипдаги таълим - тарбия йўналишидан воз кеча олмаётган(шу пайтгача ижод, изланиш, янгиланиш йўлини тутмаган бундай ўқитувчилар, бундан кейин ҳам тутмасалар керак) айрим ўқитувчилар бундай услубдан фойдаланмаслик, жонини койитмасликка ҳаракат қиладилар. Айримлари эса лекцияда чарчайман, семинарларда эса бироз дам оламан дейдилар. Биз фойдаланаётган услуб ўқитувчини бир дақиқа ҳам бўш ўтиришига имкон бермайди. Агар ўқитувчи бундай йўналишдаги дарсларда бироз бўлса ҳам бошқа томонларга чалғиса, унда талабалар билимини ҳақиқий баҳолаш, қаторлар талабалари баҳслашуви даражасини аниқлаш ҳолатлари бузилади.

Дарс жараёнидаги бу янгича йўналиш ҳам ўқитувчидан ахборот коммуникация технологияларини мукаммал билиш, изланиш, ижод ва меҳнат қилишни талаб этади. Чунки у ҳар бир дарсдан олдин муҳокама қилинадиган мавзу бўйича уқитувчи олдиндан MOODLE га тест саволларини киритиб қуйиши лозим.

Бугунги кунда таълимдаги бу янгича йўналишлар биринчидан, талабаларга ахборот технологияларидан фойдаланишда эркинлик ва имконият беради. Иккинчидан, уларнинг фаоллигини оширади.

Учинчидан, мавзуга тайёрланиш ва мазмунли саволлар топиш учун интернетдан изланишга ўргатади. Тўртинчидан, билим бериш ва илм олишда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда холислик таъминланади. Чунки бу дарсларда талабанинг қандайлиги, унинг билим даражаси, фаол ёки фаол эмаслиги нафақат ўқитувчига, балки талабаларнинг ўзларига ҳам аниқ намоён бўлади. Бундай дарслар таниш-билишлик, нопоклик ва таъмагирликларни ўзига сиғдира олмайди. Мана шундай бир жараёнда имтиҳон олдидан барча дарсларда фаол бўла олмаган талаба хусусида четдан «илтимос» қилиниши, доимо фаол бўлиб келган талабалар олдида ўқитувчи обрўининг тушишига олиб келиши табиийдир.

Биз фақат мутахассис кадрнигина эмас, халқимизнинг зиёлисини тайёрлаймиз. Бу борада юртимизда амалга оширилаётган барча ишларимиз самараси аввало, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини англаб етишимиз лозим.

Ж.Р.Тохиров – Бухоро давлат университети таянч докторанти

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МОДЕЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақола таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шериклик моделларидан фойдаланиш йўлларига бағишланган. Устувор йўналишларда амалга ошириладиган лойиҳаларга давлат-хусусий шериклик моделларидан фойдаланган ҳолда, уларнинг турлари ва шерикликларни таснифлаш мезонлари, лойиҳаларни молиялаштириш, бошқариш, тўлаш бўйича давлат ҳамда хусусий секторлар ўртасидаги жавобгарликни тақсимлаш эътиборга олинган.

Калит сўзлар: таълим, таълим хизматлари сифати, лойиҳа, модел, BO, BOT, BTO, BBO, DFBO, LDO, WAA.

Аннотация: В статье рассматриваются способы использования моделей государственно-частного партнерства для повышения качества образовательных услуг. К проектам, реализованным по приоритетным направлениям использование моделей государственно-частного партнерства во внимание принимается критерии классификации их типов и партнерств, распределение ответственности между государственным и частным секторами по проектному финансированию, управлению и оплате.

Ключевые слова: образование, качество образовательных услуг, проект, модель, BO, BOT, BTO, BBO, DFBO, LDO, WAA.

Abstract: The article discusses ways of using public-private partnership models to improve the quality of educational services. For projects implemented in priority areas of the use of public-private partnership models, the criteria for classifying their types and partnerships, the distribution of responsibility between the public and private sectors for project financing, management and payment are taken into account.


Keywords: education, quality of educational services, project, model, WO, WOT, WTO, WWO, DFBO, LDO, WAA.

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) бу, ҳукумат ва бир ёки бир нечта хусусий секторлар шериклиги орқали молиялаштириладиган ва бошқариладиган давлат хизмати ёки хусусий бизнес ташаббусини тавсифлайди. Айниқса, хусусий секторнинг бошқарув тажрибаси ва маблағларини жалб қилиш, хатарларни тўғри тақсимлаш орқали давлат хизматлари сифати ва инфратузилмасини яратиш бўйича давлат ва хусусий шерик ўртасидаги узоқ муддатли шартнома ҳисобланади. ДХШ мақсадли инвестицияларни жалб қилишнинг сифат жиҳатдан янги ва самарали усулидир. Мухтасар қилиб айтганда, ДХШ баъзи ҳолларда капитал қўйилмаларни ҳукумат томонидан амалга ошириладиган ва хусусий сектор иштирокчиси уни бошқарадиган ҳамда аксарият ҳолларда хусусий инвестор фақат инвестиция киритадиган ва бошқарадиган бўлиши мумкин. Бироқ, давлат ва хусусий секторнинг ДХШ битимида иштирок этиш даражаси жиҳатидан бир қатор бошқа фарқлар бўлиши мумкин.

Ривожланган мамлакатлар кўплаб ижтимоий соҳалар қаторида таълим соҳасида ҳам ДХШ моделларидан фойдаланади. Дарҳақиқат, ДХШ масаласи сўнгги пайтларда, лойиҳани амалга ошириш қониқарсиз бўлган жойларда, лойиҳани амалга оширишнинг машҳур воситасига айланди.

Таъкидлаш жоизки, адабиётларда ДХШнинг турли хил моделлари келтирилган бўлиб, уларда қандай тизимлаштириш кераклиги борасида катта чалкашлик ва икки маъноли талқини учрайди [1].

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, лойиҳаларда ДХШ моделларининг турларини ушбу шерикликларни таснифлаш мезонлари, лойиҳаларни молиялаштириш, бошқариш, тўлаш бўйича давлат ва хусусий секторлар ўртасидаги жавобгарликни тақсимлашни эътиборга олиш лозим. Бунинг турли функцияларга жалб қилинганлик даражаси қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Хусусий сектор томонидан лойиҳаларда ДХШ моделларининг турли функцияларга жалб қилинганлик даражаси.

Лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш, бошқариш ва тўлов инфратузилмасида хусусий секторнинг иштирок этиш даражаси ҳам амалга оширилиши мумкин бўлган бир нечта вариантлар билан белгиланади. Айниқса, концессия модели анъанавий равишда энг кўп ишлатиладиган ДХШ лойиҳаларидан бўлиб келган. Шунга қарамай, юқорида айтиб ўтилганидек, бу битта модел эмаслигини ёдда тутиш керак, чунки концессия моделида турли хил хусусиятларга эга бўлган усулларни амалга ошириш мумкин. Бу борада юқорида келтирилган моделларнинг ҳар бирига тўхталиб, алоҳида кўриб чиқадиган бўлсак, фойдаланиш имкониятларига баҳо бериш таъминланади. Бу қуйидагича эътироф этилади:

- BO модели (Build and Operate), яъни қуриш ва фойдаланиш: бу доимий равишда тақдим этиладиган модел бўлиб, у ерда хусусий ташкилот ҳар қандай муддатсиз молиялаштиради, қуради ва бошқаради, давлат маъмурияти эса назорат вазифасини ўз зиммасига олади.
- BOT модели (Build, Operate and Transfer), яъни қуриш, ишлатиш ва узатиш: бу ҳолда имтиёз чекланган вақт ичида хусусий сектор қуради ва бошқаради. Хусусий корхона томонидан инфратузилмани бошқариш даврида сармоялар тикланади ва кутилган даромад олинади. Имтиёз тугагандан сўнг, лойиҳага эгалик қилиш оммавий бўлади.
- BTO модели (Build, Transfer and Operate), яъни қуриш, ўтказиш ва бошқариш: лойиҳага эгалик қилиш унинг амал қилишидан олдин оммавий бўлади. Қурилиш босқичи тугагандан сўнг, хусусий сектор лойиҳани давлат секторига ижарага беради. Ушбу тизим лойиҳанинг масъулияти ва хатарлари қурилиш босқичидан ташқарида бўлганида тавсия этилади.
- BBO модели (Buy, Build and Operate), яъни сотиб олиш, қуриш ва ишлатиш: ушбу тизимга таъмирлаш ва ёки унинг кенгайтирилиши тугагандан сўнг, бошқариш учун маълум бир давлат инфратузилмасини сотиб оладиган хусусий компания киради.
- DFBO модели (Design, Finance, Build and Operate), яъни дизайнлаш, молиялаштириш, қуриш ва бошқариш бўлиб, унинг асосида одатда концессионар хусусий равишда инфратузилмани лойиҳалаштиради, қуради, молиялаштиради ва бошқаради. Бундай шартномалар, қисқаси, соф концессия моделлари билан деярли бир хил, ягона фарқ шундаки, фойдаланувчилар эмас, балки давлат тўлайди, шунинг учун ушбу молиялаштириш усули операцион лизинг сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Баъзи ҳолларда, операция муддати тугагандан сўнг, инфратузилма маъмуриятга қайтиши мумкин, бу ҳолда у молиявий ижарага ўхшашроқ бўлади.
- LDO модели (Lease, Develop and Operate), яъни ижарага бериш, қуриш ва бошқариш бўлиб, бу ҳолда компания маълум активларни ҳукуматга ижарага беради ва имтиёз муддати давомида таъмирлаш хизматини кўрсатади.
- WAA модели (Wraparound Addition), яъни устамани қўшиш бўлиб, бу ерда хусусий шахс давлат мулки бўлган ва бошқариладиган инфратузилмани кенгайтиради. Бундай бошқарув бутун инфратузилма ёки фақат устама қўшилган қисмга мос келиши мумкин. Мазкур жараён тугагандан сўнг,

эгалик ҳуқуқи биргаликда тақсимланади, чунки устама фақат хусусий корхонага тегишли ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим хизматлар кўрсатиш давлатнинг асосий вазифасидир. Ҳукумат молиявий ва бошқарув чекловларига эга бўлганлиги сабабли, ушбу хизматларни таъминлаш кўп вақтни талаб қилувчи жараёндир. Ушбу имкониятларни тезкор равишда таъминлаш учун, ДХШ жуда яхши алтернатив вариант бўлиши мумкин. Таклиф этилган тизим сифатида ВОТ модели ДХШ асосида давлатга катта миқдордаги маблағни тегажга ёрдам беради, бу ерда хусусий инвестор объектни қуради, ишлатади ва таъмирлайди. Ҳукумат хусусий инвесторга ҳаётий камчиликларни молиялаштириш ёки субсидия тўловини тақдим этиш орқали, таълим муассасаларида кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини таъминлайди. Айниқса, ДХШ нархларни сезиларли даражада тежаш билан биргаликда давлат томонидан молиялаштириладиган ва бошқариладиган таълим муассасаларини қуриш усуллари ҳамда таълим хизматларини кўрсатиш билан таққослаганда яхшироқ афзалликларга эга.

Тадқиқот натижасида айтиш мумкинки, ДХШ хизматларини тақдим этишда қуйидаги афзалликларга эга:

- ✓ Лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва молиялаштириш учун маблағларни хусусий сектор томонидан ажратиш орқали давлат ресурсларини тежаш;
- ✓ Хусусий сектор қурилиш соҳасидаги ишонч ва хавфсизлик билан боғлиқ хавфларни ўз зиммасига олиши;
- ✓ Хусусий сектор кўрсатган хизматлар учун давлат ва жамоат тўловларининг мавжудлиги;
- ✓ Ҳукумат регуляторни қўллаш орқали тўловларни, сифат кўрсаткичларини ошириш мумкин.

ДХШ имтиёзларидан фойдаланиш учун давлат ДХШга сармоялар ажратиш бўйича бюджет сиёсатини олиб бориши ва қонунчилик базасини осон ва сармоялашга қулай қилиши керак. Шундан сўнг, бошқа ижтимоий хизматларни ҳам худди шу ДХШ ёндашуви асосида амалга ошириш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Irimia Diéguez A., Oliver Alfonso M.D. Financiación Privada de Infraestructuras. Ed. Escuela Andaluza de Economía. Spanish. 2010.
2. Варнавский В. Г., Клименко А. В.Государственно-частное партнерство: теория и практика. Высшая шко. 2013. 288 с.
3. Felipe Barrera-Osorio, Juliana Guaquet, и Harry Anthony Patrinos, The role and impact of public private partnerships in education, Public Private Partnerships in Education: New Actors and Modes of Governance in a Globalizing World, 2012. p.3-16
4. Tokhirov J. R. The role of state-private partnerships in improving the quality of educational services. the case of Uzbekistan. Journal of Management Value & Ethics (Aquarterly Publication of GMA) No.04 GIF 0.626 ISSN-2249-9512 Oct-Dec. 2019 Vol. 09 59-64 p. India.
5. Tokhirov J. R. The effective use of state-private partnership in improving the quality of educational services //Вестник науки и образования. – 2020. – №.6 (84) Часть 2. 9-12 с. (Роскомназдор Эл № ФС77-58456).

VIII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”

Ш.Б.Очилов –Бухоро мухандислик-технология институти доценти, и.ф.н.,
М.Н.Хайитова – Бухоро мухандислик -технология институти магистранти

КОРРЕЛЯЦИОН МОДЕЛЛАРНИ ҚУРИШНИНГ ДИФФЕРИНЦИАЛЛАР УСУЛИ

Аннотация: ушбу мақолада корреляцион моделларни қуришнинг янги методи таклиф қилинган ва бу методни мавжуд бўлганлардан афзаллиги ҳисоблашлар асосида исботланган.

Калит сўзлар: корреляцион анализ, регрессия тенгламаси, дифференциал усул, интеграл усул.

Аннотация: В этой статье разработан новый метод построения корреляционных моделей. На основе конкретных расчётов доказано эффективность предлагаемого метода.

Ключевые слова: корреляционный анализ, уравнение регрессии, дифференциальный метод, интегралный метод.

Abstract: In this article, a new method for building correlation models has been developed. On the basis of specific calculations, the effectiveness of the proposed method is proved.

Keywords: correlation analysis, regression equation, differential method, integral method.

Табиат ва жамиятдаги асосий боғланишларини математик тилда ифодалаш доимо фаннинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолган. Бу муаммо фанда умумий ҳолларда ечилганлиги ҳаммага маълум. Бунинг энг традицион усуллари бу мавжуд объект ҳақидаги статистик рақамларни йиғиб бу рақамлар асосида қандайдир мавжуд бўлган функция шу жараённи ифодаловчидирдеган гипотезани олдин суриб уни математик йўллар билан исботлашдир. То шу вақтгача бу йўлдан барча мутахассислар унумли фойдаланиб келишади.

Албатта ҳар қандай усулни маълум камчиликлари бўлганидек бу усулда ҳам амчиликлар мавжуд. Иқтисодда математик моддалар қуриб улар асосида олинган прогнозлар ҳамма вақт ҳам айтилган аниқликни бермайди. Сейесмологияда қуриладиган моделлар асосида олинган прог-нозларнинг аниқлилик даражаси ҳам жуда паст эканлиги ҳаммага маълум.

Шу сабабли ҳам кўпчилик соҳаларда математик моделлар асосида олинган натижалар хулоса қилишда асосий инструмент сифатида эмас, ёрдамчи бир маълумот сифатида ишлатилади. Бу нарса тиббиётдаги, физика ва биологиядаги татбиқларида ҳам жуда худди шундай камчиликларга эга.

Мисол учун у-пахта ҳосилдорлиги бўлиб х-ерга солинадиган маҳаллий уғит миқдори бўлсин.

Статистик анализ натижасида у=18,2+1,6Х боғланиш ўрнатилган эканлиги маълум бўлсин.

У ҳолда 1 гектар ерга 10 тонна маҳаллий ўғит солишганда ҳосилдорлик у=34 ц/га бўлади деган тасдиқни амалиётда ишлаётган ходим 100 % тўғри деб ҳеч қачон қабул қилмайди.

У қуриладиган у=f ($x_1 x_2$ .... x_n), коррелацион боғлнишларни аниқлик даражасини, уларни ишлаб чиқаришдаги ролини янада оширишни бирор бир усуллари мавжудми ё шу кунгача қўлланиб келинаётган методлар охирги чегарами?

Ушбу мақолада шундай йўллар борлигини исботлаш учун ҳаракат қилиб кўрилган.

Аввало традицион усулларда қилинадиган гипотезалар ичида энг кўп хатоликни келтириб чиқариш мумкин бўлгани ҳақида фикр юритайлик:

- Биринчи камчилик бўлиб, бизнинг фикримизча берилган y_i-тажриба натижаларини тўғридан - тўғри маълум бир функциялар синфига тўғри келади деб айтишда;
- Иккинчи камчилик, олинган тажриба натижаларидаги рақамларни нуқтадан –нуқтага ўтганда ўзгариш характерини ҳисобга олмаслик бўлса керак деб ўйлаймиз.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни олдини олиш имкони топилса, бу билан биз топиладиган коррелацион боғланишларни реал воқеликка тўғри келиш даражасини оширган бўлар эдик. Бу йўлда олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики жараёнларни реал ифодалаш учун берилган стастик рақамлар асосида у=f ($x_1 x_2$ .... x_n) боғланишни эмас балки, шу функцияни ҳосиласини излашимиз керак. Туғри курилган ҳосила функцияси мавжуд бўлганда, бир марта интегралаб асосий боғланишни топиш мураккаб бўлмайди. Берилган тажриба натижалари асосида ҳосила функциясини тузиш бу жараённи ифодаловчи функцияни ўсиши-камайиши характерларини, эгилиши – букилишларини ҳисобга имконини беради.

Демак y_i-лар асосида функцияни ўзини эмас балки, ҳосиласини функциясини топиш муаммоси билан шуғулланамиз.

Математик анализ курсидан маълумки, $\frac{f(x_o+\Delta x-f(x_o)}{\Delta x} \approx f^1(x_o)$ ёки статистик рақамлар учун $\frac{y_{i-1}-y_i}{\Delta x} = f^1(x_o)$ демак, агар y_i стастик рақамлар ва уларга мос x_i лар берилган бўлса, I =1, n, у ҳолда n-1нуқтада y_i ларга мос келувчи ҳосила функциясининг x_i нуқталарга мос келувчи қийматларини ҳам топиш мумкин.

Бу эса φ=f’ (x) ни топиш имконини беради.

Қисқача айтилганларни конкрет мисолда қараб чиқайлик.

Фараз қилайлик пахта ҳосилдорлиги ва фойдаланилган органик ўғитлар ҳақидаги маълумоти берилган бўлсин (рақамлар шартли). Улар асосида ҳосила функциясини топамиз ва сунгра интегралаб асосий

функцияни ҳосил қиламиз.

Традицион йўл билан топиладиган боғланиш орқали топилган рақамлар билан янги усул ёрдамида топилган рақамларни солиштириб хулосалар чиқарамиз.

жадвал-1

y	x	Δy	Δx	$\frac{\Delta y}{\Delta x}$	$\frac{\Delta y}{\Delta x} * x$	x^2	x^{-1}
24	3,5	-	-	-	-	-	-
24,3	3,8	0,3	0,3	1	3,8	14,44	3,8
24,7	4,1	0,4	0,3	1,33	5,453	16,81	4,1
25,2	4,3	0,5	0,2	2,5	10,75	18,45	4,3
25,3	4,5	0,1	0,2	0,5	2,25	20,25	4,5
24,8	4,7	-0,5	0,2	-2,5	-11,75	22,09	4,7
25,7	4,75	0,9	0,05	1,8	85,5	22,5625	4,75
25,9	4,8	0,2	0,05	4	19,2	23,04	4,8
26,1	4,85	0,2	0,05	4	19,4	23,5285	4,85
27	5	0,9	0,15	6	30	25	5
253	44,3			34,83	164,6	186,17	40,8

Бу ерда Y-пахта ҳосилдорлиги, x эса 1 гектар ерга солинадиган маҳаллий ўғит миқдори $\frac{\Delta y}{\Delta x}$ – чизиқли ўсади деб фараз қилайлик яъни $\frac{dy}{dx}$ = αo+bx бўлсин. Шу боғланишни топайлик. Кичик квадратлар методида Σ y_i лар ўрнига $\Sigma\frac{\Delta y}{\Delta x} \bullet x_i$ ишлатилади ва қуйидаги тенгламалар системасига эга бўламиз.

$$\begin{cases} \Sigma_{i=1}^{9} \frac{\Delta y}{\Delta x} = 9\ a_o + \sum_{i=1}^{9} xi \bullet b \\ \Sigma_{i=1}^{9} \frac{\Delta y}{\Delta x} = 9\ a_o + \sum_{i=1}^{9} xi \bullet b \end{cases}$$

Юқоридаги рақамлар асосида қуйидагиларга эга бўламиз ва бу системани ечиб керакли номаълумларни топамиз.

$$\begin{cases} 34{,}83 = 9\ a_o + b*40{,}8 & a_o = 23{,}645 \\ 164{,}6 = 40{,}8\ a_o + 186{,}17 & b = 6{,}07 \end{cases}$$

Яъни $\frac{\partial y}{\partial x} = 23{,}645 + 6{,}07\ x$

Интеграллаб $y = \int(-23{,}645 + 6{,}07x)\ dx$

$Y = -23{,}645\ x + 3{,}035\ x^2 + c$

Бошланғич шарт асосида С аниқланади ва $Y = 3{,}035\ x^2 - 23{,}645x + 69{,}5795$ эканлиги аниқланади.

Лекин традицион методлар ёрдамида шу масалани ечиб чизиқли y=18,212+1.6x функцияни ҳам топиш мумкин.

Энди агар жараён кўп ўзгарувчили функция кўринишида булса деган савол туғилади.

Шуни айтиш керак-ки, бу ҳолда жуда кўп математик муаммолар

келиб чиқади. Бунда масалани ечими юқоридагидек бир уринишда ҳал қилиб бўлмайди.

Биз бу масалани ҳар бир ўзгарувчи учун алоҳида ҳар бир ўзгарувчи учун y = f(x_i) сифатида аниқдаб сўнг натижавий функцияни функциялар йиғиндисини ўртачаси сифатида аниқлашни таклиф қиламиз.

$$y\ f(x_1; x_2; \dots x_n)\ \frac{f_1(x_1) + f_2(x_2) + \cdots \mathrm{f}(x_n)}{\mathrm{n}}$$

Бу ечимни конкрет мисолда қараб чиқамиз. Бунда осонлик учун юқоридаги мисолни 1 ўзгарувчи эмас балки икки ўзгарувчи функция сифатида қараймиз:

Демак у-пахта ҳосилдорлиги;

x_1-ҳар бир гектарга солинадиган маҳаллий ўғит (Т) ва x_2-ҳар бир гектарига солинадиган минерал ўғит миқдори бўлсин (кг). Қуйида эса бир неча йиллик кузатишлар натижаси берилган бўлсин. Y=f(x_1; x_2) боғланишни ҳосила функциясини тузиш йўли билан аниқлаш талб қилинсин.

жадвал-2

y	$\mathbf{x_1}$	$\mathbf{x_2}$	**Δy**	$\mathbf{\Delta x_1}$	$\mathbf{\Delta x_2}$	$\frac{\Delta y}{\Delta x_1}$	$\frac{\Delta y}{\Delta x_2}$	$\frac{\Delta y}{\Delta x_2} x_2$	$\frac{\Delta y}{\Delta x_2} x_1$	x_2^2
24	3,5	80	-	-	-	-	-	-	-	-
24,3	3,8	87	0,3	0,3	7	1	0,0143	1,244	3,8	7569
24,7	4,1	95	0,4	0,3	8	1,33	0,05	4,75	5,453	9069
25,2	4,3	98	0,5	0,2	3	2,5	0,166	16,27	10,75	9604
25,3	4,5	105	0,1	0,2	7	0,5	0,0143	1,5	2,25	11025
24,8	4,7	110	-0,5	0,2	5	-2,5	-0,1	-11	-11,75	12100
25,7	4,75	117	0,9	0,05	7	18	0,1286	15,046	85,5	13689
25,9	4,8	121	0,2	0,05	4	4	0,05	6,05	19,2	14641
26,1	4,85	127	0,2	0,05	6	4	0,0333	4,23	19,4	16129
27	5	135	0,9	0,15	8	6	0,1125	15,19	30	18225
253	44,3	1075				34,83	0,469	54,98	164,6	112011

Изланаётган функциялардан биринчиси $□_1 = □_1^1(□_1)$ аллақачон ҳисоблаб топилган эди. Шунинг учун фақат $□_2 = f_2(□_2)$ ни ҳисоблаб топамиз. Юқоридаги жадвал-2 дан тегишли маълумотларни олиб $□_2 = f_2(□_2)$ учун тенгламалар системсини тузамиз.

$$\begin{cases} 9469 = 9a_o + b*995 \\ 54{,}98 = 995\ a_o + 112011\ b \end{cases}$$

Тенгламани ечиб y=-0,11989+0,001556 x_2 топамиз. Лекин биз $\frac{dy_2}{dx_2} = -0{,}11989 + 0{,}001556\ □_2$ ни топдик. Уни $y_2(80)=24$ шарт асосида интегралаб y_2=28,62-0,11989 x_2 +0.000776 $□_2^2$ га эга буламиз.

Демак биз ҳам $f_1(x_1)$=3,035x_1-23,645x_1+69,5795 ва $f_2(x_2)$=28,62-0,11989x_2+0,000776 $□_2^2$ ларни ҳосил қилдик, энди натижавий боғланиш $f(x_1; x_2) = \frac{f_1(x_1)+f_2(x_2)}{2}$ эканлигидан y=f(x_1;x_2)=49-11,8225x_1+1.5175$□_1^2$-

$0{,}0599x_2+0.000388\square_2^2$ бўлади.

Бу функцияни тегишли нуқталардаги қийматларини ҳисоблаб топилган боғланиш ҳақиқий қийматларга қанчалик яқинлигини баҳолаш мумкин.

Энди юқоридаги рақамлар асосида $y=f(x_1;x_2)$ ни традицион методлар ёрдамида $y=a_x+a_1x_1+a_2x_2$ кўринишидаги моделини ҳосил қилиб натижаларини биз таклиф қилган метод асосида кўрилган боғланиш натижалари билан солиштириб кўрайлик.

Жадвал-3

y	24	24,3	24,7	25,2	25,3	24,5	25,7	28,9	26,1	27
$\mathbf{x_1}$	3,5	3,8	4,1	4,3	4,5	4,7	4,75	4,8	4,85	5
$\mathbf{X_2}$	80	87	95	98	105	110	117	121	129	135

$Y=a+a1x+x_2^2$

$$\begin{cases} 252{,}7=10ao+44{,}3a_1+1075a_2 \\ 1122{,}95=44{,}3a_o+198{,}455a_1+4838{,}5a_2 \\ 27302=1075a_o+4838{,}5a_1+118407a_2 \end{cases}$$

Тенгламани ечиб $y=21{,}8344+1{,}12383x_1+0.07827x_2$ ни ҳосил қиламиз.

Энди биз янги усул билан ҳосил қилинган $y=f(x_1;x_2)=49-11{,}8225x_1+1{,}5175x_2+0.0599x_2+0.000388\ x_2^2$ функциясига ва традицион методда топилган $y=21{,}8344+1{,}12383x_1+0{,}07827x_2$ га эга бўлдик.

Бу икки функция асосида олинган натижалар солиштирилса таклиф қилинаётган метод традицион методларидан ҳеч қолишмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Қуйидаги жадвалда y_x-ҳақиқий тажриба натижалари $y_т$-ананавий усул билан ҳисобланган натижалар $y_я$-таклиф қилинаётган сонлар кетма-кетлиги келтирилган.

№	$\mathbf{y_x}$	$\mathbf{y_т}$	$\mathbf{y_я}$
1	24	24,16	23,91
2	24,3	24,37	23,71
3	24,7	24,66	23,9
4	25,2	24,67	24,15
5	25,3	24,99	24,5
6	24,8	25,16	25,15
7	25,7	25,65	25,38
8	25,9	25,91	25,70
9	26,1	26,32	26
10	27	26,78	26,9

Жадвалдан кўриниб турибдики, иккала усулда ҳам ҳосил қилинган функциялар ўрганилаётган жараён жуда катта аниқлик билан ифода этади.

Лекин таклиф қилинаётган усул ананавий усулга нисбатан қуйидаги қулайликларга эга.

1) факторлар орасидаги боғланиш функцияси доимо ночизиқли бўлади. Маълумки табиат ва жамиятдаги жараёнлар бир-бири билан доимо ночизиқли боғланган. Бу эса биз таклиф қилган усулда топиладиган

функциялар ҳақиқатга яқин боғланишни ифодаланишини кўрсатади.

2) Изланаётган боғланишлар танланма рақамларнинг фақат ташқи характерини ифодаловчи маълум математик функциялар бўлса керак деган фараз асосида қурилмасдан балки уларни ички характерини ҳисобга олиб қурилади. Бу бизнинг фикримизга объектив реалликка анча яқинлашиш имконини беради.
3) Кўпчилик ҳолларда ночизиқли оптимизация масаласини ечишга тўғри келади. Бу масалаларни мълум классларда ечиш учун Лагранж усули мавжуд. Лекин бу усулдан фойдаланиш учун мақсад функцияси ҳам биринчи ҳамда иккинчи даражали ҳосилаларга эга бўлиши керак. Биз таклиф қилаётган усулда ҳосил қилинаётган функциялар бундай хусусиятга эга эканлиги маълум.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг-Инновацион фаолият тўғрисидаги Қонуни. ЎРҚ-630-сон 24.07.2020 й.
2. Очилов Ш.Б., Хасанова Г.Д. Альтернативный метод построения корреляционных моделей. Научно-методический журнал «Academy» № 6
3. G.Xasanova, Z.Ochilova. Effective employee relations in improving the quality of the education system ways of organization. Научный журнал «Интернаука», асть 2, 12(141), стр.77-79.

Х.С. Мухитдинов – Қарши мухандислик-иқтисодиё институти профессори
Х.М. Нормаматов – ТАТУ Қарши филиали катта уқитувчиси

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИГА АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШНИНГ ТРЕНД МОДЕЛИНИ ЯРАТИШ

Аннотация. Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятида аҳолига алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини кўрсатишнинг тренд моделини яратиш жараёни ёритилган. Тренд моделини яратишда дитерминация коэффициенти ва Фишер мезонларини хисоблаш натижаларидан фойдаланилган.

Калит сўз: Алоқа, ахборотлаштириш, хизмат кўрсатиш тармоқлари, тренд модели, дитерминация коэффициенти, Фишер мезони.

Аннотация. В данной статье описан процесс создания трендовой модели предоставления коммуникационно-информационных услуг населению в Кашкадарьинской области. Результаты расчета детерминантного коэффициента и критериев Фишера были использованы для создания модели тренда.

Ключевые слова: коммуникация, информация, сервисные сети, трендовая модель, детерминантный коэффициент, критерий Фишера.

Abstract. This article describes the process of creating a trend model for the provision of communication and information services to the population in Kashkadarya region. The results of the calculation of the determinant coefficient and Fisher criteria were used to create the trend model.

Keywords: Communication, information, service networks, trend model, determinant coefficient, Fisher criterion.

Аҳолига алоқа ва ахборотлаштириш хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан тадқиқ этишда унинг категория сифатидаги моҳиятини назарий жиҳатдан очиб бериш ўта муҳим масалалар сирасига киради. Алоқа ва ахборотлаштириш хизмат кўрсатиш тармоқлари самарадорлигини аниқлашда ўзаро боғлиқ бўлган “ алоқа” ва “ ахборотлаштириш самарадорлиги” каби категорияларнинг моҳиятини аниқлаш муҳим долзарб ҳисобланади. Шу туфайли мазкур категориялар илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиниб, уларнинг таърифлари ишлаб чиқилди.

Ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 2006–2010, 2012–2016, 2016–2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини 55 фоизгача оширишнинг мақсадли параметрлари тасдиқланган.[1]

Аҳолига алоқа ва ахборотлаштириш хизмат кўрсатиш тармоқларини эконометрик моделлаштиришнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

моддий, меҳнат ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланилади;

иқтисодий ва табиий жараёнларни таҳлил қилишда етакчи восита бўлиб хизмат қилади;

алоқа ва ахборотлаштириш хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланишида прогнозлашни амалга ошириш вақтида айрим тузатишларни киритиш мумкин бўлади;

алоқа ва ахборотлаштириш хизмат кўрсатиш тармоқларини фақат чуқур таҳлил қилибгина қолмасдан, балки уларнинг ўрганилмаган янги қонуниятларини очишга имкони яратилади. Шунингдек, улар ёрдамида хизмат кўрсатиш тармоқларининг келгусидаги ривожланишини олдиндан айтиб бериш мумкин бўлади;

ҳисоблаш ишларини автоматлаштириш билан бирга, ақлий меҳнатни енгиллаштиради, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари меҳнатини илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш имкони яратилади.

Республикамиз иқтисодий фаровонлигининг ошиши ва иқтисодий ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар янги турдаги талабни шакллантиради, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатига талабларни оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”ги ПФ–4947-сонли фармони, 2017 йил 1 ноябрдаги “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3365-сонли қарори ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини янада ривожлантириш, улар самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

[1] Тараққиётнинг ўқ илдизи ёхуд хизмат кўрсатишнинг мамлакат имижини оширишдаги муҳим роли хусусида //http://uza.uz/oz/business/-07-09-2019.

вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хизматлар иқтисодиётнинг муҳим йўналишига айланади. У билан кўпгина ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари шуғулланмоқдалар. Алоқа ва ахборотлаштириш хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожлантирилиши аҳолининг турли хилдаги эҳтиёжларини қондириш вазифасини бажаради.

Бунда алоқа ва ахборотлаштириш хизмат кўрсатиш тармоқларини модернизациялаш алоҳида роль ўйнайди. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам замонавий талабга мос келмайди. Шу боис ҳам «...маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштириш»[1] устувор вазифа сифатида белгиланди.


Биз олиб бораётган тадқиқотда, алоқа ва ахборотлаштириш хизмат кўрсатиш ҳолати, биринчи навбатда, алоқа ва ахборотлаштириш хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг инновацион фаолиятидан келиб чиқади. Шунинг учун алоқа ва ахборотлаштириш хизмат кўрсатишда ижтимоий-маданий, иқтисодий, интеллектуал, техник-технологик ва бошқа омиллар таъсир этади. Ушбу омиллар таъсирини ўрганиш мақсадида корреляцион-регрессион таҳлил масалалари кўриб чиқилади.

Республикамизда фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш тармоқлари ўзининг техника ва технологиясини такомиллаштириб бормоқдалар, истеъмолчиларнинг ўсиб бораётган талабларини қондиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Аҳолига алоқа ва ахборотлаштириш хизмат кўрсатиш тармоқлари таркибини баҳолаш ва унинг классификациясини белгилаш учун иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш жараёни тизимида хизмат кўрсатиш тармоқлари бажарадиган вазифаларни ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини характерловчи белги ва мезонларини ишлаб чиқиш керак.

Назаримизда, хизмат кўрсатиш соҳасининг моҳиятини очишда ва унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги мавқиени баҳолашда, биринчи навбатда, истеъмолчининг манфаатлари эътиборга олиниши лозим, яъни хизмат кўрсатиш соҳаси, унинг алоҳида тармоқлари, ҳар бир тармоқ таркибидаги кўп сонли хўжалик субъектлари фаолиятини истеъмолчи унинг хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондирилиш даражаси нуқтаи назаридан баҳолаши лозим. Чунки эркин бозор муносабатлари шароитида истеъмолчи муҳим ҳисобланади.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида“ ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.6-сон.



1 - расм. Қашқадарё вилояти аҳолисига алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари кўрсатиш ҳажмининг тренд модели

Вилоят аҳолисига алоқа ва ахборотлаштириш хизмат кўрсатиш тармоғи унинг тренд моделлари 1-расмда кўрсатилган. Расмда кўриб турганингиздек, алоқа ва ахборотлаштириш хизматининг ўзгариш тенденциясига қараб, бир қанча моделлари ҳосил қилинган, булардан R^2 = 0,996, $F_{ҳисоб}$=3237, $t_{ҳисоб}$=56,89 ($\alpha = 0{,}05$ бўлганда, $t_{жад}$=2,1314, $F_{жад}$=2,4034) га тенг бўлган вақтда, Y_{1Aaax}= 2,182t^2 - 4,524t + 10,49 кўринишдаги регрессия тенгламасини танлаб олдик.

ХУЛОСА

Ҳозирги шароитда аҳолига алоқа ва ахборотлаштириш хизматини кўрсатиш соҳаси хилма-хил қўшимча хизматлар таклиф этади, бу хизматларнинг асосий мазмуни аҳолини турмуш шароитидаги ташвишлардан озод қилиш, хизматлар сифатини ошириш ва аҳолининг кундалик ҳаётини мазмунли ўтказишдан иборатдир. Натижада аҳолига алоқа ва ахборотлаштириш хизмат кўрсатиш тармоқғининг ривожланиш методологияси ва ривожлантириш мақсадларини шакллантириш, қарорлар усули ва баҳолаш мезонлари вариантларини танлаш, оптимал вариантларни ишлаб чиқиш эхтиёжи туғилади.

Адабиётлар

1. Рахимов А.Н. Аҳолига хизмат кўрсатишни ривожлантиришда ахборот модели. // Бизнес-Эксперт журнали. 2019 йил 11-сон 94-97 б.
2. Рахимов А.Н. Қашқадарё вилояти аҳолисига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланиш жараёнини иқтисодий таҳлили. // “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш шароитида инновациялар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани. ТАТУ Қарши филиали, 2019 йил 15-17 апрел. 522-526 б.
3. Рахимов А.Н., Ҳасанов Ш.Х., Муминов Ф.Ш. Хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларини ривожлантиришнинг самарадорлиги. // “Инновацион менежментни ривожлантиришнинг замонавий муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани. Қарши-2014 йил (17-18 ноябр) 180-182б.

Азизбек Мингяшаров – ҚарМИИ магистранти

ИШСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ВА АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада аҳолини иш билан банд қилиш орқали ишсизликни камайтириш йўллари ва қишлоқ жойларида аҳолини иш билан бандлиги даражасини ошириш йўллари очиб берилган.

Калит сўзлар: аҳоли бандлиги, иш билан банд лик, иш уринлари, кичик тадбиркорлик, малака даражаси, меҳнат бозори

Аннотация: В статье раскрываются способы снижения безработицы за счет занятости и способы увеличения занятости в сельской местности.

Ключевые слова: занятость, занятость, рабочие места, малый бизнес, квалификация, рынок труда.

Abstract: This article discusses ways to reduce unemployment through employment and ways to increase employment in rural areas.

Keywords: employment, employment, jobs, small business, skill level, labor market.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боради. Зеро, меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳаётини яхшилаш тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим манбаси бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Аҳоли бандлиги муаммосига ечим топиш бутун дунёда долзарблик касб этган, жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам мазкур масалага давлат миқёсида қаралмоқда. Бу масаланинг ечими бир қанча давлат дастурларида ўз аксини топган.

Қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш ва қишлоқ меҳнат бозорини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таъсири катта. Чунки кичик тадбиркорлик янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини, бозорни турли-туман товар ва хизматлар билан тўлдириб келмоқда. Бундан ташқари, кичик корхоналар бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларни дарров илғаб, инвестицион жараёнларнинг фаол иштирокчи-сига айланиб, янги технологиялар базасида иш ўринлари ташкил этиб, ишчи кучининг сифат ва малака даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимиятлар томонидан барча ҳудудларда, айниқса, олис ва бориш қийин ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган

туманларда банк хизматлари турларини кенгроқ тарғиб қилиш, шунингдек, ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳа ташаббускорларига яқиндан амалий ёрдам бериш мақсадида аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, уларга мувофиқ яратилган имтиёзлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитлари юзасидан жойларда манфаатдор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалий учрашув ва семинарлар ташкил этиб борилмоқда.

Аҳолининг айниқса, ОТМлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш омили бўлаётган бундай учрашувларда оилавий бюджетни шакллантириш, тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилиш, ёш оилаларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш бўйича тренинглар ташкил этилмоқда, иқтидорли ва фаол хотин-қизларни рағбатлантириш чоралари кўриб борилмоқда. Бундан ташқари, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида тижорат банклари филиаллари вакиллари республиканинг ҳар бир маҳалласига, касб-ҳунар коллежига бириктириб қўйилган ва бу банклар ва аҳоли ўртасида доимий мулоқот муҳитини шакллантирган.

Тижорат банклари кичик тадбиркорлик субъектларининг бизнес режаларини фаол молиялаштириш билан мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этишга йўналтирилган устувор вазифалар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб бораверади.

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда қишлоқ меҳнат бозорлари амал этишининг мазмун қонуниятлари ва хусусиятларини таҳлил этиш уларнинг давлат томонидан тартибга солиниши, аҳолининг иш билан самарали бандлигини таъминлаш учун иш кучига талаб ва унинг таклифи, меҳнат баҳосига таъсир кўрсатадиган таъсирчан механизмларни шакллантириш объектив зарурат эканлигидан яққол далолат бермоқда.

Меҳнат бозорида рўй бераётган жараёнларга аралашмасликни тарғиб этувчи турли илмий назариялар мавжудлигига қарамасдан тараққий этган давлатлар амалиётида, аксинча, бу бозорга таъсир кўрсатишни кучайтириш, уни тартибга солишнинг самарали усул ва шаклларини излаб топишга интилиш тенденцияси кузатилмоқда.

Жаҳон амалиётида давлат томонидан меҳнат бозорини тартибга солишнинг турли иқтисодий механизмларидан фойдаланилган бир неча босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Шу билан бирга иш ҳақи ва иш билан бандликнинг ўзаро алоқадорлиги масаласи баҳс талаблигича қолмоқда. Қатор иқтисодчилар иш ҳақининг ортиши ва унинг юқорилиги меҳнатга талаб камайишининг асосий сабаби деб ҳисоблайдилар.

Давлат томонидан меҳнат бозори, шу жумладан қишлоқ меҳнат бозорини тартибга солиш тажрибасини таҳлил этиш бу қуйидагиларни назарда тутишини кўрсатди:

- давлат томонидан иш кучига талаб, унинг таклифи, баҳоси, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, шу жумладан ҳаракатчанлигига аниқ мақсадга қаратилган таъсир чораларини амалга ошириш;
- иш берувчиларга имтиёзлар бериш, солиқ, молия–кредит ва инвестиция сиёсати орқали янги иш жойлари яратиш ва самарали амал этаётган мавжуд иш жойларини сақлаб қолишни ҳар тарафлама қўллаб–қувватлаш;
- иш билан бандликнинг муқобил шаклларини ривожлантириш ва аҳолининг ўзини мустақил иш билан таъминлашни дастаклаш;
- турғун ишсизлик даражасини пасайтириш ва ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун иқтисодий шарт–шароитлар яратиш.

Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш даражасини ошириш учун кўрилаётган бу чораларга қарамасдан мазкур тармоқда ҳали жиддий муаммолар мавжуд. Аграр соҳа ўз хусусиятлари–қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги, сертармоқлилиги, табиий омилларнинг таъсири, қўл меҳнати салмоғининг юқорилиги ва ҳоказолар билан меҳнат ресурсларидан фойдаланишга жиддий таъсир кўрсатади. Айни пайтда тармоқда меҳнат унумдорлиги пастлиги, капиталнинг табиий тузилмаси оқилона эмаслиги учун қишлоқ хўжалиги иш кучининг йирик истеъмолчиси ҳисобланади.

Қишлоқ аҳолиси ўртасида иш билан банд бўлмаганлар даражаси шаҳардагига нисбатан юқори бўлишига қарамай, хўжалик ишлари авжига чиққан баҳорги экин-тикин, ҳосилни йиғиштириб олишда иш кучи тақчиллиги, айниқса сезилади. Бу эса ўз навбатида, қишлоқ меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклифни мутаносиблаштириш, аҳолининг иш билан бандлиги бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш асосида тартибга солиш учун таъсирчан чораларни кўриш зарурлигини билдиради.

Қишлоқ жойларида аҳолини иш билан бандлиги даражасини ошириш учун, қуйидаги чора-тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ меҳнат бозоридаги ҳақиқий ҳолатни вилоят ва туманлари кесимида аниқ таҳлилини олиб бориш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудларни имкониятидан келиб чиқиб дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш. Бунда ҳар бир туманнинг ички имкониятлари, миллий урф-одатлари, табиий-географик жойлашуви инобатга олинади. Бу эса тезроқ бозор ҳолатига ва меҳнат мослашувчанликни таъминлайди, ортиқча вақт ҳамда сарф ҳаражатларни талаб этмайди;
- қишлоқ жойларида иш билан бандликнинг ўз-ўзини банд қилиш, эгилувчан шаклларини (тўлиқсиз иш куни, ҳафталик, касаначилик, уй меҳнати, ҳунармадчилик, оилавий тадбиркорлик) кенгайтириш. Ушбу шаклдаги иш ўринларини ташкил этишга кам харажат қилиб юқори натижага эришилади;
- қишлоқларда тадбиркорлик ҳисобидан янги иш жойлари яратишни (молиявий, солиқ имтиёзлари бериш, фоизсиз кредитлар, қўшимча ер майдонлари, фойдаланилмаётган қувватларни ижарага бериш ва бошқа усуллар) қўллаб-қувватлаш.

М У Н Д А Р И Ж А :

I ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”		
Bozorov B.B., Boymurodov J.K.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida agrar sohani rivojlantirish	4
Улуғмурадова Н.Б. Болтаев Ш.С. Супонов Ф.Р.	Рақамли иқтисодиёт шароитида агрор соҳа ролини ошириш	7
Xudoyberdiyev S.I.	Firmalarning ishlab chiqarish faoliyatini optimallashtirish modeli	11
II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Уразов К.Б. Орзуқулова З.А.	Транспорт-логистика хизматларининг моҳияти, аҳамияти ва уларни республикамизда ривожлантириш заруратлари	15
Досчанов Т., Чўпонов С.О.	Дастурлаш хизматлари савдосини ривожлантиришнинг аҳоли бандлиги, фаравонлиги, яшаш сифати ва турмуш даражасини оширишдаги аҳамияти	19
Bozorov B.U. Baxriddinov R.B.	Aholi bandligi va turmush darajasini oshirishning nazariy asoslari	22
Буранов О.Б., Абдусаматов Ш.Б.	Некоторые особенности управления предпри-нимательством в процессе строительства	25
Bozorov B.U., Aminov J.B.	Innovatsion va raqamli iqtisodiyot sharoitida aholi ish bilan bandligini ta’minlash yo‘llari	28
Маматкулова Ш.Ж Рахматуллаев Э.	Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни	31
Абдусаматов Б.К.	Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инновацион жараёнларнинг роли	34
Шолдаров Д.А., Нурмухамедова Г.Ш	Рақамли иқтисодиётга ўтишда инсон омили фаровонлигини ошириш йўллари	38
Шукуров И.Х., Абдурайимов У.А., Базаров З.М.	Умумий овқатланиш корхоналари фаолияти таҳлили	41
Пардаев О.М.	Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни та-комиллаштиришнинг концептуал йўналишлари	44
Дилмонов Қ.Б.	Хизмат кўрсатиш соҳасида ўзини ўзи банд қилишнинг аҳоли яшаш сифати ва турмуш даражасига таъсири	48

Каланова М.Б.	Умумий овқатланиш корхоналарида кўрсатиладиган хизматлар сифати	51
Кулиев Б., Шукуров И.Х., Мукимова У.Т.	Озиқа толаларининг овқатланишдаги ўрни ва улар билан бойитиладиган рационларни такомиллаштириш йўллари	54
Болтаев Б.С., Хушмуродова М. Арипова Ш.А.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёлларнинг ўрни	57
Raximova S.	Organizational and legal forms of the market of medical services in Uzbekistan	60
III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”		
Пардаев М.Қ.	Мамлакатимизда пандемиядан кейинги шароитда туризмни ривожлантиришнинг айрим йўналишлари	64
Salayev S., Raximova S.	O'zbekistonda tibbiy xizmatlar bozori rivojlanishining asosiy yo'nalishlari: tibbiy turizm imkoniyatlari	70
Холиқулов А.Н., Фаттаев Ж.Ф.	Восстановления туризма в Узбекистане после пандемии каронавируса	74
Babaqulov B.M., Mirzaxodjayev A.B.	Mehmonxona xizmatlari sohasida investisiya faoliyatining samaradorligini oshirish yo'llari	77
Хуррамов О.К.	Ўзбекистонда рақамли туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	80
Норқулова Д.З., Эвадуллаев Т.Ш.	Зиёрат туризми ривожида геоахборот тизими-дан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари	82
Мухаммедова З.М	Туризм соҳасида инновацион фаолиятни жадаллаштириш	87
Амиров А.М. Низамов Ш.Р.	Умные города к направлениям умного туризма: теоретические аспекты	90
Buranov F.K., Mirzayeva U.X., Haydarov S.A.	Kompyuter va mobil ilovalarning turizm va mehmonxona xo‘jaligi faoliyatini rivojlantirishdagi ahamiyati	95
Норқулова Д.З., Фаттаев Ж.Ф.	Актуальность геоинформационные систем в развитие гостевой домов в Узбекистане	99
Самиев С.С.	Ишбилармонлик туризмида меҳмонхона хизматлари сифатини баҳолаш хусусиятлари	101
Buranov F.K.	Turizm sohasini rivojlantirishda mehmonxona xizmatlarining o‘rni: mavjud muammolar va ularga yechim (Samarqand shahri misolida)	105

IV ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Усманов И.А., Мирзаев З.А.	Замонавий ташкилотларда бошқарув тузилмаларнинг аҳамияти ва турлари	107
Қалмуратов Б.С.	Минтақада саноатни ривожлантиришни инновацион бошқаришнинг назарий жиҳатлари	111
Усманов И.А. Жуманов Ш.Н.	Қурилиш-монтаж ишларини бажаришда сифат назоратининг айрим хусусиятлари	115
Маматкулова Ш.Ж Рахматуллаев Э.	Меҳнат бозорини ўрганиш ва тадқиқот қилиш йўллари	118
Рафиқов Р.А., Холиқулов А.Н.	Нефт-газ комплексидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарали жиҳатлари	123
Yahyoxonov N.B.	Xizmat ko‘rsatuvchi sub’ektlari faoliyatiga raqamli marketing texnologiyalarini joriy etishning nazariy masalalari	128
Juraeva D.S.	Oziq-ovqat mahsulotlari eksportini rivojlantirishda marketing tadqiqotlarini olib borish	131
V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Зайналов Дж.Р. Усмонова Ш.Ш.	Эффект, образующийся при сокращении величины инвестиционных вложений	134
Калонов М.Б.	Банк тизимида масофадан хизмат кўрсатишнинг аҳамияти	138
Досчанов Т., Алланазаров О.Б.	Тадбиркорлик фаолияти ишлаб чиқаришидаги хатарлари ва улардан суғурталашнинг ўзига хос томонлари	141
Джульматова С.Р.	Инвестиции и человеческий капитал	144
Хайдаров З.Ш.	Банкларaро кредит ресурслари бозорига Ўзбекистон Марказий банк пул-кредит сиёсатининг таъсири	146
Хусанов Б.Ш., Усмонова Ш.	Инвестиция мухитини яратиш орқали иқтисодий тараққиётни таъминлаш истиқболлари	153
Улашев Х.А., Усманов Ф.	Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни	158
Бауетдинов М.Ж., Нурбоев Ш.К.	Молия сектори орқали корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш йўллари	161

Джалилов Ф.А., Қушвахтов Ж.А.	Ҳудудларда кичик тадбиркорликни ривожлантиришда инвестицияларни роли	165
Хамроев М.С., Усмонова Ш.	Суғурта хизматлари жараёнини инновациялаш йўллари	168
Жуманазаров О.С.	Инвестиционное развитие региона в условиях модернизаций экономики	171
Латипова Ш.М.,	Пандемия шароитида миллий лизинг бозорини қўллаб-қувватлаш масалалари	174
Искандаров М.Л.	Хизмат кўрсатиш соҳасини самарадорлигини оширишда тижорат банклари фаолиятида замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг долзарб масалалари	178
Юлдашев Ж.А.	Тижорат банкларини инновацион ривожланишида рақамли трансформациялашув	180
Латипова Ш.М. Нурбоев Ш. , Набиев Ш.	Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда лизинг-левериж моделини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари	185
VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Уразов К.Б., Азимова Ш.	Асосий воситаларга киритилган капитал инвестициялар аудитининг долзарб масалалари	188
Уразов К.Б. Умарова Ш.К.	Нефт махсулотларини сотиш корхоналарида аудит ўтказишда халқаро стандартлар асосида тузиладиган молиявий ҳисоботлардан фойдаланиш	194
Худайбердиев Н.У., Пардаев М.С.	Корхоналарда иш ҳақи ва у билан боғлиқ жараёнлар ҳисобини такомиллаштириш	201
Фарманова З.Т.	Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари	204
Мисиров К.	Экологик ҳисоботни халқаро стандартлари асосида юритишнинг ўзига хослиги	207
Абдувахидов Ф.Т., Дадабаев Ш.Х.	Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи кор-хоналарда товар - моддий захиралар таҳлили	212
Амонов А.	Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш жараёнида бухгалтер-экспертнинг вазифаси, ҳуқуқи ва мажбуриятлари	216
Djumayeva G.	O‘zbekistonda moliyaviy hisobning xalqaro standartlariga o‘tishning zaruriyatlari va muammolari	220

VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”		
Улуғмурадова Н.Б. Баходиров Ш.Б.	Кичик бизнес соҳасида меҳнат муносабатларининг инновацион шаклларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш	223
Baxromov Sh.A., Siddiqov A.A., Shukurov M.F.	Malakali kadrlar tayyorlashda dunyo mamlakatlari tajribasini qo`llash va uning samaradorligi (Yaponiya misolida)	226
Улуғмурадова Н.Б. Хайруллаев С.У.	Ижтимоий меҳнат муносабатларини иннова-ционшакллантиришнинг методологик асослари	228
Юсупов Ш.Ш.	Ўқитиш жараёнида ахборот коммуникацион технологиялар орқали талаба фаоллигини ошириш имкониятлари	232
Тохиров Ж.Р.	Таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шериклик моделларидан фойдаланиш йўллари	235
VIII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”		
Очилов Ш.Б., Хайитова М.Н.	Корреляцион моделларни қуришнинг дифференциаллар усули	239
Мухитдинов Х.С., Нормаматов Х.М.	Қашқадарё вилоятида аҳолига алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини кўрсатишнинг тренд моделини яратиш	244
Мингяшаров А.	Ишсизликни камайтириш ва аҳолининг бандлигини ошириш йўллари	248

Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари

2021 йил. Қоғоз бичими А5,

Офсет қоғози. Times New Roman" гаремтураси
Босма тобоғи 15,5 б.т.
Буюртма № ___, Адади 80 нусха

"Наврўз полиграф" МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 18-3327 30.08.2019 йил

Манзил: Самарқанд шаҳри, Л.М.Исаев кўчаси, 38-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021